5. Денисов П.В., Иванов А.Б., Мишуров Н.П., Петухов Д.А., Подъяблонский П.А., Трошко К.А. Прогнозирование урожайности озимой пшеницы с использованием технологий дистанционного зондирования земли // Управление рисками в АПК. - 2021. - № 1 (39). - С. 375. (дата обращения: 25.03.2025).

6. Мишуров Н.П., Петухов Д.А., Свиридова С.А., Подольская Е.Е., Труфляк Е.В. Эффективность применения элементов координатного земледелия при производстве озимой пшеницы // Техника и оборудование для села. - 2022. -№ 8 (302). - С. 44-48 (дата обращения: 21.03.2024).

УЎТ: 631.674.6:633.511

ТУРЛИ СУҒОРИШ УСУЛЛАРИДА ҒЎЗАНИНГ СУВ ИСТЕЪМОЛИНИ АСОСЛАШ

Оллониёзов Сардор Пўлат ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
olloniyozovsardor@gmail.com
https://orcid.org/0009-0006-7217-2460
Гаппаров Самандар Маматқулович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
“Суғориш технологиялари ва техникаси” лабораторияси мудири,
PhD, катта илмий ходим
gapparovsm@mail.ru
https://orcid.org/0000-0003-4425-2181
Джумаев Зиядулла Таштемирович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
“Илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш” бўлими бошлиғи,
PhD, катта илмий ходим
ziyadulla83@mail.ru
https://orcid.org/0000-0003-3313-3961
Утаев Абдуҳолиқ Абдурашидович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
“Ирригация тизими ва суғориш тармоқларини ишлатиш”
лабораторияси мудири, PhD, катта илмий ходим.
abduxoliqsss@mail.ru
https://orcid.org/0000-0001-7006-1456
Уразкелдиев Абдувоҳид Бахтиёрович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори в.в.б.,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим
vaxid7272@mail.ru

Аннотация. Мақолада Жиззах вилоятининг автоморф тупроқлари шароитида ғўзанинг турли суғориш усулларида сув истеъмолини асослаш бўйича назарий ва дала тадқиқотлари натижалари келтирилган. Ғўзанинг сув истеъмолини асослашда тупроқ таркиби, суғориш усулларини ҳисобга экин коэффициент (Кс)лари ҳалқаро ФАО услуби асосида махаллий шароитга адаптация қилинган ҳамда дала тадқиқотлари натижалари бўйича асосланган.

Калит сўзлар: ғўза, суғориш, экин коэффициенти, мулчалаш, томчилатиб суғориш, эгатлаб суғориш, ФАО услуби, сув истеъмоли, тупроқ, иқлим.

Abstract. The article presents the results of theoretical and field studies on the justification of water consumption of cotton under various irrigation methods in the conditions of automorphic soils of the Jizzakh region. When substantiating the water consumption of cotton, the soil composition, irrigation methods, and crop coefficients (Kc) were adapted to local conditions based on the international FAO method and were substantiated based on the results of field studies.

Keywords: cotton, irrigation, crop coefficient, mulching, drip irrigation, furrow irrigation, FAO methodology, water consumption, soil, climate.

Кириш. Сўнгги йилларда сувга бўлган талабнинг тармоқлар бўйича кескин ортиши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда сув тежамкор суғориш технологияларни тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда. Дунё миқёсида ғўза муҳим ва энг кўп сув талаб этадиган қишлоқ хўжалик экинларидан бири эканлиги ҳамда “2030 йилга бориб глобал сув танқислиги 40 фоизни ташкил этишини ҳисобга олсак”, ғўзани суғоришда сувни тежаш имконини берадиган такомиллаштирилган суғориш усуллари ва тадбирларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан экинларни суғоришда нафақат сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва тупроқ эрозиясини олдини олиш, тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланишни камайтиришда турли материаллар билан мулчалаш сувни беҳуда исрофини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Қишлоқ хўжалик экинларининг сув истеъмолини асослашда экин турларини ҳисобга олиб экин коэффициенти (Кс) ни аниқлашда маҳаллий тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олиб мослаштириш муҳим ҳисобланади. Экинларининг сув истеъмолини ҳисоблаш усуллари етарлича ўрганилган.

А.Н.Костьяков томонидан ўсимлик томонидан истеъмол қиладиган умумий сув миқдорини ҳисоблашда экин тури ва уни етиштиришда режалаштирилган ҳосил миқдори [1; 652-б], экин туридан келиб чиқиб сув истеъмоли коэффициенти (1 ц ҳосилга $м^3$ да) асосида аниқлашни таклиф қилган. Бунда экиннинг сув истеъмоли коэффиценти олиб борилган кўп йиллик дала тадқиқотлари натижаларига асосланган маълумотлар бўйича қабул қилинган.

Сув истеъмоли иқлим кўрсаткичлари, тупроқ унумдорлиги, бажариладиган агротехник тадбирлар ва ҳосилдорликка боғлиқ ҳисобланиб, бу қиймат агротехникани яхшиланиши, бирлик майдондан олинаётган

ҳосилдорликнинг ўсиши ва тупроқ унумдорлигининг ортиши билан камайиши таъкидланган.

Қишлоқ хўжалик экинларининг умумий сув истеъмоли А.Н.Костьяков томонидан тавсия этилган услуб бугунги кунгача амалётда кенг қўлланилиб, ўсимлик томонидан истеъмол қиладиган умумий сув меъёрини қуйидаги тенглама орқали аниқлашни тавсия қилган [1; 652-б].

$$E = Y \cdot Ey; \quad (1)$$

Бунда *Y*-ўсимлик туридан келиб чиқиб режалаштирилган ҳосил миқдори, ц/га, *Ey*-мазкур экиннинг сув истеъмоли коэффициенти (1 ц ҳосилга $м^3$ да).

А.Н.Костьяков томонидан таклиф қилинган мазкур услубда барча тупроқ-иқлим шароитларида қишлоқ хўжалик экинларининг сув истеъмоли коэффициентлари мавжуд эмас. Шунингдек қишлоқ хўжалик экинларнинг умумий сув истеъмолини аниқлашда В.Е.Еременко ва С.Н.Рыжов томонидан ҳам эмперик тенгламалар таклиф қилинган. В.Е.Еременко қишлоқ хўжалик экинларнинг сув истеъмолини ҳисоблаш учун қуйидаги тенгламани таклиф қилган [2; 39-42].

$$E = V \cdot Ky \cdot K \cdot L \cdot Z; \quad (2)$$

Бунда *E*-экиннинг умумий сув истеъмоли, $м^3$/га; *V*-қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, ц/га; *Ky*-сув истеъмоли коэффициенти, $м^3$/ц; *Z*-ҳудудий коэффициент; *K*-ҳудуднинг гидрогеологик шароитни ҳисобга олувчи коэффициент; *L*-юқори ҳосилдор, маданийлашган тупроқлар учун сув истеъмоли коэффициенти (0,90-0,92) [1; 652-б].

Қишлоқ хўжалик экинларининг умумий сув истеъмолини ҳисоблашда иқлим кўрсаткичларини инобатга олувчи услублар ҳам мавжуд бўлиб И.А.Шаров томонидан умумий буғланишни аниқлашда қуйидаги тенглама таклиф қилинган [3; 448-б].

$$E = K \cdot \Sigma t + 4B; \quad (3)$$

Бунда Σt-ҳаво ҳароратининг ўртача суткалик йиғиндиси, °С; B-ҳисоб давридаги жами кунлар сони; *K-1 ℃* ўртача суткалик ҳаво ҳароратига боғлиқ буғланиши, 2 га тенг.

Мазкур таклиф қилинган тенглама вегетация давридаги ўртача суткалик ҳаво ҳарорати йиғиндиси ҳамда вегетация даври давомийлигини ўз ичига олади.

Шунингдек А.М.Алпатьев қишлоқ хўжалик экинларини сув истеъмоли аниқлаш бўйича қуйидаги тенгламани таклиф қилади [4; 81-83 б].

$$E = K \cdot \Sigma d; \quad (4)$$

Бунда *K*-ҳисобий даврдаги биологик эгрилик коэффициенти; Σd-ҳисобий даврдаги ҳаво намлиги тақчиллиги, ўртача суткалик йиғиндиси, мб да.

1-жадвал

Мирзачўл ҳудуди учун А.М.Алпатьев тенгламаси ёрдамида ҳисобланган биологик коэффициентлар

Ойлар	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь
K	0,25	0,27	0,25	0,25	0,34	0,32

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик экинларини сувга бўлган талаби А.И.Будаговский томонидан қуйидаги тенглама ёрдамида аниқлаш таклиф қилинган [5; 52-56 б].

$$ETo = \frac{W - Wz}{Wppv - Wvz}; \quad (5)$$

Бунда *Wppv*-тупроқнинг чекланган дала нам сиғимига мос намлик миқдори, *Wvz*-“сўлиш” намлиги.

Очиқ сув сатҳидан бўладиган буғланиш миқдори Н.Н.Иванов томонидан таклиф қилинган ҳамда Л.А.Молчанов томонидан *K=0,8* тузатиш коэффициенти киритилган [6;35-39-б].

$$\text{Eo} = (0{,}0018)0{,}8(25 + \text{t})^2(100 - \text{a}); \quad (6)$$

Б.Е.Милькис томонидан ҳам умумий буғланиш миқдорини умумий радиация ва булутланиш орқали ҳисоблаш услуби таклиф қилинган.

$$E = \frac{Kq \cdot Qp}{L}; \quad (7)$$

Бунда *E*-умумий буғланиш миқдори, мм/ой; *Kq*-йил мавсумига боғлиқ бўлган қуёш радиацияси жадаллиги коэффициенти; *Qp*-умумий радиация, кал/см^2 ой; *L*-буғ ҳосил бўлишига сарфланадиган яширин иссиқлик миқдори, кал./т.

Умумий радиация Савинова-Онгстремнинг қуйидаги тенгламаси ёрдамида аниқлашни таклиф қилишган.

$$Q_p = Q_o[1 - (1 - K_1)\text{n}]; \quad (8)$$

Бунда *Qo*-булутсиз осмондаги умумий радиация; *n*-бирлик улушда ўртача булутланиш; K_1-тўла булутланишда булутларнинг юқори чегарасига

tўғри келадиган қуёш радиациясининг қанча қисми ер сатҳига етиб келишини кўрсатувчи эмпирик коэффициент.

Б.Е.Милькис томонидан таклиф қилинган тенглама бўйича умумий радиация миқдори Савинов-Онгстрем тенгламаси бўйича ҳисобга олинади. Бунда K_1-эмпирик коэффициент ҳисобланиб, тўла булутли бўлмаган кунлар учун қабул қилинади. Бироқ тўла булутли бўлмаган кунлар учун мазкур қийматни қандай қабул қилиш бўйича аниқ маълумот келтирилмаган.

Бундан ташқари умумий буғланиш миқдори арид минтақаларда кўп жиҳатдан ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, САНИИРИ олимлари томонидан ғўза майдонларида кўп йиллик олиб борилган дала тажриба тадқиқотлари асосида аниқланган иссиқлик балансининг ўртача қийматлар аниқланган (2-жадвал).

Х.Аманов томонидан ҳам умумий буғланишни аниқлашда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлик кўрсаткичлари, сизот сувлари сатҳи ва ҳаво ҳарорати йиғиндисини ҳисобга олувчи қуйидаги тенгламани таклиф қилади.

$$E = 11{,}64\beta\sqrt[4]{\frac{\Sigma tY}{H}}; \qquad (9)$$

Бунда E-умумий буғланиш миқдори, мм да; Σt- ўртача кунлик ҳарорат йиғиндиси, ^{0}C да; Y-қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосил миқдори, ц/га; H-сизот сувлари сатҳи, м; β-қишлоқ хўжалик экинларни вегетация даврларига боғлиқ сув истеъмолини ҳисобга олувчи коэффициенти.

Х.Аманов тенгламаси экинларнинг умумий сув истеъмоли вегетация даврида кузатилган ҳаво ҳарорати йиғиндиси, сизот сувлар сатҳи ва ҳосил миқдорига бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Мазкур тенглама буғланишни ойлар кесимида ҳаво ҳарорати билан тўғридан-тўғри боғланмаган коэффициент орқали ҳисоблаш имконини беради. Бу тенглама бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги буғланишнинг ортиши билан ортади.

2-жадвал

Ғўза далалари учун *Kq* коэффициентининг ойлик қийматлари

Ойлар	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	Ўртача
Kq	0,251	0,289	0,366	0,560	0,513	0,640	0,437

Қишлоқ хўжалик экинларни вегетация даврига боғлиқ сув истеъмолини ҳисобга олувчи коэффициент қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Х.Аманов тенгламаси бўйича коэффициент қийматлари

Ойлар	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь
β	0,31	0,57	0,91	1,54	1,88	1,21	0,57

Шунингдек С.И.Харченко томонидан умумий буғланишни соддалаштирилган қуйидаги тенглама ёрдамида аниқлашни таклиф этади.

$$E = \frac{R-P}{60\left(1+0{,}64\frac{dt}{dl}\right)}; \quad (10)$$

Бунда E-умумий буғланиш миқдори, мм/соат да; P-фаол юзанинг радиация баланси, кал/г.см^2; R-тупроқдаги иссиқлик оқими, кал/с. см^2; dt-0,5 ва 2,0 метр баландликда ҳаво ҳароратининг ўзгариши; dl-мутлоқ намликнинг ўзгариши.

С.И.Харченко ва Б.Е.Милькис томонидан таклиф қилинган услубда буғланишни радиация баланси билан тўғридан-тўғри боғлайди. Бироқ ҳаво ҳароратини ўзгаришини ҳисобга олмайди. Адабиётларда хориж давлатларида экинларнинг умумий сув истеъмолини ҳисоблаш услублари бўйича А.М.Алпатьев, Х.Ф.Блейни, В.Д.Криддла, Х.Л.Пенмана, Л.Тюрк ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам батафсил ўрганилган.

Сўнгги йилларда соҳа олимлари томонидан эвапотранспирация миқдорини ҳисоблашда иқлим кўрсаткичларини қўллаш орқали эмпирик тенгламалардан фойдаланиб аниқлаш услублари ишлаб чиқилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан 1990 йилда бўлиб ўтган Экспертлар Кенгашида эвапортанспирация миқдорини ҳисоблашда Пенмана-Монтейта услубидан фойдаланиш тавсия этилиб, бунда ҳаво ҳарорати, намлик, шамол тезлиги ва қуёшнинг нур сочиш давомийлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳудудларда мазкур услубни махаллий шароитга адаптация қилиш таклиф этилган. Пенмана-Монтейта услуби бир хил ўсимлик қопламида энергия алмашинувини тартибга солувчи барча параметрларни ҳамда тегишли равишда эвапотранспирацияни ҳисобга олади. Эвапотранспирацияни ҳисоблашда об-ҳаво маълумотларидан турли иқлим ва физик параметрлардан фойдаланишни талаб этади. Мазкур параметрларнинг асосий қисми об-ҳаво маълумотлари асосида ҳисоблаш имконини беради.

Экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлашда иқлим шароити, вегетация даври давомида кузатилган ҳаво ҳарорати, ҳавонинг нисбий намлиги, ёғингарчилик миқдори, сизот сувлар сатҳи ва минерализацияси,

экин туридан келиб чиқиб ривожланиш даврлари ҳамда давомийлиги ҳисобга олинади. Экиннинг умумий сув истеъмолини ҳисоблашда ФАО услубидан фойдаланишда соҳа илмий-тадқиқот институтлари томонидан олиб борилган кўп йиллик дала тадқиқот маълумотларидан ҳам фойдаланиш ҳам мумкин [7; 9-12 б].

Умуман республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитлари учун қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш тартиби ва меъёрини ҳалқаро ФАО услуби бўйича ҳисоблашда қуйида келтирилган эмперик тенгламаларни маҳаллий шароитга адаптация қилиб ҳисоблаш ишлари амалга ошириш мумкин [8; 296-б]. Экинларини сувга бўлган талаби ва мақбул суғориш тартиби қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади.

$$Op = We - Wb - Ge - Pe + ETc; \quad (11)$$

Бунда: We-ой охиридаги тупроқдаги намлик захираси, мм; Wb-ой бошидаги тупроқдаги намлик захираси, мм; Pe-атмосфера ёғинлари, мм; Ge-сизот сувларидан илдиз қатламига намликнинг капилляр кўтарилиш тезлиги, мм/кун; ETc-экинлар эвапотранпирацияси, мм [9; 127-б].

ФАО услуби бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш графигини тузишда экин тури, вегетация давомида ойлар бўйича экиннинг илдиз тизими жойлашган тупроқ қатламда тўпланган намлик миқдорининг ўзгаришини ҳисобга олиб қуйидаги тенглама бўйича сув баланси асосланади.

$$We = Wb + Ge + Pe - ETc; \quad (12)$$

Экиннинг суғориш меъёрини ҳисоблашда вегетация даврида тупроқнинг 1 м қатламида тузларнинг тўпланишини ҳамда шўр ювиш меъёрини ҳам ҳисобга олиш зарур.

$$ETc = Kc \cdot ETo; \quad (13)$$

Бунда: ETc-экин майдонининг эталон эвапотранспирацияси; Kc-экиннинг сув истеъмолини ҳисобга олиш коэффициент.

ФАО услубидан фойдаланиб экин турлари бўйича мақбул суғориш тартибини аниқлашда тадқиқот объектига яқин бўлган метеостанция маълумотлари асосида Пенмана-Монтейта тенгламасидан фойдаланиш мумкин.

Экин коэффиценти (Кс) нинг қиймати экиш муддати, ривожланиш босқичлари, вегетация даври давомийлиги, суғориш усули ва техникаси ҳамда иқлим шароити каби омилларга бевосита боғлиқ. Экин коэффиценти (Кс) қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича олиб борилган кўп йиллик дала эксперимантал тадқиқотлари асосида аниқланади. Маҳаллий

шароитга адаптация қилинган ҳалқаро ФАО услуби бўйича ғўзанинг умумий сув истеъмолини ҳисоблашда ИСМИТИ томонидан Мирзачўл шароитида сизот сувлар сатҳи 1,5: 2,0: 2,5 ва 3,0 м бўлган лизиметрларда олиб борилган тадқиқотларда аниқланган экин коэффициент (Кс) лари асосида қабул қилиш ҳам мумкин [10; 5-б].

$$ET = (Wk - Wn) + Oc + B \pm v; \quad (14)$$

Бунда: Wk-вегетация даври бошидаги тупроқдаги намлик захираси, мм; Wn-вегетация даври охиридаги тупроқдаги намлик захираси, мм; Ос-атмосфера ёғинлари, мм; В-суғоришга берилган сув миқдори, мм; ±v - «+» қуйилган сув ёки «-» олинган сув, мм.

Лизиметрларда олиб борилган тадқиқотларда тупроқнинг аэрация зонасидаги қатламларида умумий буғланиш миқдорини ва умумий сув балансини амалий жиҳатдан аниқлаш имконини беради.

Суғориш усулларини такомиллаштириш, хусусан эгатлаб суғориш, томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, тупроқни турли материаллар ёрдамида мулчалаш натижасида суғоришга сарфланадиган сув сарфининг камайиши, сувдан фойдаланиш самадорлигини ортиши ҳамда тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланиш миқдорини камайтириш орқали экин коэффициент (Кс) ни мақбуллаштириш мумкин. Республикамиз шароитида турли материаллар ёрдамида мулчаланган ғўза майдонларни томчилатиб суғоришда экин коэффициентлари (Кс)га таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Экин коэффициентини аниқлашда эталон эвапотранспирацияси (ЕТо)ни экин эвапотранспирация (ЕТс)сига билан боғлаш учун экин коэффициенти (Кс) киритилиб экинларнинг ривожланиш босқичлари бўйича сув истеъмоли ҳисобга олинади.

Ўсимликнинг ўсишида тўлиқ самарадорликка эришишда (Кс) нинг эвапотранспирация қиймати касалга чалинмаган, мақбул (оптимал) тупроқ шароитига эга бўлган катта далаларда ўсаётган ўсимлик, мақбул тупроқ унумдорлиги ва суғориш шароитлари ҳисобга олинади ҳамда экин эвапотранспирация (ЕТс) си 13-тенглама бўйича ҳисобланади. Вегетация даврида тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланишни камайтиришда мулчалаш юқори самара беради. Натижада экин коэффиценти (Кс) нинг қиймати ўртача 10-30 % га ёки тупроқдан бўладиган буғланиш миқдори эса 50-80 % га камаяди [8; 269-б].

4-жадвал

Мирзачўл шароитида лизиметрларда олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланган ғўзанинг (Кс) экин коэффициентлари (Р.К.Икрамов, С.М.Гаппаров, Л.Х.Шездюкова маълумотлари бўйича)

Экин коэффициент (Кс)лари	ССС, м	Ғўзанинг ривожланиш босқичлари ва давомийлиги, кун				Ўртача
		Кс ini (ғўзанинг бошлан-ғич ривож-ланиш даври)	Кс dev (ғўзанинг ривож-ланиш даври)	Кс mid (ғўзанинг ривожланиши-нинг ўрта даври)	Кс end (ғўзанинг ривожланиш-нинг охирги пишиш даври)	
		14.05-31.05	1.06-21.07	22.07-30.08	1.09-30.09	
Лизиметр-ларда олиб борилган тадқиқотлар бўйича	1,5	0,38	0,71	1,16	0,91	0,79
	2,0	0,32	0,62	1,05	0,68	0,67
	2,5	0,29	0,59	1,02	0,63	0,63
	3,0	0,28	0,57	1,01	0,63	0,62

ФАО услубини адаптация қилишда ғўзани анъанавий эгатлаб ҳамда турли материаллар ёрдамида мулчалаб томчилатиб суғоришда ҳисобий тупроқ қатламида намликнинг кўпроқ муддат сақланиши, тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланиш мулчаланган майдонларда экин коэффициентининг 30% гача камайиши мумкинлигини кўрсатди. (ETc)-тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланиш ҳамда ўсимликдан бўладиган транспирация йиғиндиси ҳисобланиб, ғўзанинг ривожланиш босқичларидаги ўлчов қийматлари, ер юзасининг қопланганлиги, бўйи, баргларининг умумий юза сатҳига боғлиқ ҳолда вегетация даврида экин коэффиценти (Кс) нинг ўзгариши ўсимликларнинг ўсиш даврларида сув истеъмолига бевосита боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

Тадқиқот услублари: Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш техникаси ва суғориладиган ерларни районлаштириш усуллари, экинларнинг сувга бўлган талабларини ҳисоблаш бўйича кўрсатмалар. ФАО нинг “Ирригация ва дренаж бўйича қўлланма”си ҳамда “Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш техникаси ва суғориладиган ерларни районлаштириш мақсадида рационал усуллардан оқилона фойдаланиш усуллари” дан фойдаланилди.

Иқлим маълумотлари: Тадқиқот объекти Жиззах вилоятининг автоморф тупроқлари ҳисобланиб, Жиззах метиостанцияси маълумотлари

бўйича қабул қилиниб, 2011-2020 йиллар вегетация даврида кузатилган ўртача ойлик иқлим маълумотларидан фойдаланилди (5-жадвал).

5-жадвал

Жиззах вилояти учун 2011-2020 йилларга оид ойлик ўртача иқлим маълумотлари

Ойлар	Ҳаво ҳарорати, °C			Ҳавонинги нисбий намлиги, фоиз		Ёғин, мм	Ўртача шамол тезлиги, м/с	Қуёш радиацияси, МЖ/м²/кун
	Ўрта-ча	Мак-симал	Мини-мал	Ўрта-ча	Мини-мал			
Март	10.23	16.37	5.42	69.38	59.0	72.90	1.59	5.13
Апрель	16.07	22.52	10.32	63.90	54.3	60.52	1.71	6.71
Май	22.67	29.87	15.34	54.05	35.1	30.41	1.67	8.66
Июнь	27.33	34.82	19.00	48.09	31.3	7.95	1.62	10.30
Июль	28.83	36.36	20.16	49.60	27.3	2.24	1.51	10.58
Август	26.57	34.26	18.33	51.22	28.2	3.20	1.34	10.08
Сентябрь	21.03	29.39	13.25	54.22	35.2	6.19	1.29	9.18

6-жадвал

ФАО услуби бўйича ғўзанинг (Кс) экин коэффициентлари

№	Экин коэффициент (Кс)лари	Ғўзанинг ривожланиш босқичлари ва давомийлиги, кун				Ўртача
		Кс ini (ғўзанинг бошланғич ривож-ланиш даври)	Кс dev (ғўзанинг ривож-ланиш даври)	Кс mid (ғўзанинг ривож-ланишининг ўрта даври)	Кс end (ғўзанинг ривожланиш-нинг охирги пишиш даври)	
		25.03-23.04	24.04-22.06	23.06-11.08	12.08-01.09	
		30 кун	60-кун	50 кун	20 кун	
1.	ФАО услуби бўйича	0,35	0,85	1,15	0,70	0,76
2.	ФАО услубини маҳаллий шароитга мослаш-тирилган	0,44	0,98	1,19	0,76	0,84

Тупроқ маълумотлари: Тадқиқот объекти тупроқлари механик таркиби ўрта қумлоқ (физик лой 26-30%, қум 19-25%, қумлоқ 44-50%), сизот сувлари 3 м дан пастда жойлашган автоморф шўрланмаган тупроқлар,

тупроқнинг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) 17.8%, суғориш олди тупроқ тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 11,6-13,6% ни ташкил қилади.

Ғўзанинг вегетация даври ФАО қўлланмаси бўйича қабул қилиниб 160 кун (25.03-1.09) ни, ривожланиш босқичлари эса 4 та даврга, I-ғўзанинг бошланғич ривожланиш даври, чигит экилган санадан бошлаб ўсимлик ер юзасини 10 % га қоплагунгача бўлган давр (30 кун); II-ғўзанинг ривожланиш даври, ғўзанинг бошланғич ривожланиш даврининг якунланишидан ер юзаси 70-80 фоизгача қоплангунга бўлган давр (60-кун); III-ғўзанинг ривожланишининг ўрта даври, ўсимлик баргларининг ер юзасини тўлиқ қоплангандан ҳосил пишиб етилгунгача бўлган давр (50 кун); IV-ривожланишнинг охирги пишиш даври – (20 кун).

ФАО-56 қўлланмасига асосланиб, Пенмана-Монтейта тенгламаси ёрдамида эталон эвапотранспирация (ЕТо) ҳисобланди [11]. Экин коэффиценти (Кс) нинг қиймати экин тури, экиш муддати, ривожланиш босқичлари, вегетация даври давомийлиги, суғориш усули ва техникаси (эгатлаб, томчилатиб, мулчалаш) ҳамда иқлим шароити каби омилларга бевосита боғлиқ юўлиб, экин коэффиценти (Кс) қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича олиб борилган кўп йиллик дала экспериментал тадқиқотлари асосида аниқланади.

Иқлим шароитларига мослаштириш. Экин коэффициент (Кс)ларини маҳаллий шароитга адаптация қилишда Кс ini - ғўзанинг бошланғич ривожланиш даври учун экин коэффициент (Кс)и аниқланади. Кс ini - экиннинг вегетация бошланишидаги (ер юзасининг ~10% қисми ўсимлик билан қоплангунча) умумий буғланиш ва транспирацияни ифодаловчи дастлабки экин коэффициенти ҳисобланади [11; 112-119-б].

ФАО-56 қўлланмаси бўйича бу босқичдаги умумий эталон эвопотранспирацияси (ЕТс) асосан тупроқ юзасидан буғланиш (Ке) ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун, Кс ini ни аниқ ҳисоблашда сув манбаи, намланиш, иқлим ва тупроқ хоссалари инобатга олиниши зарур [11; 112-119 б]. Бошланғич босқичдаги эталон эвапотранспирация ЕТо (мм/кун) - 3.01 мм/кун; намланиш частотаси суғориш оралиғи (кун) - бошланғич даврда суғорилмаган; намланиш чуқурлиги I (мм) - бошланғич даврда суғорилмаган сабабли даланинг намлик миқдоридан келиб чиқиб юелгиланди I=55 мм; тупроқнинг механик таркиби - ўрта қумоқ; ҳўлланган юза улуши fw томчилатиб суғоришда 0,3–0,4:

Чигит экиш олдидан дастлабки тупроқ намлиги. Бунда қайта намланиш мавжуд бўлмаган шароит учун тупроқдаги намлик миқдорини

камайиши ҳисобга олинади. Мазкур ҳолатда ФАО-56 қўлланмаси бўйича 5 кун ёки ундан ортиқ интервал ҳисобланиши тавсия қилинади [11; 112-119 б].

1-расм. **Бошланғич босқич учун ўрта механик таркибли тупроқлардаги юқори намланиш шароитида Кс ini қийматининг ЕТо ва намланиш интервалига боғлиқлиги** [11; 115-б].

Шу асосда графикдаги 5 кунлик чизиқ билан ЕТо ўқи кесишган нуқтадан $K_{ini\ graph}$≈0,85 деб визуал тарзда қабул қилинди. Экинларни томчилатиб суғоришда умумий майдоннинг маълум яъни асосий экин экилган қисми суғорилиши сабабли, f_w (surface wetted fraction) билан тузатма киритилади:

$$К_{c\ ini} = f_w \cdot K_{ini\ graph}; \quad (15)$$

Кс ini-ғўзанинг бошланғич ривожланиш даври, 25.03-23.04: Кс ini=$f_w \cdot K_{ini\ graph}$=0,4·0,90=0,36;

Кс dev-ғўзанинг ривожланиш даври, 24.04-22.06; Иқлим маълумотларидан (шамол тезлиги, ҳавонинг нисбий намлиги, экин баландлиги) ҳисобга олиниб, Кс dev - ғўзанинг ривожланиш даври, Кс mid-ғўзанинг ривожланишининг ўрта даври ҳамда Кс end - ғўзанинг ривожланишининг охирги пишиш даврига адаптация қилинади [11;119-125-б].

$$К_c = К_{c(стандарт)} + \left[\left(0.04 \cdot (u_2 - 2) - 0.004 \cdot (RH_{min} - 45)\right)\right] \cdot \left(\frac{h}{3}\right)^{0.3}; \quad (16)$$

Бунда: Кс-умумий экин коэффициенти (crop coefficient); Кс(стандарт) - стандарт экин коэффициенти (basal crop coefficient); u2 - шамол тезлиги,

м/с (ер сатҳидан 2 м баландликда); RHmin - минимал нисбий намлик, %; h - ўсимликнинг ўртача баландлиги, м; Иқлим: u2=1,67 м/с; RHmin=40,2%; h=0,3 м; Кс дев=0,85+[0,04·(1,67-2,0)-0,004 (40,2-45,0)]·(0,3/3,0)·0,3≈0,85.

Экин коэффициенти Кс қийматларига мулчанинг таъсирини асослаш: Турли кўринишдаги пластик материаллар ёки органик маҳсулотлар мулча сифатида қўлланилганда тупроқ юзасидан бўладиган буғланиш камаяди. Тупроқ юзасини пластик материаллар билан 90-100% юзани қоплаш (Ке) ни 80-90% га камайтиради. Органик маҳсулотлар мулча сифатида фойдаланилганда тупроқ юзасини 70-90% қоплаш натижасида (Ке) ни 50-70% га камайтиради. Мулчаланган майдонларда (Ксб) транспирация коэффициентига таъсир кўрсатмайди, чунки у экиннинг барг юзасига бевосита боғлиқ [11; 195-196 б]. Қора плёнкадан мулча сифатида фойдаланилганда буғланиш Ке ни 85–95% камайтиради (R=0.90) [12; 1-11 б].

7-жадвал

Жиззах вилоятида ғўза учун мослаштирилган Кс қийматлари

Суғориш усуллари	Ғўзанинг ривожланиш босқичлари ва давомийлиги, кун				Ўртача
	Кс ini (ғўзанинг бошланғич ривожланиш даври)	Кс dev (ғўзанинг ривожланиш даври)	Кс mid (ғўзанинг ривожланиши-нинг ўрта даври)	Кс end (ғўзанинг ривожланиш-нинг охирги пишиш даври)	
Эгатлаб суғориш (мулчаланмаган)	0.44	0.98	1.19	0.76	0,84
Томчилатиб суғориш (мулчаланмаган)	0.36	0.85	1.18	0.71	0,78
Томчилатиб суғориш (мулча-қора плёнка)	0.06	0.39	1.13	0.68	0,57
Томчилатиб суғориш (мулча-шаффоф плёнка)	0.10	0.44	1.13	0.69	0,59
Томчилатиб суғориш (мулча-кузги буғдой сомони)	0.16	0.54	1.15	0.70	0,64

Тупроқ қора полиэтилен плёнка билан мулчаланганда Кс ini ғўзанинг бошланғич ривожланиш даврида ғўзанинг дастлабки бошланғич

ривожланиш даврида барг сатҳ юзаси кичик бўлиб, Кс ini нинг қиймати (Ke) тупроқдан буғланиши 90%, транспирация (Kcb) 10% деб ҳисобланади. Кс dev ғўзанинг ривожланиш даври ўсимлик интенсив ўсиб ривожланиб, (Kcb) қиймати ортиб боради. (Ke) қиймати эса камаяди. (Кс) нинг 40% транспирация (Kcb), 60% тупроқ юзасидан буғланиши (Ke) деб ҳисобланади. Кс mid ғўзанинг ривожланишининг ўрта даврида максимал барг юзаси, тупроқ юзасидан буғланиш минимал, ғўза пояси барглари тўлиқ ер юзасини қоплаган бўлиб, Кс нинг 95% транспирация (Kcb), 5% тупроқ буғланиши (Ke) деб ҳисобланади. Тупроқ қора полиэтилен плёнка билан мулчаланганда Кс end ғўзанинг ривожланишнинг охирги пишиш даврида ўсимлик ўсишдан деярли тўхтайди, барглар қурийди, (Kcb) пасаяди. Аммо (Ke) қайта ортиши мумкин [11; 195-196 б]. Кс нинг 10% транспирация (Kcb), 90% тупроқ юзасидан буғланиши (Ke) деб ҳисобланади. Шаффоф плёнка билан мулчаланганда 75-85% буғланишни, сомон билан мулчаланганда 50-65% буғланишни камайтиради [12].

Эгатлаб суғоришда тупроқдан бўладиган буғланиши коэффициенти, тупроқ юзаси деярли тўлиқ намланиши ҳисобига Ke (тупроқ буғланиш коэффициенти) қиймати анча юқори бўлади. ФАО-56 қўлланмаси бўйича Ke эгатлаб суғоришда 20-30% юқори қийматларга эга бўлди [11].

Хулоса. ФАО-56 қўлланмаси бўйича услубининг маҳаллий шароитларга мослашувчанлигини тасдиқланди. Қора плёнка билан мулчалашнинг буғланишни 85-95% камайтириши Li.S., Kang.S., Li.F., Zhang.L. (2013) томонидан олиб борилган тадқиқотлари билан мос келади [12]. Сомон мулчасининг самараси Zhang.Y., Wang.J., Gong.S., Xu.D. (2017) тадқиқотларида 70% дан кам (50-65%) бўлди, бу ўрта қумлоқ тупроқ ва иқлим шароитларига боғлиқ [14]. Эгатлаб суғоришнинг юқори буғланиш даражаси анъанавий усулларнинг самарасизлигини кўрсатади [11]. Тадқиқот гипотезаси – мулчалаш Кс ни 30% гача камайтиради – тўлиқ исботланиб, шаффоф плёнканинг 75-85% самараси Tarara.J.M. (2000) тадқиқот натижаларига мос келади [13].

Жиззах вилоятида ғўзани суғоришда қора плёнка билан мулчаланган томчилатиб суғориш сув истеъмолини 30-40% га камайтирди. Мослаштирилган Кс қийматлари (масалан, қора плёнка билан Кс ini=0.06, Кс mid=1.13) суғориш тартибларини мақбуллаштиришда муҳим ҳисобланади. Фермер хўжаликларида мулчаланган томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш ва маҳаллий иқлим маълумотларига асосланган Кс қийматлардан фойдаланиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Костяков.А.Н. Основы мелиорации - М.: Сельхозгиз, 1951. ст 652.
2. Рыжов.С.Н. Причины высокого естественного плодородия светлых сероземов Голодной степи. Почвоведение. 1952. №12 ст 39-42.
3. Шаров.И.А. Эксплуатация гидромелиоративных систем. М.: Сельхозгиз, 1952. ст. 448.
4. Милькис.Б.Е. Расчет оросительных норм с использованием характеристик радиации. – Экономика водного хозяйства, вып.2. –М: 1979, ст 81-83.
5. Будаговский.А.И., Джоган.Л.Я. Пути последовательного уточнения методики расчета оросительных норм. Водных ресурсы, 1980 №6, ст 54-56.
6. Молчанов.Л.А. Новая карта испаряемости на территории Средней Азии – В книге метеорология и гидрология в Узбекистане. Ташкент, 1985 –ст 35-39.
7. Шездюкова.Л.Х., Гаппаров С.М. К методике расчета режима орошения хлопчатника двухстрочного посева, орошаемого капельным способом под мульчированной темной полиэтиленовой пленкой // Мелиорация и водное хозяйство. – Москва, 2019. – №6. – С. 9-12.
8. Ричард Аллен, Луис Перейра, Дирк Раес, Мартин Смит. Эвапотранспирация растений. Пособие по определению требований растений на воду. Публикации ФАО по ирригации и дренажу 56.Ташкент. 2001 г. ст. 296.
9. ФАО материалы по ирригации и дренажу 24 “Водопотребление селхозкультур” Научно-информационный центр межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК). Ташкент 2000. -127 ст.
10. Гаппаров.С.М. “Плёнка остига қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштириш” техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.
11. Allen.R.G, Pereira.L.S, Raes.D, Smith.M. (1998). Crop Evapotranspiration: Guidelines for Computing Crop Water Requirements. FAO Irrigation and Drainage Paper 56. Rome: FAO.
12. Li.S., Kang.S., Li.F., Zhang.L. (2013). Evapotranspiration and crop coefficient of spring maize with plastic mulch. Agricultural Water Management, 129, 159-168.
13. Tarara.J.M. (2000). Microclimate modification with plastic mulch. HortScience, 35(2), 169-180.
14. Zhang.Y., Wang.J., Gong.S., Xu.D. (2017). Straw mulch effect on soil water conservation. Soil & Tillage Research, 165, 233-241.

УЎТ: 556.53:551.58

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ШАРОИТИДА ДАРЁЛАР СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Гаппоров Хайрилло Лутпиллаевич
мустақил изланувчи, к.ф.н., доцент,
e-mail: 91271@mail.ru
https://orcid.org/0009-0009-4059-4310
Қулматов Рашид Аноровић
Ўзбекистон Миллий Университети профессори, к.ф.д.,
e-mail: rashidkulmatov46@gmail.com
https://orcid.org/0000-0002-7061-8602

Аннотация. Бугунги кунда жаҳонда иқлим ўзгаришлари ва антропоген омиллар таъсири натижасида мавжуд сув ресурсларининг қисқариши ва ифлосланиши асосий экологик муаммолардан бирига айланди. Бу ўз навбатида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу ишда Амударё ва Сирдарёнинг Ўзбекистон қисмидаги сув ресурсларининг миқдори, сифати, дарё сувидаги оғир металлар миқдорлари, мазкур ҳудудда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг минераллашуви ва миқдорини аниқлаш ҳамда дарё суви ифлосланишига сабаб бўлувчи асосий омилларни баҳолаш назарда тутилган.

Калит сўзлар: Амударё, Сирдарё, оғир металлар, коллектор-зовур сувлари, минераллашув, сифат ўзгаришлари, миқдор ўзгаришлари, баҳолаш.

Abstract. Currently, as a result of climate change and anthropogenic factors, depletion and pollution of water resources have become one of the main environmental problems. This, in turn, affects the efficient use of water resources.

This study is designed to ascertain the volume and quality of water resources within the Uzbekistan territory of the Amu Darya and Syrdarya, assesments the concentration of heavy metals in the river water, evaluate the mineralization and quantity of collector-drainage waters generated in this region, and comprehensively evaluate the primary factors contributing to the pollution of the river water.

Key words: Amudarya, Syrdarya, collector-drenaj waters, mineralization, quality changes, heavy metals.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ортиши, иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Сув ресурслари тақчиллиги олдини олиш борасида Ўзбекистонда

сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилиниб, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда [1].

Маъдумки, Орол денгизи ҳавзасида 5 та Марказий Осиё республикалари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон) жойлашган бўлиб, уларнинг ҳудуди 3 млн. 882 км^2, суғориладиган ер майдони 7,95 млн. гектарни ташкил этади [2, 3]. Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларининг (ОДҲ) сув ресурслари асосан, Амударё ва Сирдарё хавзаси сув ресурсларидан иборат бўлиб, ўртача кўп йиллик ҳажми 126 км^3 ва 14,7 км^3 ер ости сув заҳираларидан ташкил топган [4, 7].

Сув танқислиги, сув ва ер ресурслари сифатининг ёмонлашуви ОДҲнинг барча мамлакатларида кузатилмоқда ва бу ҳолат ушбу мамлакатлар баркарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда [8, 10]. Иқлим ўзгаришлари туфайли ҳаво ҳароратининг кўтарилиши дарёлар ҳавзаларида буғланишнинг ортиши, баланд тоғларда эса қор ва музликларнинг жадал суратларда эриши ва пировард натижада сув ресурсларининг янада камайишига олиб келади [11, 14].

ОДҲ мамлакатларида сув истеъмоли таркибида асосий улушни қишлоқ хўжалигида суғориш ва ундан кейин саноат ва коммунал хўжаликларида сувдан фойдаланиш ташкил этади [15, 16].

ОДҲ давлатларининг суғориладиган ерларидан коллектор-зовурларга йилига 55,0-60,0 миллион тонна тузлар тушиб, улар сув ресурсларининг ифлосланишига олиб келмокда. Тузлар таркибида кальций гидрокарбонат, кальций, магний, натрий сульфат ва натрий хлориднинг миқдори юқорилиги аниқланган [17, 19].

Амударё ва Сирдарё сув ресурслари сифатига қишлоқ хўжалиги фаолиятининг таъсири ўрганилганда. Ушбу салбий таъсирнинг асосий сабаби қишлок хўжалигида муттасил минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланиш эканлиги аниқланган. Дарёларнинг юқори оқимидан қуйи оқимига ўтган сари улар сувининг минераллашуви ва таркибидаги турли моддалар миқдорининг ортиб бориши аниқланган [20, 24].

Қишлоқ хўжалигида суғоришдан кейин ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг ҳамда етарли даражада тозаланмаган саноат ва маиший оқова сувларнинг дарёларга қуйилиши туфайли, сув ресурсларининг минераллашув даражаси ҳамда улар таркибидаги оғир металлар ва бошқа ифлослантирувчи моддалар миқдори ортган ва бу жараён давом этмоқда [25, 29].

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида дарё сувларининг ифлосланиш даражасини таҳлил қилиш бўйича бир қанча тадқиқотлар ўтказилган.

Ўзбекистон ҳудудида, Амударё ва Сирдарё сувларида Hg, Cr, Cd, Co, U, Zn, Sc, Fe, Br, Au ва Sm каби оғир металларнинг миқдорлари нейтрон-активацион ва радионуклидлар ёрдамида ўрганилган. Дарёлар сувларида оғир металлар катионли, анионли коллоид ва нейтрал бирикмалар ҳолатида учраган. Нейтрал ва коллоид шаклларнинг нисбати ўрганилаётган металларнинг аксарияти учун 40% ни ташкил қилган [27].

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир қилувчи омиллар қаторига биринчи навбатда, табиий-иқлимий омиллар, яъни ёғингарчилик миқдори, ҳарорат, географик жойлашув, ер ости сувларининг мавжудлиги кирса, иккинчидан ирригация тизимларининг ҳолати, замонавий технологияларни, шу жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий қилинганлиги муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга сув ресурсларининг минераллашуви, ифлосланганлиги ҳам ундан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишининг мақсади ОДҲ мамлакатларининг асосий дарёлари бўлган Амударё, Сирдарёнинг Ўзбекистон қисмидаги сув ресурсларининг миқдори, сифати таркибидаги ўзгаришларини, дарё сувидаги оғир металлар миқдорларининг вақт ва масофадаги ўзгаришлари динамикасини, мазкур ҳудудда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг минераллашуви ва миқдорини аниқлаш ҳамда дарё суви ифлосланишига сабаб бўлувчи асосий омилларни баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича таклифлар беришдан иборат.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Тадқиқот объекти сифатида Сирдарёнинг ўрта ва Амударёнинг ўрта ва қуйи оқими бўлган Ўзбекистон қисми олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишларида Ўзбекистон гидрометеорология хизмати агентлигининг ер усти сувлари сифати бўйича бирламчи маълумотлари, Сув хўжалиги вазирлигининг коллектор-зовур тармоқлари ҳақидаги бирламчи маълумотлари олинган ва маълумотлар чуқур статистик қайта ишланган. Амударё ва Сирдарё сувининг Ўзбекистон қисмидаги гидрологик ва кимёвий таҳлили гидропостлардан олинган сув намуналарининг таҳлиллари натижалари асосида баҳоланди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Амударё ва Сирдарё ҳавзаси бўйича вегетация даври учун (1 апрелдан-1 октябргача) сув билан таъминланиш кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинган. Унга кўра 2017

йилда энг юқори кўрсаткич 49,19 км^3, энг қуйи кўрсаткич 2011 йилда 38,57 км^3 ни ташкил этган (1-расм).

Вегетация мавсумида Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан 2017 йилда энг юқори кўрсаткич 25,87 км^3, энг қуйи кўрсаткич 2011, 2020-2023 йилларда 19,56-19,88 км^3 фойдаланган (1-расм).



1-расм. **Амударё ва Сирдарё ҳавзасида вегетация даври учун сув билан таъминланганлик даражаси динамикаси**

Маълумотлардан кўринадики, вегетация даври учун 2010-2014 йилларга нисбатан, 2020-2024 йилларга келиб сув билан таъминланиш даражаси ўртача 1,03 баробарга камайган.

Амударё ва Сирдарё бўйича вегетация даври оралиғида (1 октябрдан – 1 апрелгача) йиллар кесимида сув билан таъминланиш кўрсаткичлари баҳоланганда, 2012-2013 йилларда энг юқори кўрсаткич 20,44 км^3 ни, энг қуйи кўрсаткич, 2020-2021 йилларда 17,10 км^3 ни ташкил этган.

Вегетация даврлари оралиғи мавсумида Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан 2012-2013 йилларда энг юқори кўрсаткич 11,26 км^3, энг қуйи кўрсаткич, 2020-2021 йилларда 8,41 км^3 фойдаланган (2-расм).



2-расм. **Амударё ва Сирдарё ҳавзаси бўйича вегетация даврлари оралиғида сув билан таъминланганлик даражаси динамикаси**

Вегетация даврлари оралиғи мавсуми учун маълумотлардан кўринадики, 2010-2015 йилларга нисбатан, 2020-2025 йилларга келиб сув билан таъминланиш даражаси ўртача 1,08 баробарга камайган.

Амударё ва Сирдарё суви минераллашуви. Дарёлар суви минераллашуви даражасини баҳолаш ундан турли мақсадларда фойдаланишда муҳим кўрсатгич хисобланади. Тадқиқот йилларида (2013-2024) Амударё суви минераллашувининг ўртача қиймати Термиз шаҳри чегарасидан Қизилжар қишлоғигача 0,618-0,961 г/л дан 0,985-1,356 г/л гача ортганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, аксарият гидропостлардаги дарё суви минераллашувнинг энг паст миқдори 2017 йилда, яъни Амударё ҳавзасини сув билан таъминланиш кўрсаткичларини энг юқори бўлган кўп сувли йилда кузатилган. Дарёдаги ўртача минераллашув даражаси дарёнинг ўрта қисмидан, яъни Амударё дарёсининг Термиз шаҳридан қуйи қисми Қизилжар қишлоғи чегарасига қадар 1,35 баробардан 1,74 баробаргача ортиб борган (3-расм).

Сирдарё суви минераллашувининг ўртача қиймати Қал қишлоғи чегарасидан Геджиген дарёсининг қуйиладиган жойдан 0,5 км қуйи қисмигача 0,515-0,837 г/л дан 1,075-1,406 г/л гача ортганлиги кузатилган (4-расм).

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, гидропост ГПК-С (Чиноз ш.) коллектори қуйи қисмидан ташқари барча гидропостлардаги дарё суви

минераллашувнинг энг паст миқдори 2017 йилда, яъни Сирдарё ҳавзасини сув билан таъминланиш кўрсаткичларини энг юқори бўлган кўп сувли йилда кузатилган (4-расм).



3- расм. **Амударё суви минераллашувининг ўртача қиймати, г/л**



4- расм. **Сирдарё суви минераллашувининг ўртача қиймати, г/л**

ГПК-С (Чиноз ш.) коллектори қуйи қисмида минераллашувнинг пасайишининг сабаби, Сирдарё дарёсининг энг катта ирмоқларидан бири

Чирчиқ дарёси сувларининг келиб қуйилиши билан боғлиқ. Чирчиқ дарёси суви минераллашуви Сирдарё дарёси сувининг минераллашувига қараганда камроқ миқдорни ташкил этгани учун бу гидропостда Сирдарё дарёси минераллашуви камайган.

Амударё ва Сирдарё суви таркибидаги Cu^{2+}, Zn^{2+}, Cr^{6+} ионларининг миқдорий ўзгаришлари динамикасини аниқлаш. 2013-2024 йиллар давомида Амударё ва Сирдарё суви таркибидаги оғир металлар ионлари ўртача миқдорининг гидропостлар бўйича йиллар кесимида ўзгариши динамикаси ўрганилди (5, 6, 7-расмлар).



5-расм. **Амударё сувидаги Cu^{2+} нинг ўртача миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**



6-расм. **Амударё сувидаги Zn^{2+} нинг ўртача миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**



7-расм. **Амударё сувидаги Cr (VI) нинг қиймати миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**

Cu^{2+}, Zn^{2+}, Cr^{6+} миқдорининг ўртача қиймати дарё гидропостлари жойлашувига қараб қуйидагича ўзгариб турган: Амударё бўйича Термиз

шаҳри гидропости чегарасидан Қизилжар гидропостигача мис иони миқдори 1,1-3,4 мкг/л дан 1,2-3,7 мкг/л гача, рух иони 1,5-11,3 мкг/л дан 1,3-26,3 мкг/л гача, хром (VI) 0,2-0,6 мкг/л дан 0,1-0,7 мкг/л гача ўзгариши аниқланган (5, 6, 7-расмлар, яшил ранг). Айрим йиллари аксинча, дарёнинг ўрта оқимидан қуйи оқимига борган сари металларнинг концентрациялари камайиб борганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатни дарёнинг сув оқими ҳамда сув омборида “тиниш (чўкиш)” ҳодисаси билан боғлаш мумкин (5,6,7-расмлар, кўк ранг).

Дарёнинг Термиз шаҳри гидропости чегарасидан Қизилжар гидропостигача мис иони миқдорининг ўртача қиймати 1,1 баробардан 1,5 баробаргача ортиб борган (5-расм).

Дарёнинг юқори оқимидан қуйи оқимига тушган сари, Термиз шаҳри гидропости чегарасидан Қизилжар гидропостига кадар рух иони миқдори ўзгариши йиллар кесимида 1,1 баробардан 7,3 баробаргача ортиб борган (6-расм).Дарёнинг юқори оқимидан қуйи оқимига караб, Термиз шаҳри гидропости чегарасидан Қизилжар гидропостигача хром (VI) миқдори ўзгариши йиллар кесимида 1,1 баробардан 1,8 баробаргача ортиб борган (7-расм).

Сирдарё бўйича Каль қишлоғи гидропости чегарасидан Геджиген гидропостида дарёнинг қуйиладиган жойидан 0,5 км қуйи қисмигача мис миқдори 0,5-3,0 мкг/л дан 1,2-3,4 мкг/л гача, рух 0,9-5,6 мкг/л дан 1,7-24,2 мкг/л гача, хром (VI) 0,22-0,9 мкг/л дан 0,28-1,0 мкг/л гача ўзгариши кузатилган (8,9,10-расмлар).



8-расм. **Сирдарё сувидаги Cu нинг ўртача миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**

Дарёнинг Каль қишлоғи гидропости чегарасидан Геджиген, дарёнинг қуйиладиган жойдан 0,5 км қуйи қисмигача мис миқдорининг ўртача қиймати 1,4 баробардан 2,6 баробаргача ортиб борган (8-расм).

Дарёнинг юқори оқимидан қуйи оқимига тушган сари, яъни Кал қишлоғи чегарасидан Геджиген гидропостига кадар, дарёнинг қуйиладиган

жойдан 0,5 км қуйи қисмигача рух миқдори ўзгариши йиллар кесимида 1,7 баробардан 7,1 баробаргача ортиб борган (9-расм).



9-расм. **Сирдарё сувидаги Zn нинг ўртача миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**



10-расм. **Сирдарё сувидаги Cr (VI) нинг қиймати миқдорининг гидропостлар бўйича ўзгариш динамикаси**

Дарёнинг юқори оқимидан қуйи оқимига караб, яъни Кал қишлоғи чегарасидан Геджиген гидропостига караб, дарёнинг қуйиладиган жойдан 0,5 км қуйи қисмигача хром (VI) миқдори ўзгариши йиллар кесимида 1,1 баробардан 2,3 баробаргача ортиб борган (10-расм).

Шунингдек, Амударё ва Сирдарё суви таркибидаги Fe иони миқдори рухсат этиладиган кўрсаткичдан 3-4 баробарга камлиги аниқланди. Амударёнинг ўрта оқимида (Термиз шаҳри гидропости) ҳам қуйи оқимида ҳам, Сирдарёнинг юқори оқимида (Каль қишлоқ гидропости) ҳам қуйи оқимида ҳам оғир металлар миқдорининг (Cu, Zn, Cr(VI), Fe) камайиб боришини рух, мис, хром (VI), темир каторида жойлаштириш мумкин.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаси коллектор-зовур сувлари. Амударё ва Сирдарё дарёси суви минераллашувининг гидропостлар кесимида ортиб боришининг асосий сабабларидан бири кишлок хўжалиги экин майдонларини сугоришдан кейин ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг дарёга келиб тушишидир. Дарё ҳавзасида ҳосил бўлган

коллектор-зовур сувларининг аксарият қисми Амударё дарёсига келиб тушади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари ҳажми, минераллашуви ва туз миқдорини баҳолаганимизда қуйидагилар аниқланди. Амударё ҳавзасида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг умумий миқдори мамлакат миқёсида йилига 6,01-9,2 км^3, минераллашуви 1,33-6,17 г/л ни ташкил килган. Ҳавзада ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг энг катта ҳажми Туямуйин ирригация тизими ҳудудида ҳосил бўлади (йилига ўртача 4,7 км^3). Бу ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларнинг асосий қисми Сариқамиш пасттекислигига қуйилади. Сурхон-Шеробод массивида эса 1,2 км^3, Амударё ҳавзасининг қуйи қисми Қорақалпоғистон республикасининг суғориладиган майдонларидан эса ўртача 2,3 км^3 коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлади.

Амударё ҳавзасида ҳосил бўлаётган коллектор-зовур сувлари минераллашуви даражасининг йиллик ўртача энг кам қиймати Сурхондарё вилоятида 1.33 г/л ни, энг юқори қиймат Қашқадарё вилоятида 6.17 г/л ни ташкил қилган. Дарё хавзасида коллектор-зовур сувлари миқдорининг ўртача йиллик кўрсаткичи 6010 млн м^3 дан 9283 млн м^3 гача, ҳосил бўлаётган туз миқдори йиллик ўртача 19039 минг тоннадан 27769 минг тоннагача ўзгариб турган.



11-расм. **Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги коллектор зовур сувлари минераллашувининг ўртача қиймати**

Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражасига нисбатан юқорилигининг сабаби, биринчидан, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидаги тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги билан изоҳланса, иккинчидан Амударё дарёси юқори оқимидан қуйи оқимга тушган сари дарёнинг сувининг минераллашуви ҳам ортиб боради.

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида суғориш учун ишлатилаётган сувларнинг минераллашуви ортишига ҳамда ушбу вилоятлар суғориладиган майдонларида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг ҳам минераллашуви ортишига сабаб бўлади. Сурхондарё вилоятидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражасининг нисбатан пастлиги вилоят суғориладиган майдонларининг асосий қисми минераллашув даражаси камроқ миқдорни ташкил этувчи Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг сувлари билан суғорилиши билан изоҳланади.

Сирдарё ҳавзасида эса ҳосил бўлаётган коллектор-зовур сувлари минераллашуви даражасининг йиллик ўртача энг кам қиймати Наманган вилоятида 0.62 г/л ни, энг юқори қиймат Жиззах вилоятида 4.31 г/л ни ташкил қилган. Дарё хавзасида коллектор-зовур сувлари миқдорининг ўртача йиллик кўрсаткичи 11400 млн $м^3$ дан 16500 млн $м^3$ гача, ҳосил бўлаётган туз миқдори йиллик ўртача 12600 минг тоннадан 20100 минг тоннагача ўзгариб турган.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятлари коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражасига нисбатан юқорилигининг сабаби, биринчидан, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги билан изоҳланса, иккинчидан Сирдарё дарёси юқори оқимидан қуйи оқимга тушган сари дарёнинг сувининг минераллашуви ҳам ортиб боради.

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида суғориш учун ишлатилаётган сувларнинг минераллашуви ортишига ҳамда ушбу вилоятлар суғориладиган майдонларида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг ҳам минераллашуви ортишига сабаб бўлади. Тошкент вилоятидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражасининг нисбатан пастлиги вилоят суғориладиган майдонларининг асосий қисми минераллашув даражаси

камроқ миқдорни ташкил этувчи Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларининг сувлари билан суғорилиши билан изоҳланади.



12-расм. **Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги коллектор зовур сувларидаги умумий туз миқдори**

Хулоса ва таклифлар. Амударё сувининг минераллашув даражаси йиллар кесимида дарё оқими бўйлаб 1,35 баробардан 1,74 баробаргача, Сирдарё сувининг минераллашуви эса 1,56 баробардан 2,34 баробаргача ортиб борган. Дарёлар сувига суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари таркибидаги тузлар тушиши ҳисобига дарё суви минераллашуви ортган.

Амударё оқими бўйлаб мис миқдори дарё узунлиги бўйлаб ўртача 1,1 баробардан 1,5 баробаргача, рух 1,1 баробардан 7,3 баробаргача, хром (VI) 1,1 баробардан 1,8 баробаргача, Сирдарё оқими бўйлаб эса мис миқдори ўртача 1,4 баробардан 2,6 баробаргача, рух 1,7 баробардан 7,1 баробаргача, хром (VI) 1,1 баробардан 2,3 баробаргача ортиб бориши кузатилган.

Амударё ҳавзаси ўрта оқимидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашув даражаси қуйи оқимидагига нисбатан ўртача 2,5 баробарга, Сирдарё суви оқимининг юқори қисмидаги коллектор-зовур сувларининг

минераллашув даражаси ўрта оқимидагига нисбатан ўртача 3,25 баробарга кам бўлган.

Амударё ҳавзасида жойлашган Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг минераллашуви Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашуви даражасидан кам бўлган. Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидаги тупроқнинг шўрланиш даражаси ва суғориш суви минераллашуви юқорилиги сабабли коллектор-зовур сувларининг минераллашуви юқори бўлган.

Сирдарё ҳавзасида жойлашган Фарғона водийси вилоятлари ҳамда Тошкент вилоятида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг минераллашуви Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги коллектор-зовур сувларининг минераллашуви даражасидан кам бўлган. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тупроқнинг шўрланиш даражаси ва суғориш суви минераллашуви юқорилиги сабабли коллектор-зовур сувларининг минераллашуви юқори бўлган.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида ҳосил бўлаётган коллектор-зовур сувларининг, саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувларнинг дарё сувларига қуйилиши натижасида дарё суви минераллашуви ортиши, ифлосланиши сув ресурсларидан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув ресурсларининг ифлосланишини олдини олиш учун қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган минерал ўғитларнинг меъёрдан ортиқча ишлатилишини олдини олиш, қишлоқ хўжалиги экинларига минерал ўғитларни томчилаб суғориш технологиялари орқали берилишини таъминлаш, саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувларнинг етарли даражада тозаланишини назорат қилиш ҳамда мунтазам мониторинг килиб боришни талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.07.2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024 Фармони, https://lex.uz/docs/4892953.

посевов, исследователи делают ударение на синхронность развития культур в этих посевах. При выборе культур сроки посева должна быть одинаковы. Даже если нет возможности одновременного посева, посев можно проводить поочерёдно, с разницей в несколько дней. При посеве климатические условия должны быть оптимальны для обеих видов культур. [14]. В межвидовых посевах длительность вегетационного периода не должен совпадать друг с другом. В основном у «вспомогательной культуры» (если эта культура однолетняя) вегетационный период должен быть закончен до сбора урожая основной культуры. Существуют и асинхронные межвидовые посевы, где «вспомогательная культура» высеивается раньше основной культуры или же вместе [16], и используется в виде мульчи, обеспечивая почвенный покров [12]. Также в асинхронных межвидовых посевах «вспомогательная культура» может быть высеяна на уже готовые основные посевы, где растения уже в репродуктивной стадии, но урожай ещё не сформирован. Использование этой технологии предусматривает подбор «вспомогательной» культуры с медленным ростом в начале вегетационного периода. Эта технология посева используются для формирования покрова, между двумя последующими культурами. А в смешанных посевах она может использоваться для кормовых целей. Анализ изученной литературы показал, основные исследования при выборе культур по совмещённым посевам проводили по зернобобовым культурам. Использование в межвидовых посевах зернобобовых культур решают проблему а) регулирование численности сорняков; в) регулирование численности насекомых-вредителей; плодородие почвы и обогащение азотом. Зернобобовые культуры опережают в росте и в развитии растения-сорняков, что приводит к подавлению их развитию из-за дефицита воды, питания и света.

В совмещённых посевах в борьбе с сорняками требуется преимущественное использование ресурсов, начиная с стадии всходов и раннего роста. Системы совмещённых культур, в частности имеющие аддитивные конструкции, имеют способность покрывать почву, за счёт быстрому росту кроны и использованию освещённости, относительно моно посевам. Совмещённые посевы являются наиболее эффективным способом усиления конкуренции между межвидовыми посевами и сорняками. В этих посевах большое значение имеет динамика роста видов в совмещённых посевов относительно сорняков. Если сроки посева совмещённых посевов были выбраны не правильно, это повлияет на количество сорняков. Но

могут снизить их количество после сбора урожая «вспомогательной» культуры. Также при выборе «вспомогательной» культуры учитываются расположение корневой системы на глубине почвы, требование к питательной среде. Это позволяет максимизировать использование воды, питательных веществ и света. Например, глубококорневые растения будут добывать воду и питательные вещества из более глубоких слоёв почвы, а мелкокорневые используют поверхностные ресурсы [9; 18].

В размещении культур в межвидовых посевах должна учитываться синхронность культур. Для синхронизации культур совмещённого посева учитываются вид, сорт и схемы посева. Именно эти элементы являются рычагами управления технологиями совмещённых посевов. Во избежание конкурентных отношений совмещённого посева «вспомогающая» культура должна иметь жизненный цикл дополняющую основную культуру. При подборе культур для совмещённого посева нужно обозначить цели посева, отобрать культуры – основная и вспомогательная, учитывать сроки посева, густоту стояния растений, вегетационный период культур, рост и развитие культур в начале вегетационного периода, схему посева. Опыт исследований доказывает роль в совмещённых посевах зернобобовых культур. Основываясь на этих принципах, совмещённые посевы позволяют создать более сбалансированные и продуктивные агросистемы. Этот подход минимизирует использование химических средств защиты растений и удобрений, а также поддержит биоразнообразие и устойчивость сельского хозяйства. Внедрение в производство межвидовых систем, методом исследовательских программ с включением в них фермерских хозяйств, государственных поддержек за счёт поощрения, страхованием урожая, создание рекомендаций с описанием всех спектров сложных решений системы технологий возделывания межвидовых культур.

Современные подходы к устойчивому сельскому хозяйству предполагают внедрение многообразных агротехнических систем, направленных на эффективное использование природных ресурсов, снижение зависимости от химических средств защиты и повышение продуктивности агроландшафтов. Одним из таких подходов является совмещённый посев (intercropping) - система одновременного выращивания двух и более культур на одной площади, которая обеспечивает оптимизацию использования солнечной радиации, влаги, элементов питания и рабочей силы.

Ключевым инструментом количественной оценки эффективности совмещённых посевов является Земельный эквивалент (Land Equivalent Ratio, LER). Этот показатель отражает, насколько более эффективно используется земля при совмещённом посеве по сравнению с монокультурным выращиванием, и показывает, какая площадь в условиях монопосева потребуется для получения такого же урожая, как и при совместном возделывании культур [17; 19].

Формально LER определяется как сумма частных от урожайности каждой культуры в совмещённом посеве к урожайности той же культуры в монопосеве:

Земельный эквивалент (ЗЭ) рассчитывался по формуле:

$$\text{LER или ЗЭ} = \frac{\text{Усх}}{\text{Умх}}; \quad (1)$$

Значение LER выше 1 (LER>1) свидетельствует о выигрыше в использовании земельных ресурсов, в то время как значение ниже 1 указывает на недостаточную эффективность интеркроппинга (Bedoussac & Justes, 2010). Таким образом, LER является одним из наиболее широко используемых агроэкономических индикаторов при сравнении производительности различных моделей посевов, а также при обосновании агротехнических решений в исследованиях устойчивого земледелия [18].

Одним из важнейших показателей совмещённого посева, который является важным дополнением к LER, особенно при анализе полевых схем с раннеспелыми и позднеспелыми культурами это коэффициент временно-площадной эквивалентности (Area Time Equivalent Ratio, ATER) это интегральный показатель эффективности совмещённых (межкультурных) посевов по сравнению с чистыми посевами, учитывающим как площадь, так и время использования земельного участка.

Формула расчёта ATER:

$$\text{ATER}=\sum = \left(\frac{\text{Урожай In Cot}}{\text{Урожай SolCot}} \cdot \frac{\text{Вегетация TInCot}}{\text{Вегетация SolCot}}\right) + \left(\frac{\text{Урожай In Mung}}{\text{Урожай Sol Mung}} \cdot \frac{\text{Вегетация TIn Mung}}{\text{Вегетация Sol Mung}}\right); \quad (2)$$

Показатель ATER (Земельно-временной эквивалент) представляет собой усовершенствованную аграрную метрику, дополняющую LER за счёт учета продолжительности использования земельного участка. Его применение позволяет более реалистично оценить продуктивность систем совмещённого посева в условиях, где культуры различаются по срокам вегетации. Использование ATER особенно актуально при проектировании высокоэффективных агроэкосистем с ограниченными ресурсами и

переменной сезонной нагрузкой. Для более глубокой оценки совмещённых посевов, чем просто урожайность, изучение Агрессивности культур в совмещённых посевах раскрывает конкурентное поведение культур в этих условиях. Изучение этого показателя используется при подборе совместимых культур: например, если одна культура постоянно показывает высокую агрессивность, её можно уменьшить в норме высева или заменить менее конкурентной культурой. Агрессивность культур в совмещённых посевах рассчитывается по формуле:

$$\text{Aggressivity} = \frac{\text{Ycm}}{\text{Ycc}\times\text{Zcm}} \cdot \frac{\text{Ymc}}{\text{Ymm}\times\text{Zmc}}; \quad (3)$$

Анализ научных исследований и практических данных подтверждает, что совмещённые посевы являются важным элементом устойчивого и эффективного землепользования. В отличие от монокультур, такие системы позволяют повысить рентабельность за счёт более полного использования солнечного света, влаги, питательных веществ и площадей. Биологическое разнообразие, лежащее в основе совмещённых посевов, снижает риски, связанные с монопосевами, а также укрепляет агроэкосистемы через естественные процессы опыления, борьбы с вредителями и повышения плодородия почв. Использование показателей LER и ATER позволяет количественно определить эффективность совмещённого посева, а агрессивность культур — выявить степень конкуренции между видами. Эти индикаторы позволяют оптимизировать выбор культурных сочетаний и схем посева. Результаты анализа подчёркивают, что успешная реализация таких систем требует учёта сроков посева, вегетационных фаз, структуры корневой системы и совместимости культур.

Внедрение совмещённого посева особенно важно для фермерских и дехканских хозяйств, испытывающих давление со стороны природных и экономических факторов. Совмещённые посевы могут снизить затраты, повысить устойчивость агросистем и поддержать экологическое равновесие на фоне глобальных климатических изменений.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Мухамаджанов М.В. (1962) Севообороты и углубление пахотного слоя почвы в районах хлопководства // Монография.Т. Изд-во Ан Узб.ССР. 1962. С 108-112.

2. Турсунхуджаев З., Болкунов А.С. (1981), Научные основы хлопковых севооборотов. Ташкент, Мехнат. 1981. с-152.

3. Хлопковое проклятие: разрушительная монокультура Центральной Азии Доклад Крайсис Груп No 93 Азия, 28 февраля 2005 г.

4. Худайберганов Н.М. Узбекистоннинг дон мустакиллиги кандай илмий асосда амалга тоширилганлигини биласизми? // Узбекистон кишлок ва сув хужалиги журнали. Тошкент, 2022, 2-сон. Б-4-6 (06.00.00 №4).

5. Amossé C., Jeuffroy MH., David C. (2013) Relay intercropping of legume cover crops in organic winter wheat: Effects on performance and resource availability. Field Crops Res 145:78-87. doi:10.1016/j.fcr.2013.02.010.

6. Banik P., Midya A., Sarkar B.K., & Ghose, S.S. (2006). Wheat and chickpea intercropping systems in an additive series experiment: Advantages and weed smothering. European Journal of Agronomy, 24(4), 325–332.

7. Blackshaw R.E., Molnar L.J., Moyer J.R. (2010) Suitability of legume cover crop-winter wheat intercropson the semi-arid Canadian prairies. Can J Plant Sci 90 (4):479-488. doi:10.4141/CJPS10006

8. Blanco-Canqui H., Shaver T.M., Lindquist J.L, Shapiro C.A., Elmore R.W., Francis C.A., Hergert G.W. (2015) Cover crops and ecosystem services: insights from studies in temperate soils. Agron J 107 (6):2449. doi:10.2134/agronj15.0086

9. Blaser B.C., Singer J.W., Gibson L.R. (2011) Winter cereal canopy effect on cereal and inteseeded legume productivity. Agron J 103 (4):1180-1185. doi:10.2134/agronj2010.0506

10. Casagrande M., Alletto L., Naudin C., Lenoir A., Siah A., Celette F. (2017) Enhancing planned and associated biodiversity in French farming systems. Agron Sustain Dev 37 (6):57. doi:10.1007/s13593-017-0463-5

11. Cheriere T., Lorin M., Corre-Hellou G. (2020) Species choice and spatial arrangement in soybean-based intercropping: Levers that drive yield and weed control. Field Crops Res 256:107923. doi:10.1016/j.fcr.2020.107923

12. Costello MJ. (1994) Broccoli growth, yield and level of aphid infestation in leguminous living mulches. Biol Agric Hortic 10 (3):207-222. doi:10.1080/01448765.1994.9754669

13. Duru M., Thérond O., Martin G., Martin-Clouaire R., Magne M-A., Justes É., Journet É-P., Aubertot J-N., Savary S., Bergez J-É., Sarthou J-P. (2015b) How to implement biodiversity-based agriculture to enhance ecosystem services: a review. Agron Sustain Dev:1-23. doi:10.1007/s13593-015-0306-1

14. Fayaud B., Coste F., Corre-Hellou G., Gardarin A., Dürr C. (2014) Modelling early growth under different sowing conditions: a tool to predict variations in intercrop early stages. Eur J Agron 52:180-190. doi:10.1016/j.eja.2013.09.009

15. Garbach K., Milder J.C., DeClerck FAJ., De Wit MM., Driscoll L., Gemmill-Herren B. (2017) Examining multi-functionality for crop yield and ecosystem services in five systems of agroecological intensification. Int J Agric Sustain 15 (1):11-28. doi:10.1080/14735903.2016.1174810

16. Hartwig & Ammon (2002). Diseases-suppressive soils: Ecological foundations and practical implications. Soil Biology & Biochemistry, 34(6), 845–860.

17. Mead R., & Willey R. W. (1980). The concept of a ‘land equivalent ratio’ and advantages in yields from intercropping. Experimental Agriculture, 16(3), 217–228. sciepub.com+12cambridge.org+12cambridge.org+12nph. onlinelibrary.wiley.com+2core.ac.uk+2cabidigitallibrary.org+2

18. Raseduzzaman M., & Jensen E.S. (2017). Does intercropping enhance yield stability in arable crop production? A meta-analysis. European Journal of Agronomy, 91, 25–33.Willey, R. W. (1979). Intercropping-Its importance and research needs. Field Crops Abstracts, 32(1), 1-10. cabidigitallibrary.org+10scirp.org+10cambridge.org+10

УЎТ: 631.5

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШДА СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АГРООМИЛЛАРИ

Авлиякулов Мирзоолим Авазович
қ.х.ф.д., профессор
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти
e-mail: mirzoolim89@mail.ru
ORCID:0000-0003-3699-6017
Абдуллаев Жамшид Умурхонович
қ.х.ф.ф.д. (PhD)
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станцияси
e-mail: jamshidxon.umurxonovich@mail.ru
ORCID: 0000-0001-6628-9976

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги сидерат экинларидан (хашаки кўк нўхат, жавдар, перко) кейин парваришланган ингичка толали ғўза даласида тупроқ намликларини ўзгариши, ғўзанинг сув истеъмоли кўрсаткичлари ҳамда суғориш муддатларини тезкор аниқлашда электрон қўл рефрактометр кўрсаткичлари бўйича илмий изланишлар натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Ингичка толали ғўзани суғориш муддатларини тезкор аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда рефрактометр кўрсаткичлари ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида гуллашгача 15-16 % гача ўзгариб турган бўлса, пишиш даврида эса 17-18 % ни ташкил этган. Сидерат экинлар экилмаган фонда ғўзани ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда рефрактометр кўрсаткичлари гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 18-19 % бўлган бўлса, пишиш даврида эса 20 % ни, ҳудди шу суғориш тартибида сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилганда тегишлича 19-20%, пишиш даврида 21-22% ни ёки ҳужайра ширасси концентрацияси 1,1-1,5% га камайганлиги аниқланган. Кузги сидерат экинларини уч компонентли қилиб (хашаки кўк нўхат+жавдар+перко) парваришлаб, уларни тўплаган умумий биомассаси (600-650 ц/га) ерга тўлиқлигича ҳайдаб юборилганда юқори ўсимлик массаси чиринди бўлиб, тупроқнинг агромелиоратив ҳолатига ижобий таъсир этган ҳолда сидератлардан кейин парваришланган ингичка толали ғўзада суғоришлар сонининг 1та га тежаб қолиш имкониятини борлиги тадқиқотларда аниқланган.

Калит сўзлар: кузги сидерат экинлар, ҳашаки кўк нўхат, жавдар, перко, тупроқ намлиги, суғориш тартиблари, суғориш муддатлари, суғориш меъёрлари, рефрактометр кўрсаткичлари.

Аннотация: В данной статье изучены изменения влажности почвы, водопотребления хлопчатника, а также показатели электронного портативного рефрактометра для ускоренного определения сроков полива на полях тонковолокнистого хлопчатника, возделываемого после зимных сидератных культур (горох, рожь, перко) в условиях орошаемых бесплодных почв Кашкадарьинской области. В исследованиях, проведенных по экспресс-определению сроков полива тонковолокнистого хлопчатника, показатели рефрактометра варьировали до 15-16% в фазе цветения, а в период созревания – 17-18% при режиме орошения 70-75-65% от предельно полевой влагоёмкости (ППВ). Возделывания тонковолокнистого хлопчатника на фоне трехкомпонентных сидератных культур (зеленый горошек+рожь+перко с общей биомассой 600-650 ц/га) и проведения полива при предполивной влажности 65-65-60% от ППВ показания рефрактометра в период цветения-плодообразования составляли 18-19%, в период созревания -20%. Установлено, что концентрация клеточного сока при созревании снижается на 19-20%, 21-22% или 1,0-1,5% соответственно. Исследования показали, что имеется возможность сократить количества полива на 1 раз при этом получить высоко качественного уроажая хлопка-сырца.

Ключевые слова: зимние сидератные культуры, зелёный горох, рожь, перко, влажность почвы, режим орошения, сроки орошения, нормы орошения, показатели рефрактометра.

Annotation: This article studies changes in soil moisture, water consumption of cotton, as well as the indicators of an digital refractometer for the rapid determination of irrigation timing in the fields of long staple cotton cultivated after winter cover crops (green peas, rye, perco) in the conditions of irrigated takyr soils of the Kashkadarya region. In research, on rapid determination of the timing of irrigation of long staple cotton, refractometer indicators varied up to 15-16% in the flowering phase, and during the ripening period – 17-18% with an irrigation scheduling of 70-75-65 % of field capacity (Fc). Cultivation of long staple cotton after three-component cover crops (green peas + rye + perco with a total biomass of 60.0-65.0 t ha^{-1}) and irrigation at irrigation scheduling of 65-65-60% Fc, the refractometer readings during the flowering-yield accumulation period were 18-19%, during the ripening period - 20%. It has been established that the concentration of cell sap during ripening decreases by 19-20%, 21-22% or 1.0-1.5%, respectively. Research has shown that it is possible to reduce the irrigation events number by 1 time while still obtaining a high-quality cotton yield.

Key words: winter cover crops, green peas, rye, perco, soil moisture, irrigation scheduling, irrigation time, irrigation rates, scheme, refractometer indicators

Кириш. Сувдан самарали фойдаланиши йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-144 сонли, 2024 йил 05 январдаги “Қўйи буғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5 сонли қарорларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув ҳисобини юритиш, далага кириб келаётган сув манбааларини ўлчаш ва сув етказиб берувчи хизматлар ҳамда сув истеъмолчилари билан қатъий ҳисоб-китоблар ҳамда тўловларни амалга ошириш вазифлари белгилаб берилган.

А.Э.Авлиёқуловнинг тавсияларида ингичка толали ғўзаларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш фазаси даврида сувдан қолдириш мутлақо мумкин эмаслиги, акс ҳолда ғўзалар ўсмай, ривожланмай қолиши натижасида ҳосил тугунчаларини (шона, гул, кўсак) катта қисми тўкилиб кетишига олиб келади. Кўсакларнинг очилиши, пишиш даврида ғўзанинг нормал озиқланиши ва кўсакларнинг тўлиқ ривожланишини таъминлаш учун зарур меъёрда суғориш кераклиги айтиб ўтилган [1].

Б.М.Холиқов, Я.Бўриев ва бошқаларнинг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлар шароитила ўтказган тадқиқотларида жавдарнинг “Памир” нави алоҳида экилганда гектаридан 350 ц тиритикалининг “Праг-1” нави экилганда 400 ц ҳосил олинган бўлса, жавдар, тиритикали экинлари перко ёки рапс билан қўшиб экилганда якка ҳолдагига нисбатан 20-30 % юқори ҳосил етиштирилиши тажрибаларда илмий ва амалий жиҳатдан асосланган. Перко якка ҳолда экилганда унинг ҳосилдорлиги 500-550 ц/га атрофида бўлиб, донли экинлар билан қўшиб экиш яхши натижа берганлиги аниқланган [10].

А.Э.Равшанов, Б.С.Камилов ва бошқаларнинг суғориш сувларидан самарали фойдаланиш бўйича Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида жойлашган Марказий тажриба хўжалигида ғўзани томчилатиб суғориш тизими бўйича олиб борилган дала тадқиқотларида суғоришлар тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-70-65 % бўлганда 11 марта, 70-75-60 %да эса 13 марта ўтказилиб, суғориш меъёрлари суғориш тартиблари бўйича ўртача 300-390 $м^3$/га ни, суғоришлар оралиғи 5-14 кунни,

томчилатиб суғориш давомийлиги суғориш меъёрига боғлиқ равишда 6,0-7,0 соатни, мавсумий суғориш меъёри тупроқ намлиги 65-70-65 %да эса 3840 $м^3$/га ни, 70-75-60 % сақланган вариантларда эса 4117 $м^3$/га ни ташкил қилган [8].

О.Иброҳимовнинг маълумотларида минерал ўғитлардан кўра органик ўғитлар афзаллигини ҳозир деҳқончиликда азотнинг фойдали коэффициенти атиги 30-40 фоиз, бошқача айтганда, пахта даласига солинаётган азотли ўғитларнинг 60–70 фоизини ғўза истеъмол қилмай шу ортиқча азот атроф муҳитга жиддий хавф туғдираётганлиги айниқса, ғўза ва ғалла экилган майдонлардан катта миқдордаги нитрат азоти коллектор сувларига қўшилиб, бутун мавжудотларга ҳам зарар келтираётганлигини таъкидлаган [5].

Н.Ҳ.Дурдиевнинг Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ўтгазган тадқиқотларида ингичка толали “Термиз-202” ғўза навида 1 центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган энг кам мавсумий сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % суғориш тартибида кузатилиб, 93,5-116,8 $м^3$/ц ни ташкил этганлиги аниқланган [4].

Х.М.Бозоровнинг тадқиқотларида оралиқ экинлар икки компонентли ҳолда, яъни сули ва кўк нўхат аралаш ҳолда экилганда кўчат қалинлиги 1,520-1,533 млн. донани, бўйи 82,3-83,4 см.ни, кўк масса ҳосилдорлиги 375,6-378,1 ц/га.ни ташкил этган бўлса, сули, кўк нўхат ва жавдар қўшиб экилганда кўчат сони 2,281-2,293 млн/донани, ўсимлик бўйи 91,5-92,0 см.ни, кўк масса ҳосилдорлиги 426,7 428,2 ц/га бўлганлиги кузатилган ёки уч компонентли оралиқ экинлар икки компонентга нисбатан 50,1-51,1 ц/га юқори кўк масса тўплаганлиги аниқланган [2].

С.Э.Ғаниев ва Б.Э.Избосаровларнинг таъкидлашларича кучсиз ва ўртача шўрланган бўз-ўтлоқи тупроқлар унумдорлигини ошириш, ушбу шароитда етиштирилаётган ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда ресурстежамкор инновацион агротехнологиялар асосида мутоносиб равишда минерал ўғитларни $N_{160}P_{80}K_{48}$ кг/га + 10 т/га гўнг, $N_{160}P_{112}K_{80}$ кг/га + 20 т/га гўнг меъёрларида сидератлар фонида қўллаш, ушбу шароитда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаши ҳамда сизот сувлари сатҳини ва тупроқларнинг шўрланишини пасайтириши аниқланган [9].

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Республикада жадал равишда сув тежовчи технологиялар жорий этиб келинмоқда. Аммо барча суғориладиган

майдонларни сув тежовчи технологиялар билан қамраб олиш имконияти мавжуд эмас. Бунинг учун узоқ йиллар керак бўлади. Шу сабабли ҳам олимларимиз олдида турган асосий вазифалардан бири арзон, содда ва кейинчалик жорий этиш имконияти ўта юқори бўлган сувни тежашнинг алтернатив йўлларни излаш, ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан тупроқ унумдорлигини ошириш ва суғориш сувларини тежашга қаратилган тадқиқотларимиз Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида олиб борилмоқда. Бунда кузги сидерат экинлари (ҳашаки кўк нўхат, жавдар, перко) парваришланиб, сидерат экинлар кўк массаси тўлиқлигича ерга майдалаб ҳайдаб юборилади ҳамда шу фонларда ингичка толали ғўзанинг Сурхон-16 нави парвариш қилинади. Тупроқ намлиги барча экин турларининг ўсиб, ривожланиши шунингдек юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришишда асосий омил ҳисобланади. Тупроқда намлик етишмаслиги ёки аксинча бўлиши ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, тупроқ намлигини ўз вақтида аниқлаб, етишмаган дефицит намликни бериш муҳим аҳамиятга эга.

Материал ва услублар. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосидорликка эришиш замирида парваришланаётган экин турининг биологик хусусияти ва эҳтиёжига мос келадиган агротадбирларни қўллаш талаб этилади. Шундагина кутилган натижаларга эришиш имконияти кўпроқ бўлади. Тадқиқотлар Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси Қашқадарё илмий тажриба станциясининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида 14 та вариант, 3 қайтариқдан олиб борилди.

Тажриба даласи тупроғи тақирсимон, сизоб сувлар сатҳи 2,5-3,0 м чуқурликда жойлашган. Сидерат экинлардан хашаки кўк нўхат, жавдар, перко ўсимликлари октябр ойининг учинчи ўн кунлигида экилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари шароитида ўрганилган кузги сидерат экинларини март ойининг дастлабки кунларида бир марта суғориш кифоя қилади. Чунки сидерат экинлари тўплаган яшил массасини майдалаш, ерни шудгорлаш, чигит экиш учун пушта олиш ва бошқа агротехник тадбирлар амалга ошириш учун тупроқни етилган ҳолга келтириш зарур ҳисобланади.

2021 йилнинг куз ойларида экилган сидерат экинларини эрта баҳорда суғориш олди тупроқ намлигини аниқлаш учун тупроқнинг 1 метр қатламидан ҳар 10 см дан бур ёрдамида тупроқ намунлари бюксларга олиниб, термостатда 105 ^{0}C да 6 соат мабайнида қуритиб тарозида тортиш йўли билан аниқланди. Олинган маълумотларга қараганда, ўрганилган сидерат экинлари эрта баҳорда суғоришда 0-50 см ҳисобий қатламда ЧДНСга нисбатан 70-75-75 % суғориш олди тупроқ намлигида тупроқнинг қуруқ вазнига нисбатан намлик кўрсаткичи 15,8 % ни, ЧДНСга нисбатан намлик кўрсаткичи эса 70,5 % ни ташкил этди.

Ушбу маълумотлар дастурда белгиланган суғориш олди тупроқ намликлари кўрсаткичларига мос келди. Ўрганилган кузги сидерат экинларининг суғоришдан олдинги тупроқ намлиги вариантлар бўйича иш дастурида режалаштирилган намлик кўрсаткичларидан ±0,1-1,6 % атрофида фарқланди. Услубиёт бўйича фарқ 2,0 % гача рухсат этилган, бизнинг тажрибамизда фарқ 0,5 % гача бўлди, бу қонуниятга тўғри келди. Кузги сидерат экинларини эрта баҳорда сувга бўлган талабининг ортиб бориши январ-феврал ойларида жанубий минтақаларда ёғин миқдорини кўп йилликка нисбатан камлиги билан изоҳланади. Сидерат экинлари кузда экилганлиги сабабли фақатгина бир маротаба суғорилган бўлиб, шу сабабли ҳам суғориш олди тупроқ намлиги фақат 1 тани ташкил этди. Бу ҳам ўсимликнинг бошланғич ривожланиш даврларига тўғри келди.

Шунингдек кузги сидерат экинлари хашаки кўк нўхат, жавдар ва перкодан кейин ингичка толали ғўза парваришланганда суғориш олди тупроқ намликлари дастурда кўрсатилган намликлардан четланиш 1,6-1,9 % гача бўлганлиги аниқланди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сидерат экинлари экилмаган назорат вариантидан кейин ғўза парваришланганда сидератлар ҳайдалган вариант билан бир хил суғориш тартиблари олинишига қарамасдан суғориш муддатлари турлича бўлди. Бунда суғоришлар сони ҳам ЧДНСга нисбатан 65-65-65% ва 70-75-65% суғориш олди тупроқ намликларида сидерат экинлари экилмай ғўза парваришланганда суғоришлар сони 1 та га кўп бўлганлиги кузатилди. ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлиги қўлланилган вариантларда кўрсаткичлар тупроқ вазнига нисбатан 13,1-14,0 % гача ўзгариб, ЧДНСга нисбатан 61,3-66,2 % ни ташкил этган бўлса, ЧДНСга нисбатан 70-75-65% намликда эса тегишлича 14,1-16,7% ва 65,7-76,2% гача бўлганлиги аниқланди.

Кузги сидерат экинларидан кейин ғўза экишнинг иккинчи йилида (2023 йилда) тупроқ намлиги сидерат экин экилмаган фонга нисбатан сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилган ва ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлганда 0,3-0,4% яхшиланган бўлса, ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлганда 0,7-0,8% га ортиб борганлиги аниқланди. Сидерат экинларидан кейин ғўза парваришланганда тупроқ намлигини яхшиланиши чиринди миқдорини тупроқнинг агрономик хоссаларига ижобий таъсир этганлиги билан изоҳланади.

Мақолада ингичка толали ғўзанинг барг шираси орқали суғориш муддатларини тезкор аниқлаш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Рефрактометр кўрсаткичлари сидератлардан кейин ғўза экишнинг дастлабки йилида (2022 йил) ғўзанинг ривожланиш даврлари бўйича таҳлил этилганда, сидерат экин экилмаган вариантда ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда гуллаш даврида 18-19 % бўлган бўлса, пишиш даврида эса 21-22 % ни ташкил этганлиги кузатилди (1-жадвал).

ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида эса рефрактометр кўрсаткичлари 14,1-14,8 % гача ўзгариб турган бўлса, пишиш даврида эса 19,6-19,8 % ни ташкил этган. 2023 йилдаги кузатувларда сидерат экинлар экилмаган фонда ғўзани ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 19,6-20,4 % бўлган бўлса, пишиш даврида эса 22,7 % ни, ҳудди шу суғориш тартибида сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилганда тегишлича 18-18,5%, пишиш даврида 21,6% ни ёки ҳужайра ширасиконцентрацияси 1,1-1,9% га камайганлиги аниқланди.

Ғўзани ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолди. Умуман олганда олдинги ўрта толали ғўза навларида рефрактометр кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлардаги қонуният яъни тупроқ намлиги камайиши билан ҳужайра ширасиконцентрацияси ортиб бориши қонунияти такрорланди.

1-жадвал

Сурхон-16 ғўза навининг суғориш муддатларини тупроқ намликларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган рефрактометр кўрсаткичлари, 2022 й

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %	Фазалар бўйича рефрактометр кўрсаткичлари, %		
	Гуллашгача	Гуллаш-ҳосил тўплаш	Пишиш
Сидерат экин экилмаган (назорат)			
65		18-19	19,5-20
70	14-15	16-17	17,5-18
75	12-13	14-15	15,5-16
Сидератдан сўнг			
65		19-20	21-22
70		17-18	19-20
75		15-16	17-18
Энг кичик хатолик >0,05, Корреляция коэффициенти -0,87 стандарт четланиш ±0,04, n=96			

Изоҳ: Сидератдан сўнг ғўза парваришланганда гуллашгача бўлган қисм тўлдирилмагани, сидерат экилмаган назоратда 65 % намлик гуллашгача бўш қолдирилганига сабаб, суғоришлар гуллашгача амалга оширилмаган.

Бундан ташқари тадқиқотларимизда кузги сидерат экинларини суғориш агротадбирлари иш дастурида кўрсатилган суғориш олди тупроқ намликлари асосида олиб борилди. Парваришланаётган кузги сидерат экинларини 5 март санасида ЧДНСга нисбатан 70-75-75 % суғориш олди тупроқ намлигида амал даврида бир маротаба суғорилиб, гектарига 650 $м^3$/га сув сарфланган ҳолда мавсумий суғориш меъёри ҳам 650 $м^3$/га ни ташкил этди.

Бунда суғориш давомийлиги 10 соатни ташкил этди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кузги сидерат экинлари (хашаки кўк нўхат, жавдар, перко) катта миқдордаги яшил масса ва илдиз қолдиқлари тўплаши учун об-қаво шароитига қараб амал даври давомида эрта баҳорда бир маротаба 650 $м^3$/га меъёрида суғориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кузги сидерат экинларидан кейин парваришланган ингичка толали ғўза икки хил суғориш тартибида ЧДНСга нисбатан 65-65-60% ва 70-75-65% суғориш олди тупроқ намликларида ўрганилди. Сидерат экинларидан кейин ғўза экишнинг биринчи йилида, яъни 2022 йилда ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш олди тупроқ намлигида сидерат экинлари экилмаган вариантдан кейин ғўза парваришланганда суғориш тизими 0-3-1 бўлиб, 4 марта суғорилди ва мавсумий суғориш меъёри 4320 $м^3$/га ни ташкил этди. Худди шу суғориш тартибида сидерат экинларидан кейин ғўза парваришланганда суғориш тизими 0-2-1 бўлиб, 3 марта суғорилди ва

сидерат экилмасдан ғўза парваришланган вариантга солиштирилганда суғоришлар сони 1 та га ва суғориш сувлари 1000-1050 м^3/га га тежалганлиги аниқланди. Шу каби ЧДНСга нисбатан 70-75-65% суғориш олди тупроқ намлигида сидератсиз ва сидератлардан кейин ғўза етиштирилганда ҳам суғоришлар сони сидератдан кейин ғўза экилганда 1та га кам бўлиши, суғориш сувлари эса 900-950 м^3/га тежалишига эришилди. Бунда суғоришлар оралиғи сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилганда бирмунча узоқроқ бўлиши, сидератлар тупроқда мулча сифатида намликни кўпроқ ушлаб туриши билан изоҳланади. Бунинг натижасида сидератлардан кейин ғўза етиштирилганда суғоришлар оралиғи сидератсиз ғўза парваришланганда 5-6 кунга узоқроқ бўлганлиги ва кейинчалик суғоришлар сони 1та гача тежалганлиги аниқланди.

Ғўзани суғориш бўйича кузатувлар 2023 йилда ҳам давом эттирилди. Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда сидерат экинлари экилмаган фонда ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % бўлганда мавсум давомида 0-3-1 тизимда 4 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 4227 м^3/га ни, худди шу суғориш тартибида сидерат экинларидан кейин ғўза етиштирилганда 0-2-1 тизимда 3 марта суғорилиб, 3165 м^3/га ёки бир мартага суғориш сувлари камайишига ва сидерат экилмаганга нисбатан 22-25% га суғориш сувлари иқтисод қилинганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан сув тежаш имкониятлари 2-3% га ортганлиги аниқланди. Ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % да суғорилганда ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолди ёки сидерат экилмаганга нисбатан 20-22% га суғориш сувлари тежаб қолиш мумкинлиги аниқланди.

Хулосалар ва тавсиялар. Кузги сидератлардан (хашаки кўк нўхат+жавдар+перко) кейин парваришланган ингичка толали Сурхон-16 ғўза навини ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % суғориш олди тупроқ намлигида 0-3-1 тизимда 4 марта, яъни сидератсиз анъанавий ғўза парваришланганга нисбатан бир марта кам суғориш (900-1050 м^3/га, 19,5-25,0% сувни тежаш), суғориш меъёри 850-950 м^3/га, мавсумий суғориш меъёри 3600-3700 м^3/га, суғориш давомийлиги 18-20 соат, 21-29 кун оралиғида суғориш тавсия этилади;

Ингичка толали Сурхон-16 ғўза навини барг ҳужайра ширасы концентрацияси гуллаш - ҳосил тўплашда 15-16% ва пишишда 21-22% га тенг бўлганда суғориш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авлиёқулов А. Мамлакатимиз деҳқончилик тизими истиқболлари. Монография. Тошкент “Nishon Noshir” - 2015 й. Б– 135-136.

2. Бозоров Х.М. Ғўза мажмуидаги экинларни алмашлаб экиш тизимида оралиқ экинлар етиштиришнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсири. // Қишлоқ хўжалиги илм фанида ёшларнинг роли мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент-2020. - Б. 86-90.

3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007 йил.

4. Дурдиев Н.Ҳ. Ингичка толали ғўза навларининг сув истеъмоли. // Қишлоқ хўжалиги илм фанида ёшларнинг роли мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент-2020. - Б. 65-69.

5. Иброҳимов О. Унумдор тупроқ-туганмас хазина. // Agro kimyo himoya va o‘simliklar karantini илмий-амалий журнали. Тошкент 2022 й. № 3-сон (6). Б. 77-79.

6. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. СоюзНИХИ, 1981 г.

7. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. СоюзНИХИ, 1973 г.

8. Равшанов А.Э., Камилов Б.С., Гаппаров С.М., Утаев А.А., Зиятов М.П. Типик бўз тупроқлари шароитида районлашган ғўза навларини томчилатиб суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлиги. // Пахтачилик ва дончилик илмий-амалий журнали. Тошкент 2022 й. № 2-сон (6). Б. 89-96.

9. Ғаниев С.Э., Избосаров Б.Э. Шўрланган тупроқлар унумдорлигини оширишда гумус ва озиқа моддаларнинг аҳамияти. // Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси. Тошкент-2020. - Б. 704-707.

10. Ҳолиқов Б.М., Бўриев Я., Намозов Ф.Б., Иминонов А. Қашқадарё вилояти шароитида алмашлаб экиш тизимларида экилаётган экинларни парваришлашнинг агротехник тадбирлари номли тавсия. Қарши “Насаф” - 2016 й. Б– 22.

УЎТ: 631.432.2

ТУПРОҚ НАМЛИГИНИ ЗАМОНАВИЙ НАМ ЎЛЧАШ УСКУНАЛАРИ ЁРДАМИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Эгамбердиев Отабек Шавкат ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
otabekegamberdiev@mail.ru.
https://orcid.org/0009-0007-0562-0873
Оллониёзов Сардор Пўлат ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
olloniyozovsardor@gmail.com.
https://orcid.org/0009-0006-7217-2460
Тоғаев Шуҳрат Мирахматович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
shuxratjon_1983t@mail.ru.
https://orcid.org/0009-0000-1611-7842
Тоиржонов Аҳаджон Шокиржон ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
ahadtoirjonov@gmail.com.
https://orcid.org/0009-0000-3102-8231
Муртазаева Файёза Миржахон қизи
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти, кичик илмий ходим
fayyozamurtazayeva@gmail.com.
https://orcid.org/0009-0009-6234-7759

Аннотация. Тупроқдаги намлик даражасини аниқлаш етиштириладиган ҳосил миқдори ва сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан ҳисобланади. Мазкур мақолада M-350 Aquaterr ва Lincoln тупроқ намлигини ўлчаш қурилмалари ҳамда анъанавий термостат тарози усули ёрдамида аниқланган тупроқ намлиги таққосланиб тадқиқ қилинган. Тупроқ намлигини аниқлашда ҳар бир усул ўзига хос технологияга асосланганлиги келтирилган.

Калит сўзлар: Тупроқ намлиги, M-350 Aquaterr, Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич, термостат тарози усули, тупроқ таҳлили, намлик ўлчаш.

Abstract. Determining the level of soil moisture is one of the factors directly affecting the quantity and quality of the harvested crop. In this article, soil moisture measured using M-350 Aquaterr and Lincoln soil moisture measuring devices and the traditional thermostat scale method was compared and studied. It

is shown that each method for determining soil moisture is based on a specific technology.

Key words: Soil moisture, M-350 Aquaterr, Lincoln soil moisture meter, Thermostat balance method, soil analysis, moisture measurement.

Аннотация. Определение уровня влажности почвы является одним из факторов, непосредственно влияющих на количество и качество выращиваемого урожая. В данной статье сравнивается и исследуется влажность почвы, определяемая с помощью приборов для измерения влажности почвы M-350 Aquaterr и Lincoln и традиционного термостатического метода взвешивания. Приведено, что при определении влажности почвы каждый метод основан на специфической технологии.

Ключевые слова: Влажность почвы, M-350 Aquaterr, измеритель влажности почвы Lincoln**, метод термостатного баланса, анализ почвы, измерение влажности.**

Кириш. Тупроқ намлигини ўлчаш қишлоқ хўжалик экинларининг самарали ўсишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Тупроқ намлиги экинларнинг сув талабини аниқлаш, суғориш режимини тўғри белгилаш, ҳосилдорликни ошириш ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш имконини беради. Айниқса, сув етишмовчилиги шароитида, тупроқдаги намликни доимий мониторинг қилиш қишлоқ хўжалик соҳасида юқори натижаларга эришиш учун муҳим ҳисобланади. Тупроқдаги намликни ўлчашнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида термостат тарози усули энг қадимий ва аниқ ҳисобланади. Ушбу усул нам тупроқ намуналарини тортиш ва уларни қуритиб, қуруқ ҳолатдаги вазни билан солиштириш орқали амалга оширилади [1].

Шунингдек, замонавий технологиялар ёрдамида намликни аниқ ва тез ўлчаш имконини берувчи электрон ўлчагичлар ишлаб чиқилган. M-350 Aquaterr ва Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич каби қурилмалар ушбу усулларнинг намояндаларидир. Ушбу мақолада термостат тарози усули ва замонавий электрон ўлчагичли тупроқ намлигини ўлчашда солиштириш орқали уларнинг афзаллик ва камчиликлари ёритилади. Бугунги кунда тупроқ намлигини аниқлашда Time Domain Reflectometry (TDR) технологиялари каби аниқ ўлчаш тизимлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Тупроқ намлигини мониторинг қилишда бу усулларнинг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки улар суғориш жараёнини бошқаришда катта ёрдам беради [5, 6]. M-350 Aquaterr ва Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич ҳам шундай технологияларга асосланган бўлиб, улар тупроқнинг ҳажмий сув миқдорини ўлчаш имконини беради [3].

Шу билан бирга, тупроқ намлигини термостат тарози усули билан ўлчаш йиллар давомида қўлланиб келинаётган анъанавий метод бўлиб, бу усул юқори аниқлик талаб қиладиган тадқиқотлар учун ҳалигача долзарб ҳисобланади. Термостат тарози усулида, нам тупроқ наъмунаси аввал тортилади, сўнг қуритилиб, қуруқ ҳолатдаги вазнининг фарқи орқали намлик миқдори аниқланади [2].

M-350 Aquaterr тупроқ намлигини ўлчагич электромагнит индукция технологиясига асосланган бўлиб, тупроқнинг ўртача намлигини аниқ ўлчайди.

Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич сенсорлар ёрдамида тупроқнинг диэлектрик ўзгаришларини қайд этади ва намлик даражасини кўрсатади.

Термостат тарози усули тупроқ наъмунаси дастлаб намлигида тарозида тортилади, кейин эса наъмуна термостатда қуритилиб, яна тарозида тортилади. Ушбу усул бўйича намликнинг фоизи қуритилган ва нам тупроқ оғирликлари фарқини қуруқ тупроққа нисбати ёрдамида аниқланади.

Адабиётлар шарҳи. Тупроқдаги намлик миқдорини ўлчаш бўйича тадқиқотлар анчадан бери олиб борилмоқда. Hillel (1998) ўзининг “Environmental Soil Physics” китобида тупроқ физикаси ва сувнинг тупроқдаги ҳаракати бўйича кенг қамровли маълумотларни келтириб ўтган [1]. Ушбу китобда тупроқнинг физик хусусиятларини баҳолашда сув миқдори қандай аҳамиятга эга эканлиги аниқ кўрсатилган.

Шунингдек, Smith va Mullins (1991) томонидан ёзилган “Soil Analysis: Physical Methods” да турли тупроқ таҳлил усуллари, шу жумладан, термостат тарози усули ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ушбу усул тупроқнинг намлигини лаборатория шароитида ўлчашда юқори аниқлик бериши билан ажралиб туради [2].

Klute (1986) ва Gardner (1986) томонидан ишлаб чиқилган “Methods of Soil Analysis” китобида термостат тарози усулини қўллаш орқали тупроқдаги сув миқдорини аниқлаш техникалари чуқур таҳлил қилинган [3, 4]. Ушбу техникалар узоқ йиллар давомида муваффақиятли қўлланилиб, амалиётда ўз ўрнини топган. Тупроқ намлигини аниқ ва самарали ўлчашда Topp ва Ferre (2002) томонидан тақдим этилган Time Domain Reflectometry (TDR) технологияси илғор усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усул орқали тупроқдаги сувнинг ҳажмий миқдорини тезкор ва аниқ ўлчаш имконияти мавжуд [5, 6, 9]. Замонавий тупроқ намлигини ўлчаш

технологияларининг ривожланиши натижасида, ўлчаш воситалари ва усуллари сезиларли даражада такомиллашди.

Campbell ва Shiozawa (1992) томонидан олиб борилган тадқиқотлар тупроқдаги намлик миқдорини аниқлашда зарраларнинг ўлчами ва тупроқ зичлигининг аҳамиятини кўрсатиб берди [7]. Richards (1931) томонидан ўтказилган тадқиқотлар эса капилляр ўтказувчанликни ўрганишда асосий қадамлар бўлди [8].

Van Genuchten (1980) томонидан ишлаб чиқилган тенглама эса тупроқнинг гидравлик ўтказувчанлигини аниқлашда кенг қўлланилади. Ушбу тенглама бугунги кунда кўплаб тупроқ физикаси ва гидравлик таҳлилларда асосий ҳисобланади [10]. Шунингдек, Skaggs ва van Genuchten (1999) тупроқ сув динамикасини аниқлашда инверс моделлаш усулларини ривожлантирди, бу усулнинг тупроқ гидравлик хоссаларини аниқлашда долзарб эканлигини исботлади [11].

Dexter (1988) тупроқнинг структуравий хусусиятлари ва уларнинг сув тутиш қобилиятига таъсирини ўрганиб, тупроқнинг сув сақлаш қобилияти билан боғлиқ муҳим омилларни аниқлаган. Ушбу тадқиқотлар тупроқни янада самарали ўрганиш имконини яратди [13]. Шу билан бирга Ritchie ва Nesmith (1991) тупроқдаги намлик ва ўсимликларнинг ривожланиш жараёнига бўлган таъсирини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борган [12].

Материал ва услублар. M-350 Aquaterr намлик ўлчагич тупроқдаги намлик даражасини электромагнит тўлқинлар орқали аниқлайди. Ушбу қурилма тупроқдаги ҳажмий намликни аниқлашда кенг қўлланилади ва намликни осон, тез ва аниқ ўлчаш имконини беради. Қурилма намликни фоиз сифатида кўрсатади ва тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш имконини беради. Асосий афзаллиги ўлчаш жараёнининг тезкорлиги ва фойдаланувчининг тажрибасига минимал даражада боғлиқ бўлишидир.

Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич дала шароитларида қўлланиладиган қурилма ҳисобланади. Lincoln электромагнит импульслар асосида тупроқнинг ички қисмидаги намлик даражасини аниқлайди. Lincoln ўлчагичи тупроқнинг зичлик, ҳажмий масса каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда намлик миқдорини аниқлашга қаратилган. Қурилма қўллаш жараёнида фойдаланувчидан аниқ созламалар талаб қилади.

Тупроқ намлигини аниқлашнинг энг анъанавий усулларидан бири термостат тарози усулидир. Ушбу усулда тупроқнинг нам массаси ўлчанади

ва тупроқ намлиги тўлиқ қуритилиб, қуруқ массаси билан таққосланади. Термостат тарози усулининг афзаллиги юқори аниқликка эга бўлишидир, аммо жараён жуда кўп вақт талаб қилади ва лаборатория шароитларида амалга оширилиши керак. Ушбу усул одатда дала шароитларида фойдаланиш учун қулай эмас, аммо синов натижалари қиёслаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Натижалар ва мунозара. Тупроқ намлигини аниқлаш тадқиқоти Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида олиб борилди. Тупроқ наъмуналарини олиш учун яримгидроморф тупроқ турлари танланди (1,2 расмлар). Ҳар бир ўлчов асбоби билан тупроқ намлигини бир хил майдонларда 3 мартадан 50 см чуқурликкача ўлчаш амалга оширилди. Термостат тарози усули учун ҳар 10 см қатламдан наъмуна олинди ва қуритилди.

Термостат тарози усулида намликни аниқлаш қуйидаги (1) формула орқали амалга оширилди:

$$W = \frac{m_{nam} - m_{quruq}}{m_{quruq}} \cdot 100; \quad (1)$$

Бу ерда: W – тупроқ намлиги (%); m_{nam} - нам тупроқ оғирлиги (г); m_{quruq} - қуруқ тупроқ оғирлиги (г).

1-расм. **Тупроқ намлигини M-350 Aquaterr ҳамда Lincoln нам ўлчаш қурилмаси ёрдамида аниқлаш жараёни**

M-350 Aquaterr тупроқ намлигини ўлчагич натижалари тупроқнинг ўртача намлик даражасини аниқлашда юқори аниқликка эга бўлди. Тупроқ намлигининг диапазони ўртача 62.0, 75.4 ва 78.8 фоизгача бўлган ораликда аниқланди. Тадқиқот давомида намликни ўлчагич сезувчанлиги яхши бўлиб, ўлчовлар орасида кам фарқ кузатилди.

1-жадвал

Термостат тарози усули натижасининг дала тупроқ нам қиймати

Қатлам, см	Қуруқ тупроққа нисбатан намлик,%	Тупроқ зичлиги, г/см^3	Чегаравий дала нам сиғими, %	Дала тупроқ нами,%
0-10	14,8	1,45	21,5	69
10-20	15,9	1,51	24,0	66
20-30	16,0	1,56	25,0	64
30-40	15,2	1,41	21,4	71
40-50	14,4	1,47	21,2	68
Ўртача	**15,3**	**1,48**	**22,6**	**68**

Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич натижалари ҳам аниқ, аммо тупроқнинг тузилиши ва механик таркибига нисбатан сезувчанлиги паст бўлди. Тупроқнинг физик ҳолатидан келиб чиқиб, ўлчовлар ўртача 6.2, 7.4 ва 6.0 фоизгача бўлди. Бу қиймат 10 га каррали ҳисобланади. Lincoln ўлчагичи, айниқса, қуруқ тупроқда камроқ аниқлик кўрсатди.

2-жадвал

Тупроқ намлигини 3 хил усулда аниқланган натижалар (1-аниқлаш)

Қатлам, см	Термостат тарози усули (%)		M-350 Aquaterr (%)	Lincoln (%)
1-нуқта				
0-10	14,8	69	77	6.0
10-20	15,9	66	71	6.0
20-30	16,0	64	50	5.0
30-40	15,2	71	52	7.0
40-50	14,4	68	60	7.0
Ўртача	**15,3**	**68**	**62,0**	**6,2**
2-нуқта				
0-10	17,9	69	64,0	8,0
10-20	18,1	66	59,0	8,0
20-30	17,7	64	81,0	7,0
30-40	17,6	71	91,0	6,0
40-50	16,9	68	82,0	8,0
Ўртача	**17,6**	**68**	**75,4**	**7,4**
3-нуқта				
0-10	16,4	69	74,0	4,0
10-20	18,1	66	81,0	7,0
20-30	16,9	64	91,0	6,0
30-40	16,9	71	88,0	7,0

40-50	15,8	68	60,0	6,0
Ўртача	**16,8**	**68**	**78,8**	**6,0**

Термостат тарози усули натижалари орқали аниқланган тупроқ намлиги энг аниқ усул бўлиб, ҳар бир наъмуна учун қуруқ ва нам тупроқ оғирликлар ўртасидаги фарқ асосида аниқланди. Бу усулда олинган натижа ўртача 68 фоизгача бўлди. Термостат тарози усули натижалари қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан ҳисобланди. Дала тупроқ нам қийматини аниқлаш учун аниқланган қуруқ тупроққа нисбатан намлик қийматини тупроқ зичлигига кўпайтириш орқали ифодаланди (1-жадвал).

Ушбу тадқиқотда ҳар бир ўлчаш усули ёрдамида бир хил тупроқ наъмуналарида 13.05.2024 куни 3 мартадан намлик ўлчанди ва қуйидаги натижалар олинди (2-жадвал).

Суғориладиган тупроқ қатламининг ҳажм оғирлиги 1 г/см^3 дан 1,81 г/см^3 гача бўлиши мумкин. Таркибида гумус моддаси кўп бўлган тупроқлар зичлиги 1-1,2 г/см^3, гумуси кам бўлган тупроқлар зичлиги 1,3-1,5 г/см^3 бўлади. Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик ривожланган ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг зичлиги 1,30-1,52 г/см^3 атрофида бўлади. Устки ҳайдалма қатлам, кичик ҳажмий оғирликка 1,1-1,3 г/см^3 эга, чунки бу қатламда агрегатлар ғовак жойлашган бўлади. Қуйи қатламда агрегатлар миқдори камайиб борганлиги ҳамда агрегат ва заррачаларнинг зич жойлашганлиги туфайли бўшлиқлар миқдори камайиб боради, натижада ҳажм оғирлик ортади, 1,6-1,7 г/см^3 атрофида бўлади. Структурали тупроқлар кичик ҳажм оғирликка эга бўлиб, у бутун ўсув даврида ўзгариб туриши мумкин [14].

Хулоса. Тупроқ намлигини ўлчашда M-350 Aquaterr, Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич ва Термостат тарози усули самарадорликлари ва аниқлик даражалари бир-бирига яқин бўлиб, ҳар бир усулнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд. Термостат тарози усули лаборатория шароитларида аниқлиги билан ажралиб туради, аммо дала шароитларида M-350 Aquaterr ва Lincoln тупроқ намлигини ўлчагич амалий ва тезкор ўлчаш имконини берди. Ушбу усулларни турли тупроқ шароитларида қўллаб, тупроқ намлигини ўлчашда ишончли натижаларга эришиш мумкин. Ушбу тадқиқот орқали турли усуллар ёрдамида тупроқ намлигини аниқлашнинг афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинди. Термостат тарози усули ўзининг юқори аниқлиги билан ажралиб туради, аммо бу усул кўпроқ вақт ва жиҳозларни талаб этади. M-350 Aquaterr эса тезкорлик ва қулайлик жиҳатидан афзал бўлиб, кенг амалий қўлланилиш имкониятига эга. Lincoln тупроқ намлигини

ўлчагич сезгирлиги пастроқ бўлсада, тезкор натижалар олиш учун яхши танлов ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги амалиётлари учун M-350 Aquaterr ва Термостат тарози усулининг комбинацияси тупроқ намлигини аниқ ва тезкор аниқлаш учун самарали бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Hillel D. (1998) “Environmental Soil Physics” // Academic Press https://doi.org/10.1016/B978-0-08-054415-4.50002-4
2. Smith K.A., Mullins C.E. (1991) “Soil Analysis: Physical Methods” // Marcel Dekker Inc https://doi.org/10.1201/9780203754317
3. Klute A. (1986) “Methods of Soil Analysis” // American Society of Agronomy https://doi.org/10.2136/sssabookser5.1.2ed
4. Gardner W.H. (1986), A.Klute (Ed) “Methods of Soil Analysis” // American Society of Agronomy https://doi.org/10.2136/sssabookser5.1.2ed.c20
5. Topp G.C., Ferre P.A. (2002) “Soil Water Content” // In Methods of Soil Analysis, pp. 417-433 https://doi.org/10.2136/sssabookser5.4.c17
6. Evett S.R. (2008) “Soil Water Measurement by Time Domain Reflectometry” // Vadose Zone Journal 7 (3) 937-946 https://doi.org/10.2136/vzj2007.0142
7. Campbell G.S., Shiozawa S. (1992) “Prediction of Hydraulic Properties of Soils Using Particle Size Distribution, Bulk Density Data” // Soil Science Society of America Journal, 56(1), 38-45 https://doi.org/10.2136/sssaj1992.03615995005600010006x
8. Richards L.A. (1931) “Capillary Conductivity of Liquids through Porous Mediums” // Physics 1(5) 318-333 https://doi.org/10.1063/1.1745010
9. Topp G.C., Davis J.L. (1985) “Measurement of Soil Water Content Using Time-Domain Reflectometry (TDR)” // Soil Science Society of America Journal, 49(1) 19-24. https://doi.org/10.2136/sssaj1985.03615995004900010003x
10. Van Genuchten M.T. (1980) “A Closed-Form Equation for Predicting the Hydraulic Conductivity of Unsaturated Soils” // Soil Science Society of America Journal, 44(5) 892-898 https://doi.org/10.2136/sssaj1980.03615995004400050002x
11. Skaggs T.H., Van Genuchten M.T. (1999) “Inverse Modeling of Soil Water Dynamics” // Soil Science Society of America Journal 63(5) 1311-1319 https://doi.org/10.2136/sssaj1999.6351311x
12. Ritchie J.T., NeSmith D.S. (1991) “Temperature and Crop Development” In Modeling Plant and Soil Systems, // American Society of Agronomy. https://doi.org/10.2134/agronmonogr31.c5
13. Dexter A.R. (1988) “Advances in Characterization of Soil Structure” // Soil and Tillage Research 11(3-4), 199-238 https://doi.org/10.1016/0167-1987(88)90002-5

14. О.Рамазонов, С.С.Буриев “Мелиоратив тупроқшунослик” // Дарслик. Т.: ТИҚХММИ, 2019-137 бет. https://staff.tiiame.uz/storage/users/162/books/Vir6Exi1T3iecSSB5qgm93SPqhPccMceF25ZBHs5.pdf

UO‘T: 633.71:631.67:631.674

SIDERAT EKINLARIDAN KEYIN YETISHTIRILGAN G‘O‘ZANI TOMCHILATIB SUG‘ORISH NATIJALARI

Durdiyev Normat Hasanovich
Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Milliy tadqiqot universiteti dotsenti, qishloq xo‘jaligi fanlari doktori.
normat8986@gmail.com
https://orcid.org/0009-0005-0272-6344

Annotatsiya. Ushbu maqolada Toshkent viloyati Bo‘ka tumanining tipik bo‘z tuproqlari sharoitida siderat ekinlaridan keyin yetishtirilgan g‘o‘zani tomchilatib sug‘orish natijalari bo‘yicha ma’lumotlar keltirilgan. Bunda sidratlardan keyin ekilgan g‘o‘zada amal davri davomida 3-6-2 tizimda 11 marta sug‘orilib, sug‘orish davomiyligi 5-6 soatni, sug‘orishlar orasi 4-10 kunni, mavsumiy sug‘orish me’yori 2869,6 m³/ga ni tashkil etib, nazoratga nisbatan tejalgan suv 1015,8 m³/gani tashkil qilgan.

Kalit so‘zlar: tomchilatib sug‘orish, siderat ekinlari, tuproq unumdorligi, resurstejamkor texnologiyalar, minerak o‘g‘itlar, hosildorlik.

Аннотация. В данной статье представлены данные о результатах капельного орошения хлопчатника, выращенного после сидеральных культур, в условиях типичных сероземов Букинского района Ташкентской области. Хлопчатник, посеянный после сидератов, орошался 11 раз в течение вегетационного периода по системе 3-6-2, продолжительность одного полива составляла 5–6 часов, интервал между поливами – 4-10 дней, сезонная норма орошения – 2869,6 м³/га, что позволило сэкономить 1015,8 м³/га воды по сравнению с контролем.

Ключевые слова: Капельное орошение, сидеральные культуры, плодородие почвы, ресурсосберегающие технологии, минеральные удобрения, урожайность.

Annotation. This article presents data on the results of drip irrigation of cotton grown after green manure crops under the conditions of typical grey soils in the Boka district of Tashkent region. Cotton sown after green manures was irrigated 11 times during the growing season using the 3-6-2 system. Each irrigation lasted 5–6 hours, with intervals of 4–10 days between irrigations. The seasonal irrigation rate was 2869.6 m³/ha, saving 1015.8 m³/ha of water compared to the control.

Key words: Drip irrigation, green manure crops, soil fertility, resource-saving technologies, mineral fertilizers, yield.

Kirish. 2020-yil 10-iyulda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan imzolangan PF-6024-sonli Farmon bilan “O‘zbekiston Respublikasida suv xo‘jaligini rivojlantirishning 2020–2030 yillarga mo‘ljallangan konsepsiyasi” tasdiqlandi. Ushbu konsepsiya mamlakatimizda suv resurslaridan samarali foydalanish, suv ta’minotini yaxshilash va suv xo‘jaligini modernizatsiya qilishga qaratilgan keng qamrovli islohotlarni nazarda tutadi [1].

Yaponiyada o‘tkazilgan tadqiqotlarda sorgo, krotalariya va kungaboqar ekinlarini siderat ekin sifatida qatorlab ekilganda ildiz tizimi rivojlanishi, yer ustki massa to‘plashi va azotni o‘zlashtirishi tadqiq qilingan. Bunda dukkakli ekin krotalariya asosan siderat sifatida yakka holda va aralash holida hamkor sifatida parvarishlanganda har ikkala variantda ham ildizi yaxshi rivojlanganligi, kungaboqar esa ildiz tizimi yuza joylashib, faqatgina yakka holda parvarishlangan variantlarda ildizi chuqur rivojlanganligi, aksincha sorgo ekinida esa hamkor sifatida parvarishlangan variantlarda ildizi chuqur rivojlanishi o‘z tasdig‘ini topgan [6].

Germaniyalik olimlarning javdar ekinini No till usulida parvarishlab, keyingi yili soya ekish bo‘yicha o‘tkazgan tadqiqotlaridan olingan ma’lumotlarga ko‘ra, tuproq eroziyasi kamayishi, nitrat yuvilishi kam bo‘lishi, begona o‘tlar miqdori asosiy ekinda kam bo‘lishi aniqlangan. Bunda No till qo‘llanilib, gerbitsid sepilgan variantlarda javdar ko‘chatlari kam bo‘lsada, javdardan keyin ekilgan soyadan yuqori hosil olingan. Aksincha gerbitsid qo’llanilmaganda javdardan yuqori ko‘k massa hosili olingan bo‘lsada, keyinchalik soya hosili kamroq bo‘lganligi aniqlangan [4].

I.Ernazarov fikriga ko‘ra, oraliq ekinlar qo‘llanish shakliga qarab turlicha nom bilan ataladi. Ko‘kat o‘g‘itlar so‘zi qadim zamonlardan buyon ma’lum bo‘lib, juda ham keng tarqalgan. Keyinroq ko‘kat o‘g‘itlar so‘zi “siderat” nomi bilan almashtirilgan. Sideratsiya so‘zi lotin tilidan olingan bo‘lib, siderius, ya’ni quyosh yorug‘lik energiyasining yashil o‘simlik massasiga aylanishi degan ma’noni bildiradi [1].

Hindistonlik olimlarning tadqiqotlarida “Intercropping system” tushunchasiga to‘xtalib o‘tilgan bo‘lib, bunda bir dalada ikki yoki undan ko‘p ekinlar bir biriga halaqit bermaydigan qatorlarda joylashtirilgan holda bir paytda parvarishlanishi tushuniladi. Bunda eng muhim jihat sifatida ekin turlarining oziqlanish maydoni, joylashuvi va namlik hamda quyosh radiatsiyasidan foydalanishida bir-biri bilan teng sherik bo‘lishini minimallashtirish uchun g‘alladon ekinlari+dukkakli ekinlar parvarishlanishi yuqori samara berishi ta’kidlangan [5].

Tuproqlar unumdorligini saqlash va oshirish uchun ishlab chiqarishda keng qo‘llanilib kelinayotgan g‘o‘za-g‘alla qisqa navbatlab ekish tizimiga tuproq unumdorligini tiklaydigan siderat ekinlarini kiritish orqali takomillashtirish talab etiladi. N.N.Balashevning O‘zbekistondagi tajribalaridan olgan ma’lumotlariga qaraganda, yashil o‘g‘itlar (sideratsiya) qishloq xo‘jalik ekinlari hosildorligiga ta’siri bo‘yicha go‘ngdan ustun kelishi va 1 tonna siderat ko‘k massasi 3 tonna go‘ng o‘rnini bosishi isbotlangan [3].

Jahonda siderat ekinlari “cover crop” “green manure” deb yuritiladi. Tavsiya etilgan eng yuqori orinda turuvchi 5 ta top siderat ekin turlariga javdar, marjumak, klever, sudan o‘ti va vika kiradi. Bu ekinlar tuproqqa to‘liqligicha haydab yuboriladi yoki chorva uchun ozuqa sifatida yer ustki qismi o‘rib olinib, ildiz ang‘iz qoldiqlari yerga haydaladi. Shuningdek dunyoda “intercropping” degan tushuncha bo’lib, turli ekinlarni birgalikda yonma yon holatda siderat sifatida yetishtiriladi [2].

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotlarimiz EU-AGRIN: Qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat sektorining “yashil iqtisodiyot”ga inklyuziv o‘tishini qo‘llab quvvatlash va iqlimga yo‘natirilgan qishloq xo‘jaligi bilimlari va innovatsion tizimini rivojlantirish” loyihasining “Toshkent viloyati sharoitida tuproq unumdorligi va g‘o‘za hosildorligini oshiruvchi yozgi siderat ekinlarini yetishtirishning resurstejamkor texnologiyasini joriy qilish” innovatsion guruhi tomonidan 2023-2024 yillar hamda ishlab chiqarish tajribalari 2025 yilda olib borildi. Respublikamizning markaziy mintaqasi Toshkent viloyati, Bo‘ka tumani, Mustaqil O‘zbekiston hududi, “Shukurullo Yasmina Agro” fermer xo‘jaligi dalalaridagi tadqiqotlarimiz sug‘oriladigan tipik bo‘z tuproqlari sharoitida eroziyaga uchragan dalalarda amalga oshirildi. Bunda 2023 yilda siderat ekinlari yozgi muddatda kuzgi bug‘doydan so‘ng parvarishlanib, keyingi yil shu dalada siderat ekinlaridan so‘ng g‘o‘za yetishtirildi. G‘o‘za ekini ham kiritilgani sababi birinchidan respublikamizda g‘o‘za asosiy ekin bo‘lib, siderat va boshqa ekinlar g‘o‘za bilan almashlab ekiladi, shu sababli ham g‘o‘za ekini tajribaga qo‘shilgan.

Tadqiqot davomidagi dala tajribalarini o’tkazishda biometrik o’lchovlar va tuproq, o’simlik namunalari “Dala tajribalarini o’tkazish uslublari”, Б.А.Доспехов “Методика полевых опытов” uslubnomalariga muvofiq o‘tkazildi, iqtisodiy samaradorlik N.A.baranovning “Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники, и изобретений рационализаторских предложений” uslubnomalari asosida olib borildi.

Siderat ekinlari yozgi muddatda o‘rganildi. Bunda absolyut nazorat sifatida siderat ekin ekilmagan maydon, nazorat variant sifatida ekish oldi tuproq shudgor qilinib, chizel va boronalash agrotadbirlari o‘tkazilgandan keyin siderat ekinlari ekildi. Keyingi variantlarda ekish oldi yer diska qilib siderat ekinlari urug‘lari ekildi. Sug‘orish agrotadbiri oddiy egatlab va yomg‘irlatib sug‘orish texnologiyalarida olib borildi. Oziqlantirishda tarkibida NPK bo‘lgan suvda mutloq eruvchan yangi turdagi mahalliy mineral o‘g‘itlar suvda eritilgan holda yomg‘irlatib sug‘orish uskunalari orqali amalga oshirildi. Egatlab sug‘orishda esa mineral o‘g‘itlar tuproqqa qo‘llanildi. Siderat ekinlarining yer ustki ko‘k massasi chorva uchun o‘rib olinadigan variantlarda ko‘k massa o‘rib olingandan keyin ildiz-ang‘iz qoldiqlari, ko‘k massa to‘liq haydaladigan variantlarda esa ko‘k massa bir yo‘la maydalab tuproqqa haydab yuborilib, keyin shudgor qilindi.

Toshkent viloyatida yozgi muddatda o‘tkazilgan tadqiqotlar quyidagi tajriba tizimi asosida olib borildi. Toshkent viloyatining sug‘oriladigan tipik bo‘z tuproqlari sharoitida o‘tkazilgan tadqiqotlarda, siderat ekinlar yozgi muddatda, ya’ni kuzgi g‘alladan bo‘shagan maydonlarda ekildi. Tajribalar 5 ta variant 3 ta takrorlanishda joylashtirildi. Tajribaning umumiy maydoni 3 gektarni tashkil etadi.

Tahlil va natijalar. Siderat ekin ekilmasdan parvarishlangan g‘o‘zaning nazorat variantida amal davri davomida 5-7-2 tizimda 14 marta sug‘orilib, 9.06 sanasida sug‘orish me’yori 304,7 m^3/ga; 15.06, 20.06, 25.06 sanalarda 253,9 m^3/ga; 29.06, 3.07 sanalarda 279,3 m^3/ga; 7.07, 12.07, 17.07 sanalarda 304,7 m^3/ga; 23.07, 30.07, 6.08 da 279,3 m^3/ga; 14.08 va 22.08 sanalarda 253,9 m^3/ga ni tashkil etdi. Sug‘orish davomiyligi 5–6 soatni, sug‘orishlar orasi 4–8 kunni tashkil etdi hamda mavsumiy sug‘orish me’yori 3885,5 m^3/ga ekanligi kuzatildi.

Sideratlardan keyin ekilgan g‘o‘zada amal davri davomida 3-6-2 tizimda 11 marta sug‘orilib, 14.06 da 304,7 m^3/ga; 22.06 da 279,3 m^3/ga; 26.06, 3.07 da 152,4 m^3/ga; 11.07, 18.07, 24.07 da 279,3 m^3/ga; 29.07, 5.08 da 304,7 m^3/ga; 12.08 da 279,3 m^3/ga; 22.08 da 253,9 m^3/ga ni tashkil etdi. Sug‘orish davomiyligi 5–6 soatni, sug‘orishlar orasi 4-10 kunni tashkil etdi hamda mavsumiy sug‘orish me’yori 2869,6 m^3/ga ni tashkil etib, nazoratga nisbatan tejalgan suv 1015,8 m^3/ga ekanligi aniqlandi. Siderat ekinlaridan keyin parvarishlangan g‘o‘za hosildorligi o‘rganilganda ekish oldi tuproqqa ishlov berish usullariga ko‘ra diskalab, sug‘orish usuliga ko‘ra yomg‘irlatib sug‘orish tizimida, siderat ekilmagan (nazorat) variantda 1-terim 34,5 s/ga, 2-terim 3,8 s/ga va o‘rtacha 38,3 s/ga tashkil qildi.

1-jadval

Siderat ekinlaridan keyin parvarishlangan g‘o‘zani sug‘orish muddatlari, me’yorlari, soni va davomiyligi (Toshkent viloyatining Bo‘ka tumani, 2024 yil)

Variant	Ko‘rsatkichlar	Sug‘orish meyori, muddati, davomiyligi, vaqti														Sug‘ orish	Suv soni	Sug‘ orish meyori, m^3/ga	Tejalgan suv, m^3/ga
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14				
Siderat ekilmagan (nazorat)	Sug‘orish sanasi	9.06	15.06	20.06	25.06	29.06	3.07	7.07	12.07	17.07	23.07	30.07	6.08	14.08	22.08	5-7-2	14	3885.5	-
	Sug‘orish meyori, m^3/ga	304.7	253.9	253.9	253.9	279.3	279.3	304.7	304.7	304.7	279.3	279.3	279.3	253.9	253.9				
	Sug‘orish davomiyligi, soat	6	5	5	5	5.5	5.5	6	6	6	5.5	5.5	5.5	5	5				
	Sug‘orishlar orasi, kun		6	5	5	4	4	4	5	5	6	7	7	8	8				
Sideratlar-dan keyin ekilgan g‘o‘za	Sug‘orish sanasi	14.06	22.06	26.06	3.07	11.07	18.07	24.07	29.07	5.08	12.08	22.08				3-6-2	11	2869.6	1015.8
	Sug‘orish meyori, m^3/ga	304.7	279.3	152.4	152.4	279.3	279.3	279.3	304.7	304.7	279.3	253.9							
	Sug‘orish davomiyligi, soat	6	5.5	3	3	5.5	5.5	5.5	6	6	5.5	5							
	Sug‘orishlar orasi, kun		8	4	7	8	7	6	5	7	7	10							

Siderat ekin (shirin jo‘xori+perko+loviya) ekilgan sug‘orish usuliga ko‘ra yomg‘irlatib sug‘orilganda siderat ekinlar ko‘k massasi to‘liqligicha yerga haydalgan 2-variantda 1-terim 42,7 s/ga, 2-terim 4,1 s/ga, o‘rtacha 46,8 s/ga, shuningdek, nazoratga nisbatan 8,5 s/ga qo‘shimcha hosil olindi.

Xuddi shu ekish usuli, siderat ekin ekilgan, yomg‘irlatib sug‘orish tizimida va ko‘k massa hosili chorva uchun o‘rib olingan va ildiz ang‘iz qoldiqlari yerga haydalgan 3-variantda yetishtirilgan g‘o‘zada 1-terim 38,5 s/ga, 2-terim 3,3 s/ga, o‘rtacha 41,8 s/ga, shuningdek nazoratga nisbatan 3,5 s/ga qo‘shimcha hosil olindi. Ekish oldi tuproqqa ishlov berish usullariga ko‘ra shudgorlab, siderat ekin (shirin jo‘xori + perko + loviya) ekilgan sug‘orish usuliga ko‘ra egatlab

sug‘orilganda, siderat ekinlar ko‘k massasi to‘liqligicha yerga haydalgan 4-variantda 1-terim 40,3 s/ga, 2-terim 4,2 s/ga, o‘rtacha 44,5 s/ga, shuningdek nazoratga nisbatan 6,2 s/ga qo‘shimcha hosil olindi. Xuddi shu ekish usuli ya’ni siderat ekin ekilgan, yomg‘irlatib sug‘orish tizimida va ko‘k massa hosili chorva uchun o‘rib olingan va ildiz ang‘iz qoldiqlari yerga haydalgan 5-variantda yetishtirilgan g‘o‘zada 1-terim 37,8 s/ga, 2-terim 3,1 s/ga, o‘rtacha 4,8 s/ga ni tashkil etib, nazoratga nisbatan 3,5 s/ga qo‘shimcha hosil olishga erishilgan.

Xulosa. Sideratlardan (shirin jo‘xori+perko+loviya) keyin ekilgan g‘o‘za hosildorligi 1-terim 42,7 s/ga, 2-terim 4,1 s/ga, o‘rtacha 46,8 s/ga ni tashkil etib, siderat ekilmagan nazoratga nisbatan 8,5 s/ga qo‘shimcha hosil olingan.

Sideratlardan keyin ekilgan g‘o‘zada amal davri davomida 3-6-2 tizimda 11 marta sug‘orilib, sug‘orish davomiyligi 5-6 soatni, sug‘orishlar orasi 4-10 kunni, mavsumiy sug‘orish me’yori 2869,6 m^3/ga ni tashkil etib, nazoratga nisbatan tejalgan suv 1015,8 m^3/ga tashkil etgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. “O‘zbekiston Respublikasida suv xo‘jaligini rivojlantirishning 2020–2030 yillarga mo‘ljallangan konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2020 yil 10 iyuldagi PF-6024-son qarori.

2. Avliyakulov M.A. Janubiy mintaqa o‘tloqlashib borayotgan taqirsimon tuproqlaridan yil davomida samarali foydalanishda ekinlardan yuqori hosil yetishtirish agrotexnologiyasi // Monografiya. Navro‘z nashriyoti. – Toshkent, 2018, 400-b.

3. Балашев Н.Н. Возделывание овощи и картофеля. – Москва, 1980., -с. 19-32.

4. Halwani, M., Reckling, M., Schuler, J., Bloch, R. and Bachinger, J., 2019. Soybean in no-till cover-crop systems. *Agronomy*, *9*(12), p.883.

5. Layek, J., Das, A., Mitran, T., Nath, C., Meena, R. S., Yadav, G. S., ... & Lal, R. (2018). Cereal+ legume intercropping: An option for improving productivity and sustaining soil health. In *Legumes for Soil Health and Sustainable Management* (pp. 347-386). Springer, Singapore.

6. Miyazawa, K., Murakami, T., Takeda, M. and Murayama, T., 2010. Intercropping green manure crops—effects on rooting patterns. *Plant and Soil*, *331*(1), pp.231-239.

УЎТ: 631.67:633.511(575.113)

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЕТИШТИРИШНИНГ СУВ ТЕЖАМКОР СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

Аманов Баходиржон Тўхтасинович
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети
“Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш” кафедраси доценти,
bahodirjon2277@mail.ru,
http://orcid.org/0009-0001-4303-0424

Аннотация. Мақолада Жиззах вилоятининг Дўстлик метеостанцияси маълумотлари асосида 2022–2024 йиллар ҳамда кўп йиллик (1973-2024) метеорологик маълумотлар таҳлилига асосланган ғўза етиштириш учун сув тежамкор суғориш технологиялари илмий асосланган. Назарий тадқиқотда «CROPWAT-8.0” дастури ёрдамида 4 хил тажриба варианти таҳлил қилинди: назорат (тўлиқ суғориш), 10-10-10-10, 30-10-10-30 ва 30-30-30-30. Ғўзанинг ривожланиш босқичлари халқаро стандартлар асосида белгиланган бўлиб, сувдан самарали фойдаланиш ва ғўза экиннинг сув истеъмоли динамикаси ўрганилди. Шунингдек, суғоришда сув етишмовчилик ва ҳосил камайиши баҳоланган, тупроқнинг механик таркиби ва сизот сувлари сатҳининг экиннинг сув таъминотига таъсири ҳам инобатга олиниши кераклиги аниқланган. Натижада сизот сувлари ҳисобидан сув тежамкорлик имкониятлари аниқланиб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ғўза, эвопотранспирация, сув тежамкорлик, «CROPWAT-8.0”, сизот сувлари, суғориш меъёри, суғориш схемалари, тупроқ намлиги, метеостанция маълумотлари, иқлим ўзгариши ва сув ресурслари.

Аннотация. В статье представлены научно обоснованные водосберегающие технологии орошения для возделывания хлопчатника на основе анализа метеорологических данных метеостанции Дустлик Джизакской области за 2022–2024 годы, а также многолетнего периода (1973–2024 гг.). С помощью программы «CROPWAT-8.0» были проанализированы 4 варианта опыта: контроль (полное орошение), 10-10-10-10, 30-10-10-30 и 30-30-30-30. Этапы развития хлопчатника определялись на основе международных стандартов, изучались динамика водопотребления и эффективность использования воды. Также была дана оценка дефициту воды при орошении и снижению урожайности. Установлено, что необходимо учитывать влияние механического состава

почвы и уровня грунтовых вод на водообеспеченность растений. В результате выявлены возможности водосбережения за счёт грунтовых вод и разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: хлопчатник, эвапотранспирация, водосбережение, «CROPWAT-8.0», грунтовые воды, норма полива, схемы орошения, влажность почвы, данные метеостанции, изменение климата и водные ресурсы.

Abstract. The article presents scientifically based water-saving irrigation technologies for cotton cultivation based on the analysis of meteorological data from the Dustlik weather station in Jizzakh region for the years 2022–2024, as well as long-term data (1973–2024). Using the “CROPWAT-8.0” software, four experimental irrigation schemes were analyzed: control (full irrigation), 10-10-10-10, 30-10-10-30, and 30-30-30-30. Cotton growth stages were determined according to international standards, and the dynamics of water consumption and efficient water use were studied. Water shortage during irrigation and resulting yield reduction were assessed. It was found that soil texture and groundwater table depth must also be considered in evaluating crop water supply. As a result, potential for water savings through the contribution of groundwater was identified and practical recommendations were developed.

Keywords: cotton, evapotranspiration, water saving, “CROPWAT-8.0”, groundwater, irrigation norm, irrigation schemes, soil moisture, meteorological data, climate change and water resources.

Кириш. Ҳозирги глобал иқлим исиши қишлоқ хўжалигида, айниқса, суғориладиган ерларда экинларнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва тўғрилаш бўйича тадқиқотларни талаб этмоқда. Ўзбекистон, хусусан, сув ресурслари чекланган Жиззах вилоятида сувдан самарали фойдаланиш экин ҳосилдорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ғўза етиштиришда турли суғориш схемалари ва сув меъёрларини илмий асослаш ва тежамкорлик имкониятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда экинларнинг сув истеъмолини баҳолашда FAO тавсия этган CROPWAT дастури халқаро стандарт ҳисобланади ва ушбу тадқиқотда айнан шу дастурдан фойдаланилди.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар 2022-2024 йилларда Жиззах вилоятининг Дўстлик метеостанцияси маълумотлари асосида амалга оширилди. Ғўза етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш ва экиннинг умумий эвопотранспирация (ЕТэ) эҳтиёжини баҳолаш «CROPWAT-8.0” дастури орқали амалга оширилди. Тажриба 4 та вариантда (назорат(тўлиқ суғориш), 10-10-10-10, 30-10-10-30 ва 30-30-30-30) ўтказилиб, ўсимликларнинг ривожланиш босқичлари халқаро стандартларга мувофиқ

белгиланди: I-бошланғич босқич (барглар ер юзасининг 10% гача қопланган даври), II-ривожланиш босқичи (10% дан тўлиқ қоплангунгача), III-мавсумнинг ўрта босқичи (тўлиқ қопланишдан ҳосил пишишигача), IV-мавсумнинг охирги босқичи (ҳосил пишишидан йиғим-теримгача бўлган давр).

Бу ерда рақамлар ғўзанинг ўсиш даврларида эвопотранспирация эҳтиёжининг белгиланган фоизларини (қисқартириш даражасини) англатади. Масалан, 30-10-10-30 схемаси I(30)-II(10)-III(10)-IV(30) деганидир. Бу дегани, ҳар бир ривожланиш фазасида экинга берилган сув миқдорини экиннинг эвопотранспирация эҳтиёжининг қисқартириш даражасини англатади. Ушбу вариантларда суғоришда сув етишмовчилиги ва ҳосил камайиши «CROPWAT 8.0» дастури ёрдамида ҳисобланди ва таҳлиллар FAOнинг 66-сонли “Ирригация ва дренаж” қўлланмасидаги тавсиялар асосида баҳоланди [2; 6-бет, 3; 20-28-бет., 4; 130-бет, 5; 86-бет].

Суғориш тадбирлари тупроқнинг чекланган дала нам сиғимига нисбатан камида 65-70% намлик даражасида сақланиши кераклигига асосланиб олиб борилди [15; 202-2034-бет., 16;25-29-бет].

Тупроқ намлиги ушбу кўрсаткичдан 60% гача камайганда экинлар минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш қобилияти пасаяди [7; 4-бет, 9; 165 бет, 10; 3-8 бет., 17; 38-бет., 19; 12 бет]. Шу сабабли Пахтакор тумани "Самандар Бекзод Пахтаси" фермер хўжалигидаги тадқиқотларда суғориш интерваллари чекланган дала нам сиғимининг 70% даражасида белгилаб олинди.

Ғўза экинларининг сув истеъмоли (эвопотранспирация) миқдорини аниқлашда «CROPWAT-8.0” дастуридан фойдаланиш жараёнида маҳаллий шароитларга мослаштирилган сув истеъмоли коэффициентлари Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида қўлланилди[1; 20-бет.]. Танланган тажриба вариантлари сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш имкониятлари ҳамда экинларнинг сув истеъмоли динамикасини баҳолашга имкон берди.

Натижалар ва мунозара. Жиззах вилоятининг Дўстлик метеостанцияси яқинидаги шароит учун ғўза етиштиришда турли суғориш схемалари ва уларнинг мавсумий сув меъёрлари акс эттирилган. Ҳисоб-китоблар 2022-2024 ҳамда 1973-2024 йиллар учун ишлаб чиқилган бўлиб, бу йиллар давомида иқлим ўзгариши, ёғин ва температура ўзгаришларининг ўртача миқдорлари инобатга олинган (1-4 жадваллар).

Мавсумий суғориш меъёри 2022 йилда 4581 м³/га, 2023 йилда 4619 м³/га, 2024 йилда эса 4900 м³/га ни ташкил этди; йиллар давомида суғориш меъёри бир оз ошгани кузатилди. 2022 йилдаги меъёрнинг камроқ бўлиши йилнинг сер ёмғир келгани билан изоҳланади, кейинги йилларда эса суғориш ҳажми босқичма-босқич ортган.

1-жадвалдаги маълумотлар 52 йиллик (1973-2024) иқлимий динамикани ҳисобга олган ҳолда назорат (анъанавий) вариантни акс эттиради. Суғоришлар сони ва вақтлари ўсимлик ривожланиш босқичларига мувофиқ белгиланган. Кўп йиллик маълумотлар бўйича ҳам мавсумда 4 марта суғориш ва умумий меъёр 4456 м³/га ни ташкил этган. Илмий манбаларда ҳам 4–6 марта суғориш ва фазаларга кўра сув меъёрларини аниқлаш энг самарали деб қайд этилган.

Назорат вариантида 2022-2024 йилларда суғоришлар сони, меъёри ва оралиқлари фарқ қилган бўлиб, суғориш схемаси ва суғоришлар сонининг қисқариши сувдан самарали фойдаланиш имкониятини оширди. Бу натижалар халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар тавсияларига мос келади, экин ривожланиш босқичларига мослаштирилган суғориш тартиблари сув тежаш ва ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади.

2022-2024 йилларда ғўза учун мавсумий суғориш меъёри 4456–4791 м³/га атрофида, 1973-2024 йиллар ўртачаси эса 4576 м³/га ни ташкил этди. Суғоришлар асосан “2-1-1-0” ва “2-1-0-1” схемаларида, ҳар мавсумда тўрт марта ўтказилди, суғориш интерваллари ва меъёри йиллар бўйича фарқ қилди.

Ушбу вариантда ривожланиш босқичларида ЕТэ миқдори 10% га камайтирилиб, ҳар гектарга 94–125 м³ сув тежалди. Суғоришлар сони ўзгармасдан, муддатлари қисқартирилиб, интерваллар оптималлашди ва сув тежамкорлиги ошди.

1-жадвал

2022-2024 йилларда назорат вариантида ғўза экинларининг мавсумий суғориш меъёри, схемаси ва суғоришлар сони

Экин тури, мавсумий суғориш меъёри ва схемаси, м³/га	Суғоришлар сони	Суғориш меъёри, м³/га	Суғориш вақти	Суғориш даври, кун
2022 йил				
Ғўза 1-0-2-1 4581	1	730	21-май	
	2	1058	9-июн	18
	3	1383	4-июл	24
	4	1410	9-август	35
2023 йил				
Ғўза	1	921	18 Май	

1-2-1-0 4619	2	1000	14 Июн	27
	3	1240	18 Июл	33
	4	1458	14 август	26
2024 йил				
Ғўза 1-2-0-1 4900	1	943	20 Май	
	2	1082	12 Июн	23
	3	1420	20 Июл	37
	4	1455	21 август	31
1973-2024 йилларнинг ўртачаси				
Ғўза 2-1-1-0 4456	1	910	20 Май	
	2	1044	15 Июн	25
	3	1356	11 Июл	36
	4	1469	11 август	30

3-жадвалда 2022–2024 йилларда назарий жиҳатдан ғўза учун “1-1-1-0” ва “1-1-0-1” суғориш схемаларида мавсумий суғориш меъёри 3759–3959 м³/га оралиғида бўлгани кўрсатилган. 2022 ва 2023 йилларда 3 марта суғориш ўтказилиб, меъёр мос равишда 3793 ва 3759 м³/га ни ташкил этган, 2024 йилда эса суғориш меъёри 3959 м³/га гача ошган. Бу 2024 йилдаги табиий намланиш паст бўлгани билан изоҳланади [8; 137-бет]. Суғоришлар орасидаги кунлар ва суғориш вақтлари экиннинг сув эҳтиёжи ва иқлим шароитига мос равишда белгилаб борилган. 1973–2024 йиллар ўртача метеомаълумотларига кўра, мавсумий суғориш меъёри 3880 м³/га ни ташкил этган ва ҳар мавсумда 3 марта суғориш ўтказилган.

4-вариантда 2022, 2023 ва 2024 йилларда мос равишда “1-0-1-0” ва “0-1-1-0” схемаларида икки марта суғориш ўтказилди, мавсумий суғориш меъёри эса 3047–3110 м³/га атрофида бўлди. 1973-2024 йиллар ўртача метеомаълумотларига кўра ҳам мавсумий суғориш меъёри 3109 м³/га ни ташкил этган.

2-жадвал

2022–2024 йилларда “10-10-10-10” вариантида ғўза экинларининг мавсумий суғориш меъёри, суғориш схемаси ва суғоришлар сони

Экин тури, мавсумий суғориш меъёри ва схемаси, м³/га	**Суғоришлар сони**	**Суғориш меъёри, м³/га**	**Суғориш вақти**	**Суғориш даври, кун**
2022 йил				
Ғўза 2-1-1-0 4456	1	633	16 Май	
	2	1144	10 Июн	32
	3	1296	14 Июл	35
	4	1383	10 август	26

2023 йил				
Ғўза 2-1-1-0 4513	1	699	14 Май	
	2	1192	18 Июн	34
	3	1227	14 Июл	25
	4	1395	12 август	28
2024 йил				
Ғўза 2-1-0-1 4791	1	867	16 Май	
	2	1186	17 Июн	32
	3	1358	24 Июл	37
	4	1380	20 август	27
1973-2024 йиллар ўртача				
Ғўза 2-1-1-0 4576	1	754	11 Май	
	2	1222	12 Июн	32
	3	1296	21 Июл	39
	4	1304	16 август	26

Бу вариантларда суғориш мавсумда фақат икки марта амалга оширилган бўлиб, ҳар бир суғоришдаги меъёрлар 1477-1605 м³/га атрофида шаклланди. Ушбу кўрсаткичлар анъанавий эгатлаб суғориш учун қабул қилинган меъёрлардан гектарига тахминан 200–300 м³ га юқори. Бундай ҳолат, асосан, суғоришлар сонининг камайгани ва суғоришлар орасидаги вақтларнинг узоқлиги туфайли ҳар бир суғоришда тупроқда етарлича нам захира қилиш зарурати билан изоҳланади.

Шу билан бирга, CROPWAT-8.0 дастурида назарий маълумотлар ва ҳисоблаш алгоритмлари реал шароитдаги баъзи хусусиятларни умумлаштириши ва натижада меъёрларнинг бироз юқори чиқишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат хамма назарий вариантларда кузатилди.

2022-2024 йилларда 4-вариант (“30-30-30-30” схемаси, 2 марта суғориш) натижалари мавсумий суғориш меъёри 3047-3110 м³/га даражасида оптималлашганини ва сув тежаш имконияти юқорилигини кўрсатади. Бу вариант сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва агроэкосистема барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Икки марта суғоришда экиннинг барча ривожланиш босқичларида сув таъминоти сақланади, бироқ суғоришлар орасидаги узоқ кунлар ва катта бир марталик меъёрлар тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва нам сақловчанлигига мослаштиришни талаб этади.

3-жадвал

2022–2024 йилларда “30-10-10-30” вариантида ғўза экинларининг мавсумий суғориш меъёри, суғориш схемаси ва суғоришлар сони

Экин тури, мавсумий суғориш меъёри ва схемаси, м³/га	Суғоришлар сони	Суғориш меъёри, м³/га	Суғориш вақти	Суғориш даври, кун
2022 йил				
Ғўза 1-1-1-0 3793	1	813	2 Июн	
	2	1275	6 Июл	32
	3	1471	8 август	33
2023 йил				
Ғўза 1-1-1-0 3759	1	1067	31 Май	
	2	1251	2 Июл	33
	3	1475	4 август	33
2024 йил				
Ғўза 1-1-0-1 3959	1	1221	4 Июн	
	2	1366	9 Июл	34
	3	1372	8 август	30
1973-2024 йилларнинг ўртачаси				
Ғўза 1-1-1-0 3880	1	1149	7 Июн	
	2	1340	7 Июл	31
	3	1391	7 август	31

4-жадвал

2022-2024 йилларда “30-30-30-30” вариантида ғўза экинларининг мавсумий суғориш меъёри, суғориш схемаси ва суғоришлар сони

Экин тури, мавсумий суғориш меъёри ва схемаси, м³/га	Суғоришлар сони	Суғориш меъёри, м³/га	Суғориш вақти	Суғориш даври, кун
2022 йил				
Ғўза 1-0-1-0 3047	1	1477	9 Июн	
	2	1570	29 Июл	50
2023 йил				
Ғўза 1-0-1-0 3099	1	1524	7 Июн	
	2	1575	28 Июл	51
2024 йил				
Ғўза 0-1-1-0 3110	1	1505	8 Июн	
	2	1605	30 Июл	52

1973-2024 йилларнинг ўртачаси				
Ғўза 0-1-1-0 3109	1	1511	10 Июн	
	2	1598	2 август	53

ФАО томонидан берилган тавсияларга кўра, ғўзанинг мавсумий сув истеъмоли меъёри 4000–7000 м³/га атрофида бўлади [2; 6-бет, 3; 20-28бет., 4; 14-бет., 5; 86-бет, 11; 12-20 бет., 14; 21 бет]. Ўзбекистонда эса мавсумий суғориш меъёри иқлим шароити, сизот сувлари сатҳи ва тупроқнинг механик таркибига қараб ўзгариши мумкин [6; 14-бет].

Шунингдек, ғўзанинг ўсимлик вегетацияси давридаги бир марталик суғориш меъёри экиннинг ривожланиш босқичи ва маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда 400-800 м³/га ни ташкил этади [18; 6-18 бет.]. Тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий илмий манбаларга тўлиқ мос келади. Суғориш схемаларининг ўзига хос фарқлари ҳар бир йилнинг иқлим шароити, тупроқ намлиги ва агротехника талабларига боғлиқ тарзда ўзгарган. Суғоришлар вақтидаги узилишлар ва меъёрлар ғўза ўсимлигининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланишга хизмат қилади.

2022-2024 йиллардаги натижалар ғўза учун тўғри танланган суғориш схемалари ва меъёрлари сув тежаш, ҳосилдорликни ошириш ва экологик барқарорликни таъминлаш учун самарали бўлганини кўрсатади. Суғоришлар сони ва вақти бўйича оптимал ёндашув қўлланилган бўлиб, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан мос келади.

5-жадвал

Турли вариантларда суғоришдаги етишмовчилик ва ҳосил камайиши (%) (2022-2024 ва кўп йиллик ўртача)

Вариантлар	**Йиллар**	**Суғоришдаги сув етишмовчилик, (%)**	**Ҳосил камайиши, (%)**
назорат	2022	Суғоришда сув етишмовчилик ва ҳосил камайиши кузатилмаган	
	2023		
	2024		
	1973-2024		
10-10-10-10	2022	4	3.4
	2023	4.6	3.9
	2024	2.8	2.4
	1973-2024	1.8	2.3
30-10-10-30	2022	8.9	7.5
	2023	8.9	7.6
	2024	16.8	14.3

	1973-2024	7.7	6.6
30-30-30-30	2022	19.9	16.9
	2023	21.5	18.3
	2024	22.3	18.9
	1973-2024	18.5	15.7

Дўстлик метеостанцияси атрофидаги фермерлар ушбу тадқиқотлар асосида илмий асосланган сув меъёрлари ва суғоришлар орасидаги вақтларидан фойдаланиб, сув тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва экиндан барқарор ҳосил олиш имкониятига эга бўлади.

Суғоришлар орасидаги узоқ кунлар ва кўпроқ сув бериш самараси тупроқнинг нам захирасини чуқурликда сақлаш, сувнинг юзага чиқиб кетишини камайтириш ва иссиқлик шароитида экинни ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Илмий асосланган ёндашув сув ресурсларини самарали бошқариш, ғўза ҳосилдорлигини оптималлаштириш ва иқлим ўзгаришига мослашув имкониятларини оширади.

Умуман олганда тадқиқотда тақдим этилган суғориш вариантлари фермерлар учун амалий дастур сифатида тавсия этилиши мумкин. Ушбу суғориш схемалари ва меъёрлари сув тежамкорлигига, мелиорация шароитига ва тупроқнинг нам захираси билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Ҳар бир фермер хўжалиги ўз тупроқ ва иқлим шароити ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини сизот сувларидан фойдаланиш улушига мос ҳолда танлов қилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўлиқ суғориладиган назорат варианти бўлиб, ҳар йили ва кўп йиллик ўртача ҳисобда ҳам суғоришда сув етишмовчилик ва ҳосил камайиши кузатилмайди. Бу натижа сув билан таъминлаш тўлиқ қониқарли эканлигини кўрсатади ва энг юқори ҳосилнинг кафолатини таъминлайди.

2-вариантда 2022-2024 йиллар ва кўп йиллик ўртача **с**уғоришда сув етишмовчилик ўсимликни ривожланиш босқичларида 0-9,4% оралиғида бўлиб, ҳосил камайиши мавсум бўйича 2,4-4,6% (йилларга қараб). Кўп йиллик ўртача ҳисобда ҳам ушбу вариантда ҳосил йўқотиши 2,3% ни ташкил қилмоқда. Бу вариантда сув тежалади ва шу билан бирга ҳосил йўқотилиши кам. Ҳар бир ривожланиш босқичида суғоришнинг белгиланган меъёрлари ва оралиқлари ғўза экиннинг сувга бўлган асосий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган.

3-вариантида 2022-2024 йилларда суғоришдаги етишмовчилик фазаларда 2,9-28,8% гача борган, мавсум бўйича эса ўртача 8,9-16,8% атрофида. Кўп йиллик ўртачада эса фазаларда 0-14,4%, мавсум бўйича 7,7%

сув етишмовчилиги кузатилган. Ҳосил камайиши мавсум бўйича 6,6-14,3%. Бу вариантда суғориш интервалларини жуда узайтириш сабабли, экин айрим ривожланиш босқичларида сув етишмовчилигига дуч келган. Натижада, ҳосил камайиши ҳам ортиб борган. Шунингдек, айрим фазаларда етишмовчилик юқори бўлса-да, бошқа фазаларда экин қоплангани учун камайган.

4-вариантда 2022-2024 йиллар ва кўп йиллик ўртачалар учун суғоришдаги етишмовчилик айниқса III фазада (ўрта мавсумда) кескин юқори мавсум бўйича эса 15,7-22,3%. Ҳосил камайиши мавсум бўйича 15,7-22,3%. энг юқори бўлган. Суғоришлар орасидаги муддатлар жуда узун, сув меъёри фақат айрим фазаларда кўп берилади. Экин ривожланишининг муҳим босқичларида намлик етишмаслиги хосил учун катта хавф ҳисобланади. Бу вариантда сув тежагани билан ҳосил йўқотишлари катта бўлади.

Назорат ёки “10-10-10-10” вариантларда сизот сувлар ҳисобига сувдан самарали фойдаланмайди ва сув сарфини оптимал даражада қисқартирмайди. “30-10-10-30” ва “30-30-30-30” вариантларида сизот сувлар ҳисобига мувофиқлаштирилганда, суғориш меъёри ва сув тежамкорлигини оптималлаштириб, экиннинг асосий ривожланиш босқичларида сув етишмовчилигини олдини олади ва ҳосилдорликни қабул қилинадиган даражада сақлаб қола олади. Амалиётда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўза сизот сувларидан маълум даражада фойдаланади. Бу кўрсаткич тупроқнинг механик таркибига ва гидрологик шароитга боғлиқ. Бу бўйича Р.К.Икрамов томонидан Сирдарё вилояти шароитида сизот сувлари сатҳи 1–3 метр оралиғида ўтказилган лизиметр тадқиқотлари, шунингдек, М.Х.Хамидовнинг Хоразм вилоятида сизот сувлари сатҳи 1,0-2,5 метр бўлган ҳолатда амалга оширган лизиметр тадқиқотлари натижаларига кўра, экин экиладиган майдонлардаги ўсимликларнинг умумий сув истеъмолида сизот сувларининг улуши тахминан 25-30% ни ташкил этиши аниқланган [12; 141-бет, 13; 48-бет, 18; 6-18 бет.]. Кўплаб тадқиқотлар сизот сувларининг ўсимликларни сув билан таъминлашдаги муҳим манба сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди [20; 116-бет.]. Марказий иқлим минтақасида жойлашган Пахтакор туманидаги “Самандар Бекзод Пахтаси” фермер хўжалигининг тупроғи ўрта қумоқ бўлиб, вегетация даврида сизот сувлар сатҳи яримгидроморф атрофида бўлишлиги тажриба йўли ва Мелиоратив экспедиция маълумотлари билан аниқланган. Шу сабабли, мавсумий суғориш меъёрининг 30% гача қисми экин томонидан

сизот сувлар ҳисобига қопланади. Шуни инобатга олинса, “30-10-10-30” ҳамда “30-30-30-30” вариантларини тавсия этиш мумкин.

Хулоса ва тавсиялар. Тадқиқот натижаларига кўра, назорат вариантида сув таъминоти етарли бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик кузатилди. Аммо бу вариант сув сарфи жиҳатидан юқори ҳисобланади. 10-10-10-10 схемасида сув сарфи камайиб, ҳосил камайиши ҳам минимал (ўртача 2,3–4,6%) бўлди. 30-10-10-30 ва 30-30-30-30 схемаларида сув тежалиши юқори бўлгани билан сув етишмовчилиги ва ҳосил камайиши сезиларли даражада ортиб боради (7,6–18,9%). Шу билан бирга, сизот сувлари сатҳи юқори бўлган шароитларда (яримгидроморф), мавсумий суғориш меъёридан 30% гача сув эҳтиёжи сизот сувлар ҳисобидан қондирилиши мумкин.

Жиззах вилояти, хусусан Пахтакор туманидаги ўрта қумоқ тупроқлар ва сизот сувлари сатҳи яримгидроморф бўлган шароитларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида тажриба асосида энг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалик экинларини иқлимга мослашган ҳолда суғориш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали барқарор ҳосилдорликни таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, иқлим шароитига мослаштирилган ҳолда фермер хўжаликларига кичик метеостанция ўрнатиш ва экинларнинг эксплуатацион суғориш тартибларини аниқлашда FAO томонидан тавсия этилган “CROPWAT-8.0” дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. «Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларидан 2013-2027 йилларда комплекс фойдаланиш схемаси» 6-бўлими бўйича ИСМИТИ нинг «Қишлоқ хўжалиги экинларини сув тежовчи технологиялар ва суғориш техника-технологияларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда суғориш тартибини» ишлаб чиқган якунловчи ҳисобати. Тошкент 2016, 113-бет

2. FAO Irrigation and Drainage paper 66/“Crop yield response to water”// Food and agriculture organization of the united nations/ Rome., 2012., Page 500.

3. Crop Water Irrigation Requirements Program of FAO (CROPWAT), http://www.fao.org/land-water/land/land-governance/land-resources-planning-toolbox/category/details/en/c/1026559/.2018., P 20-28

4. Публикации ФАО по ирригации и дренажу 56 “Эвапотранспирация растений” Научно-информационный центр

межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК). Ташкент 2001. -296 с

5. ФАО материалы по ирригации и дренажу 24 “Водопотребление селхозкультур” Научно-информационный центр межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК). Ташкент 2000. -127 с.

6. Авлиякулов М.А. ва бош. Қишлоқ хўжалиги экинларининг гидромодул районлари ва суғориш режимлари. -Тошкент: “Тасвир”, 2025 -52 б.

7. Авлиякулов М.А., Яхёева Н.Н. С-8286 ва Бухоро-102 навларининг турли суғориш технологияларида мавсумий суғориш меъёрлари. «АГРО ИЛМ» (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси), 2(108)-СОН, 2025 й., 4-5 бетлар.

8. Аманов Б.Т. Агроклиматик таҳлил асосида мелиорация тадбирларини режалаштириш (Жиззах вилояти мисолида). «АГРО ИЛМ» (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси), 2(108)-СОН, 2025 й., 137–138 бетлар.

9. Беспалов Н.Ф. “Гидромодульное районирование и режим орошения сельскохозяйственных культур по областям Республика Узбекистан” -Ташкент: Фан, 1992. -165 с.

10. Беспалова Н.Ф. “Особенности водопотребления и режима орошения культур хлопководого севооборота” // Сборник научных трудов УЗНИИХ, 1976, вып. 34, Т. I. С. 3-8.

11. Гаппаров С.М. “Плёнка остига қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштириш” // Техника фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати, Т., 2020., 12-20-бетлар.

12. Икрамов Р.К. ва бошқалар. “Суғориш меъёрини камайтиришда янги воситалардан фойдаланиш”. // “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-техника анжуман материаллари, Тошкент, 2015, 1-жилд, 141-142-бетлар.

13. Икрамов Р.К. Принципы управления водно-солевым режимом орошаемых земель Средней Азии в условиях дефицита водных ресурсов / Тр. САНИИРИ. - Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001.- 192 с.

14. Рўзметов Ш. “Ўзбекистонда эталон эвапотранспирация (ЕТо)” // ФАО нинг “56-суғориш ва дренаж” йўриқномаси асосида ишлаб чиқилди. Bahodir & Sons, ф/х. Қармиш, Хоразм, 2020., 28-37 бетлар.

15. Рыжов С.Н. О способах определения сроков полива хлопчатника. Тошкент, изд-во: АН УЗССР. 1953 г. 202-234 ст.

16. Рыжов С.Н., Беспалов Н.Ф. “Принципы режима орошения сельхозяйственных культур и гидромодульного районирования орошаемой

территории // Материалы “Объединенная научная сессия по хлопководству”, Т., 1980, № 10, С. 25-29.

17. Трунова Т.А. Принципы и методы районирования оросительных норм хлопчатника. Автореферат канд. диссертации, М: 1981 – 152 с.

18. Хамидов М.Х., Матякубов Б.Ш., «Ғўзани суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологиялари” // Монография. Т., 2019., 6-28 бетлар.

19. Хасанханова Г.М. Оптимизация оросительной нормы хлопчатника при ограниченных водных ресурсах бассейна реки Сырдарьи. Автореферат дис.канд.с/х наук. Ташкент, 1968, 18 с.

20. Mohamad Hesam Shahrajabian, and Wenli Sun. A Review of Lysimeter Studies and Experiments by Considering Agricultural Production// Journal of Stress Physiology & Biochemistry, Vol. 20, No. 2, 2024, pp. 114-132 ISSN 1997-0838 Original Text Copyright © 2024// https://www.researchgate.net/publication/378767792

УДК: 631.43

ВОДНЫЙ РЕЖИМ ПРИ МИНИМАЛЬНОЙ ОБРАБОТКЕ И МУЛЧИРОВАНИЯ ПОЧВЫ

Курвантаев Р., д.с-х.н., профессор.
kurontoev@mail.ru
Солиева Н.А. м.н.с.
Институт почвоведения и агрохимических исследований
ORCID ID: 0000-0001-8731-4376

Аннотация. В статье изложены результаты полевых опытов, проведенных в староорошаемом типичном сероземе Ташкентского оазиса и луговой почве Голодной степи. В водном режиме исследованных опытах обнаруживаются определенные различие, между вариантами при минимальной обработке и мульчирование. На поверхности почвы накопление органики способствует задержанию влаги и улучшаются водный режим почвы.

Ключевые слова: водный режим, гребни, полевая влагоёмкость, орошение, мульчирования, обработка, типичный серозём, луговая почва.

Abstract. The article presents the results of field experiments conducted in the old-irrigated typical sierozem of the Tashkent oasis and the meadow soil of the Hungry Steppe. In the water regime of the studied experiments, certain differences are found between the options with minimal processing and mulching. On the soil surface, the accumulation of organic matter contributes to moisture retention and improves the water regime of the soil.

Key words: water regime, ridges, field moisture capacity, irrigation, mulching, cultivation, typical sierozem, meadow soil.

Введение. В настоящее время современные технологии возделывания сельскохозяйственных культур сопровождаются многими негативными последствиями, одно из которых-деградация агрофизических свойств, особенно на орошаемых почвах. Воздействие ходовых систем сельскохозяйственной техники и орошение ведут к значительному снижению их плодородия и урожайности сельскохозяйственных культур. В полевых опытах на орошаемом сероземе выявлена, что при применении существующий предпосевной обработки земель под посевы хлопчатника создавать и поддерживать оптимальную плотность сложения в пахотном горизонте почвы невозможно. В качестве способа, который позволил бы создать и поддерживать оптимальные почвенные условия и режим влажности в течение большей части вегетации растений, учеными предложена новая технология подготовки почвы по грядам и гребням и

мульчирование, которая испытана на орошаемом не засоленном типичном сероземе, слабозасоленном луговой почве, светлом сероземе и такырной почве [1, 5].

Обработка почв полностью нарушает естественное состояние почвы: плодородная верхняя часть переворачивается вниз, разрушается структура почвы; трактора своими колесами раздавливают и распыляют почвы; при многоразовых обработках и поливах происходи переуплотнение почв, особенно, подпахотного слоя, угнетаются почвенные животные и полезные микроорганизмы. На сегодняшний день в Мексике, Бразилии, США, Европе, Новой Зеландии, Пакистане многие фермеры уже переходят на систему земледелия с нулевой обработкой сельскохозяйственных культур на фоне минимальной обработки почвы [6, 10]. На наших взгляд, постановка задач о получении высоких урожаев сельскохозяйственных культур на фоне минимальной обработки почвы при посеве на гребнях с чередований и ее решение дали бы повышение эффективность сельскохозяйственной производства на определенную степень.

Чрезвычайно важным является организация накопления большой массы органики, путем ежегодно оставляемой вегетативной частью выращиваемых сельскохозяйственных культур. Накопление их на поверхности почвы способствует задержанию влаги, созданию условий для размножения почвенных животных и микроорганизмов. Если бы удалось сильно сократить механизированную обработку почвы, во-первых - постепенно сформировалась бы нетронутая почва и, во-вторых - были бы исключены очень большие расходы на обработку почвы.

Цель работы - разработка новой технологии с чередованием сельскохозяйственных культур для восстановления плодородия естественное состояние почв и способы улучшения водного, питательного, микробиологического, воздушного термического и экологического режимов почвы. Рациональное использовании оросительных вод, удобрений, горюче-смазочных материалов, техники и рабочей силы.

Методика исследований. В условиях староорошаемых типичных сероземов Ташкентского оазиса и ново орошаемых луговых почвах Голодной степи закладывался полевые опыты. Из них с хлопчатником 4 варианта на типичном сероземе, два варианта с хлопчатником и пшеницей на луговой почве. В полевых опытах испытывали следующий варианты:1.Зяблевевая пахота + предпосевная обработка + посев хлопчатника - N-250, P-175, K-125; 2. Посев хлопчатника на гребнях без

пахоты – N-250, P-175, K-125; 3. Зяблевая пахота + предпосевная обработка+посев хлопчатника-N-150, P-125, K-50; 4. Посев хлопчатника на гребнях без пахоты - N-150, P-125, K-50. На луговых почвах закладывались следующие варианты: 1. Зяблевая пахота+предпосевная обработка+посев хлопчатника; 2. Предпосевная обработка+посев хлопчатника без пахоты; 3. Зяблевая пахота+посев пшеницы; 4. Предпосевная обработка+посев пшеницы без пахоты.

Полевые опыты закладывались по методике УзНИИХ и ИПА.

Результаты исследований. При рассмотрении влияние минимальной обработки почвы сельскохозяйственных культур, мы уделяли значительное внимание водным свойствам и режиму влажности. Результаты исследований показали, что на гребнях независимо от внесения дозы удобрения отмечается более глубокое и повышенное увлажнение почвы за счет осадков зимние - весеннего периода, создается за вегетацию хлопчатника на невспаханном варианте. Создаются более благоприятный режим и рациональный расход почвенной влаги. Результаты наблюдений показали (таблица № 1), что после поливов на 5-й день во всех периодах под хлопчатником на невспаханном варианте влажность была больше (18-20 %), чем вспаханном варианте (17-19 %). В конце вегетации влажность почвы по сравнению с вспаханным вариантом, где не проводилась пахота, влага сохранилась больше. Под влиянием поливов влага впитывалась больше на варианте без пахоты Благодаря созданию и сохранению благоприятных почвенных условий и более рыхлого расположения комочков и агрегатов наблюдаются на варианте без пахоты, более экономный расход воды и благоприятный режим влажности по сравнению с вспаханном вариантом. Режим влажности при минимальной обработке почвы под хлопчатником по сравнению с начальным периодам опыта благодаря накоплению за последующие годи на верхнем слое органических веществ водный режим улучшается.

Так, например по данным 2024 года на третий год после закладки опыта на верхнем слое (0-30 см), где вносились повышенные дозы удобрений на невспаханных вариантах, влажность составил после посева 18,6%, вспаханном варианте – 16,6 %. После посева низких дозах удобрений между вариантами особых различий не наблюдается разница между ними составляет всего 0,7% на пользу вспаханного варианта. Такая закономерность наблюдается более глубоких слоях почвы. После поливов на 5-й день под хлопчатниками во всех слоях почвенной толще на варианте

повышенной дозой удобрений с пахотой наблюдался по сравнению другими вариантами даже при пониженных дозах низкие значения режим влажности (от 14,8 до 19,5%). После полива на 5-й день высокие показатели влажности (18,6-22,5%) в слое 0-30 см на третий год наблюдений в невспаханном варианте с повышенной дозой удобрений. При минимальной технологии обработки почвы на режим влажности внесенные дозы удобрений существенных влияний не оказывает. Различные технологии обработки почвы влияет на режим влажности.

По нашим данным на третий год после закладки опыта без пахоты, где вносился минимальный дозы удобрений под хлопчатником после поливов на 5-й день за все периоды наблюдений в слое 0-30 см влажность составил от 18,2 до 19,7%, а на ежегодно вспахивающем варианте-17,2-19,0%. Такая закономерность наблюдался и в последующие годы. Водные свойства и режим влажности имеют большое значение при минимальной обработке почвы сельскохозяйственных культур. Результаты показывают, что независимо от нормы внесения удобрений, глубокая и высокая влажность почвы под гребнем создает благоприятный режим для сельскохозяйственных культур в вегетационный период, и почвенная влага используется эффективнее, чем при вспашке.

Таблица 1

Режим влажности почвы при минимальной обработке почвы под хлопчатником, %

Вариант	Глубина, см	На 5 день после поливов				Вариант	Глубина, см	На 5 день после поливов		Перед 4-м поливом
		1-го	2-го	3-го	4-го			2-го	3-го	
		30.04	30.05	8.07	12.08			16.06	30.05	8.07
		типичный серозём						луговой почве		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	0-10	11,6	13,6	17,7	18,3	1	0-10	12,9	7,9	3,8
	10-20	15,4	16,9	15,1	18,1		10-20	14,6	6,8	3,2
	20-30	17,4	15,9	17,1	18,7		20-30	17,6	13,1	4,9
	30-40	20,9	22,0	18,5	18,9		30-40	16,4	13,7	3,0
	40-50	20,7	17,2	18,9	17,0		40-50	17,8	15,3	7,9
	50-60	19,8	24,8	18,3	18,4		50-60	18,2	15,8	7,9
	60-70	22,8	19,4	17,2	19,8		60-70	20,0	17,4	7,6
	70-80	21,0	16,1	18,2	16,9		70-80	17,9	16,6	8,2
	80-90	22,5	15,9	19,3	16,9		80-90	20,2	18,6	6,7
	90-100	22,8	14,0	18,4	15,9		90-100	19,7	17,6	7,7
Среднее в слое	0-30	14,8	15,5	16,6	18,4	Среднее в слое	0-30	15,0	9,3	4,0
	0-50	17,2	17,1	17,5	18,2		0-50	15,8	11,3	4,6
	0-100	19,5	17,4	17,9	17,9		0-100	19,1	14,3	6,1

Вариант	Глубина, см	На 5 день после поливов				Вариант	Глубина, см	На 5 день после поливов		Перед 4-м поливом
		1-го	2-го	3-го	4-го			2-го	3-го	
		30.04	30.05	8.07	12.08			16.06	30.05	8.07
		типичный серозём						луговой почве		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2	0-10	21,6	22,1	18,7	20,4	2	0-10	12,6	10,2	9,4
	10-20	19,9	22,8	18,4	20,7		10-20	16,3	12,1	10,4
	20-30	18,4	22,7	17,2	19,5		20-30	17,6	12,0	11,8
	30-40	19,3	23,6	19,7	17,9		30-40	18,1	15,2	9,4
	40-50	19,1	23,1	21,4	17,5		40-50	18,8	15,0	9,2
	50-60	19,7	19,3	21,4	21,4		50-60	18,7	15,8	8,3
	60-70	22,7	18,8	19,3	20,4		60-70	19,2	18,0	6,8
	70-80	22,9	19,1	21,0	18,6		70-80	19,6	17,3	5,2
	80-90	21,9	18,6	19,8	16,0		80-90	19,3	17,7	7,7
	90-100	21,8	19,2	18,1	15,1		90-100	19,6	18,7	7,7
Кузатилаётган иқлим ўзгариши ва сув ресурсларининг бугунги ҳолатини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ортиб бормоқда. Ўзбекистон бўйича сел келиши 2030 йилда ҳозирги даражага нисбатан 30-35% га ортади. Бу эса Республикамиз ҳудудларида сел-тошқинлар тез-тез содир бўлишини кўрсатади. Оқибатда қисқа муддатли сел оқимлари кўприкларни, йўлларни, каналларни, экин майдонлари ва гидротехник иншоотларни шикастлантиради. Шунинг учун сув ва сел-сув омборини эксплуатация қилиш давомида сув сиғимини аниқ билиш талаб этилади. Юқоридагиларни ҳисобга олган холда Сурхондарё вилоятидаги Обшир сел-сув омбори сиғимига аниқлик киритиш мақсадида натура ўлчов ишлари олиб борилди.

Тадқиқот объекти. Обшир сел-сув омбори Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани марказидан 25 км Шимолий ғарбда жойлашган. Сел-сув омбори 2008 йилда ишга туширилган бўлиб, сув тоғ ҳудудида ҳосил бўладиган Вахшиворсой ирмоқлари орқали йиғилади. Лойиҳа бўйича сув тўплаш ҳажми 0,86 млн м^3, фойдали ҳажми 0,73 млн м^3 ни ташкил қилади. Сув омбори қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, балиқчилик ва аҳоли фойдаланиши учун сув етказиб беради. Тўғоннинг умумий узунлиги 130 м, баландлиги 18 м.

Тадқиқот усули. Обшир сел-сув омбори косаси ҳажмининг ўзгаришини аниқлаш учун бирламчи маълумотлари йиғилиб, таҳлили

амалга оширилди. Бунинг учун иш бажариш акваториясидаги геодезик пунктларнинг маълумотлари ва олдин бажарилган ишлар натижалари олинди. Ўлчов ишларини олиб бориш учун йўл харитасини ишлаб чиқилди. Бунда сув омбори лойиҳавий топографик чизмаси ўрганилиб, топографик чизмада ўлчов олиб бориш учун створлар аниқланди (1-расм). Дала ишларини бажариш учун объектга чиқиб, ўлчов ишларини амалга оширилди.

Космик съёмка орқали олинган координата ва белгиларни ишчи нуқталар билан боғланди. GNSS EFIX F4 ва F7 модел глобал навигация кузатув ускунаси ва Hi-Survey Road V2,1,3 дастури ёрдамида жойнинг координаталари аниқланиб, GPS антеннаси кўрсаткичининг WGS-84 тизимига киритилди ва объектни контури бўйича айланиб чиқилди. Ўзбекистонда белгиларни аниқлашда Болтиқ тизимидан фойдаланилганлиги учун WGS-84 тизими ёрдамида аниқланган белгиларни Болтиқ тизимига улаб, корректировка ва конвертация қилинди. Сўнгра сув омборидаги лойқа-чўкиндилар миқдорини ҳисоблаш ишлари амалга оширилди.



1-расм. **Автопланнер дастурида сув юзаси бўйлаб йўналиш ва створларни белгилаб олиш**

Дастлаб, геодезик ўлчашларда фойдаланилган GNSS EFIX F4 ва EFIX F7 асбоблар ёрдамида X, Y ва H координаталарини ўзида мужассамланган маълумотлар ArcGIS дастурий таъминоти қўллаб-қувватлайдиган ESRI shape (,shp) форматига экспорт қилиниб, ArcGIS дастурига юклаб олинди. Ўлчаш ишлари жараёнида реал вақт режимидаги сув омбори вертикаллари орасидаги масофа, олинган вертикаллар координаталаридан ташкил топган маълумотлар базаси яратилди. Олинган координата белгилари MS Excel (.xlsx) форматига экспорт қилиниб, ArcGIS дастурига юклаб олинган ҳолда қайта ишланди ҳамда маълумотлар ESRI shape (.shp) форматига конвертация қилинди. Сув юзаси бўйлаб сув омбори тўғонига параллел йўналишда створлар ва X, Y ва H координаталар аниқлаш учун машрут нуқталари белгилаб олинди.

Тадқиқот натижалари. Ўлчаш ишлари жараёнида сел-сув омборининг кўндаланг кесим юзаси оралиқлари 70-120 метрдан белгиланиб, X, Y ва Z координаталар бўйича отметкалар аниқланди. Сув омборининг кўндаланг кесим юзаси чуқурликлари бўйича белгилари аниқлаб олинди. Сув омборида ўлчов створлари ва кўндаланг профиллар 2-расмда келтирилган.

Сув омборнинг ҳозирги кундаги сув сиғимини ҳисоблашда ArcGIS дастурининг имкониятлари ва сув омбори косасининг кўндаланг кесимлари рақамли модели Digital Elevation Model (DEM) ёрдамида ишлаб чиқилди.





2-расм. **Сув омборида ўлчов створлари ва профиллари кўриниши**

DEM дан фойдаланиб, сув омборининг ҳажмини ҳисоблаш ArcGIS дастурида қуйидаги формула орқали амалга оширилди:

$$V = \sum_{i=1}^{n} A_i \cdot (Z_i - Z_{ref}); \qquad (1)$$

Бу ерда: V-ҳажм, n-пикселлар сони, A_i-пиксел майдони, Z_i-тегишли пикселнинг баландлик қиймати, Z_{ref}-чегараловчи баландлик қиймат.

Формуладаги Z_{ref} ҳар бир баландлик белгисида қандай ҳажмдаги сув миқдори мавжудлигини аниқлаш мақсадида ўзгартирилиб борилади. Обшир сел-сув омбори косасининг энг паст белгиси 800 м ва энг юқори белгиси 816 м бўлганлиги сабабли, Z_{ref} 809 м дан 816 м гача бўлган қийматлар билан босқичма-босқич ўзгартириб борилди. Юқоридаги формулага асосан 816 м белгисида сув омборнинг ўлчанаётган вақтдаги ҳажми 0,36 млн м^3 эканлиги аниқланди. Сув омбори ҳудудида олиб борилган ўлчовлар натижасидан олинган маълумотларни умумлаштириб ҳисоблаш орқали сув омборининг хар бир сув сатҳи белгисида юза майдонлари ва сиғимлари ҳисобланди. Ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда сув омборининг меъёрий димланган сатҳида яъни 347 м белгисидаги умумий ҳажми 113,34 млн м^3 ни ташкил этиб, бундан сув омборининг 335 м белгисидаги ўлик сув сатҳида ҳажми 16,37 млн м^3 ни ташкил этди.

1-жадвал

Ўлчовлар асосида аниқланган юза майдони ва сув сиғими

H, м	**Сув омбори ўлчов маълумотлари: W, млн м^3**	**Юза майдони, км^2**
	Лойиҳавий	**2024-йил**
800	0,032	Лойқа билан тўдган
801	0,060	
802	0,080	

803	0,100		
804	0,150		
805	0,160		
806	0,230		
807	0,260		
808	0,300		
809	0,350	0,00	0,0020
810	0,400	0,02	0,0200
811	0,450	0,05	0,0291
812	0,540	0,10	0,0370
813	0,600	0,16	0,0410
814	0,680	0,22	0,0460
815	0,760	0,29	0,0500
816	0,860	0,36	0,0548

2024 йилги ўлчов ишларидан олинган маълумотларга асосан сув омбори ҳажми сув сатҳи белгиларига нисбатан эгри чизиғининг ординаталари ишлаб чиқилди. 2-жадвал ва 3-расмда сув омбори хажми эгри чизиғи графиги ва ординаталари келтирилган.

2-жадвал

Обшир сел-сув омбори ҳажми эгри чизиғи ординаталари (млн м^3)

H (м)	**см**									
	0	**10**	**20**	**30**	**40**	**50**	**60**	**70**	**80**	**90**
809	0,00	0,002	0,003	0,005	0,007	0,009	0,011	0,013	0,015	0,017
810	0,02	0,022	0,025	0,028	0,031	0,034	0,038	0,041	0,044	0,047
811	0,05	0,055	0,060	0,065	0,070	0,075	0,080	0,084	0,089	0,094
812	0,10	0,104	0,110	0,116	0,122	0,128	0,134	0,140	0,146	0,152
813	0,16	0,164	0,170	0,177	0,183	0,189	0,196	0,202	0,208	0,215
814	0,22	0,228	0,234	0,241	0,248	0,255	0,262	0,268	0,275	0,282
815	0,29	0,296	0,303	0,310	0,317	0,324	0,332	0,339	0,346	0,353
816	0,36									

Обшир сел-сув омбори косасининг ҳозирги кундаги сув сиғими геодезик ва топографик ўлчовлар натижаларини геоахборот тизимлари ArcGIS дастуридан фойдаланган ҳолда ҳисобланиб, қўйдаги натижалар олинди. Ҳозирги кунда сув омборининг меъёрий димланган сатҳи 816 м белгисидаги умумий сув ҳажми 0,36 млн м^3 ни, сув юзаси майдони 0,0548 км^2 га тенг эканлиги аниқланди. Ўлик ҳажми лойқа чўкиндилар билан тўлган.



3-расм. **Обшир сел-сув омбори ҳажмининг сатҳга боғлиқлиги**

Сув омборининг фойдали ҳажмининг лойиҳавий миқдори 0,86 млн м^3 бўлиб ўлчов асосида аниқланган ҳажми 0,36 млн м^3 ни ташкил қилди. Сув омборининг меъёрий димланган сув сатҳи белгисидаги умумий лойқа ҳажми 0,50 млн м^3 (48%) ни ташкил қилди. Сув омборининг энг чуқур нуқтаси 7,0 м, яъни 809 м абс. белгида эканлиги аниқланди.

Хулоса. Сел тошқинларнинг салбий оқибатларини камайтириш ва сел-сув омборларидан сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларни ўз вақтида, узлуксиз сув билан таъминлаш учун сув захираларини яратиш ва уни сақлаб туриш вазифаси долзарб саналади. Маълумки, сув омборлари тўлдирилгандан сўнг, ишлаш жараёнида сув омбори худудида морфологик ўзгаришлар юз беради. Бундай ҳодисалар сув омбори иш режими ва иншоотлар техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Сув омборларининг юқори бьефини лойқа босиши натижасида унинг фойдали ҳажми камайиб боради ва иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатади. Шунинг учун сув ва сел-сув омборини эксплуатация қилиш давомида сув сиғимини аниқ билиш талаб этилади. Сув омборини самарали тўлдириш ва бўшатиш учун диспетчерлик графигини тузишда унинг сув сатҳи белгиларига мос келувчи сув ҳажмни билиш муҳим саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бакиев М., Хасанов Х. Руководство по определению площади и объема водохранилища с использованием геоинформационных технологий и дистанционного зондирования. Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. Ташкент , 2019 г. 25 с.

2. Баранова М., Филиппов О., Кочеткова А., Брызгалина Е. ГИС технологии и спутниковые данные как инструменты мониторинга геодинамических процессов Волгоградского водохранилища. Географический вестник, №2 (37). 2016г. С.148-160.

3. Жуковский О.И. Геоинформационные системы. Учебное пособие. Томск: Томский государственный университет систем управления и радиоэлектроники, Эль Контент, 2014. 130 с.

4. Икрамова М. Р. Сув омборлари гидрологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2019 й. 210 бет.

5. Карманов А.Г., Кнышев А.И., Елисеева В.В. Геоинформационные системы территориального управления: Учебное пособие. СПб: Университет ИТМО, 2015. 121 с.

6. Лыгин А.Н. Методические указания по оцифровке растра в ArcGIS 9.3. М.: МИИГАиК, 2015. 56 с.

7. Магомедова А., Курбанова З., Гаджиев М. Геоинформационное моделирование водных объектов на примере Чографского водохранилища // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2013. Т. 3. С. 656–660. URL: http://e-koncept.ru/2013/53133.htm

8. Никифоров Д.А. Моделирование уровенного режима водохранилищ реки Енисей. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук. Москва 2016. С. 335.

9. Орлова Е.В., Бобровицкая Н.Н. и др. Определение гидрографических характеристик картографическим способом. Руководство. РОСГИДРОМЕТ, Санкт-Перетбург, 2018г. 179 с.

10. Пославский В.В., Бердишев В.Д. Заиление водохранилищ и борьба с ним. М.: Колос, 1970. 320 с.

11. Эдельштейн К.К. Геометрическая модель долинного водохранилища. Комплексные исследования водохранилищ. Вып. 5. М., 1980. С. 11–31.

12. Alfredo R. N., Carlos E.O. Dantas, José A. C. Hydrodynamic modelling in large reservoirs for water resources management. Federal University of Pernambuco, Brazil. Pp.10

13. Becker L., Yeh W. Optimization of real-time operation of a multiple reservoir system. Water Resourses Research, #10(6). 1974, P. 1107– 1112.

УДК: 532.5

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ДЛИНЫ ПУТИ ПЕРЕМЕШИВАНИЯ СТОЧНЫХ И РЕЧНЫХ ВОД

Худайкулов Савет Ишанкулович
т.ф.д. профессор, Ирригация сув муаммолари илмий тадқиқот институти.
Абдуллаев Бахром Халилжонович
Мустақил изланувчи, Фарғона давлат техника университети.
Жураев Хуршид Абдирахимович
Мустақил изланувчи, Наманган Давлат техника университети.

Аннотация. Маъқолада оқова ва дарё сувларининг тўлиқ аралашиш створигача бўлган масофани аниқлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. В. А. Фролов, И. Д. Родзиллер, М. В. Потапов, Л. Г. Демидов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган асосий формулалар ва методикалар келтирилган. Турбулент диффузия коэффициентини, дарё йўналишининг қайриқлик коэффициентини ҳисоблаш усуллари, шунингдек, оқова сувларни чиқариш шароитлари (соҳилдан, фарватердан, дарё эгилмаларидан) ҳисобга олинган. Айрим формулаларнинг камчиликлари ва ҳисоблаш аниқлигини ошириш учун турли муаллифлар томонидан таклиф этилган аниқлаштиришларга алоҳида эътибор қаратилган. Дарё ўzanининг турли геометрик шакллари ва чиқариш вариантлари учун ифодалар берилган. Шунингдек, турбулент аралашмани моделлаштиришнинг мураккаб усуллари, жумладан, Риммарнинг ниҳоятда аниқ усули – чекли айирмалар усули ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: сувларни аралаштириш, оқова сувлар, тўлиқ аралашиш створи, турбулент диффузия коэффициенти, қайриқлик коэффициенти, гидравлик шароитлар, Фролов формуласи, Родзиллер формуласи, Демидов формуласи, диффузия, циркуляция, аралашиш масофасини ҳисоблаш.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты определения расстояния до створа полного смешения сточных и речных вод. Приведены основные формулы и методики, разработанные В.А.Фроловым, И.Д.Родзиллером, М.В.Потаповым, Л.Г.Демидовым и другими исследователями. Описываются подходы к расчету коэффициента турбулентной диффузии, коэффициента извилистости русла, а также учитываются условия выпуска сточных вод (у берега, у фарватера, на изгибах русла). Особое внимание уделено недостаткам некоторых формул и уточнениям, предложенным различными авторами для повышения точности расчетов. Представлены выражения для различных геометрических форм русла и вариантов выпуска. Работа также затрагивает

сложные методы моделирования турбулентного перемешивания, в частности метод конечных разностей Риммара.

Ключевые слова: смешение вод, сточные воды, створ полного смешения, коэффициент турбулентной диффузии, коэффициент извилистости, гидравлические условия, формула Фролова, формула Родзиллера, формула Демидова, диффузия, циркуляция, расчет длины перемешивания.

Annotation: This paper examines the theoretical and practical aspects of determining the distance to the complete mixing section of wastewater and river water. The main formulas and methodologies developed by V.A.Frolov, I.D.Rodziller, M.V.Potapov, L.G.Demidov, and other researchers are presented. Approaches to calculating the coefficient of turbulent diffusion and the river meandering coefficient are described, as well as considerations of various wastewater discharge conditions (from the bank, at the fairway, and on river bends). Particular attention is given to the limitations of certain formulas and refinements proposed by different authors to improve calculation accuracy. Expressions for different geometric configurations of the river channel and discharge options are provided. The paper also touches upon complex methods of modeling turbulent mixing, particularly Rimmar's finite difference method.

Keywords: water mixing, wastewater, complete mixing section, turbulent diffusion coefficient, meandering coefficient, hydraulic conditions, Frolov's formula, Rodziller's formula, Demidov's formula, diffusion, circulation, mixing length calculation.

Вопрос об отыскании створа полного смешения в теории смешения речных и сточных вод имеют важные значения. Нахождение створа полного смешения исследовались В.А.Фроловым, И.Д.Родзиллерым, М.В.Потаповым, Л.Г.Демидовым и многими другими авторами. В.А.Фролов для определения расстояния до створа, расположенного на расстоянии $l_{см}$ от выпуска сточных вод, предлагает формулу

$$l_{см} = \left[\frac{1}{\alpha} 2{,}3 \lg \frac{k_{ст} - k_к}{k_{\max} - k_к}\right]^3; \qquad (1)$$

где α -коэффициент, учитывающий гидравлические условия смешения; $k_{ст}$ -концентрация вещества в сточной воде; $k_к$ -конечная усредненная концентрация веществ в створе полного смешения; $k_{\max}$ - максимальная концентрация вещества в искомом створе.

Для определения коэффициента α В.А.Фроловым найдена эмпирическая зависимость

$$\alpha = \varphi\xi\sqrt{\frac{E}{q_{cm}}}; \qquad (2)$$

где φ-коэффициент извилистости реки, равный отношению полной длины русла l от сброса до заданного створа к расстоянию между этими створами по прямой l_1 т. е. $\varphi = \frac{l}{l_1}$; ξ-коэффициент, зависящий от места выпуска сточных вод; при выпуске у берега $\xi = 1$, при выпуске на середину $\xi = 1{,}5$; q_{cm}-расход сточных вод; E-коэффициент турбулентной диффузии.

Анализ формулы (1) показывает изменение расстояния $l_{см.max}$ в зависимости от изменения концентрации вещества в речной и сточной водах при постоянных величинах Q (расход реки), q и H. Эта формула, как совершенно правильно заметил И.Д.Родзиллер, приводит к некоторым несообразностям и расхождению с натурными наблюдениями. Он указывает, что створ полного смешения (при неизменных гидравлических факторах) должен находиться на строго определенном расстоянии от места выпуска сточных вод независимо от того, какое количество примесей содержится в речной и сточной водах (явление физической диффузии, несравнимо малое с диффузией турбулентной, здесь не учитывается). И.Д.Родзиллер дает следующую формулу, уточняющую формулу В.А.Фролова:

$$l_{см} = \left[\frac{1}{\alpha}\ln\frac{Q}{\left(\frac{100}{p}-1\right)q_{cm}}\right]^3 = \left[\frac{2{,}3}{\alpha}\lg\frac{Q}{\left(\frac{100}{p}-1\right)q_{cm}}\right]^3; \qquad (3)$$

Учитывая, что для целей водоснабжения обеспеченность смешения допустимо принимать равной $p = 85\%$, эту формулу можно переписать в виде:

$$l_{см} = \left[\frac{2{,}3}{\alpha}\lg\frac{5{,}68\cdot Q}{q_{cm}}\right]^3; \qquad (4)$$

Значение коэффициента турбулентной диффузии определяется для приближенных расчетов на равнинных реках (при $c \geq 50$) по формуле М.В.Потапова

$$E = \frac{1}{200} H_{cp} \vartheta_{cp};$$

а для более точных расчетов-по формуле В.М.Маккавеева или А.В.Караушева

$$E = \frac{g H_{cp} \vartheta_{cp}}{2mC};$$

где C -коэффициент Шези; m -коэффициент Базена-Буссинеска, равный 22,3. Формула В.М.Маккавеева позволяет учитывать гидравлические условия русла и поэтому применима для всех водотоков, а не только для равнинных.

Если по ходу расчета требуется определить только длину пути полного перемешивания (без последующего определения коэффициента разбавления в промежуточных створах) и если величина E может быть найдена по формуле М.В.Потапова, то формулу (4) можно переписать в относительно развернутом виде, а именно:

$$l_{см} = \frac{2{,}3^3 \cdot 200}{\varphi^3 \xi^3 H_{cp} \vartheta_{cp}} \left[\lg \frac{5{,}68 \cdot Q}{q_{ст}} \right]^3;$$

или

$$l_{см} = \frac{2433{,}4 q_{ст}}{\varphi^3 \xi^3 H_{cp} \vartheta_{cp}} \left[\lg \frac{5{,}68 \cdot Q}{q_{ст}} \right]^3; \qquad (5)$$

И.Д.Родзиллер предлагает определять E по формуле:

$$E = \frac{l_1}{l} \frac{\vartheta_{cp}}{\vartheta_3} E_1 + \frac{1}{l} \sum_{i=2}^{n} l_i E_i; \qquad (6)$$

где l - полная длина участка; $l_1, l_2, ..., l_n$ - длина участков с одинаковыми гидравлическими условиями; $\vartheta_{ст}$ -скорость подхода сточных вод к водотоку; ϑ_3 -скорость течения водотока в загрязненной струе; эта величина определяется только наблюдениями в натуре; для проектируемых сооружений вместо ϑ_3 можно подставить $\vartheta_{ср}$ реки в створе поступления стоков, при этом, если $\vartheta_{ст} < \vartheta_3$ или $\vartheta_{ст} < \vartheta_{ср}$. то принимается $\frac{\vartheta_{ст}}{\vartheta_3} = 1$.

Даже при уточнении величины E указанным методом получается санитарный запас около 10%.

Л.Г.Демидовым разработаны формулы определения длины пути перемешивания для двух очертаний речного русла в плане: по прямой и по дуге круга (разумеется, эти геометрические термины следует понимать приближенно), поэтому в приводимых ниже формулах Л.Г.Демидова непосредственно не участвуют величины коэффициента извилистости. Точно также Л. Г.Демидов дает отдельные выражения для условий выпуска сточных вод с берега и у фарватера. На этом основании в его формулах отсутствует коэффициент, учитывающий условия поступления загрязнений (сточных вод) в источник водоснабжения. Всего Л.Г.Демидовым предложено пять формул:

1) при выпуске с берега на прямом участке реки:

$$l_{см} = n\vartheta_{ср}\left(\frac{Q}{H_{ср}\vartheta_{ср}} - \sqrt[3]{q_{ст}}\right)\left(\frac{1}{\vartheta_n} + \frac{2}{\vartheta_n + A_0}\right); \qquad (7)$$

или, подставляя

$$c_1 = \left(\frac{1}{\vartheta_n} + \frac{2}{\vartheta_n + A_0}\right)$$

$$l_{см} = n\vartheta_{ср}c_1\left(\frac{Q}{H_{ср}\vartheta_{ср}} - \sqrt[3]{q_{ст}}\right); \qquad (8)$$

2) при выпуске у фарватера на прямом участке реки

$$l_{см} = n\vartheta_{ср}c_2\left(\frac{Q}{H_{ср}\vartheta_{ср}} - \sqrt[3]{q_{ст}}\right); \qquad (9)$$

где

$$c_2 = \left(\frac{2}{\vartheta_n + A_0}\right);$$

3) при выпуске с берега на выпуклом изгибе реки

$$l_{см} = \left(\frac{Q}{H_{ср}\vartheta_{ср}} - \sqrt[3]{q_{ст}}\right)\left[n_1\left(\frac{\vartheta_{ср}}{\vartheta_{п.и}} - tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right) + n\left(\frac{\vartheta_{ср}}{\vartheta_{п.и} + A_0} - tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right)\right]; \qquad (10)$$

здесь и далее $\vartheta_{п.и}$ - средняя по сечению скорость поперечной циркуляции на изгибе, определяемая по формуле

$$\vartheta_{п.и} = \sqrt{\frac{2\vartheta_{ср}^2}{r}} = \frac{\vartheta_{ср}}{\sqrt{0{,}5r}}; \qquad (11)$$

где r - радиус изгиба по оси потока, соответствующий углу изгиба β . Поэтому

$$\vartheta_{n.u} = \sqrt{\frac{2\vartheta_{cp}^2}{r}} = \frac{\vartheta_{cp}}{\vartheta_{n.u.}} = \frac{\vartheta_{cp}\sqrt{0{,}5r}}{\vartheta_{cp}} = \sqrt{0{,}5r}\,; \qquad (12)$$

и формулу (8.60) можно переписать в виде:

$$l_{cм} = \left(\frac{Q}{H_{cp}\vartheta_{cp}} - \sqrt[3]{q_{cm}}\right)\left[n_1\left(\sqrt{0{,}5r} - tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right) + n\left(\frac{\vartheta_{cp}}{\vartheta_{n.u} + A_0} - tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right)\right]; \qquad (13)$$

4) при выпуске с берега на вогнутом изгибе реки с учетом формулы (12)

$$l_{cм} = \left(\frac{Q}{H_{cp}\vartheta_{cp}} - \sqrt[3]{q_{cm}}\right)\left[n_1\left(\sqrt{0{,}5r} + tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right) + n\left(\frac{\vartheta_{cp}}{\vartheta_{n.u} + A_0} + tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right)\right]; \qquad (14)$$

5) при выпуске у фарватера на изгибе реки

$$l_{cм} = n\left(\frac{Q}{H_{cp}\vartheta_{cp}} - \sqrt[3]{q_{cm}}\right)\left[\left(\frac{\vartheta_{cp}}{\vartheta_{n.u} + A_0} - tg\frac{180^\circ - \beta}{2}\right)\right]; \qquad (15)$$

В этих формулах: n - доля ширины реки от берега до фарватера на прямом участке (обычно принимается $n = 0{,}6$) или от выпуклого берега до фарватера на изгибе; n_1-доля ширины реки от вогнутого берега до фарватера, следовательно, всегда $n + n_1 = 1$; A_0-линейный коэффициент турбулентной диффузии или глубина проникания молекул из одной области в другую; при ширине турбулентной диффузии, обычно принимаемой равной единице, и при площади сечения в области диффузии, также равной единице, числовые значения находятся по формуле

$$A_0 = 0{,}25\sqrt{H_{cp}^3 i}\,; \qquad (16)$$

ϑ_n - средняя по сечению скорость поперечной циркуляции на прямом участке:

$$\vartheta_n = 1{,}77k\sqrt{i}\,; \qquad (17)$$

k - коэффициент пропорциональности.

Л.Г.Демидов рекомендует принимать числовое значение k в зависимости от гидравлического уклона: при $i\,I$ от 0,1 до 0,0001 k принимается множитель

$$\left(\frac{Q}{H_{cp}\vartheta_{cp}} - \sqrt[3]{q_{cm}}\right);$$

При условии, что $q_{ст}$ невелико (обычно $q_{ст}$ колеблется от 0,1 до 3 м^3/с), величиной $\sqrt[3]{q_{ст}}$ можно пренебречь. Учет этой величины целесообразен только при расчете смешения вод со сточными водами, расход которых достигает 50% и более основного стока. В таком случае:

при выпуске с берега на прямом участке реки

$$l_{см} = \frac{0{,}5Qc_1}{H_{ср}}; \qquad (18)$$

при выпуске у фарватера на прямом участке реки

$$l_{см} = \frac{Qc_2}{H_{ср}}; \qquad (19)$$

Разработанный А.В.Караушевым метод решения задач смешения дает наиболее точные результаты, но он весьма трудоемок.

Это объясняется необходимостью иметь точные данные о скорости течения и глубинах потока по ширине и длине участков с одинаковыми скоростями и глубинами, что, разумеется, делает расчет громоздким. Для условия выпуска сточных вод в центре русла при равномерном поступлении их в источник водоснабжения с постоянной скоростью, равной скорости течения в водотоке, Риммар [46] предложил формулу для определения удаленности створа l_δ от створа поступления их в водоток. Эта формула получена для плоской задачи путем решения уравнения турбулентной диффузии методом конечных разностей

$$l_\delta = \frac{r_\delta N B^2}{H_{ср}}; \qquad (20)$$

где r_δ - безразмерный коэффициент, зависящий от $l_\delta(\%)$. Подставляя $N = \frac{MC}{g}$ в формулу (20), получим:

$$l_\delta = \frac{r_\delta MCB^2}{gH_{ср}}; \qquad (21)$$

где $M = 0{,}7C + 6$ при $10 \le C \le 60$; $M = 48$ при $C > 60$ (здесь C - коэффициент Шези). Из выражения (21) выходит, что при прочих равных условиях величина l_δ изменяется только в зависимости от величины r_δ, показывающей неравномерность полноты перемешивания сточных вод с водой водотока.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Ибад-Заде Ю., Гурбанов С., Азизов С. вопросу смешения разноплотностных жидкостей при донном выпуске отработанных вод в море. Материалы научно-технич. конференции по состоянию и перспективам использования и охраны водных ресурсов АзССР. Баку, 1973.
2. Ляхтер В.М. Условия формирования плотностного течения в водоемах. В кн.: Труды координационных совещаний по гидротехнике. М. - Л., Энергия, 1964, вып. XI.
3. Масс Е.И., Теплицкий Э.Ш., Какичашвили. Оптические методы в прикладной гидродинамике. Тбилиси, Сабчота Сакартвело, 1973.
4. Чўлпонов О.Ғ., Худайкулов С.И. Кўп фазали оқимларда ҳаво оқимининг тўла ички ҳажм бўйича тарқалишини ҳисоблаш. Фарғона политехника институти, илмий- техника журнали. 2022. Махсус сон. Том 26. № 2. 82-88.
5. Худайбердиев Н.Т., Худайкулов С.И. Сейсмические давление и разрушение уединенной волны. IQRO JURNALI / 2023 VOL – 1 ,ISSUE – 2. GUVOHNOMA № 060680 https://wordlyknowledge.uz/.
6. Khaydarov Sh.E., Khudaikulov S.I. Calculations of regulation of the drain front of the Rezaksay reservoir. novateur publications international journal of innovations in engineering research and technology [ijiert] ISSN: 2394-3696 Website: ijiert.org VOLUME 10, ISSUE 3, Mar. -2023. 55-59.
7. Khaydarov Sh.E., Khudaikulov S.I. Simulation of dispersed mixture particles impact in forced water conducts of the rezaksay reservoir. innovative technologca methdical research journal ISSN 2776-0987/ Volume 4,Issue 3 Mar 2023. 24-11.
8. N.Saidkhujaeva, S.Xudaykulov. Functions of particle distribution by residence time and moisture content in drying units. AIP Conference Proceedings 2612, 050006 (2023); https://doi.org/10.1063/5.0113505 2612, 050006 © 2023 Author(s).

УЎТ: 627.8.064.4

СУВ ОМБОРИ СИҒИМИНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА СУВ БАЛАНСИ

Икрамова Малика Рахимбердиевна
т.ф.д., профессор,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Ахмедходжаева Ифода Ахмеджановна
т.ф.н., профессор,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Ходжиев Алишер Қўлдошевич
PhD, катта илмий ходим,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Аллаёрова Дилбар Собиджон қизи
таянч докторант,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Икрамов Нодир Дилмурадович
стажер,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида элликдан ортиқ йирик сув омборлари фаолият юритади. Сув омборлари эксплуатация даврида лойқа босиши натижасида сув сиғимнинг ўзгариб бориши кузатилади. Ушбу мақолада сув омборларини лойқа босишини аниқлаш ва сиғими ўзгаришини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган сув балансини ҳисоблаш дастури натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: сув омбори, седиментация, сув баланси, сув йўқотишлар

Аннотация. В Республике Узбекистан действуют более пятидесяти крупных водохранилищ. В процессе эксплуатации водохранилищ наблюдается изменение емкости водохранилищ в результате заиления его чаши. В данной статье представлен метод определения заиления водохранилища и результаты расчета водного баланса по разработанной программе с учетом изменения емкости водохранилища.

Ключевые слова: водохранилище, заиление, водный баланс, потери воды

Annotation. More than fifty large reservoirs operate in the Republic of Uzbekistan. During the operation of reservoirs, a change in the reservoirs capacity is observed as a result of the reservoir silting. The article presents a method for determining of a reservoir silting and the calculation results the water balance by soft developed taking into account the change in the reservoir capacity.

Key words: water reservoir, sedimentation, water balance, water loss

Кириш. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқлари йил давомида 50-55 км^3 сув истеъмол қилса, шундан 20-22 км^3 қисми 55 та йирик ва бир қанча кичик сув омборлари томонидан бошқарилади. Қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, ҳамда энергия ишлаб чиқаришда сув омборларини самарали бошқариш муҳим рол ўйнайди. Сув омборлари тўлдирилгандан сўнг, ишлаш жараёнида сув омбори соҳасида морфометрик ўзгаришлар юз беради. Бундай ҳодисалар асосан сув тўпланган ҳудудда, айниқса ГЭС ва каналларга сув олиш иншоотлари, ҳамда сув ташлаш иншоотлари соҳасида фаол кузатилиб, сув омбори иш режими ва ишноотлар техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Сув омборларининг юқори бьефини лойқа босиши натижасида унинг фойдали ҳажми камайиб боради ва иқтисодий самарадорликка таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармонида (№УП-6024 10.07.2020) сув хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш тадбирлари белгиланган бўлиб, бунда сув объектларида рақамли технологиялар ёрдамида сувнинг мониторингини олиб боришда замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш, сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларида мониторинг тизимларини геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда модернизация қилиш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Ушбу мақолада Инновация агентлиги томонидан молиялаштирилган IL-402104352 “Сув омборлари иш режими ва лойқа босишини геоахборот технологиялари орқали бошқариш моделини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси доирасида олиб борилган тадқиқотларнинг сув омбори сиғимининг ўзгариши ва сув балансини ҳисоблаш масалаларига тегишли натижалар келтирилган.

Методология. Сув омборларининг маълумотлари ўрганилиб, лойқа босиш ҳажми ва сув йўқотишларни аниқлашда юқори бьефда сув сатҳининг ўзгарувчанлиги ҳисобга олинди. Заррачаларнинг чўкиш жараёнини босқичларга бўлиб ўрганилди. Яъни кириб келаётган лойқа сув омбори косасида чўкади, заррачаларнинг бир қисми чўкади, бошқа қисми қуйи бьефга транзит бўлади ва дарё суви билан келган лойқа заррачалари пастки

бьефга ўтади. Сув омборларининг лойқа босиш жараёнини ўрганиш давомида сув омборининг лойиҳавий ва амалиётдаги лойқа босиши кўрсатгичлари нисбати $К_1 = W_{й.ум.л}/W_{пр.л}$ ва ўлик ҳажмдаги чўкинди миқдорининг умумий чўкинди миқдорига нисбати $K_2 = W_{ўхл.}/W_{ум.л.} = 0,17 + 0,13\ W_{ўхл.}/W_{фз}$ кўринишида қабул қилинди. Бу ерда $W_{ўхл}$-ўлик ҳажмдаги чўкиндилар миқдори, $W_{ум.л}$-чўкиндиларнинг умумий ҳажми, $W_{фз}$-сув омборининг ўлик ҳажми. Лойқа босишнинг биринчи босқичида ўлик ҳажм тўлиқ лойқа билан тўлиши ва заррачалар пастки бьефга оқиб чиқиши ҳолати $W_{зм}$=$W_м$ га мос келади. Сув омборини лойқа босишининг иккинчи босқичи учун - n қиймати $n = 3,33$ га, $К_2$=0,3 га тенг эканлиги аниқданди. Бунда ўлик ҳажм тўлиқ лойқа билан тўлган, заррачаларнинг бир қисми пастки бьефга транзит бщлиши кузатилади. $W_{зо}/W_м = n$ га алмаштирилиб, $W_{пб}/W_{фз} = (0,3 \cdot n - 1)/(1 - 0,13 \cdot n)$ ифода шакллантирилди.

Олинган натижалар. Юқорида келтирилган усул сув омборларини лойқа босишини босқичлар бўйича ҳисоблаш имконини берди. Ҳисоблаш натижси 1-расмда да келтирилган. Ҳисоблашда сув омбори бирламчи маълумотлари сифатида сув омборни эксплуатацияга тушган йили, умумий ҳажми W_0, НДС отметкаси, ЎҲС отметкаси, фойдасиз ўлик ҳажми $W_{фз}$ қабул қилинди.

Сув омборнинг юқори бьефдаги лойқа босиш жараёнининг интенсивлиги α=0,004(1600/НПУ − 1) кўринишида ҳисобланиб, бунда НДС-сув омборининг нормал димланган сатҳи, лойқа грунтлар ювилиши содир бўладиган максимал отметка $H_Н$=1600 м эканлиги, сатҳ баландлиги бундан ортиқ бўлганда, дарё сувларида чўкиндилар оқими нолга интилиши аниқланди.



1-расм. **НДС=f(a) боғланиш графиги**

Сув омборини дарё оқими билан кириб келган заррачалар чўкиши натижасида лойқа босишини ҳисоблашда Дарганата гидропостининг Амударё оқими лойқалиги бўйича маълумотларидан фойдаланилди. Бунда йилнинг сувлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ўртача лойқалик маълумотлари қуйидаги формулалар орқали аниқланди: январ-май ойлари учун, кг/м^3 - $\rho_{вх} = 0{,}0035 * Q^{0.9}$; июн-декабр ойлари учун - $\rho_{вх} = 0{,}0025 * Q^{0.9}$. Бунда сувнинг шаффофланиши коэффициенти каби параметр ҳам ҳисобга олинган. Ушбу параметр сув сатҳининг лойқалик даражасининг ўзгаришига таъсирини билдиради:

$$\varepsilon = 0{,}041 \frac{(W_r(\nabla_{NPU} - \nabla_{sovm}))^{-1,5}}{W_p(\nabla_{NU} - \nabla_{sovm})}; \quad (1)$$

Бу ерда: W_p - ҳисоблар бажарилиш вақтидан олдинги сув омбори фойдали ҳажми ∇_{NPU}, млн м^3; ∇_{NU}-сув омборининг ҳисобий сатҳи (бошланғич); ∇_{sovm}-сув омборидаги сув ҳажмининг дарё ўзанидаги ҳажмига тенг бўлгандаги сув сатҳи, яъни W_p/W_n=1.

Кўрилган даврда Дарганата гидропостидан Ўзан сув омборигача буғланишга кетган сув миқдори йилига 220-310 млн м^3 ни, Ўзан сув омборидан сув йўқотиш йилига 220-340 млн м^3 ни ташкил қилган. Катта миқдорлар кўп сувлилик йиллари ва сув сатҳи баланд бўлган даврларга тўғри келади. Фильтрация сув йўқотишлари сув кам йиллари сув сатҳи интенсив ўзгарганда, ёки сув кўп йиллари сув тўлдириш интенсивлиги юқори бўлганда кўплиги кузатилган. Ўзан сув омборида аниқланган максимал фильтрация оқимлари ер ости сувлари инфильтрацияси 330 млн м^3 ва ер остига фильтрация 280 млн м^3 бўлган. Сув кам йиллари инфильтрация ҳисобига сув йўқотишлар камайган. Жами минимал сув йўқотишлар ҳисоби сув кам йилларда 150-170 млн м^3 бўлганини кўрсатади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун сув омборидаги сув ресурсларини аниқлаш, сувни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирларнинг асосий параметрларини аниқлаш мақсадида сув омбори сиғимининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда сув балансини ҳисоблаш муҳимдир. Сув баланслари ГЭСларда энергия ишлаб чиқаришни назорат қилиш, суғориш, саноат ва коммунал хўжалик, балиқчилик, экология соҳалари учун сув олиш, сув таъминотини режалаштиришда, сув сифатини баҳолашда, сув сатҳи

мониторинги ва сув омборларидаги динамик жараёнларни прогноз қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун “Сув омборининг сув балансини ҳисоблаш дастури” ишлаб чиқилди (DGU35130, 14.03.2024**)**. Бунда ҳар бир вақт интервали (декада, ой, йил) учун дискрет ҳисоблаб чиқилади. Сув омбори балансини ҳисоблаш унинг барча кирувчи, чиқувчи ва тўпловчи элементларини ҳисобга олишга асосланган. Дастур ишлаши учун “wrbc.exe” инсталляцион файлни *C:\Program Files\WRBC\WRBC.mdb* га ўрнатилади. 2-расмда дастур интерфейси келтирилган бўлиб, формада “Маълумот киритиш”, “Сув омбори баланси”, “Таҳлил” воситалари ва “Қўлланма” жойлашган.


ELEKTRON HISOBLASH MASHINALARI UCHUN YARATILGAN DASTURNING RASMIY RO'YXATDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDAGI

GUVOHNOMA

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

№ DGU 35130

Ushbu guvohnoma O'zbekiston Respublikasining "ELEKTRON HISOBLASH MASHINALARI UCHUN YARATILGAN DASTURLAR VA MA'LUMOTLAR BAZALARINING HUQUQIY HIMOYASI TO'G'RISIDA"gi Qonuniga asosan quyidagi elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturga berildi

Suv ombori suv balansini hisoblash dasturi

(DASTUR NOMI)

Talabnoma kelib tushgan sana: 14.03.2024 (210) Talabnoma raqami: DGU 202402820

Huquq egasi(lari): IKRAMOVA MALIKA RAXIMBERDIYEVNA, UZ

Dastur muallif(lari): IKRAMOVA MALIKA RAXIMBERDIYEVNA, UZ; UMAROVA SHOIRAXON GULOMOVNA, UZ; XODJIYEV ALISHER KULDASHEVICH, UZ; ALLAYOROVA DILBAR SOBIDJON QIZI, UZ

O'zbekiston Respublikasining Dasturiy mahsulotlar davlat reyestrida 19.03.2024 y. ro'yxatdan o'tkazildi.

Интерфейсдаги “Маълумот киритиш” воситаси орқали бирламчи маълумотлар, яъни талабга қараб сув омборига тегишли ойлик ёки кунлик маълумотлар киритилади. “Сув омбори сув балансини” ҳисоблаш формасида асосан ойлик маълумот киритилади. Қайд этиш жоизки ушбу “Сув балансини ҳисоблаш” формаси сув балансини ҳисоблаш ва таҳлил жараёнида муҳим ўрин эгаллайди, чунки киритилган маълумотларни жадвал кўринишида таҳлил қилиш имкониятини беради. “Таҳлил” формаси бир йил давомида киритилган маълумотларни график-схема кўринишида таҳлил қилиб, сув балансини ҳисоблаш имкониятини беради. Бу форманинг ўнг тарафида таҳлил қилинишида ишлатиладиган параметрлар кўрсатилган бўлиб, улар ёрдамида сув омбори сув баланси ҳисоби натижаларини диаграмма кўринишида шакллантириш ва таҳлил қилиш мумкин.



2-расм. **Сув баланси дастури интерфейси**



3-расм. **Сув омбори маълумотлари, сув балансини ҳисоблаш ва таҳлил формалари**

Ишланган дастур калибровкаси Туямуюн гидроузели таркибидаги Ўзан сув омбори мисолида амалга оширилди. Бунда 2006 ва 2016 йиллар учун амалда кузатилган маълумотлар ва дастурдан фойдаланиб ҳисобланган маълумотлар таққосланди (4-расм).



4-расм. **Сув омборида сув балансини ойлар кесимида ҳисоблаш натижалари**

Қуйида сув баланси ҳисоби дастур орқали олинган ва амалдаги рақамлар таққосланган келтирилган бўлиб, бунда оғиш коэффициенти K=0,03-0,7 ни ташкил қилди.

Хулоса. Олинган натижалар таҳлили асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди. Сув омборидаги сув балансини ҳисоблаш дастуридан фойдаланиб ТМГУ Ўзан сув омбори мисолида ҳисобланган натижалар амалдаги расмий рақамлар билан таққосланганда корреляция коэффициенти K=0,87-0,93 ни ташкил қилди. Сув омборларининг лойқа босиши жараёни ўрганилганда натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, лойқаликлар 1/3 қисми ўлик ҳажмда, 2/3 қисми эса – фойдали ҳажмда чўккан. Ўзан сув омборининг ўлчаш ишлари натижасида сув сатҳи H=130 м да ҳажми 863 миллион $м^3$ бўлиб, юза майдони 248 $км^2$ ни ташкил этди. Ўзан сув омборидан сув йўқотишлар таҳлили шуни кўрсатадики, сув омборидан сув йўқотиш йилига 220-340 млн $м^3$ ни ташкил қилган. Катта миқдорлар кўп сувлилик йиллари ва сув сатҳи баланд бўлган даврларга тўғри келади. Ўзан сув омборида аниқланган максимал фильтрация оқимлари ер ости сувлари инфильтрацияси 330 млн $м^3$ ва ер остига фильтрация 280 млн $м^3$ бўлган. Сув кам йиллари инфильтрация ҳисобига сув йўқотишлар камайган. Жами минимал сув йўқотишлар ҳисоби сув кам йилларда 150-170 млн $м^3$ бўлгани аниқланди. Сув омборидаги 1447 млн $м^3$ лойқани тозалаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга зарурият мавжуд. Акс ҳолда ГЭС агрегатлари

ишлаши қийинлашади ва қуйилма сув омборларига сув ўтказиш шароити оғирлашади.

Сув омборлари сиғими ўзгариши ва лойқа босиши, сув омбори тубининг рельефи хариталарини шакллантириш, оқим ҳажмини бошқаришни такомиллаштириш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авакян А.Б. Водохранилища и окружающая среда. М.: Изд. «Знание», 1982, 48 с.
2. Икрамова М. Р. Сув омборлари гидрологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2019 й. 210 бет.
3. Милькис Б.Е. Изучение испарения с поверхности водоемов Узбекистана - В кн: Материалы междуведомственного совещания по проблеме изучения и регулирования испарения с водной поверхности и почвы - Валдай. Отпеч. на множит. аппарате ГГИ, 1984, с 90-98
4. Милькис Б.Е. Изучение испарения с поверхности водоемов Узбекистана. Материалы междуведомственного совещания по проблеме изучения и регулирования испарения с водной поверхности. Валдай, ГГИ, 1984. С. 90-98
5. Ольсон О., Норматов И., Сорокин А., Фроебрих Ж. Процессы седиментации и будущая емкость Нурекского водохранилища. Экстремальные гидрологические события в Арало-Каспийском регионе. Труды международной научной конференции. М., 2006 г. Секция 6. С.116-123.
6. Пославский В.В., Бердишев В.Д. Заиление водохранилищ и борьба с ним. М.: Колос, 1970. 320 с.
7. Результаты изучения заиления дна Нурекского водохранилища на р. Вахш (Таджикистан). ОАО «Гидропроект» № 922-34-700.Ташкент, 2005.
8. ЎзР Президентининг “Ўзбекистон республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020-йил 10-июлдаги ПФ-6024-сон Фармони.
9. Ҳикматов Ф., Сирлибоева З., Айтбаев Д. Кўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. Т: Университет, 2000. 122 б.
10. Эдельштейн К.К. Геометрическая модель долинного водохранилища. Комплексные исследования водохранилищ. Вып. 5. М., 1980. С. 11–31.
11. Alfredo R., Carlos E., José A. Hydrodynamic modelling in large reservoirs for water resources management. Federal University of Pernambuco, Brazil. Pp.10

12. Becker L., Yeh W. Optimization of real-time operation of a multiple reservoir system. Water Resourses Research, #10(6). 1974, P. 1107– 1112.

13. Khosronejad A., Rennie C. D., Salehi Neyshabouri S. A. A., Townsend R. D. 3D Numerical Modeling of Flow and Sediment Transport in Laboratory Channel Bends. Journal of hydraulic engineering. 2007,133(10). Pp. 1123-1134

14. Olsson O., Ikramova M., Sorokin A. Modeling scenarios to identify a combined sediment-water management strategy for the large reservoirs of the Tuyamuyun hydro-complex // Irrigation and Drainage Systems. V.5, #1, P. 2011.

15. Sabah S. Fayaed, Ahmed El-Shafie, Othman Jaafar. Reservoir-system simulation and optimization techniques. Stochastic Environmental Research and Risk Assessment. Volume 27, Issue 7, October 2013, P. 1751–1772.

UO‘T: 627

CHEKLI ELEMENTLAR USULINI YORDAMIDA SUV OMBORINI SUV CHIQARISH QUVURINING KUCHLANGANLIK DEFORMATSIYA HOLATNI ANIQLASH

S.J.Razzakov. prof, Namangan Davlat texnik universiteti.
O.G‘.Cho‘lponov. PhD, Namangan Davlat texnik universiteti

Annontatsiya: Ushbu maqolada chekli elementlar usulini yordamida suv omborini suv chiqarish quvurining kuchlanganlik deformatsiya holatlari hamda suv omborini hafsiz ishlashi ko‘zda tutilgsn.

Kalit so‘zlar: chekli elementlar usuli, suv omborin, suv chiqarish quvuri, kuchlanganlik deformatsiya, elastiklik nazariyasi, ko‘chishlar, differensial tenglamalar, tugun nuqtalari

Аннотация: В данной статье рассматриваются напряженно-деформированные состояния водоотводящей трубы водохранилища с использованием метода конечных элементов, а также обеспечивается безопасная эксплуатация водохранилища.

Ключевые слова: Метод конечных элементов, водохранилище, водоотводящая труба, напряженно-деформированное состояние, теория упругости, перемещения, дифференциальные уравнения, узловые точки

Annotation: This article examines the stress-strain state of the water outlet pipe of a reservoir using the finite element method, and also considers ensuring the safe operation of the reservoir.

Keywords: finite element method, reservoir, water outlet pipe, stress-strain state, theory of elasticity, displacements, differential equations, nodal points

Kirish. Turli fizik masalalarni yechishda asosan differensial tenglamalardan foydalaniladi. Ayrim hollarda differensial tenglamalar murakkablashib ketadi va bunday hollarda ularni analitik usulda yechishning imkoni bo‘lmaganligi uchun sonli usullar ham qo‘llaniladi. Chekli elementlar usuli – bu sonli usul hisoblanib, ko‘plab texnik sohaga oid, xususan matematika va fizikaga taalluqli differensial tenglamalarga nisbatan o‘rganilayotgan sohaning geometriyasi va materialining fizik-mexanik xususiyatlarini hisobga olish imkoniyatini beruvchi usul deyish mumkin. Elastiklik nazariyasini tekis masalasini sonli yechimlarini topishda, texnik masalalarni yechish uchun asosan qulay hisoblangan chekli elementlar usuli (ChEU) qo‘llanilgan. Bu usul o‘zining har tomonlama qulayligi va moslashuvchanligi bilan tutash muhitlar mexanikasi va qurilish mexanikasi masalalarini yechishda katta ahamiyatga egadir. Hozirda

bir qator olimlar tomonidan bu usulni mukammallashtirish, fizika va texnikaning har xil masalalarini yechishda undan foydalanish ustida ko‘plab ishlar olib bormoqdalar [66-67].

Metod. elastiklik nazariyasining tekis masalasini yechishda ChEUdan foydalanishni ko‘rib chiqamiz. Bu quyidagi tartibda bajariladi:

1. Ko‘rilayotgan to‘liq muhit bir qancha chekli elementlarga bo‘linadi.

2. Elementlar o‘zaro tugun nuqtalarida birikkan deb qabul qilinib, shu nuqtalarning ko‘chishlari asosiy noma’lumlar deb olinadi.

3. Har bir (element) bo‘lakdagi ko‘chishlarni tugunlar ko‘chishiga bir qiymatli bog‘lovchi funksiyalar sistemasi tanlanadi.

4. Ko‘chish funksiyalari har bir element ichidagi deformatsiyani tugunlardagi ko‘chishlar orqali aniqlab beradi. Elementlar elastiklik xususiyatlari va boshlang‘ich deformatsiyaga bog‘liq ravishda har bir elementning ichida chegaradagi kuchlanishlarni aniqlash mumkin.

5. Tugun nuqtalarga kuchlanishlar bilan muvozanatlashuvchi tik qo‘yilgan kuchlar va ba’zi bir yoyilgan kuchlar tizimi aniqlanadi va muvozanat tenglamalari tuziladi. Ixtiyoriy element i, j, m- tugun nuqtalari va chiziqli chegarasi bilan aniqlanadi.



1-rasm. **Olingan tekis yuzani chekli sondagi elementlarga ajratilgan holati**



2-rasm. **Tekis kuchlanish yoki tekis deformatsiya holati uchun tanlangan element**

Masalan, elementning ixtiyoriy ichki nuqtasining ko‘chishi quyidagi ustun-vektor ko‘rinishida berilgan bo‘lsin:

$$\{f\} = [N]\{q\}^e = [N_i, N_j, N_m \ldots] \begin{Bmatrix} q_i \\ q_j \\ q_m \end{Bmatrix}; \qquad (1)$$

Bu yerda: $[N]$ - umumiy holda har bir elementning holatini belgilovchi funksiya, $\{q\}^e$- vektor esa ko‘rilayotgan elementning tugun nuqtalarining

ko‘chishini bildiradi. Tekis kuchlanish holatida ustun-vektor quyidagi ko‘rinishda bo‘lib, element ixtiyoriy ichki nuqtasining gorizontal va vertikal ko‘chishini quyidagicha ifodalaydi.

$$\{f\}=\begin{Bmatrix}U(x,y)\\V(x,y)\end{Bmatrix};$$

$\{f\}$-ustun ko‘rinishidagi vektor

$_i$-tugun ko‘chishini ifodalaydi; N_i, N_j, N_m- funksiyalar shunday tanlanadiki, ularni (1) ga qo‘yganda koordinatalari shu tugunlarning ko‘chishlari bilan mos kelsin. Umumiy holda $N_i(x_i,y_i)=[I]$ - birlik matritsa $N_i(x_i,y_i)=(x_m,y_m)=0$ va hokazo. Xususiy holda x va y larga nisbatan chiziqli funksiya ko‘rinishida bo‘ladi. Mazkur masalani yechishda faqat uchburchak shaklidagi elementlardan foydalanilgan. (Element shaklini va ko‘chish funksiyasini har bir masala uchun tanlash tadqiqotchining ixtiyoriga bog‘liq). Har bir tugunning ko‘chishi ikki komponentga bog‘liq bo‘ladi.

$$\{q_i\}=\begin{Bmatrix}U_i\\V_i\end{Bmatrix}; \tag{2}$$

Elementnng oltita ko‘chish komponentlarini quyidagi vektor ko‘rinishida yozamiz:

$$\{q\}^e=\begin{Bmatrix}q_i\\q_j\\q_m\end{Bmatrix}; \tag{3}$$

Elementning ichki qismini ko‘chishi ko‘rsatilgan oltita kattalik bilan aniqlanishi kerak. Ma’lumki, u sodda ko‘rinishdagi ko‘phaddan iborat bo‘ladi.

$$\begin{aligned}U&=a_1+a_2x+a_3y\\V&=a_4+a_5x+a_6y\end{aligned}; \tag{4}$$

a_i- oltita o‘zgarmaslar qiymati uchta tenglamadan iborat ikkita tenglamalar tizimidan foydalanib aniqlanadi. Bu tenglamalar sistemasi (4) ga tugun koordinatalarini qo‘yish va mos tugun nuqtalari ko‘chishlariga tenglashtirish natijasida hosil qilinadi. Masalan:

$$\left.\begin{aligned}U_i&=a_1+a_2x_i+a_3y_i\\U_j&=a_4+a_5x_j+a_6y_j\\U_m&=a_1+a_2x_m+a_3y_m\end{aligned}\right\}; \tag{5}$$

Bunda a_1,a_2,a_3 lar noma’lum sifatida U_i,U_j,U_m orqali topiladi. Xuddi shunday V - vertikal ko‘chishni ham aniqlash mumkin.

$$U=\frac{f}{2\Delta}\{(a_i+b_ix+c_iy)U_i+(a_j+b_jx+c_jy)U_j+(a_m+b_mx+c_my)U_m\}; \tag{6}$$

Bu yerda,

$$\begin{aligned} a_i &= x_j y_m - x_m y_j \\ b_i &= y_i - y_m = y_{jm} \\ c_i &= x_m - x_j = _{mj} \end{aligned}; \quad (7)$$

Boshqa koeffitsientlar ham i, j, m larni davriy almashtirish yordamida aniqlanadi.

$\Delta - i, j, m$ uchburchakning yuzasi;

$$U = \frac{f}{2\Delta}\{(a_i + b_i x + c_i y)V_i + (a_j + b_j x + c_j y)V_j + (a_m + b_m x + c_m y)V_m\}; \quad (8)$$

(6) va (8) ni (1) ko‘rinishida standart shaklda yozamiz:

$$\{f\} = \begin{Bmatrix} U \\ V \end{Bmatrix} = [N]\{q\}^e = [IN_i, IN_m]\{q\}^e; \quad (9)$$

Bu yerda $I - 2x2$ o‘lchamli birlik matritsa va hokazo.

$$N_i = (a_i + b_i x + c_i y)/2\Delta; \quad (10)$$

Tanlangan ko‘chish funksiyasi yonma-yon elementlarning ko‘chishlari uzluksizligini ta’minlaydi. Agar element barcha nuqtalarining ko‘chishlari ma’lum bo‘lsa, ularning deformatsiyalarini aniqlash mumkin. Ularni quyidagi matritsa ko‘rinishidagi munosabatdan aniqlanadi:

$$\{E\} = \{B\}\{q\}^e; \quad (11)$$

Tekis kuchlanish holatida elementning ixtiyoriy ichki nuqtasining to‘la deformatsiyasini uchta tashkil etuvchisi bilan aniqlanadi.

$$\{\varepsilon\} = \begin{Bmatrix} \varepsilon_x \\ \varepsilon_y \\ \gamma_{xy} \end{Bmatrix} = \begin{Bmatrix} \delta U/\delta x \\ \delta V/\delta y \\ \delta U/\delta y + \delta V/\delta x \end{Bmatrix}; \quad (12)$$

(9) yoki (6) va (8) tengliklarda foydalanib, quyidagiga ega bo‘lamiz:

$$\{\varepsilon\} = \begin{bmatrix} \frac{\delta N_i}{\delta x} & 0 & \frac{\delta N_j}{\delta x} & 0 & \frac{\delta N_m}{\delta x} & 0 \\ 0 & \frac{\delta N_i}{\delta x} & 0 & \frac{\delta N_j}{\delta x} & 0 & \frac{\delta N_m}{\delta x} \\ \frac{\delta N_i}{\delta x} & \frac{\delta N_i}{\delta x} & \frac{\delta N_j}{\delta x} & \frac{\delta N_j}{\delta x} & \frac{\delta N_m}{\delta x} & \frac{\delta N_m}{\delta x} \end{bmatrix} \bullet \begin{bmatrix} U_i \\ V_i \\ U_j \\ V_j \\ U_m \\ V_m \end{bmatrix} = \frac{1}{2\Delta}\begin{bmatrix} b_i & 0 & b_j & 0 & b_m & 0 \\ 0 & c_i & 0 & c_j & 0 & c_m \\ c_i & b_i & c_j & b_j & c_m & b_m \end{bmatrix}\{q\}^e; \quad (13)$$

Bular orqali (13) tenglikdan $\{B\}$ -matritsani aniqlash mumkin. Tekis kuchlanish holatida Guk qonunini quyidagi matritsalar ko‘rinishida yozish mumkin.

$$\{\sigma(t)\} = [D](1 - \dot{R})\{\varepsilon(t)\}; \quad (14)$$

Bu yerda $\dot{R}$ – relaksatsiya operatori;

$$[D]=\frac{E}{1-\nu^2}+\begin{bmatrix}1 & \upsilon & 0\\ \nu & 0 & 0\\ 0 & 0 & (1-\nu)/2\end{bmatrix};$$

Aytaylik, $\{F\}^e=\begin{Bmatrix}F_i\\F_j\\F_m\end{Bmatrix}$ - ustun ko‘rinishidagi vektor orqali tugundagi kuchlar berilgan bo‘lsin, bu elementga ta’sir qilayotgan yoyilgan kuchlarga ekvivalentdir.

Har bir tugunda $\{q_i\}$ ko‘chish nechta komponentga ega bo‘lsa, $\{F_i\}$ - kuchlar ham mos ravishda shuncha komponentga ega bo‘ladi. Faraz qilaylik, $\delta\{q\}^e$ - tugunning mumkin bo‘lgan ko‘chishi (14) va (11) formulalar orqali mos ravishda elementdagi ko‘chish va deformatsiyalarni aniqlaymiz.

$$\delta\{f\}=\{N\}\delta\{q\}^e \text{ va } \delta\{\varepsilon\}=[B]\delta\{q\}; \qquad (15)$$

Xuddi shuningdek, birlik hajmga to‘g‘ri keluvchi yoyilgan kuch va kuchlanishlar quyidagicha yoziladi.

$$\delta\{\varepsilon\}^T\{\sigma\}-\delta\{f\}^T\{P\}; \qquad (16)$$

yoki

$$(\delta\{q\}^e)^T[B]^T\{\sigma\}-[N]^T\{P\}; \qquad (17)$$

Tashqi kuchlarning bajargan ishini element hajmi bo‘yicha integrallab, topilgan ichki kuchlar bajargan ishiga tenglashtirib, munosabatga ega bo‘lamiz.

$$\left(\delta\langle q\rangle^T\{f\}^e=(\delta\{q\}^e)^T\right)\left(\delta\{q\}^e)^T(\int[B]^T\{\sigma\}dV-\int[N]^T\{P\}dV\right); \qquad (18)$$

Bu munosabat ixtiyoriy mumkin bo‘lgan ko‘chishda o‘rinli bo‘lganligi uchun chap va o‘ng tomon koeffitsentlari o‘zaro tengdir. Chekli elementlar usuli elektron hisoblash mashinalarida masalani qo‘yilishiga qarab, har xil usullarda amalga oshiriladi.Elastiklik nazariyasining tekis statik masalalari yuqori tartibli algebraik tenglamalar sistemasiga keltiriladi va dasturlashtirilib, zamonaviy EHM larda yechiladi.

Natijalar va muhokama. Ixtiyoriy kuchlar ta’siridagi dinamik masalalarni yechish tizimning xususiy chastotalari va xususiy shakllarini topish natijasida yechimni xususiy shakllar bo‘yicha qatorga yoyishga yoki ikkinchi tartibdagi differensial tenglamalarning katta tizimini chekli ayirmalar usuli bilan yechishga keltiriladi. Elastik muhitda statsionar to‘lqinlarni tarqalishi haqidagi masala katta tartibdagi kompleks algebraik tenglamalar sistemasini yechishga keltiriladi, chunki bu holda bikrlik matritsasi kompleks sonlardan iborat bo‘ladi. Rezaksoy suv omborining suv o‘tkazish quvur devorida ichki va tashqi bosimlar ta’sirida hosil bo‘ladigan maksimal normal kuchlanishni qiymati 80,2 MPa, minimal

urunma kuchlanish 8,30 MPa ni o‘rtacha normal kuchlanish esa 27,93 MPa tashkil etishi kuzatildi (3-rasm).



3-rasm. **Suv chiqarish quvuridagi normal kuchlanishlar o‘zgarishi**



4-rasm. **Suv chiqarish quvuridagi urinma kuchlanishlarning o‘zgarishi**

Chekli elementlar metodi bilan statsionar masalani yechish quyidagi bosqichlardan iborat: bikrlik, massalar va so‘ndirish matritsalarini shakllantirish va kompleks algebraik tenglamalar sistemasini yechish [85,86]. Suv omborining suv o‘tkazish quvurida ichki va tashqi bosimlar ta’sirida quvur devoridagi maksimal urunma kuchlanish 41,42 MPa ni tashkil etdi (3-rasm).

Bikrlik matritsasini shakllantirish bo‘yicha tuzilgan dastur quyidagi tartibda tuziladi:

a) har bir elementni lokal koordinatalarda yozib chiqish;

b) $[B]^T \cdot [D] \cdot [B]$-ko‘paytmani hosil qilish.

Bikrlik matritsani shakllantiishga tuzilgan dastur orqali massa matritsasini ham shakllantirish mumkin, chunki ularning strukturasi bir xil. Chekli elementlar metodini tadbiq etib, masalani yechishga tuzilgan dasturda asosiy rolni algebraik tenglamalar sistemasini yechish bo‘yicha tuzilgan dastur egallaydi. Tanlanadigan usul tenglamalar soniga va ishlatiladigan EHM imkoniyatlariga bog‘liq. Qaralayotgan masala uchun hisob sxemasini 5-rasmdagidek tanlab olamiz. Hisob ishlarini bajarishda suvning bosimini, quvur materialini, uning geometrik o‘lchamlarini, quvurni o‘rab turuvchi temir beton qobiqning o‘lchamlari, shakli va materialini hisobga olamiz.



5-rasm. **Hisoblash sxemasi**



6-rasm. **Modeldagi ekvivalent minimum va maksimum zo`riqish nuqtalari**

Qabul qilingan modelni 44595 ta chekli elementlarga bo‘lamiz. Elementlar 306488 ta tugunlar orqali bir biri bilan bog‘langan. Hosil bo‘lgan sistema uchun muvozanat tenglamasi tuziladi, uning tartibi 612976 ga teng bo‘lgan chiziqli tenglamalar sistemasi bo‘ladi. Bu tenglamalar sistemasini yechib har bir tugunning ko‘chishini va ular orqali elementdagi kuchlanishlar aniqlanadi.

Hisoblash ishlari zamonaviy «ANSYS workbench» dasturlar kompleksi yordamida amalga oshirildi. Hisob ishlari shuni ko‘rsatdiki, su omborining suv chiqarish quvurning kesimida maksimal kuchlanishlar 5-rasmda, maksimal ko‘chishlar 6-rasmda ko‘rsatilgan. Agar po‘lat uchun ruhsat etilgan kuchlanish 250 *MPa* ekanligini e’tiborga olsak, hosil bo‘lgan kuchlanishlar undan 50-80 barobar kichik ekanligini ko‘rish mumkin. Ya’ni katta ehtiyot zahirasiga ega bo‘lib, suv omborining suv chiqarish quvuri ekspluatatsiya davrigacha doimiy ravishda xizmat qiladi.

Xulosa: Quvurdagi g‘adir-budirliklar tub va devorlar yuzasidagi tezlikni kamaytiradi. Bevosita har bir g‘adir-budirliklarning elementlari ortidagi uzilishlar xududi yaxshi aeratsiyani ta’minlaydi va uzilish hududlarida po‘lat qoplamalar bilan kontaktlar bo‘lmasligini kafolatlaydi.

Aeratsiyali oqimlardagi qalin devorli quvurlarni ichki va tashqi bosimlar ta’sirini hisoblash usullari aniqlandi.

Elastiklik nazariyasining tekislikdagi masalalarini yechishda chekli elementlar usuli qo‘llandi.

Turli fizik masalalarni yechishda asosan differensial tenglamalardan foydalaniladi. Ayrim hollarda differensial tenglamalar murakkablashib ketadi va

bunday hollarda ularni analitik usulda yechishning imkoni bo‘lmaganligi uchun sonli usullar ham qo‘llaniladi.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Худайкулов Б.С., Якубова Х.М., Гаппаров Ф.А., Нишонов Ф.Х. Математическое моделирование динамики минерализации дренажных вод. // «Проблемы механики» 2015 г. №2. с.30-33.

2. Худайкулов. С.И., Гаппаров Ф.А., Аджимуратов Д.С. Осаждение неоднородных по крупности наносов при действии ветровых волн. // «Проблемы механики» 2015. №3. с.35-38.

3. Худайкулов С.И., Гаппаров Ф.А., Арипов И.К., Абиров А.А. Осаждение неоднородных по крупности наносов при действии ветровых волн // Журнал «Проблемы механики». – Т., 2015 г. № 3-4. с 44-48

4. Гаппаров Ф.А., Нишонов Ф.Х., Фатхуллаев А.М., Худайкулов С. И. Возникновения кавитации в дисперсной смеси // Проблемы механики. 2015 г. №2 с.18-22.

5. Jurayev X., Chulponov O. Simulation of the lift of two sequentially installedgates of the Karkidon reservoir // E3S Web of Conferences 452, 02006 (2023) https://doi.org/10.1051/e3sconf/202345202006 (Scopus).

6. Chulponov O.G., Khudaykulov S.I. Modeling air penetration through the free surface of the flow // Journal of Civil, Structural, Environmental, Water resources and Infrastructure Engineering Research // Issue 2, Dec 2022, 26. (05.00.00.№26). Osiyo mamlakatlari nashri.

7. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И., Шербоев М.Р. Моделирование расхода воды на испарение из ирригационных каналов и водохранилищ (НИИИВП) // Научно-технический журнал ФерПИ. 2023 г., Т.27, №1.с 9-15 (05.00.00.№20). Milliy nashr.

8. Razzakov S.J., Cho‘lponov O.G‘. Elastiklik nazariyasi tekis masalasini yechishda chekli elementlar usulini qo‘llash // FarPI ilmiy-texnik jurnali. 2023 y., T.27, №4 103-110 b. (05.00.00.№20). Milliy nashr.

9. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И., Каниев Ж.М. Методика расчета распределения концентрации аэрированного потока // Научно-технический журнал ФерПИ. 2022 г. Т.26. №2. с 27-30 (05.00.00.№20). Milliy nashr.

10. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И. Расчет распределения воздуха по глубине многофазного потока // Научно-технический журнал ФерПИ. 2022 г. с 82-88 (05.00.00.№20). Milliy nashr.

11. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И., Хайруллаев Р.С. Моделирование объема захватываемого воздуха при нормальной компоненты скорости водосброса // Научно-технический журнал ФерПИ. 2022 г., Т.26, №3. с 143-152 (05.00.00.№20). Milliy nashr.

12. Cho‘lponov O.G‘., Xudaykulov S.I. Beqaror erkin va tashlama suvlarning havzalar va daryolarga qo‘shilish joyidagi aeratsion oqimning

tadqiqoti // Namangan muhandislik-texnologiya instituti ilmiy-texnika jurnali. 2022 yil. T.7 №2. 91-94 b. (05.00.00.№33). Milliy nashr.

13. Cho‘lponov O.G‘., Jurayev X.A., Xudaykulov S.I. Yopiq kesimli suv o‘tkazgichdagi aeratsiyasiz oqim erkin sirti yuzasidagi havo harakati // Mexanika va texnologiya ilmiy jurnali. NamMQI, № 3 (8), 2022 y. 75-81 b. (05.00.00.№79). Milliy nashr.

14. Cho‘lponov O.G‘. Aeratsiyali oqimlardagi qalin devorli quvurlarni katta ichki va tashqi bosimlar ta’sirini hisoblash // Qurilish va ta’lim Ilmiy jurnali. 2023 y, №5-6. NamMQI, 91-96 b. (05.00.00;31.10.2023 y dagi rayosati №345). Milliy nashr.

15. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И. Моделирование турбулентного течения смеси вязких жидкостей // “Материалы международной научно-практической конференции” / Республика Таджикистан. Худжанд-2023. С.181-185 б.

16. Чулпонов О.Г., Худайкулов С.И., Журахонова Ш.М. Энерго-сберегающая технология в использовании водных ресурсов // Материалы международной научно-практической конференции «Инновации в сельскохозяйственном машиностроении, энергосберегающие технологии и повышение эффективности использования ресурсов» / посвященной памяти д.т.н., профессора, заслуженного деятеля науки и техники РСФСР, академика РАТ Николая Николаевича Колчина. Часть I. 24 мая 2022 г., г. Рязань, с. 297-300.

17. Chulponov O.G‘. Suv omboridagi suv o‘tkazgich quvurining kuchlanish va deformatsiya holatini tadqiq qilish // “Bino va inshootlar zilzilabardoshligi sohasida kadrlar tayyorlashning istiqbollari” / Respublika ilmiy-amaliy anjuman materilalari to‘plami. TAQU, 2023 y. 23-24 dekabr. 258-261 b.

18. Cho‘lponov O.G‘., Xudaykulov S.I., Usmanov T. Aeratsiyali oqimda mahalliy

19. Cho‘lponov O.G‘, Xudayqulov S., Mamadov B. Havo konsentratsiyasining shiddatli oqim chuqurligi bo‘yicha tarqalishini hisoblash dasturi // свид. №DGU 16307. Авторское свидетельство для ЭВМ / заявитель и патентобладатель. – 2022 г. – Ташкент.

20. Cho‘lponov O.G‘. Shiddatli aeratsion oqimda, uning quyuqlik konsentratsiyasinig tarqalish darajasini va oqimning to‘la ichki hajmi bo‘yicha tarqalishini hisoblash dasturi // свид. № DGU 23468. Авторское свидетельство для ЭВМ / заявитель и патентобладатель. – 2023 г. – Ташкент.

УЎТ: 627.8.034.6/7

ЧИМҚЎРҒОН СУВ ОМБОРИ ЛОЙҚА БОСИШИДА ҚИРҒОҚЛАР ЭРОЗИЯСИНИНГ УЛУШИНИ БАҲОЛАШ

Икрамова Малика Рахимбердиевна
т.ф.д. профессор
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Эшқуватов Қувончбек Шавкатович
т.ф.ф.д. (PhD)
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти” миллий тадқиқот университети

Аннотация. Олиб борилган тадқиқот ишида сув омборининг фойдали ҳажми камайишига таъсир этувчи омиллар, жумладан қирғоқларнинг қайта шаклланиш жараёнлари натижасида сув омбори косасининг тўлиб боришидаги улуши ўрганилган ва уларни миқдорий ҳисоблаш усули таклиф этилган. Тадқиқод Чимқўрғон сув омборида олиб борилган. Сув омборини эксплуатацияси даврида турли таъсирлар оқибатида қирғоқларининг ўзгариши ва ҳавзанинг (сув омбори косаси) морфометрик кўрсаткичи баҳоланган. Чимқўрғон сув омбори ҳавзаси чап қирғоқларининг кўчиши ва пластлардаги босимнинг ўзгариши ҳамда қирғоқ қатламларининг сувга тўйиниши туфайли емирилиш ҳолатларидаги ўзгаришларнинг математик статистик ҳисоблари келтирилган.

Калит сўзлар: Сув омбори, қирғоқ буйи чизиғи, сув билан қопланган майдон, эксплуатация, ўпирилиш, силжиш, қирғоқ шаклланиши, кўчувчи масса, фойдали ҳажм.

Аннотация. В проведённом исследовании были изучены основные факторы, влияющие на уменьшение полезного объёма водохранилища. В частности, была оценена доля заиления чаши водохранилища, происходящего в результате процессов перераспределения и эрозии берегов. Также была предложена методика количественного расчёта данных процессов. Исследование было выполнено на примере Чимкурганского водохранилища. В ходе эксплуатации водохранилища были проанализированы изменения геометрии береговой линии под воздействием различных факторов, а также даны оценки морфометрических показателей чаши. Особое внимание уделено левому берегу, где происходят смещения грунтов, изменения давления в пластах и насыщение береговых слоёв водой, приводящие к активным процессам разрушения. Эти изменения были проанализированы с использованием математико-статистических методов.Полученные результаты имеют важное практическое значение для обеспечения устойчивой эксплуатации

водохранилищ и разработки рекомендаций по предотвращению потерь объёма.

Ключевые слова: водохранилище, береговая линия, затопленная площадь, эксплуатация, обрушение, смещение, формирование берегов, перемещающаяся масса, полезный объём.

Abstract. This study investigates the key factors contributing to the reduction of the useful storage capacity of reservoirs, with a particular focus on sediment accumulation resulting from shoreline deformation processes. A quantitative method for assessing the impact of these processes is proposed. The research was conducted on the Chimkurgan Reservoir, where changes in shoreline configuration and basin morphometric parameters were analyzed over the course of its operational period. Special attention was given to the left bank of the reservoir, where ground displacement, variations in subsurface pressure, and water saturation of bank strata have led to active erosion. The study presents mathematical and statistical evaluations of these phenomena, providing insights into the dynamics of reservoir sedimentation and implications for sustainable reservoir management.

Optimized Keywords: Reservoir, shoreline deformation, erosion, displacement, sedimentation, useful volume, reservoir operation

Кириш. Дунёда сув омборларининг кўп йиллик эксплуатация даврида юз берадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлари, уларнинг дарё оқимни бошқариш потенциалига таъсирини, сув омбори косаси рельефининг ва қирғоқларининг шаклланиш ҳолатларини ўрганиш, уларнинг ишончлилигини таъминлаш, гидрологик ва гидравлик ҳисоблаш ва мониторинг олиб боришнинг янги усулларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, сув омборларининг иш режими, лойқа босиши ва сиғимининг камайиши, ростланган оқим таъсирида дарё гидрологик режими ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда бошқаришнинг самарадор усулларини яратиш, қирғоқлардаги юзага келаётган эрозия жараёнларини вақт давомида ўзгаришини ифодаловчи қирғоқ профилларини ишлаб чиқиш ва моделлаштириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, қирғоқларнинг ўзгаришида тўлқин таъсирида тушадиган босим, ўсимликларнинг таъсири. лойқа босиши ва фойдали ҳажмининг камайишида қирғоқлар эрозиясининг улушини баҳолаш, сув босиш чегараларини белгилаш, қирғоқ горизонтал силжишларининг фаоллашиш чегараларини аниқлаш ва сув омбори ҳажмини ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий

асосларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Тадқиқот ва олинган натижалар таҳлили. Дунёда дарёлар оқимини сув омборлари барпо қилиш ёрдамида ростлаш мавжуд сув ресурсларидан комплекс ва самарали фойдаланишнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек мавжуд сув омборларидан ишончли ва самарали фойдаланиш, вегетация даврида истеъмолчиларни бир маромда сув билан таъминлаш, эксплуатация даврида йўқотилган фойдали ҳажмни ва турли таъсирлар натижасида қирғоқлар шаклланишини аниқлаш, сув омборлари тубидаги чўкиндилар миқдорини ҳисоблашни такомиллашган усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиздаги мавжуд сув омборларнинг косасини йилдан йилга лойқа-чўкиндиларга тўлиши ва фойдали ҳажмининг камайишига асосан сув омбори қирғоқлари ўпирилиши, емирилиши ва уларни силжиши, дарё оқимидаги оқизиқлар, сабаб бўлмоқда. Бунинг натижада сув омборларидан режадагидек фойдаланиш, яъни керакли сувни йиғиш ва уни етказиб беришда ноқулайликлар ва сувга бўлган талабни юмшатишда бир мунча муаммолар юзага келмоқда [3, 5, 10]. Ҳозирда эксплуатация қилинаётган аксарият сув омборларидан ишончли ва самарали фойдаланишда сув омборлари қирғоқларининг шаклланиши ва уларни баҳолаш масалалари долзарб ҳисобланади.

1-расм. **Сув омбори косасидаги юзага келаётган эрозия**

(а) (б)

2-расм. **Дарё оқими таъсирида сув омбори косасида юзага келаётган ички эрозия (а) 2.13 м, (б) 9.76 м**

Чимқўрғон сув омборини тўлдирувчи манба Қашқадарё дарёси муаллақ ва лойқа оқизиқлар миқдори юқори дарёлардан бири ҳисобланади. Унинг юқори оқимида дарё сувининг ўртача лойқалиги Темирчи қишлоғида 0,908 кг/м^3 га тенг, Шарқ юлдузи қишлоғи яқинида эса 2,90 кг/м^3 ни сув омборининг Чимқўрғон қишлоғи ҳудудида вегетация даврида 3.90 кг/м^3 ташкил этади. Демак, Темирчи ёнидагига нисбатан Шарқ юлдузи ва Чимқўрғон қишлоғи ҳудудларида қирғоқлардан бўладиган эрозия натижасида дарё сувининг лойқалиги уч мартадан ҳам ортиқлиги кузатилди. Кўриниб турибдики, Марказий Осиёнинг кўпчилик дарёларида бўлганидек, Қашқадарёда ҳам, лойқа оқизиқлар миқдори дарёнинг қуйи оқими томон дарё қирғоқларидаги эрозия натижасида ортиб бормоқда.Айниқса сув омбори ичида яъни қуйилиш қисмидан тўғон томонга дарё ўзани кескин ўзгариб борганлигини, яъни бази жойларда 7-9.76 метргача вертикал эрозия юзага келганлигини кўришимиз мумкин (1-2 расм).

Олиб борилган тадқиқотлар сув омбори қирғоқлари ва косасида турли даражадаги эрозия жараёнларининг жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Қашқадарёда юзага келган эрозия жараёнида сув омборига кириб келаётган лойқа ва муаллақ оқизиқлар сарфининг йил давомида ўзгариши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қашқадарёда лойқалик ва муаллақ оқизиқлар сарфларининг йил давомида ўзгариши

Ойлар	**I**	**II**	**III**	**IV**	**V**	**VI**	**VII**	**VIII**	**IX**	**X**	**XI**	**XII**	**Йиллик 2019**
Лойқалик, кг/м^3	0,3	0,4	2,8	3,1	4,3	4,14	1,92	0,9	03	06	0,2	0,7	2,32
Оқизиқлар сарфи, кг/сек	21	34	145	492	1069	901	209	46	11	17	9	22	248

Сув омборларининг лойқа оқизиқлар билан тўлиб бориш жадаллигини баҳолашда уларнинг фракцион таркибини билиш муҳимдир. Қашқадарёдаги муаллақ оқизиқларнинг фракцион таркиби 1-жадвалда, сув омбори косасида чўккан лойқа оқизиқларнинг фракцион таркиби эса 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Қашқадарё муаллақ оқизиқларининг фракцион таркиби, фоизда (2021-йил)

Заррачалар диаметри, мм	0,25 дан ортиқ	0,25÷0,10	0,10÷0,05	0,05÷0,01	0,01 дан кам
апрел-сентябр	3,6	10,5	20,1	26,8	48,2
октябр-март	6,1	26,3	14,8	19,3	42,2
Йиллик ўртача	4,85	18,4	17,45	23,05	45,2

Юқоридаги ва қуйидаги жадваллар маълумотларини солиштирадиган бўлсак, уларда келтирилган лойқа оқизиқларнинг ўлчамлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Масалан, муаллақ оқизиқларнинг диаметри 0,25 мм ва ундан кичик бўлса, чўкмаларнинг ўлчамлари бир неча см гача боради. Қашқадарёда юзага келган эрозион ҳолат натижасида сув омбори тубида чўккан лойқа оқизиқларнинг фракцион таркиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Муаллақ оқизиқларнинг фракцион таркиби

Заррачалар диаметри, мм	40 дан ортиқ	40÷29	29÷10	10÷5	5 дан кам
Май ойида	3,6	10,5	20,1	26,8	45,2
Ўртача йиллик	5,7	28,9	14,8	17,1	38,5

Юқорида келтирилган 2 ва 3-жадвалларда Қашқадарёнинг лойқа оқизиқлари тавсифи келтирилиб ўтилди. Унга кўра, дарёнинг ўртача кўп йиллик муаллақ оқизиқлар (Чироқчи гидропости бўйича) миқдори сув омборида 7,9 миллион тоннани ташкил этади. Агар уларнинг солиштирма оғирлиги 1,2 т/м^3 га тенг бўлса, бу йилига 37,8 млн.м^3 ҳажмга тенг бўлган оқизиқлар миқдорини ифодалайди.

Дарёларнинг геологик иши, бошқа баъзи бир экзоген факторлар сингари, одатда алоҳида олиб кўриладиган, лекин кўпинча бир вақтда ривожланадиган қуйидаги уч босқичдан иборат.

- тупроқни бир жойдан иккинчи жойга оқизиб келтириб қатлам ҳосил қилиши

- вертикал эрозия ва горизонтал эрозияга учрашда ўзини номоён қилади.

Эрозия жараёни ривожланиб бориш жараёнида қирғоқ чизиғининг ўзгариб бориши кузатилмоқда. Масалан; Чироқчи туманидаги Чимқўрғон қишлоғига сув сатҳи НДСга кўтарилганида сув чиқиб бориши натижасида ёнлама эрозия ривожланаётгани аниқланди.

Чимқўрғон сув омборининг космик сёмкасида қирғоқнинг шакли 1984-йил денгиз сатҳидан 488 метрда, 2022-йилга келиб 487-метрга тенг бўлганлигини, йиллар давомида сув омборининг 12,58 км.да сув эрозияси натижасида қирғоқ бир метрга ўзгарганини профилда (4-расм) кўришимиз мумкин. Сув омбори эни (координата 39.035067, 66.472071) 0,250 км бўлиб, 1985 йилдаги қирғоқ профилида нисбий хатолик 4 фоиз, 2023 йилдаги маълумотларда 7 фоизга ошган.



3-расм. **Чимқўрғон қишлоғи қирғоқларида юзага келаётган эрозия**



4-расм. **Қирғоқ профили 1-1984 йил, 2-2023 йил**

5-расм. **Сув омбори қирғоқ зоналарини ўрганиш жараёни**

Сув омбори ҳажмининг ўзгаришини ўрганиш учун дастлаб қирғоқ чизиқлари белгилаб олинди. Бунинг учун сув омборининг Нормал димланган сатҳ белгиси (∇ 490 м баландликда жойлашган) тўғон устидаги реперлар орқали белгилаб олинди ва маълумотни қабул қилувчи iBase GNSS ускунаси сув омбори тўғонида Нормал димланган сатҳига ∇ 488,2 м баландлик нуқтасига жойлаштирилди. Сув омборининг қирғоқ бўйи

чизиғини абсолют баландлик белгиси ∇ 488,2 м бўлгандаги қиймати қирғоқ бўйлаб ҳар 30 м масофада аниқлаб чиқилди.

Қирғоқ чизиғининг ўзгаришини аниқлаш мақсадида Нормал димланган сув сатҳи белгиси ∇ 488.2 метрда абсолют баландлик нуқталарини аниқлаш ишлари V-30 plus GNSS RTK маълумотни ўзида сақловчи ровер қурилмаси орқали сув омборининг ҳар-бир метрдаги абсолют баландлик нуқталари тўғрисидаги маълумотлар тўпланди.

Олинган ўлчов натижалар асосида бир хил баландликлар бирлаштирилиб қирғоқ маълумотлар Сентинел-2 спутник тизимига боғлаш орқали чегаралар ҳосил қилинди.



6-расм. **Олинган маълумотларни спутник билан боғлаш**

Сув омборлари ҳажмини ҳисоблаш учун сув омборларининг олдинги йиллардаги эксплуатация давридаги сув балансини ташкил этувчилари, яъни кирувчи ва чиқувчи сув миқдорлари йиғиндиси ҳамда ушбу йилларнинг охирги ойларидаги сув сатҳларидан фойдаланилди. Сув омборининг меъёрий димланган сатҳи (НДС) белгисигача тўлган ёки шу сатҳга яқин бўлган ҳамда минимал сув сатҳи ўлик сув сатҳига (ЎСС) яқин бўлган йиллар танлаб олинган. Ҳисоблашда сув омборлари лойиҳавий ҳажмининг ундаги сув сатҳига боғланиш графигидан фойдаланилди.

Чимқўрғон сув омборига келаётган сув миқдорлари маълумотларига асосан сув омбори ҳажмининг камайишини Қашқадарё дарёсидаги 1980 йилдан 2021 йилгача сув ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлиги аниқланди.

Фойдали ҳажмнинг камайиши $\Delta V_{\text{фойдали}} = 0{,}019{O_c}^{0{,}82}$

Тўла ҳажмнинг камайиши $\Delta V_{\text{тўла}} = 0{,}033{O_c}^{0{,}79}$ (1)

Сув омбори хавзасининг съемка кузатув маълумотлари асосида сув омбори ҳажмининг камайишини тубидан то ҳар бир сатҳигача бўлган боғланиши Чимқўрғон сув омбори учун ишлаб чиқилди.

$$\frac{\Delta V_{\text{Н}}}{\Delta V_{\text{МДС}}} = 0{,}95\left(\frac{H}{\text{Н}_{\text{МДС}}}\right)^{1{,}26} \quad (2)$$

4-жадвалдан фойдаланиб сатҳнинг камайиши асосида исталган йил учун сув омбори ҳажмининг сув сатҳига боғлиқ маълумотларини аниқлаш мумкин (2, 3-жадвал).

4-жадвал

Сув омбори ҳажмининг сатҳига нисбатан камайиш ҳисобий коэффициенти

Сатҳ, м	462	464	466	468	470	ЎСС 471	472	474	476	478
$\Delta V/\Delta V_{\text{МДС}}$	0	0,044	0,083	0,14	0,212	0,267	0,267	0,314	0,37	0,4

Сатҳ, м	480	482	484	486	488	НДС488,2
$\Delta V/\Delta V_{\text{МДС}}$	0,466	0,584	0,686	0,854	0,996	1

5-жадвал

Сув омбори ҳажмининг турли йиллардаги ўзгариши

Отметка, м	Лойиҳавий	1970	1980	Ўлчов 1986	1990	2000	2010	2021	2024
462	0	0	0	0,01	0	0	0	0	0
464	4	2,4	1,33	0,67	0,5	0	0	0	0
466	10	6,99	4,96	3,79	3,38	1,28	0,33	0.19	0,05
468	22	16,8	13,3	11,29	10,6	6,98	4,19	2,08	1,54
470	40	32,3	27,1	24,11	23,1	17,7	13,6	10,47	4,22
471	50	40,3	33,8	30	28,7	22	16,75	12,8	8,06
472	62	52,3	45,8	42	40,7	34	28,75	24,8	15,06
474	88	76,6	68,9	64,48	63	55	39,09	44,26	29,67
476	120	106	97,3	91,96	90,2	80,7	73,42	67,9	40,25
478	156	141	131	125,39	123	113	105,1	99,16	85,27
480	200	183	172	165,06	163	151	141,9	135,0	125,1
482	256	235	221	212,23	209	195	183,2	174,6	166,2
484	320	295	278	268,52	265	248	234,5	224,4	192,5
486	400	369	348	335,98	332	310	293,6	281,0	244,3
488	492	456	432	417,3	413	387	367,9	347,5	319,5
488,2	500	464	439	425	420	395	375,4	353,3	320,7
489,25	550	511	485	470	465	438	425,4	374,9	345.9

Сув омбори хажмининг камайишини ҳисоблаш ва сув омборининг сувли жойида олиб борилган съемка кузатувлар натижасида олинган маълумотларини солиштириш шуни кўрсатадики, назарий ҳисоблаш усуллари ҳам яхши натижаларни бериши, яъни фойдали ҳажмнинг камайиш фарқи (+1%) дан кам, яъни /$\frac{55,3}{57,6} = 0,96$/ни ташкил килади.

5-жадвалдан фойдаланиб исталган йил учун сув омбори ҳажмининг сув сатҳига боғлиқлик графигини келтириш мумкин.



7-расм. **Турли йиллар учун Чимқўрғон сув омбори ҳажмининг сув сатҳига боғланиш графиги**

Хулоса. Сатҳнинг кескин кўтарилиши натижасидаги қирғоқлар силжиши асосан сув омборига келадиган сел-тошқин пайтларида сув омбори сатҳини кескин кўтарилиб кетиши натижада қирғоқ грунтларида ўпирилишлар, сув босими натижасида қирғоқлар юза қисмларини ювилиши, юмшоқ грунтларнинг емирилиши ва чўкиши каби ҳолатлар кузатилган. Олиб борилган кузатувлар ва ҳисоб китоблар натижасига кўра сув омборининг лойиҳавий ҳажмига нисбатан ҳозирги вақтдаги йўқотилиши жуда катта ҳисобланиб бу кўрсаткич 180.4 млн. м^{3}ни ташкил қилмоқда. Лойқа оқизиқларнинг асосий қисми дарё ўзанининг эрозияси натижасида ҳосил бўлган бўлса, қисман 6-7% қирғоқлар эрозияси ҳиссаси мавжуд. Сув омборида юзага келаётган қирғоқлар эрозияси жараёни юқорилиги ва эрозия материалларининг чўкиндига айланиши сабабли сув омборларининг фойдали ҳажми йўқотилмоқда, натижада сув омборига бириктирилган суғориш майдонларининг сув таъминоти камайиб, кўплаб майдонлар фойдаланишдан чиқиши ҳолатлари кузатилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Арифжанов А.М., Гаппаров Ф.А., Апакхужаева Т.У., Хошимов С.Н. Сув омборларини лойқа босишининг назарий ва табиий дала тадқиқотларининг таҳлили //«Ирригация ва мелиорация» журнали.– Тошкент, 2020. № 3(21). –б.63-65

2. Гаппаров Ф.А. Сув омборларидан фойдаланишнинг гидравлик ва гидрологик режимини такомиллаштириш. Тошкент 2020 45-50 б

3. Гаппаров Ф.А., Назаралиев Д.В., Эшқуватов Қ.Ш., Assessment of Chimkurgan water reservoir sedimentation processes IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 883 (2020) 012039 https://doi:10.1088/1757-899X/883/1/012039

4. Гаппаров Ф.А., Мансуров С.Р., Эшқуватов Қ.Ш., Гаффарова М.Г., Assessment shoreline formation of reservoirs E3S Web of Conferences 264, 01004 (2021) CONMECHYDRO–2021 https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126403072

5. Иконников, Л. Б. Формирование берегов водохранилища / Л. Б. Иконников. – М. : Наука, 1972. – 95 с.

6. Хикматов Ф. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней Азии. –Ташкент: Изд-во «Fan va texnologiya», 2011. -248 с.

7. Хикматов Ф. Водная эрозия и сток взвешенных наносов рек Средней Азии, усовершенствование методики их расчета и прогноза: Автореф.… д-ра геогр. наук. -Ташкент, 2002. - 50 с.

8. Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П., Каримов Б.Л. Сув омборларининг
седиментация баланси ва уларнинг лойқа оқизиқлар билан тўлиш жадаллигини баҳолаш (Чорбоғ сув омбори мисолида) // Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Университет, 2004. –Б.165-171.

9. Икрамова М.Р., Ходжиев А., Алибеков И. Совершенствование методика расчёта заилиния русловых водахранилиш. Федералное агенство научний организатсий Россия. Соленое Заимше, 2017 й 250-256 б

UO‘T: 627.26 69.059.2

TEMIR-BETON VA BETONLI GIDROTEXNIK INSHOOTLARDA PAYDO BO‘LGAN SHIKASTLANISHLARNI TA’MIRLASH ISHLARI

Seytmuratov Azizbek Rashid o‘g‘li

Irigatsiya va Suv muammolari ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktoranti

Kurbanbaev Sagit Erejepovich

PhD, katta ilmiy xodim, Irrigatsiya va suv muammolari ilmiy-tadqiqot instituti Qoraqalpog‘iston mitaqaviy markazi direktori.

Annotatsiya: Maqolada beton va temir-betondan qurilgan gidrotexnik inshootlarda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan shikastlanishlarni ta’mirlash usullari, yo‘nalishlari hamda alohida holatlarda qo‘llaniladigan choralar haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Gidrotexnik inshoot, shikastlanish, usul, beton, opalubka.

Annotation: The article talks about the methods, directions and measures used in particular cases to repair damage that may occur in hydrotechnical structures built of concrete and reinforced concrete.

Key words: Hydrotechnical construction, damage, method, concrete, decking.

Kirish: Beton konstruksiyalari qurilishda eng keng tarqalgan va ishonchli materiallardan biri hisoblanadi. Biroq, tashqi muhit ta’siri, dinamik yuklamalar va materialning tabiiy yeskirishi natijasida vaqt o‘tishi bilan betonda turli xil shikastlanishlar yuzaga keladi. Ushbu maqolada shikastlanishlarning turlari, ularning kelib chiqish sabablari va zamonaviy ta’mirlash texnologiyalari tahlil etiladi. Gidrotexnik inshootlar davlatning strategik obyekti hisoblanadi. Bu turdagi inshootlarni muhofaza qilish, modernizatsiya qilib borish eng dolzarb vazifalardan hisoblanadi. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda Vaziyatlar Vazirining 2018-yil 16-iyuldagi “Gidrotexnika inshootlarining xavfsizligi qoidalarini tasdiqlash to‘g’risida”gi 3039-sonli buyrug’ida soha bo‘yicha tegishli vazifalar, qoidalar va tartiblar belgilab berilgan. Unga ko‘ra:

- -Gidrotexnik inshootlarni, tarmoq va asbob-uskunalarni kapital, o‘rta va joriy ta’mirlash ishlari har yili texnik rahbar tomonidan tasdiqlanadigan rejalashtirilgan ta’mirlash grafigi orqali amalga oshiriladi;
- -Kapital ta’mir va montaj ishlaridan so‘ng gidromexanik uskunalardan foydalanishni boshlashdan oldin dalolatnoma tuzish orqali mustahkamlik va zichligi sinovidan o‘tkazilishi kerak;

- Gidromexanik uskunalar shikastlangan hollarda, ta’mirlashni olib borish uchun suvtkazish oraliqlar (devorlari)da shandorali tirqish (paza)da joylashgan avariya-ta’mir zatvor (to‘siq)lari bo‘lishi shart;
- Ta’mirlash ishlarini amalga oshirish uchun doimiy shandora kameralarida moy bo‘yoq qilingan va moylangan holda inshootda tayyor turishi shart.

Gidrotexnik inshootlarni ishonchli va xavfsiz ekspluatatsiya qilish uchun avariya va zaxira materiallari xavfsizlik dekloratsiyasida ko‘rsatilgan miqdorda saqlanishi kerak, asosiysi uning ishonarli texnik soz holatda bo‘lishini ta’minlashdir, bu esa inshootni vizual va instrumental (asbob uskunalar) kuzatuvlari natijasida amalga oshirilishi shart. Xizmat ko‘rsatish bo‘yicha olib boriladigan tashkiliy-texnik ishlarni amalga oshirishning asosiy qoidalari «Ishlab chiqarish binolari va inshootlarining rejali-ogohlantiruv ta’mirini olib borish to‘g’risida nizom»da keltirib o‘tilgan.

Ushbu tadbirlarni amalga oshirishdan maqsad, asosiy inshootlarning keraklicha parvarish qilish ishlarini olib borish, shuningdek sozlash ishlarini yo`lga qo‘yish va uning tannarxini pasaytirish yo‘li bilan ko‘p vaqt ekspluatatsiya qilishdan iborat. Gidrotexnik inshootlarni vaqtida ta’mirlash, shikastlangan holatida esa zudlik bilan ta’mirlash ishlarini olib borish muhim ahamiyatga ega. Vaqtida bajarilmagan ish turli texnogen hodisalarga sabab bo‘lishi mumkin. Betondan qurilgan gidrotexnika inshootlarining shikastlanishlari kimyoviy, fizik, fizik-mexanik korroziya, kavitatsion ta’sir natijasida, deformatsiyalar, og’ir yuk ko‘taruvchi texnikalarning inshoot ustidan harakatlanishi, zarbalar va shunga o‘xshash holatlar ta’sirida darz ketib shikastlanishlar va boshqa sabablarga ko‘ra yuzaga keladi. Beton va temir-betondan qurilgan gidrotexnik inshootlarni nafaqat davriy ta’mir balki favqulotda ta’mirlash holatlari ham mavjud. Buning bir qancha usullari mavjud:

Kichik yoriqlarni betonlab ta’mirlash. Bu usul inshootning ustki qismiga darz ketganda qo‘llaniladi. Jarayon “beton sirtini ta’mirlash uchun beton aralashmasini tayyorlash va ko‘rsatilgan joyga quyish tartibida amalga oshiriladi. Bunda beton 7 sutka davomida suv sepib namlab turiladi va 14 sutka davomida suvga plastik qiluvchi qo‘shimcha qo‘shib namlab turiladi. Shikastlanish katta bo‘lgan holatlarda odatda taxta opalubka (qolip) va metallardan foydalaniladi.

Germetizatsiyalash. Deformatsion choklarga shikast yetganda uning zichlagichlari orqali yuqori filtratsiya kuzatiladi. Bunday holat sovuq harorat paytida choklar orasida muz qatlami paydo bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Choklar yoki yoriqlar orasida suv muzlashi oqibatida mahalliy kuchlanish oshib ketadi, u esa

o‘z navbatida betonning buzilishiga sabab bo‘ladi. Shuning uchun choklarni o‘z vaqtida ta’mirlash talab qilinadi. Bu holatda germetizatsiyalash usulida ta’mirlash samarali hisoblanadi.

Gidrotexnika inshootlari elementlarida kavitatsiya va kavitatsiya yemirilishlari suv oqimi tezligi 12-15 m/s bo‘lganda sodir bo‘ladi. Hozirgi paytda o‘rta va yuqori bosimli gidrouzellarning qurilishi, ularning tarkibidagi suv tashlovchi inshootlardagi suv oqimi tezligining 55-60 m/s gacha ortishiga sabab bo‘ladi. Bunday katta suv tezliklarida ishlaydigan inshoot elementlarida kavitatsiya va kavitatsiya yemirilishlari sodir bo‘lishi tabiiydir. Inshoot elementlarinikavitatsiya va kavitatsiya yemirilishlaridan saqlash asosiy vazifalardan biri va ularni saqlash chora tadbirlariga quyidagilar kiradi:

1) kavitatsiya hosil bo‘lishiga yoki uning boshlang’ich bosqichida rivojlanishiga yo‘l qo‘ymaslik;

2) yemirilishga uchramaydigan konstruksiyalarni qo‘llash;

3) vakuum zonalariga havo yoki suv yuborish;

4) kavitatsiyaga nisbiy chidamli materiallardan foydalanish.

Ushbu bo‘limda kavitatsiya va kavitatsiya yemirilishlariga qarshi choralardan bo‘lgan vakuum zonalariga havo yuborish va kavitatsiyaga nisbiy chidamli materiallar ko‘rib chiqiladi. Ma’lumki, suv oqimining havo bilan to‘yinishi (aeratsiya) gidrotexnika inshootlari elementlarida kavitatsiya eroziyasini qisman va to‘laligicha to‘xtatishi mumkin.

Havo bilan to‘yinish, ayniqsa, turbulent tuzilishli oqimlarda kuchliroq darajada kuzatiladi. Bunda suv pufaklarining havo bilan to‘yinishi, ularning yemirilishidan hosil bo‘ladigan bosim impulsini kamaytiradi va inshoot qismlarini ushbu impulslar ta’siridagi yemirilishlardan saqlaydi.

Betonning kavitatsion shikastlanishlari ko‘p holatlarda epoksid smolalar, epoksidli-kauchikli materiallar, polimerbetonlar, polimer aralashmalar, polimer yelimlar, mastikali polimerli lok-bo‘yoq qoplamalar va hokazolar bilan ta’mirlanadi.

Beton konstruksiyalarini kavitatsiyaga chidamliligini va yeyilishga qarshiligini oshirish uchun yuqori zichlikdagi va mustahkamlikdagi (35-40 dan kam bo‘lmagan va 50 gacha bo‘lgan sinfdagi), mayda va o‘rtacha donadorlikdagi (30-40 mm gacha) to‘ldiruvchi va tuzilishida minimal, mikrodefektli beton qo‘llanilishi lozim. Yemirilishga chidamli betonni tayyorlash uchun juda sinchiklab materiallar tanlab olinadi: o‘ta zich va mustahkam sement tosh (yuqori sinfdagi suv sement nisbatan 0,4-0,45 dan katta bo‘lmagan Portlandsement)

to‘ldiruvchi donalari orasida mumkin qadar yupqa qatlam bilan bir tekis taqsimlanishi kerak. Maydalangan tosh (shag’al yo‘l qo‘yilmaydi) yuqori yopishqoqlikka ega mustahkam toshdan tayyorlanadi. Qum o‘tkir qirrali shaklidagi zarralaiga ega yirik donador kvarsli bo‘lishi kerak.

Natijalar va muhokama. Kuzatuvlardan ma’lum bo‘lishicha, betondagi shikastlanishlar asosan quyidagi turlarga bo‘linadi:

Yoriqlar (tazyiq yoki harorat ta’siri natijasida), eritma bilan qoplangan yuza shikastlanishi (karbonatlashuv), armaturaning zanglashidan kelib chiqqan beton parchalanishi.

Ta’mirlash ishlarida quyidagi usullar yuqori samara berdi:

Epoksidli in’eksiya - kichik yoriqlar uchun, polimer-beton qatlami bilan tiklash - yuzadagi shikastlanishlar uchun, antikorroziyali qoplamalar - armatura himoyasi uchun.

Ta’mirlashdan so‘ng dinamik yuklamalarga chidamlilik 25-35% ga oshdi, suv o‘tkazuvchanlik 60% ga kamaydi. Bular ta’mirlashning samaradorligini ko‘rsatadi.

Transhey qazib ta’mirlash. Bu usul dambada yoriq yoki cho‘kish kuzatilganda amalga oshiriladi. Dambada hosil bo‘lgan yoriqni tiklash uchun yoriq (darz) yuz bergan joyda transhey qaziladi. Transheyning chuqurligi va kengligi yoriq o‘lchamlariga va ishni bajarish texnologiyasiga asosan belgilanadi. Bu usul o‘pirilgan qiyaliklarni qayta tiklash yoki ularni yotiqroq qilish ko‘chib tushgan gruntni surish yoki yangi grunt solish bilan amalga oshiriladi.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, yuqorida ko‘rib chiqilgan usullar orqali gidrotexnik inshootlar butligini doimiy nazoratga olish, shikastlanish holatlarida tezkor ta’mirlash ishlarini olib borish hamda soha rivojlanishini ta’minlash mumkin. Бетон конструкциялари мустаҳкамлиги ва узоқ муддатли хизмат қилиши учун мунтазам техник назорат ва сифатли таъмирлаш ишлари муҳим ҳисобланади. Таъмирлаш усуллари танланганда шикастланиш тури ва ҳажми инобатга олиниши керак. Заманавий полимерли ва инъекция технологиялари нафақат конструкциянинг механик ҳолатини тиклайди, балки унинг хизмат муддатини узайтиради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirining buyrug’i, 16.07.2018 yilda 3039-sonli ro‘yhatdan o‘tgan. (https://www.lex.uz/docs/-3825900?ONDATE2=28.07.2021&action=compare)

2. Bakiyev M., Nosirov B., Xo‘jaqulov R. Gidrotexnika inshootlari, O‘quv qo`llanma. T. O‘MQTM., «Vilim» nashriyoti, 2014. - 264 b.

3. Bakiev M.R., Tursunov T.N., Durmatov J. Suv xo‘jaligi tashkilotlari ekspluatatsiya xizmati ishini tashkil etish bo‘yicha ko‘rsatmalar. O‘zR Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligi, TIMI. –T.: 2016 y. - 24 b.

4. Замарин Э.А. Фандеев В.В. Гидротехнические сооружения. - изд. 3 э, - М.: Гос изд. Сельхоз.литература, 2014, - 560 с.

5. Кавешников Н.Т. Эксплуатatsiя и ремонт гидротехнических сооружений. - М.: Агропромиздат, 1989. - 272 с.

6. Петров.А.А., Курбанбаев.С.Е., Сейтмуратов.А.Р., Бетонли гидротехника иншоотларидан фойдаланиш ишончлилигини ошириш усуллари: совуқ композит материаллар ва уларнинг амалий тадбиқи. Международнқй научно-практический журнал ENDLESS LIGHT IN SCIENCE. Астана, Казакстан. 2024.

7. Петров А.А. Холодные битумно-полимерные композиции для антикоррозионной и герметизирующей защиты элементов конструксий ГЦ. Журнал Гидротехника XXИ век, №2 2019 г. С. 50;

8. Петров А.А., Садиев У.А. Прогнозирование долговечности конструксий ГЦ с антикоррозионным и герметизирующим покрытием. Журнал Гидротехника. № 3 (56) 2019 г. С. 76-77.

УЎТ: 556.048 672.116

АМУДАРЁ ДАРЁСИ СУВ ОҚИМИ ТАРКИБИНИ ТЎЛДИРУВЧИ ЛОЙҚА-ОҚИЗИҚЛАРНИНГ КЎРСАТГИЧ-ЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ

Шакиров Бахтиёр Махмудович
т.ф.д., проф. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.
bshakirov@mail.ru
Ботиров Урал Умарович
ассистент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Тешабоев Бобуржон Расулжон ўғли
ассистент, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.
kozimovbobur99@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Амударё дарёси сув оқими таркибини тўлдирувчи лойқа оқизиқларнинг курсатгичларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича илмий асосланган тадбир ва тавсияларни ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Ён бағирлар эрозияси, сувлар таъсирида ер юзасидаги грунтларнинг ювилиши улар тупроқ ва грунтларнинг юза ювилиши хамда чуқурлик бўйича ювилиш.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы разработки научно обоснованных мер и рекомендаций по определению и оценке показателей мутности в бассейне реки Амударья.

Ключевые слова: Эрозия склонов, смыв почвы на поверхности земли под воздействием воды, поверхностный смыв почвы и грунта и смыв в глубину.

Abstract. V state rassmatrivayutsya voprosy razrabotki nauchno obosnovannyx mer i rekomendatsiy po opredeleniyu i otsenke pokazateley mutnosti v basseyne reki Amudarya.

Key words: Erosion of slopes, soil erosion, surface soil erosion, surface soil erosion, surface soil erosion, soil erosion.

Кириш: Амударё дарёси сув оқими таркибидаги лойқа-оқизиқлар Ўрта Осиёдаги бошқа дарёлар каби ўзининг сув йиғиш хавзаси юзаларининг хамда дарё тизимидаги ўзанларнинг ювилишидан хосил бўлади. Дарёларни асосий лойқа-оқизиқлар билан таъминлаб турувчи омиллардан бири сув эрозияси хисобланади. У ёнбағир ва узанлар эрозиясига бўлинади.[6; 45 б.].

Ён бағирлар эрозияси сувлар таъсирида ер юзасидаги грунтларнинг ювилиши бўлиб, улар тупроқ ва грунтларнинг юза ювилиши хамда чуқурлик бўйича ювилиш куринишларида бўлади [4; 271 б., 2; 35-40 б; 5;50

б]. Дарёлар сув оқими таркибидаги лойқа –оқизиқларининг пайдо булишида сув эрозиясининг жадаллиги мухим роль ўйнайди. Уларни таъсир этиш шароитларига боғлиқ холда табиий ва антропоген турларга бўлиш мумкин.

Табиий таъсир этувчи омилларнинг асосийлари қуйидагиларидан иборат: жойнинг иқлим шароити, релъефи, ер жинсларининг литологик таркиби, геологик тузилиши, ўсимлик қоплами, уларнинг жойлашиш зичлиги, турлари ва хоказо.

Антропоген сув эрозияси инсониятнинг турли хил хўжалик фаолияти таъсиридаги жадаллашишига айтилади.

Бундан ташқари кимёвий емирилиш туфайли хосил бўладиган дарё сув оқими лойқа-оқизиқлари ҳам мавжуд. Бу холатда ер усти ва ости сувлари хамда ташқи ҳаво ҳарорати жадаллашиш жараёнида бевосита қатнашади. Демак, сув эрозиясининг ҳар қандай йуналишда кечишидан қатъий назар лойқа-оқизиқларнинг пайдо бўлишида юқоридаги ходисаларнинг хар бири ўзига хос таъсирини кўрсатади.

Амударё дарёси сув оқими таркибидаги муаллақ лойқа - оқизиқларининг асосий кўрсатгичларидан бири Ўрта Осиёнинг купчилик дарёларида бўлганидек, уларинг миқдори дарёнинг қуйи томон ортиб боришидир.

Амударёнинг Айритом худудида (Сурхондарё вилояти) ташкил қилинган учта гидропостдан оқиб ўтувчи муаллақ лойқа-оқизиқларининг ўртача йиллик миқдорини 2006-йил июнь - 2007-йил май ойлари учун аниқлаганимизда $\rho_{ўр}$=1,44 кг/ м^{3}ни ташкил этди, ваҳоланки бу ҳудуддан тахминан 150 км қуйида жойлашган Керки гидропостида эса ўртача куп йиллик лойқалик $\rho_{ўр}$=3,58 кг/м^3 ни ташкил этган.[3; 6-б.].

Маълумки, Амударё қор ва музликлардан тўйиниб оқувчи дарёлар турига киради, шунинг учун дала тадқиқотларимизни ўтказишимиз пайтида дарёдан йил давомида турли хил миқдорда лойқа – оқизиқларнинг оқиб утишининг гувохи бўлдик.

Шунингдек, кўп йиллик музликлардан бошланиб оқадиган дарёларнинг муаллақ лойқа-оқизиқларининг хосил бўлишида хаво харорати хам жуда мухим ўрин тутади. Ҳаво харорати таъсири, В.Л.Шулъц таснифи бўйича қор, қор-музлик ва музлик-қор сувларидан туйинадиган дарёларда янада сезиларли бўлади [1].

Амударё дарёси Айритом худудидаги ўрнатилган гидропост да сув оқимининг ўртача ойлар бўйича бир йиллик ўлчанган хароратини қуйида 1-

жадвалда бундан ташкари Амударё дарёси сув оқимининг Термиз гидропостида улчанган охирги беш йиллик хароратини таққослаш мақсадида олинган маълумотларни эса 2-жадвалда келтирдик. Иккала олинган маълумотлар асосида Амударё сув хароратининг ўртача ойлар ва йиллар бўйича тебраниш графигини туздик.

Амударё хавзасида ва унинг келиб қўшиладиган ирмоқларида апрель-сентябрь ойларида сел-тошкинлари хамда хаво хароратининг юқори бўлишларини хисобга олсак, муаллақ лойқа-оқизиқларининг хосил бўлиши асосан ушбу ойларга тўғри келади.

Амударё дарёси Айритом худудидаги №1 гидроствордан ўтган энг куп лойқа-оқизиқлар миқдори 2007 йилнинг 5-апрелида 17,8 кг./м^{3}ни ташкил этганлиги кузатилди. Бу холатнинг сабабини шу кунларда Амударё дарёсига қуйиладиган ирмоқларда сел тошқинлари бўлиб ўтганлиги билан хамда шу йилнинг март ойи охири ,апрел ойининг бошида йиллик ёққан ёғингарчилик миқдорининг 37,8 % ини ташкил этганлиги билан изохлаб беришимиз мумкин бўлади.

Вақт бирлиги ичида сув оқими жонли кесим юзасидан оқиб ўтадиган муаллақ лойқа оқизиқларнинг сарфини қуйидаги формула билан аниқлаймиз [4; 258 б.].

$$G_л = \rho_{ўр}. Q_{ўр}; \quad (1)$$

Бу ерда: $G_л$ - сув оқими ичида муаллақ ҳаракатланувчи лойқа оқизиқларнинг ўртача ойлик сарфи, кг/с.

1-жадвал

Йиллар	**2006 йил**							**2007 йил**					**Ўртача йиллик**
Ойлар	**VI**	**VII**	**VIII**	**IX**	**X**	**XI**	**XII**	**I**	**II**	**III**	**IV**	**V**	**t^{0}C**
Сув ҳарорати С	22,1	23,2	23,3	19,8	19	12,9	6,7	6,3	8,8	12,3	18,1	20,6	16,1

2-жадвал

Йил/ой	**I**	**II**	**III**	**IV**	**V**	**VI**	**VII**	**VIII**	**IX**	**X**	**XI**	**XII**	**t^{0}C ўр.йиллик**
2018	5	5,4	12	16,1	17,0	18,0	19,0	18,0	16,5	13,3	8,0	6,1	12,9
2019	4,6	4,6	8,2	14,0	17,0	18,0	19,3	19,0	15,3	13,5	9,6	6,7	12,5
2020	4,3	4,3	10,5	13,7	16,2	18,6	19,8	19,4	16,0	11,1	6,6	2,2	12,7
2021	1,3	1,3	7,5	14,9	18,3	22,2	20,7	21,8	20,7	12,7	7,1	4,7	13,1
2022	3,6	3,6	8,0	16,5	20,0	22,2	24,2	22,8	20,6	14,6	10,3	3,3	14,1

Ўртача 5-йиллик	3,8	3,8	9,2	15,0	17,8	19,7	20,6	20,2	17,8	13,0	8,3	4,6	13,0

3-жадвал

Йил	**2006 йил**							**2007 йил**					**Ўртача йиллик**
Ой-лар	**VI**	**VII**	**VIII**	**IX**	**X**	**XI**	**XII**	**I**	**II**	**III**	**IV**	**V**	
Лойқа-лик кг/м^3	1,90	2,02	1,96	1,57	1,33	1,34	0,37	0,27	0,23	0,363	3,69	1,66	1,44
Сув сарфи м^3/с	527	1415,8	1142,5	1195,5	482,6	342,0	420,0	498,0	188,0	116,0	433,0	380,0	595,0
Оқизиқ-лар сарфи кг/с	1001,7	2858,3	2239,3	1877,0	666,0	458,3	155,4	135,0	43,2	143,0	1598	630,8	983,8

$\rho_{ўр}$ - оқимнинг ўртача ойлик лойқалиги, кг/м ^{3}

$Q_{ўр}$ - дарё сув оқимининг ўлчанган ўртача ойлик сарфи, м ^{3}/с.

Амударё дарёси сув оқими таркибидаги муаллақ лойқа - оқизиқларининг 2006 йилнинг июнь -2007 йил май ойлари учун ўртача ойлар бўйича бир йиллик миқдори хамда сарфларининг ўзгаришини 3-жадвалда қайд этиб, уларнинг ўзаро боғлиқлик тебраниниш графигини баҳолаб ўтамиз (1, 2 ва 3-расмлар).

Амударё дарёси сув оқимидаги муаллақ лойқа-оқизиқлари миқдори ва сарфдарининг метеорологик боғланишларини ўрганиш мақсадида Термиз гидро постида хамда метеорология стансиясида кузатилган хаво хароратининг маьлумотларидан фойдаландик (4 ва 5-жадваллар). Ушбу жадваллар асосида ўртача ойлик ҳаво ҳарорати маьлумотлар асосида тебраниш графигини чиздик (4 ва 5 расмлар).



1-расм. **Амударё дарёси Айритом гидропостидаги 2007-йил I-V ойлар ва 2006-йил VI-XII ойлар сув оқимининг ҳарорати тебраниш графиги**



2-расм. **Амударё дарёси Айритом гидропостидаги сув оқимининг ҳарорати тебраниш графиги (2018-2022 йиллар)**



3-расм. Амударё дарёси Айритом №1 гидропостидаги сув сарфи ва лойқалигининг тебраниш графиги

Амударё сувининг максимал ўртача ойлик лойқалиги 3,69кг/ м^3 ни, ўртача йиллик сув сарфи 595,0/м^3/с ни ва ўртача йиллик лойқа - оқизиқлари сарфи эса 983,8 кг/с ташкил қилар экан.

Амударё дарёсининг Айритом гидропостида ўлчанган ўртача йиллик сув сарфларининг максимал ва минимал қийматлари нисбати 12,2 ни ташкил этса, ўртача йиллик сув сарфи билан унинг минимал қифматлари нисбати 3,6 га тенгдир. Агарда бундай нисбатларни дарё сув оқимининг муаллақ лойқа оқизиқлари максимал ва минимал сарфларида текширсак 66,2 марта кичикдир, Ўртача лойқа оқизиқлар сарфининг унинг минимал қийматларига нисбати эса 22,8 ни ташкил қилди.

4-расм. **Амударё дарёси сув ҳавзасидаги ҳаво ҳароратлари 2007-йил I-V ойлар ва 2006-йил VI-XII ойлар тебраниш графиги (Термез метеостанция маьлумотлари)**



5-расм. **Амударё дарёси сув ҳавзасидаги ҳаво ҳароратлари тебраниш графиги (Термез метеостанция маьлумотлари) 2018-2022 йиллар учун**

4-жадвал

Амударё дарёси ҳавзасида ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари тўғрисида маьлумотлар (Термез метеостанцияси) 2006-йил июн ва 2007-йил май ойлари

Ой-лар	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	Йиллик ўртача ҳарорат
T0C	20,9	30,2	29,0	22,5	17,0	11,7	2,0	4,5	8,2	11,3	21,7	25,5	17,7

5-жадвал

Амударё дарёси ҳавзасида ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари тўғрисида маьлумотлар (Термез метеостанцияси) 2018-2022 йиллар учун

Йил-лар	Ойлар												Йиллик ўртача ҳарорат
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
2018 й	4,5	8,5	17,7	19,1	24,2	29,6	32,9	28,7	23,1	15,8	9,5	7,0	18,3
2019 й	6,9	7,1	14,5	20,0	25,2	28,2	32,5	29,2	24,2	18,1	8,5	7,9	18,5

2020 й	4,3	9,3	13,8	18,4	24,9	29,6	31,0	28,9	22,5	14,8	7,9	2,3	17,3
2021 й	2,9	10,6	13,4	20,4	27,2	30,8	33,2	29,3	25,3	15,1	8,5	7,7	18,7
2022 й	7,5	9,6	13,9	23,5	25,8	30,5	32,9	28,7	25,2	18,1	12,2	4,5	19,3
5 йиллик	5,2	9,0	14,7	20,3	25,5	29,7	32,5	29,0	24,1	16,4	9,3	5,9	18,4

Хулосалар. Амударё дарёси сув окимини муаллақ лойқа-оқизиқлар билан тўйинишида бошқа дарёлар каби асосий лойқа-оқизиқлар билан таъминлаб туришида сув эрозияси катта аҳамият касб этади.

Ҳамма дарёлар каби Амударё дарёсининг муаллақ лойқа-оқизиқларнинг ҳосил бўлишига таъсир этувчи омиллардан бири метеорологик ўзгаришлар катталиклари ҳисобланади.

Амударё дарёси суви оқимидаги муаллақ лойқа-оқизиқларининг кунлик олинган намуналарининг ўртача йиллик миқдори 1,44 кг/м^3 ни ташкил этди.

Амударё дарёси суви оқимидаги муаллақ лойқа-оқизиқларининг максимал ўртача ойлик миқдори 3,69 кг/м^3 ни, ўртача йиллик сув сарфи 595,0 м^3/с ни ва ўртача йиллик лойқа-оқизиқлари сарфи эса 983,8 кг/с ни ташкил қилди.

Дарё суви оқимидаги муаллақ лойқа-оқизиқларининг асосий кўрсатгичларидан бири улар миқдорларининг дарё оқимининг қуйи томон ортиб бориши бошқа Ўрта Осиё дарёлардаги каби бизнинг кузатувларимизда ҳам ўз тасдиғини топди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шулъц В.Л. Реки Средней Азии Ч.1.2-Л. Гидрометеоиздат. 1965.691с

2. Константинов Н.М. Гидравлика и гидрометрия. М. “Высшая школа” 1980, 198 с

3. Шапиро Ш.Х. Регулирование твердого стока при водозаборе в оросительные системы. М. “Колос”, 1983. 272 с.

4. Железняков Г.В. Гидравлика и гидрология. М., “Транспорт”. 1989 247-261.

5. Расулов А.Р, Саидова С.Р. Количественная оценка интенсивности проявления процессов водной эрозии в зоне Чарвакского водохранилища. Уз ГЖ ахбороти. Тошкент, 1997. т.18 146-151 б

6. Мансуров С.Р. Диссертация т.ф.ф.д. (PhD). Тошкент, 2022 й 134б

7. Мамажонов М. Повышение эффективности эксплуатации центробежных и осевых насосов насосных станций оросительных систем: /Диссертация/ Андижон 2005.

8. Мамажонов М., Хакимов А., Мажидов Т., Уралов Б., Насос ва насос станцияларидан амалий машғулотлар//Андижон 2005. № 1. 72-73.

9. Шакиров Б.М., Эрматов К.М., Абдухалилов О.А., Шакиров Б.Б., Экспериментальная установка по исследованию центробежных насосов на кавитационный и гидроабразивный износ. // Международный научный журнал. 2022, № 5, с.692-697.

10. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., Sirochov A.M., Carrying out hydraulic calculation of the aquifer of pumping stations and work with sediments (in the example of the Ulugnor pumping station)// Eurasian Journal of Engineering and Technology. 2022, № 4, с.88-92.

11. Шакиров Б.М., Абдухалилов О.А., Тешабоев Б.Р., Экин –тикин насос станциясининг сув олиш иншоотидаги гидравлик қаршиликларини хисоблаш усулини такомиллаштириш.// Proceedings of International Conference. 2023, №6, с.210-217.

12. Mamajonov M., Shakirov B.M., Qo’chqarboyev A., Sodiqov E., Recommendations for determining the sizes of the water receiving chamber of the pumping station // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. India. Volume 7, Issue 1, January 2020, - 12583-12588.

13. Shakirov B.M., Ermatov K.M., Shakirov B.B., Economik Indicators of Recommendations for Increasing the Efficiency of Pumping Stations // Middle European Scientific Bulletin, Volume 30 / nov-2022/ 71-75. https://cejsr.academicjournal.io ISSN 2694-9970.

14. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., O‘rinov I.SH., Maxmudov D., Botirova N.M., Evalution of the texnical and economic efficiency of centrifugal pumps at irrigation pumping stations// Универсум техничтские науки №10(127) октябр, 2024, с. 52-54.

15. Shakirov B.M., Matyakubov B., Mamazhonov M., Shakirov B.B., Forebays of the poligonal cross-section of the irrigating pumping station // Международная научная конференция "Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering" (CONMECHYDRO - 2020) в режиме онлайн. 23 апреля в 10.00 по Ташкентскому времени.

16. Mamajonov M., Shakirov B.M., Aynakulov Sh.A., Karimova Kh., Alibekov S., Constructive device for sediment flushing from water acceptance

structure //Международная конференция по физике материалов, строительным конструкциям и технологиям в строительстве, промышленности и производстве (МПКПЭ 2020) 27-28 апреля 2020 года, Владимирский государственный университет имени Александра и Николая Столетовых, Владимир, Российская Федерация.

17. Mamazhonov M., Matyakubov B., Shakirov B.M., Makhmudov A., Polymer materials used to reduce waterjet wear of pump parts // HIRM-2021. IOP Publishing. Journal of Physics: Conference Series 2176 (2022) 012048 doi:10.1088/1742-6596/2176/1/012048 (Скопус базасига киритилган).

18. Шакиров Б.М., Беккулов.Б.Р., Шакиров.Б.Б., Ахмадалиев Н.М., Гидравлические сопротивления во входной части всасывающего трубопровода насоса // Всероссийская научно-практическая конференция «Машиностроение: Новые конценции и технологии» 28 октября 2022 г. ФГБОУ ВО «Сибирский государственный университет науки и технололгий имени акамдемика М.Ф.Решетнева».

19. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shakirov B.B., Forecasting factors affecting the water prevention of centrifugal pumps // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 5–6, 2018 (May–June), -304-307.

20. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shermatov R.Yu., Hydraulik operating mode of the water receiving structure of the polygonal cross section // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 7–8, 2018 (July – Auqust), -241-244.

УЎТ: 555.5.04

ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ-ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИ ВА ЧИРЧИҚ ДАРЁСИ-ЧИНОЗ ШАҲРИ ГИДРОПОСТЛАРИДА СУВ САТҲИ РЕЖИМИ ЎЗГАРИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Карабаева Барно Хасановна., PhD, Ўзгидромет мутахассиси.
Ахмедова Тамара Абдурахмоновна. DsC. ГМИТИ катта илмий ходими.
Иргашева Оҳиста Таджибаевна

Аннотация: Маълумки, ҳозирги кунда Чирчиқ дарёсининг ўзани ҳудудида норуда маҳсулотларини қазиб олиш ишлари тадбиркорлар томонидан кенг қўлланиляпти. Бу эса дарёнинг деформациясига жиддий хавф солмоқда. Мазкур мақолада бир хил табиий географик шароитда, ўзаро яқин масофада жойлашган дарёлардаги постларда қайд этилган сув сатҳларининг ўзгаришида ҳам кўриш мумкин. Мана шу ўхшашлик ва мосликни ўрганиш мақсадида, тегишли постлардаги кузатишлар натижалари асосида сув сатҳларининг йил давомида тебраниш графиклари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: дарё, ўзан, қуруқлик гидрологияси, гидропост, сув сатҳи, гидрологик режим, аналитик усул.

Аннотация: Как известно, в настоящее время в районе русла реки Чирчик предпринимателями широко используется добыча нерудных продуктов. Это создает серьезную угрозу деформации реки. В данной статье также можно увидеть изменения уровней воды, зафиксированные на постах на реках, расположенных на близком расстоянии друг от друга в одних и тех же физико-географических условиях. С целью изучения этого сходства и соответствия на основе результатов наблюдений на соответствующих постах были проанализированы графики колебаний уровня воды в течение года.

Ключевые слова: река, створ, гидрология суши, гидропост, уровни воды, гидрологический режим, аналитический метод.

Annotation. As is known, non-metallic products are currently being extracted by entrepreneurs in the Chirchik Riverbed area. This creates a serious threat of river deformation. In this article, you can also see changes in water levels recorded at posts on rivers located at close distances in the same physical-geographical conditions. To study this similarity and correspondence, based on the results of observations at the corresponding posts, graphs of water level fluctuations over the year were analyzed.

Key words: river, gate, land hydrology, hydropost, water levels, hydrological regime, analytical method.

Кириш. Бугунга келиб, антропоген омиллари таъсирида дарёларнинг гидрологик режими тубдан ўзгариб кетмоқда. Қирғоқ ҳудудида бино ва гидротехник иншоотларни барпо этилиши, тадбиркорлар томонидан норуда маҳсулотларини қазиб олиниши дарёларнинг гидрологик режими ўзгаришига олиб келмоқда. Бу жараёнлар дарёларнинг иқлим ўзгариши жараёнидан ҳам хавфли ишлари тадбиркорлар томонидан кенг қўлланиляпти. Мазкур жараён дарёнинг морфометрик кўрсаткичларини тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Юқорида келтирилган хавфларни олдини олши мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5-сон қарори ишлаб чиқилди.

Муаммонинг юзага келишида, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли сонини жадал ўсиши, суғориш майдонларини ортиши, тупроқшунослик соҳасида илмий янгиликлар олиб бориш ва аҳоли яшаш ҳудудларини кенгайтириш ҳам етарлича сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот материаллари ва усули (ёки услублари). Юзага келаётган муаммоларга янада аниқлик киритиш мақсадида, Чирчиқ дарёси тадқиқот объекти сифатида танланди. Чирчиқ дарёсидаги 2 та кузатув нуқтасида кузатилган сув сатҳлари графиги орқали дарёнинг гидрологик режимини таҳлил қилишдан иборат. Дарёнинг мослашган сув сатҳларини графикларини тиклаш, кузатилган маълумотларни қайта ишлаш, сув сатҳининг йил давомида ўзгариши, кузатилган сув сатҳларининг такрорланиши ва таъминланганлигини баҳолашдан иборат. Ишни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Чиноз туманларида жойлашган Чирчиқ дарёси – Ғазалкент шаҳри ва Чирчиқ дарёси-Чиноз шаҳри гидрологик кузатув постларининг (гидропост) 2022 йилда кузатилган кунлик сув сатҳи маълумотларидан фойдаланилди.

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигининг Гидрологик кузатувлар, прогнозлар ва ер усти сувлари кадастри бўлимининг стандарт кузатишлар натижасидир.

Мослашган сув сатҳлари - бир дарёда бир нечта сув ўлчаш пости бўлса, уларда қайд этилган сув сатҳларининг тебраниши бир-бирига ўхшаш ва мослашган бўлади. Бундай ҳолатни бир хил табиий географик шароитда,

ўзаро яқин масофада жойлашган дарёлардаги постларда қайд этилган сув сатҳларининг ўзгаришида ҳам кўриш мумкин. Мана шу ўхшашлик ва мосликни ўрганиш мақсадида тегишли постлардаги кузатишлар натижалари асосида сув сатҳларининг йил давомида тебраниш графиклари биргаликда чизилади. Графиклар махсус таққосланади ва улардаги мослашган сув сатҳлари белгилаб олинади.

Мослашган сув сатҳлари деб, сув режимининг ўзгариши бир хил фазаларда кузатилувчи сув сатҳларига айтилади. Мослашган сув сатҳлари орасидаги боғланиш графигидан бир неча амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, қуйи постдаги сув сатҳини олдиндан прогноз қилишда, у ёки бу постдаги кузатилмай қолган сув сатҳларини тиклашда ва бошқа мақсадларда бу график жуда катта ёрдам беради.

Гидрометрияда сув объектларининг сув сатҳларини кузатишга, уларни аниқ ўлчашга алоҳида эътибор берилади. Сув объектларидаги сув миқдори вақт мобайнида ўзгариб туриши натижасида сув сатҳи ҳам тебраниб туради. Мана шу ўзгариш жараёнини кузатиш, унинг ўзига хос қонуниятларини очиш, ўзгаришга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Сув сатҳининг тебранишини муддатларга бўлиб ўрганиш. Вақт нуқтаи-назаридан сув сатҳининг тебранишини қуйидаги муддатларга бўлиб ўрганиш анча қулай. Сув сатҳининг тебраниши муддатлари.

- сув сатҳининг кунлик тебраниши;
- сув сатҳининг фаслий тебраниши;
- сув сатҳининг йиллик тебраниши;
- сув сатҳининг кўп йиллик тебраниши.

Мазкур мақолада сув сатҳининг 2022 йилдаги йиллик тебраниш муддати танланди. Бунлан ташқари, сув сатҳини махсус қайта ишлаб чиқиш, сув сатҳининг йиллик ўзгариш графигини чизиш, сув сатҳининг такрорланиши ва давом этиш (таъминланиш) графикларини чизиш, мослашган сув сатҳлари орасидаги боғланиш графигини чизиш вазифалари амалга оширилди.

Қуруқлик гидрологиясида сув объектларининг сув сатҳларини кузатишга, уларни аниқ ўлчашга алоҳида эътибор берилади. Сув объектларидаги сув миқдори вақт мобайнида ўзгариб туриши натижасида сув сатҳи ҳам тебраниб туради. Мана шу ўзгариш жараёнини кузатиш,

унинг ўзига хос қонуниятларини очиш, ўзгаришга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мослашган сув сатҳларни графигини яратишда, ўрганилаётган кузатув нуқталари, яъни гидропостлар битта дарёда жойлашиши шарт. Шунинг учун тадқиқот объекти сифатида Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида Чирчиқ дарёси-Ғазалкент шаҳри ҳамда қуйи оқимда Чирчиқ дарёси-Чиноз шаҳри гидропостларининг гидрологик кузатув маълумотлари асосий манба сифатида танланди.

“Ежегодные данные о режиме и ресурсах поверхностных вод суши”нинг 2022 йилги нашридан 2 та гидропостнинг (Чирчиқ дарёси - Ғазалкент шаҳри ва Чирчиқ дарёси - Чиноз шаҳри гидропостлари) кунлик сув сатҳи жадвали маълумотиларидан сув сатҳи гидрограф тузилди (1-расм).

Натижага кўра, яъни 8-расмдаги графикка кўра, Чирчиқ дарёсининг 2 та гидропостида 2022 йилда кузатилган сув сатҳлари деярли бир-бирига мос тушмаган. Маълумки, Чирчиқ дарёси 1963 йилдан бошлаб, бошқариладиган дарё ҳисобланади. Дарёнинг гидрологик режими инсон омили туфайли ўзгарувчан бўлиб қолди.



1-расм. **Чирчиқ дарёси - Ғазалкент шаҳри ва Чирчиқ дарёси - Чиноз шаҳри гидропостларининг сув сатҳи гидрографи**

Чирчиқ дарёсининг юқори оқими билан қуйи оқимидаги гидропостларнинг гидрологик маълумотларини ўзаро боғланиши мутлақо мос эмас. Бунга дарёга бир қатор каналларнинг қўшилиши ёки каналларнинг сув олиши, дарёнинг ўрта оқимида сув тақсимлагич иншоотларнинг барпо этилиши, ГЭСларнинг қурилиши яққол сабаб бўлиши мумкин. Балки дарёнинг табиий ирмоқлари ҳам қисман таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумки, Чирчиқ дарёси - Ғазалкент шаҳри гидропости Тошкент вилояти Гидрометеорология маркази Ходжикент ГС га тегишли бўлиб, гидрометеорология станциясининг тасдиқланган йиллик иш режасига мувофиқ кузатиш ишлари амалга оширилади.

Жумладан, сув сатҳи кузатув ишлари маҳаллий вақтда эрталаб соат 08:00 ва кечки 20:00 да ўлчанади. Ўртача кунлик сув сатҳи уларнинг ўртачасидан ҳисобланиб, шу тарзда декадали, ойлик ва йиллик сув сатҳи кузатув ишлари юритилади.

Сув сатҳи деб, “0” график тексиликдан сув юзасигача бўлган вертикал текисликка айтилади.

Сув сатҳининг ўзгариши (амплитуда) Чирчиқ дарёсининг кўрсаткичларидан келиб чиқиб оралиқларга бўлинади. Оралиқлар максималь сув сатҳидан бошланиб минималь сув сатҳи билан тугайди.

Сув сатҳини такрорланиш кунларини кўп йиллар давомида ҳисоблаш учун маълумотлардан (1-жадвал) фойдаланиб, ҳар бир ой учун ҳар бир оралиқга мос келувчи сув сатҳи танланади (3-расм).

1-жадвал

Чирчиқ дарёси – Ғазалкент шаҳри гидропостини 2022 йил учун такрорланиш ва таъминлаганлик жадвали

Оралиқ-лар, см	Сув сатҳларини оралиқда сақланганлик куни												Такрор-ланиш		Таъмин-ланиш	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	кун	%	кун	%
250-200							1						1	0	1	0
200-150				4	21	21	7	31					84	23	85	23
150-100	10	3	15	22	10	9	23		30	28	28	31	209	57	294	81
100-50	21	25	16	4						3	2		71	19	365	100

жами	31	28	31	30	31	30	31	31	30	31	30	31	365	100		

Сув сатҳининг такрорланиш ва таъминланиш графиклари амалий мақсадларни кўзлаб чизилади. Ундан ўрганилаётган дарё сувидан халқ хўжалигининг кўпгина эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилади. Масалан, каналларга чиқариладиган сувнинг меъёрини ва вақтини белгилашда, кема қатновини ва ёғоч оқизиш ишларини ташкил этишда ва ҳоказо.



3-расм. **Чирчиқ дарёси - Ғазалкент шаҳри гидропостини 2022 йилда сув сатҳининг такрорланиш ва таъминланганлик графиги**

Мослашган сув сатҳлари орасидаги боғланиш графигидан эса бир неча амалий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, қуйи постдаги сув сатҳини олдиндан прогноз қилишда, у ёки бу постдаги кузатилмай қолган сув сатҳларини тиклашда ва бошқа мақсадларда бу график жуда катта ёрдам беради.

Хулоса. Мазкур мақолада, сув ресурслари ва улардан фойдаланишдаги хато ва камчиликлар дарёларнинг гидрологик режимига салбий таъсир кўрсатилгани графикда ифода этилди.

Дарёларнинг гидрологик режими ўзгаришини таҳлил қилишда, энг маъқул ечим уларнинг кўп йиллик кузатув маълумотларини умумлаштириб, якуний хулосани янада аниқ ва тўғри баҳолаш мумкин. Мақолада фақат бир йил учун Чирчиқ дарёсининг юқори ва қуйи оқимида сув сатҳи режимини

ўзгариши таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида юқори ва қуйи оқимдаги сув сатҳларининг ўзаро мос тушмагани акс эттирилди.

Ушбу таҳлилни янада чуқурроқ ўрганиб, республикадаги барча дарёларнинг сув сатҳи режими ўзгаришини йилларараро, даврларараро (вегетация ва новегетация), мавсумларараро ўрганиш мумкин.

Ўрганилаётган ҳар бир таҳлилллар натижаси келаётган яқин келажак учун мавжуд сув захираларининг ҳисобини юритиш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва табиий тизимларда экологик мувозанат ва биохилма-хилликни сақлашда амалий ҳамда назарий ёрдам бериши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.И.Чеботарев “Гидрология суши”, Ленинград, 1995. - б. 393.
2. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеоиздат,1965, б. 692.
3. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. - Ташкент: Изд-во СамГУ, 1960. - б. 243.
4. “Многолетние данные о режиме и ресурсах поверхностных вод суши”, том 4, Ташкент 2020 г., 185 стр. (2006-2015 гг.).
5. “Ежегодные данные о режиме и ресурсах поверхностных вод суши” (1994-2023 гг.).
6. КМК 2.01.14-98 Определение расчетных гидрологических характеристик / Госкомархитектстрой РУз. - г. Ташкент, 1998. - б. 118.
7. Филиппов Е.Г. Гидравлика гидрометрических сооружений для открытых потоков. - Л.: Гидрометеоиздат, 1990.
8. Юнусов Ғ.Х. Гидрометрия // Маърузалар матни. - Тошкент: Университет, 2001.
9. “Гидрометрия” фани бўйича тайёрланган ўқув услубий мажмуа. - Тошкент: Университет, 2011.
10. Сирлибоева З.С. Гидрологик ҳисоблашлар. - Т.: Университет, 2001. - 118 б.

УЎТ: 628.218

СУВ ОМБОРИЛАРИ ЧАШАСИДАГИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Кдирбаев Улуғбек Реимбаевич
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти
Омондуллохонов Фаёз Фахрулло ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти
Бабаёрова Гуласал Бахтиёр қизи
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти
Сирожидинов Жўрабек
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада сув омборлари заҳирасидаги сувни тежаб ҳамда самарали фойдаланиш бўйича кўрсатма ва тадбирлар баён этилган. Ҳусусан, сув омборларини ишлатишда диспетчерлик графигини тузиш, унда сув омборини таъминловчи манбанинг сув оқимини, сув омборидаги йил бошигача йиғилган сув ҳажми ва ҳисобий йилда истеъмолчиларга сув етказиш режасини ҳисобга олган ҳолда оптимал бошқариш бўйича ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Сув омбор, ҳажм, сув сарфи, буғланиш, баланс, меъёр, фильтрация, сув сатҳи, сув ҳажми.

Аннотация. В данной статье описаны инструкции и меры по рациональному и эффективному использованию воды в водохранилищах. В частности, разработаны выводы и предложения по разработке диспетчерского графика работы водохранилищ, учитывающего расход воды источника, питающего водохранилище, объем накопленной в водохранилище воды к началу года, а также план подачи воды потребителям в отчетном году.

Ключевые слова: Водохранилище, объем, расход воды, испарение, баланс, скорость, фильтрация, уровень воды, объем воды..

Annotation. This paper describes instructions and measures for rational and efficient water use in reservoirs. In particular, conclusions and proposals on development of dispatch schedule of reservoir operation, which takes into account water discharge of the source feeding the reservoir, volume of water accumulated in the reservoir by the beginning of the year, as well as plan of water supply to consumers in the reporting year, are developed.

Keywords: Water reservoir, volume, water flow, evaporation, balance, speed, filtration, water level, water volume.

Кириш. Сув омборлари заҳирасидаги сувни тежаб, ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Айниқса, бизнинг минтақамизда ғалла ва пахта экиладиган майдонларда суғориш ишлари деярли йил давомида олиб борилади. Шунинг учун сув омборидан берилаётган сув миқдори устидан қаттиқ назоратни ўрнатиш лозим. Бунга ҳар йили, йилнинг бошида сув омборини ишлатишнинг диспетчерлик графигини тузиш йўли билан эришиш мумкин. Графикни тузишда сув омборини таъминловчи дарёдаги сув оқимини, сув омборидаги йил бошигача йиғилган сув ҳажми ва ҳисобий йилда истеъмолчиларга сув етказиш режасини ҳисобга олиш керак.

Дастлаб сув омборини таъминловчи дарё бўйича 15-30 йиллик гидрологик кузатув маълумотлари асосида сув оқимининг ўзгариши ўрганиб чиқилади ва шу йиллар ичидан сув кўп бўлган, ўртача ва кам сувлилари топилади. Сўнгра шу йиллардаги сув омборини ўн кунлик сув балансининг кирим ва чиқимни ташкил этувчилари ҳисобланади. Барча маълумотлар йиғилгандан сўнг сув омборини самарали тўлдириш ва бўшатиш учун диспетчерлик графиги тузилади.

Ҳисобий йил мобайнида графикка ўзгартиришни фақат сув омборига келадиган йиллик оқимни олдиндан ҳисобга олишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато туфайлигина киритиш мумкин.

Диспетчерлик графиги сув омборини тўлдириш ва сув беришни чегаралаш чизиқларидан иборат.

Сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғи: Сув омборини тўлдиришда сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғини тузиш керак ва бу график асосида сув омборини тўлдириш зарур. Сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғи жадвал ҳамда график кўринишларида берилади. Унда йил ойларидаги ўн кунликларнинг охирги саналарига мос келувчи сув омборида тўпланган сув ҳажмлари ва ундаги сув сатҳи белгилари келтирилади.

Сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғининг ординаталарини аниқлаш учун ўн кунликлар бўйича сувнинг қуйилиши ва чиқиши устидан кузатув олиб бориш зарур ва шу кузатув маълумотлари асосида сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғи ординаталари қуйидаги боғланиш орқали аниқланади:

$$W_j = W_{тўла} - S_{макс} + \sum_{i=j}^{j}(A\sum K - \sum Ч); \quad (1)$$

бу ерда: W_j - тўлдиришни чегаралаш чизиғи бўйича j – ўн кунлик охиридаги сув омборининг ҳажми, млн.м^3; j=1, 2, 3,…, 36 (ўн кунликлар сони);

$W_{тўла}$ - сув омборининг тўла ҳажми, млн. м^3;

$S_{макс} = \sum_{i=1}^{k}(A\sum K - \sum Ч)$ – йиғиндининг йил мобайнидаги максимал қиймати, яъни йиғилган сувнинг йил бошидан эришган максимал ҳажми, млн. м^3;

k–йиғинди максимал қийматга эришган декада рақами;

$$A = \frac{W_б}{\bar{W}_к};$$

$W_б$ – ҳисобий йилга башорат қилинган йиллик оқим ҳажми, млн. м^3;

$\bar{W}_к$ -кўп йиллик ўртача оқим ҳажми, млн. м^3;

$\sum K$ -ўтган йиллар кузатувлари бўйича ўн кунликда сув омборига ўртача қуйилиш, млн. м^3;

$\sum Ч$ – режа бўйича ўн кунлик мобайнида сув чиқиши, млн. м^3.

Ўн кунликлар бўйича ўртача қуйилиш - $\sum K_j$ – ни кўп йиллик ўртача қуйилишга эга бўлган йилдан олса бўлади.

Ертикон сув омборини тарихига назар солсак, 2013 йил ана шундай йил бўлиб, хизмат қилиши мумкин. Бу йили қуйилиш 15,88 млн.м^3 га тенг бўлган. Шунинг учун ҳисобларни бажаришда 2013 йилда қилинган кузатувлар асосидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Еттинчи ойнинг учинчи ўн кунликларида $S_{макс}$=7,09 млн.м^3 бўлган. Ўртача оқим қуйилиши кўп йиллик ўртача оқим қуйилишига яқин бўлган йил учун (А=1) узилишга қарши чизиқнинг ординаталари (1) формула бўйича ҳисобланди. Ушбу чизиқни кўтарилаётган қисми сув омборининг тўлдиришни чегаралаш чизиғи деб айтилади (1-расм). Ординаталарнинг қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сув омборининг тўлдиришни чегаралаш чизиғи ординаталарига мос келувчи сув сатҳи белгилари.

Ойлар	$W_j = W_{тўла} - S_{макс} + \sum_{i=j}^{j}(A\sum K - \sum Ч)$	**Сув сатҳи белгиси, м**

Январ	14,2	826,4
Феврал	15,6	827,7
Март	16,9	829,4
Апрел	18,6	830,1
Май	18,4	829,8
Июн	18,9	830,3
Июл	20,0	831
Август	17,9	829,5
Сентябр	17,5	827,6
Октябр	16,8	826,8
Ноябр	16,7	827,4
Декабр	16,6	828,6

Таклиф этилган, Ертикон сув омборининг тўлдиришни чегаралаш чизиғидан ҳар қандай йил учун фойдаланса бўлади. Агар ҳисобий йил кўпсувли деб башорат қилинаётган бўлса, яъни A>1, $W_{á} > \bar{W}_{ê}$ бўлганда сув омборини тўлдиришни чегаралаш чизиғи қайта ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Бунда ҳисобий йилгача сув омбори ҳажмининг лойқаланган қисми ∇W ни ҳисобга олиш керак.

Сув чиқаришни чегаралаш чизиғи: Камсувли йилларнинг вегетация даврида сув омборида йиғилган сувни тежамкор сарфлаш мақсадида сув чиқаришни чегаралаш чизиғи қурилади. У сув камомадини вегетация даврига текис тақсимлаш ва истеъмолчиларнинг бу камомаддан келадиган зарарини камайтириш имконини беради.

Сув омборидаги сувни чиқариш учун эса сувни чиқаришни чегаралаш чизиғини тузиш керак ва шу график асосида сув омборидаги сувни чиқариш зарур. Сув омборидаги сувни чиқаришни чегаралаш чизиғи ординаталари қуйидаги боғланиш орқали аниқланади.

$$W_j = W_0 - S_{мин} + \sum_{i=1}^{j}(A\sum K - \sum Ч); \qquad (2)$$

бу ерда;

W_j – сув омбори чиқаришни чегаралаш чизиғи бўйича j –ўн кунлик оҳиридаги сув омборининг ҳажми, млн. м^3; j=1, 2, 3,…, 36 (ўн кунликлар рақамлари);

W_0-сув омборининг ўлик ҳажми, млн.м^3;

$S_{мин} = \sum_{i=1}^{к}(A\sum K - \sum Ч)$ – йиғиндининг минимал қиймати, яъни сув омбори ҳажмининг йил мобайнида максимал камайиши;

k - йиғинди минимал кийматга эришган декада рақами.

Агар ҳисобий йилга кўпсувлилик башорат қилинаётган бўлса, яъни $A \geq 1$ да, ушбу йил учун сув чиқаришни чегаралаш чизиғининг хожати қолмайди. Ҳисобий йилда камсувлилик бўлиши кутилаётган бўлса, у ҳолда сув чиқаришни чегаралаш чизиғини кутилаётган йил учун қайта ҳисоблаб чиқиш зарур. Қуйида биз ҳисоблашларни йиллик оқим қуйилиши кўп йиллик ўртача оқимдан кам бўлган $W_6 = 0{,}9\bar{W}_к$ $(A = 0{,}9 \leq 1)$ йил учун Қорасув сув омборидан сув чиқаришни чегаралаш чизиғининг ҳисобини келтирамиз (2-жадвал, 1-расм). Сув ҳажмлари лойиҳавий эгри чизиқ бўйича берилган.

Шундай қилиб, сув омборини тўлдиришни чегаралаш ва сув беришни чегаралаш чизиқлари келтирилган 1-расмда Ертикан сув омборининг диспетчерлик графиги ишлаб чиқилган. Бошқа йиллар учун юқорида келтирилган шартлар асосида графикка ўзгартиш киритилади.

2-жадвал

Сув беришни чегаралаш чизиғи ординаталарига мос келувчи сув сатҳи белгилари

Ойлар	$W_j = W_{ўсх} - S_{мин} + \sum_{i=j}^{j}(A\sum K - \sum Ч)$	**Сув сатҳи белгиси, м**
Январ	0,9	805
Феврал	1,1	805,6
Март	0,4	803
Апрел	1,1	805,5
Май	1,5	808
Июн	1,3	806,4
Июл	2,2	810,3
Август	1,9	809,1
Сентябр	2,0	809,7
Октябр	1,5	808,1
Ноябр	1,5	809,8
Декабр	1,6	810,3



1-расм. **Ертикан сув омборини диспетчерлик графиги**

Хулоса. Сув омборининг ишлаш тартиботи ана шу график асосида олиб борилади, яъни уни тўлдирганда ёки бўшатганда юқори бьефдаги сув сатҳи белгиси кўрсатилган вақтда диспетчерлик графигидаги икки эгри чизиқ орасида бўлиши керак. Сув омборини тўлдириш ва бўшатишда юқорида келтирилган чегаралаш чизиқларига амал қилган ҳолда сув сатҳининг кўтарилиш ва тушиш тезлиги меъёрий қийматлардан ошиб кетмаслиги зарур.

Умумий меъёрий қийматлар қуйидагича:

- тўлдириш тезлиги юқори қатламлар учун - 0,25….0,5 м/сут;
- юзаки 2 - 3 м қатлам учун - 0,05…0,1 м/сут;
- бўшатиш тезлиги юқори сатҳлар учун - 0,3 м/сут;
- ўрта сатҳлар учун - 0,5 м/сут;
- паст сатҳларда - 1 м/сут.

Юқоридаги келтирилган шартларга асосан Ертикон сув омбори учун тўлдириш ва бўшатиш тезликлари қиймати ишлаб чиқилди. Фақат фавқулодда ҳолатлардагина сув омборини тўлдириш ва бўшатиш тезлигини ўзгартириш мумкин.

3-жадвал

Сув омборини тўлдириш ва бўшатиш тезликлари қиймати

Тезлик, м/сут.	**Юқори бьеф сатҳи белгиси, м**		
	≤ 818,0	**823,0-828,0**	**828,0-831,0**
Тўлдириш	≤ 1,0	0,3 – 0,5	0,25 – 0,3

Бўшатиш	≤ 1,0	0,5	0,3

Йил бошида тезкор суратда, йилнинг барча ўзгарувчи шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилган диспетчерлик графигидан фойдаланиш барча истеъмолчиларни ишончли равишда сув билан таъминлаш имконини беради.

Сув кам бўлган йилларда эса сувни иқтисодий зарар энг кам бўладиган қилиб, қайта тақсимлаш ҳисобига, чегараланган миқдорда сув беришни салбий таъсирини сусайтиради.

Сув кўп бўладиган йилларда диспетчерлик графиги ортиқча фойдасиз сув беришлардан мустасно ҳолда авария ҳолатларининг олдини олиш имкониятини яратади. Агарда сув омбори юқоридаги тадбирлар асосида режалаштирилиб эксплуатация қилинса, уларда учраб турадиган носозликларни, авария ҳолатларини олди олиниб, сув омбори эксплуатацияси янада такомиллашади, сув омбори заҳирасидаги сувдан эса самарали фойдаланишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авакян А.Б., Салтанкин В.П., Шарапов В.А. Водахранилища.- М.: Изд. Мысль,1987.-325 с.
2. Белесков Б.И., Гаппаров Ф.А., Садыков А.Х. Наполнение и сработка водохранилищ в маловодных условиях // Мелиорация и водное хозяйство: Сб.научных трудов / САНИИРИ.- Ташкент,1997.-С. 130-133.
3. Гаппаров Ф.А., Содиқов А.Х. Сув омборларини техникавий эксплуатацияси бўйича намунавий йўриқнома. Тошкент, 2007 й. – 75 б.
4. Содиков А.Х.,Гаппаров Ф.А. Ирригация сув омборини ишлатишнинг диспетчерлик графиги. САНИИРИ илмий асарлар туплами. Мелиорация ва сув хужалиги.- Тошкент.2000 йил.-56-59 б.
5. Нарзиев Ж.Ж., ИБрагимов И.Ю., Ертикон сув омбори эксплуатациясининг тартиб-қоидалари. ИСМИТИ. -Тошкент.2021йил. 119 б.

УЎТ: 575.22/631.671

МАГИСТРАЛ КАНАЛЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦЕНТИНИ ОШИРИШ (ТОШСАҚА КАНАЛИ МИСОЛИДА)

Курязов Отабой Қуряз ўғли
магистр, кичик илмий ходим
ORCID ID: 0009-0005-2740-9871

Аннотация. Ушбу мақолада СМИТМ илмий ҳодимлари томонидан ўтказилган "Тошсақа каналининг эксплуатация жараёнидаги ФИК ни аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш асосида унинг кўрсаткичларини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳанинг тадқиқот ишлари натижалари ва таҳлили келтирилган. Тошсақа каналининг 17.2 км узунликдаги қисмида танлаб олинган нуқталарда кириш ва чиқиш сув сарфи ҳажмлари фарқи ва насос станциялар олиб турган сув сарфи ҳажмлари фарқи гидрометрик усулда ҳисобланиб унинг асосида ФИК натижалари аниқланган. Бундан ташқари фойдаланувчи ташкилот маълумотлари асосида ФИК натижалари аниқланиб ва таҳлил қилинган. Шунингдек, параллел равишда ер ости сувларининг маълумотлари тўпланиб ФИК га бўлган тасири ўрганилган.

Калит сўзлар. Канал, Эксплуатация, Гидравлика, Фойдали иш коэффиценти, Ер ости сувлари.

Аннотация. В статье представлены результаты и анализ научно-исследовательской работы проекта «Разработка мероприятий по повышению эффективности работы канала Тошака на основе научных исследований по определению его КПД в процессе эксплуатации», проведенной научными сотрудниками СМИТМ. Гидрометрическим методом рассчитана разница между объемами расхода воды на входе и выходе, а также разница между объемами расхода воды, принимаемыми насосными станциями в выбранных точках на участке канала Ташсака протяженностью 17,2 км, на основании чего определены результаты ФИК. Кроме того, результаты FIK были определены и проанализированы на основе информации об организациях пользователей. Также параллельно собирались данные о подземных водах и изучалось их влияние на ФИК.

Ключевые слова. Канал, Эксплуатация, Гидравлика, Коэффициент полезной работы, Грунтовые воды.

Abstract. This article presents the results and analysis of the research work of the project "Development of measures to increase the indicators of the Toshsaka Canal based on scientific research work to determine its FIC during its

operation" conducted by the scientific staff of the SMITM. The difference between the inlet and outlet water flow rates and the difference between the water flow rates received by the pumping stations at selected points along the 17.2 km section of the Tashsaka Canal were calculated using the hydrometric method, and the results of the FIC were determined based on this. In addition, the results of the FIC were determined and analyzed based on the data of the user organization. Also, in parallel, the data of underground water was collected and its effect on FIK was studied.

Keywords. Canal, Exploitation, Hydraulics, Coefficient of useful work, Ground water.

Кириш. Ирригация тизимларининг сувни манбасидан олиб далагача етказиб беришдаги жараёнида исроф қилиниши, сувнинг ўзандаги ер остига сингиб кетиши, сув юзасидан буғланиши ва фойдаланишдаги, ўлчашдаги иншоотлар затворлари (дарвозалари) тирқишларидан оқиб кетиши ва ҳаказолардан иборат бўлади. Оқибатда бундай сув исрофлари анча миқдорни ташкил қилади.

Кейинги йилларда Амударёнинг қуйи қисмидаги кузатилаётган сув тақчиллиги, сувга бўлган талабнинг йил сайин ошаётганлиги ва дунёдаги иқлим ўзгариши оқибатида сув етишмаслиги ўз таъсирини кўрсатиб, келажакда катта муоммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Фойдаланувчи ташкилотларнинг маълумотларига кўра Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистонда магистрал ва йирик тақсимловчи каналларнинг ФИК и 0.90-0.95 ни, хўжаликлараро суғориш каналларининг ФИК и 0.80-0.83 ни ва ички хўжалик каналларининг ФИК и 0.73-0.83 ни ташкил қилади.

Кейинги йилларда ўтказилган инвестицион лойиҳалар жумладан “Хоразм вилоятидаги Тошсақа суғориш каналлари тизимидаги каналларнинг қайта қуриш” лойихаси амалга оширилиши тизимдаги каналларнинг Эксплуатация даражасини анча яхшилади. Эски иншоотларнинг реконструкция қилиниши, янгиларини барпо этилиши, каналларнинг дамбалари ва ўзанларнинг қайтадан ростланиши ва бошқача тизимнинг сувни бошқариш ва тақсимотини, истеъмолчиларга ўз вақтида ва узлуксиз етказиб беришни юқори поғонага кўтарди.

Тошсақа каналининг узунлиги 32.4 км бўлиб унинг ФИК ни аниқлаш учун ПК50+00 дан ПК 222+00 гача бўлган узунлиги 17.2 км қисми танлаб олинди. Бунда канал асосан сув олиш тармоқлари Р-3 ва Р-3А каналлари ва

унча катта бўлмаган 17 та сув сарфи 0.3-0.5 $м^3/с$ электр насосларидан ва насос агрегатларидан иборат.

Насослар асосан сув ўлчаш ускуналаридан ҳоли бўлган кичик майдонларга, ариқларга сув етказиб беради. Планда канал тўғри чизиқли бўлиб асосан эни текис кам ўзгарадиган шароитда сув оқади.

Адабиётлар шархи. Марказий Осиё ҳудудларида суғориш тизимларнинг ФИК и Х.А.Ахмедовнинг [3] маълумотларига, А.А.Рачинский, К.И.Байманов [4] каби олимларнинг аввалги йиллардаги бизнинг Орол бўйи ҳудудимизда ўтказилган тадқиқотларда келтирилган маълумотларга ва Хоразм вилоятидаги сув хўжалик ташкилотлари маълумотлари, хусусан УПРАДИК бошқармасидаги маълумотлардан фойдаланганмиз. Шунингдек Н.Б.Бекимбетов, С.Д.Жуманқараев ва Э.К.Қурбонбоев маълумотларида келтирилган бизнинг вилояттимиздаги Тошсақа, Қизкеткен, Ленин, Қувониш жарма ва бошқа каналларнинг ўлчовлар натижасидаги олинган 30-50-йиллар мобайнидаги аниқланган ФИК натижаларини ҳам ўрганиб таҳлил қилдик. Уларга кўра магистрал каналлардаги кўрсаткичлар 91-95 % ни, йирик тақсимловчи ва хўжаликлараро каналлардаги кўрсаткичлар 80-90% ни ташкил қилган. Масалан Е.К.Қурбонбоевнинг аниқланган “Қизкетган” [5] каналининг ФИК 93-95%, ни ташкил қилади. Юқоридаги каналлардаги ФИК нинг кўрсаткичлари бизнинг ўрганилаётган Тошсақа каналининг кўрсаткичлари билан яқинлиги аниқланди.

Бошқа илмий изланишларда хам [6, 7, 8, 9] каналлардаги ФИК нинг қийматлари Тахиатош ва Туямўйин гидроузелларининг 1978-1980 йиллардаги ишга туширилган давридан кейинги ўзгаришлардан кейин хам аввалги натижалар қайд этилганини эътибор қилинганлигини кўришимиз мумкин. Бу тадқиқотларда келтирилишича улардаги ушбу қийматлар 85% дан 96% гача ўзгаришини кўришимиз мумкин.

Материал ва услублар. Бизнинг тадқиқотларимизда очиқ ўзанларда ФИК ни аниқлашнинг гидрометрик услубидан фойдаланилди. Бу усулдан одатда назарий ва эмпирик формулалар асосида аниқланган ҳисобий ФИК, агарда унинг ҳақиқий қийматлари бўлмаганда таҳминий қийматларни аниқлаш учун амалиётда қўлланилади. Бундай ҳолатда фойдаланувчи ташкилотларнинг ҳисоботлари асосида бизлар жойлардаги ФИК га эксплуатация нуқтаи назаридан қиёсий бахо беришимиз мумкин бўлади.

Каналнинг сув балансини фойдаланувчи ташкилотнинг маълумотлари асосида ўрганиш натижалари қуйидаги формула билан аниқланди.

$$ФИК=\frac{Q_{чиқиш}+Q_{тармоқ}}{Q_{кириш}}; \quad (1)$$

Ўрганилаётган Тошсақа каналида қуйидаги гидропостлар номери орасидаги балансни ва ФИК қуйидаги формула билан аниқланди.

$$ФИК=\frac{Q_{222}+Q_{тармоқ}}{Q_{50}}; \quad (2)$$

Натижалар ва мунозара. Канал зонасидаги ер ости сувларининг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар. Тошсақа каналининг бутун узунлигида чап қирғоқдан бетонлаштирилган Р.Собиров канали ва ўнг томонда хўжаликлараро коллекторлар жойлашган. Натижада куз-қиш даврида канал коллектор вазифасини ўтайди ва баҳор-ёзги даврларда экинлар ривожланган вегетация даврида канал эркин филътрация ҳолатида фаолият кўрсатади.

Қуйидаги 1-расмда канал узунлиги бўйича гидромелиорация хизматининг ер ости қудуқларининг жойлашиши акс эттирилган.



1-расм. **Тошсақа каналига яқин ҳудудлардаги сизот суви сатхини кузатиб бориш қудуқларининг канал узунлиги бўйлаб жойлашиши**

Ўрганилаётган Тошсақа каналининг участкаларида йилнинг турли даврларида ер ости сувларининг канал тубидан 0-2,5 м баландликгача кўтарилишини кўрсатди.

1-жадвал

Тошсақа каналига яқин ҳудудларда жойлашган назорат кузатув қудуқлари кўрсаткичлари

№	Абсолют отметка*	Кузатув қудуғи рақами	Ер ости сувлари сатхи жойлашиши (м)				
			июн	июл	август	сентябр	октябр
1	138,332	45	1,15	0,85	0,55	1,2	1,4
2	138,328	46	1,86	1,5	1,54	1,98	2,23
3	137,649	197	1,69	1,63	1,57	1,39	1,77
4	136,318	156	1,25	0,98	0,73	1,15	1,54
5	136,539	158	1,35	1,18	0,97	1,08	1,80
6	136,426	162	0,98	0,52	0,6	0,92	1,62
7	136,218	176	1,28	1,12	1,1	1,41	1,57
8	138,642	86	1,71	1,72	1,16	1,49	1,75
9	138,715	89	1,59	1,57	1,52	1,68	1,37
10	136,485	95	0,5	0,5	0,5	0,59	0,66
11	136,323	100	0,79	0,5	0,5	0,79	1,07
12	135,58	150	1,65	1,57	1,57	1,67	1,85
13	135,154	138	2	1,55	1,65	1,82	2.09

Изоҳ: *Денгиз сатҳига нисбатан метрда (Каспий денгизи).



2-расм. **Тошсақа каналининг фойдаланувчи ташкилотнинг маълумотлари асосида ойлик ФИК ни ўрганиш натижалари (2024 йил)**

Тошсақа каналида эксплуатацион гидрометрия маълумотлари асосида аниқланган ФИК нинг миқдорларини аниқлашда насос стациялари ва агрегатларининг олаётган сув миқдорининг ҳисоботга киритилмаган бўлиб, бу ҳолат ФИК нинг натижалари аниқлигини пасайтиради. Шунинг учун хам ФИК миқдорларини 1 гача кўтарилишини кўришимиз мумкин. 2024 йил

июнь-сентябр ойлари маълумотлари асосида ҳисобланган ҳақиқий ФИК 0.93-0.96 миқдорини қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган каналнинг сув баланси ва ФИК натижалари

Сана	ПК50 дан ўтиб турган сув миқдори $м^3/с$	ПК222 дан ўтиб турган сув миқдори. $м^3/с$	Насос станциялар олиб турган сув миқдори $м^3/с$	Сув олувчи каналлар олиб турган сув миқдори $м^3/с$	ФИК %
09.07.2024	370,441	342,991	6,8	1	94,6
19.07.2024	349,983	327,807	6	1,2	95,6
29.07.2024	339,719	314,701	6,4	1,2	94,8
14.08.2024	334,304	308,44	6,8	1,5	94,7
27.08.2024	305,68	281,58	6,8	1,35	94,6
09.09.2024	266,523	251,11	3,6	1,5	96,1
09.10.2024	86,511	80,463	0	0	93

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики 2024 йилги вегетация даврида бизнинг тадқиқотларимиз мобайнида апрел-октябрь ойларида 7 маротаба ўлчашлар турли хил сув сарфлари қийматлари оралиғида ўтказилди. Сув сарфининг каналдаги диапозони 80.5 $м^3/с$ дан 370.44 $м^3/с$ оралиғида ўлчанган. Бунда ФИК нинг қиймати 93-95.6% ни ташкил қилди. Мавсум давомида ФИК нинг ўртача қиймати 94.7% ни ташкил қилди. Демак, УПРАДИК каналларида қўлланиб келаётган ФИК нинг қиймати 0.925 бизнинг тадқиқотларимиздан олинган ФИК 0.947 дан қиймати орасидаги фарқ 2.2 % ни ташкил қилади. Бу фарқ техник ва эксплуатация кўрсаткичи орасидаги фарқ деб қаралиши мумкин ва бу натижа мантиқан амалиётга тўғри келади. Албатта бу олинган натижа фақат бир мавсумда олинган натижа бўлиб, бундай қийматлар одатда кўп йиллик кузатишлар натижасида олиниши керак. Шунинг учун биз бундай изланишларни кейинги йилларда хам давом эттиришимиз керак деб ўйлаймиз.

Хулосалар. Дастлабки тадқиқот натижаларида танланган Тошсака каналида ўрганилган қисмларида ер ости сувларининг асосан ФИК га катта таъсир қилиши ва аксарият ҳолатларда каналда ер-ости сувларининг димланган режимида ишлаши аниқланди.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида Тошсақа магистрал каналининг ФИК вегетация ва шўр ювиш мавсумида, каналдаги ҳар ойдаги ҳар хил сатҳларда ва мавсумлар оралиғида турли (сув очилиши ёзги даврда, шўр ювиш даврларда) ҳолатларда ўзгарувчан бўлиб 0.83-1.0 қийматига эга бўлади. Каналдаги лойиҳавий сув сарфи қийматларида 0.93-0.95 қийматига эга бўлиши ўлчовлар асосида тасдиқланди.

Минтақада жадаллик билан кечаётган иқлим ўзгариши, сув тақчиллигининг ошиб бориши мелиоратив тизимларнинг замон талабига муносиб равишда мукаммаллаштириш илғор сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, мавжуд захиралардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу масалада, бизнингча тадқиқотларимиз мобайнида ҳали сув захираларини ишга солишда айниқса шўр ювиш даврида катта каналларда кўпинча ер ости сувларининг яқин бўлганидан коллектор сифатида ишлайди. Бунда истеъмолчилар улардан етарлича фойдаланишмоқда. Лекин, одатда бундай сувлар фойдаланувчи ташкилотлар тамонидан етарлича сув балансларини ҳисобига киритилмайди. Бунда каналлар ўзанида суғоришга яроқли сув заҳиралари бўлиб улар кўп ҳолатларда пастки қатламларга оқиб кетаяпди.

Шу билан бирга, фикримизча сув баланси гидроучасткалари оралиғида гидроиншоотлар ёрдамида ички сув ҳавзалари ҳосил қилинмаяпди. Ҳисоб-китобга мувофиқ гидроиншоотларнинг сув сизилишини олди олинса анча сув ҳажмини кераклича фойдаланишга эришилса бўлади ва натижада тизимнинг умумий ФИК ни ошириш имкони яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Техника-экономическое обоснование проекта “Реабилитация магистральных оросительных каналов Тошсакинской системы в Хорезмской области. (корректировка). Пояснительная записка. книга-1 “ Ўзсувлойиха “ Тошкент-2015г

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Формони. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси.

3. Х.ААхмедов. Основные вопросы орощения и улучшения водолользования. Тошкент, Мехнат 2001 г.

4. К.И. Байманов, Т.К.Камалов “Потери воды в каналах и их учет” Нукус-1994

5. Э.Қурбонбоев. Производственные исследования баланса оросительных потерь во всех звеньях межхозяйственной сети по Кызкеткенской оросительной системе (1971-1974) Научно-технический отчет, САНИИРИ, Ташкент-1972 г.

6. Лактаев Н.Т. вопросу об уточнения параметров к эмпирической формуле А.Н Костякова для расчета потерь из каналов в земляных руслах.- В сб. трудов САНИИРИ, Тошкент-1987

7. М.Ф.Натальчук, В.И.Ольгаренко, Х.А.Ахмедов “Эксплуатация гифомелиоративных систем. Москва-1984г

9. Лактаев Н.Т, Тян В.К. Методические указания по назначению нормативного КПД внутрихозяйственных орасительных систем Тошкент НПО САНИИРИ- 1987 г

10. Шаров И.А. Эксплуация гидромелиоративных систем-М, Колос, 1968

11. Ярцев. В.Н. Эксплуатационная гидрометрия. Сельхозгиз-1951г

12. Шаров И.А Эксплуация гидромелиоративных систем-М, Колос, 1968

УДК: 627.141.21

ВОДОЗАБОР ИЗ р.АМУДАРЬИ В КАРШИНСКИЙ МАГИСТРАЛЬНЫЙ КАНАЛ И МЕРОПРИЯТИЯ ПО БОРЬБЕС НАНОСАМИ

О.Я.Мухамедов
НИИИВП

Реки Центральной Азии являются наиболее мутными реками во всем мире. Река Амударья по мутности стоит на втором месте в мире. При осуществлении водозабора из реки в многочисленные ирригационные каналы вместе с водой поступает большое количество взвешенных, влекомых и донных наносов. Часть взвешенных наносов вместе с водой транспортируется через оросительные каналы в орошаемые поля, а другая часть взвешенных и влекомых наносов в связи с изменением гидравлических характеристик оросительных каналов (связанных со снижением уклона и скорости потока) переходит в донные наносы и отлагается в русле канала.

Отложение наносов по длине оросительных каналов приводит к сокращению живого сечения и снижение пропускной способности канала и не обеспечивает орошаемые поля необходимой водой.

За последние периоды перевода режима работы Токтогульского и Нурекского водохранилищ с ирригационного на энергетический режим осеннее-зимние попуски были увеличены против прошлых в 2-3 раза и наоборот, летние попуски уменьшились в 2-3 раза, что приводит к искусственному маловодью, усложняя обеспечение водозабора в летнее время, вызывая паводки в зимнее время.

Борьба с наносами на оросительных каналах ведется следующим способом:

- Уменьшение количества наносов, поступающих в каналы из источника орошения; транспортирование возможно большого количества наносов на оросительные земли и сосредоточенные в отстойниках наносы, которые по своему составу являются вредными или не могут транспортироваться на оросительные земли, с последующим удалением их механизмами или гидравлическим способом.

- При бесплотинном водозаборе для крупных каналов, как Каракумский канал, Каршинский магистральный канал, Амубухарский

магистральный канал и другие подводящие участки играют роль, как отстойники и быстро заиляются. Для сохранения пропускной способности каналов тратятся огромное количество денежных средств и механизмы.

- В борьбе с наносами в бесплотинных водозаборах необходимо учесть современное состояние руслового процесса и требует проведение производственных исследований и на основе этого уточнения существующую и разработку новых рекомендаций по уменьшению поступления вредных наносов в оросительные каналы.

Как известно река Амударья по классификации относится к блуждающим рекам. При водозаборе из реки в многочисленные оросительные каналы возникают трудности из-за быстрого заиления и занесения наносами головных участков каналов. В зависимости от водности года в магистральные каналы ежегодно поступает поток с мутностью до 6 кг/м^3. Годовые объемы наносов составили от 10 до 20 млн.т. Из этих объемов 60-70 % оседает на головном участке водозаборов, остальные транспортируются на орошаемые земли. Для поддержания пропускной способности каналов производится очистка каналов от наносов. На головном участке каналов производится очистка от наносов в течение года в объеме: на Каршинском магистральном канале до 12 млн.м^3; на Бухарском канале до 16-18 млн.м^3 и на других каналах до 12 млн.м^3. При производстве очистных работ возникают трудности по установлению объема наносов и формированию наносных отложений на головном участке для эффективного использования земснарядов.

Наносы, выливаемые от очистки каналов складываются на пространство между каналом и рекой, или просто сбрасываются в русло ниже водозабора. Сбрасываемые в реку наносы откладываются на прибрежных полосах реки и производят смещение фарватера на противоположный берег реки. Происходит размыв берегов и нарушение устойчивости русла реки.

Бесплотинный водозабор в Каршинский магистральный канал запроектирован и построен из расчета водоотбора 5,05 млрд.м^3/год ($Q_н$=175 м^3/с, $Q_ф$=195 м^3/с) что дает возможность обеспечить орошение 350 тыс.га Каршинской степи. Каршинский магистральный канал рассчитан на пропуск в течение почти всего года расхода воды, близкого к максимальной пропускной способности канала.

Предусмотрено, это с целью заполнения в течение всего года Талимарджанского водохранилища (W=1,6 млрд.м^3), откуда в вегетационный период должен поступать самотеком дополнительный расход 150 м^3/с. Максимальный расход забора воды из р.Амударьи в Каршинский канал в отдельные периоды года достигал 230 м^3/с и был осуществлен новым подводящем каналом длиной 1,6 км, который был введен в эксплуатацию в 1982 году новым головным устройством у мыса Пулизиндан. При этом вода протекала к первой насосной станции по земляному руслу.

Подводящая часть канала работает при подпорном режиме. Подпор, образуемый насосной станцией, распространяется по каналу, что в вегетационный период ведет к снижению скоростей течения в нем. Вследствие этого подводящая часть канала работает в режиме малых скоростей, как речной отстойник (при работе 3-4 агрегатов) и большая часть наносов, поступающих в канал, оседает в его начальной части.

Опыт эксплуатации бесплотинного водозабора КМК в течение 36 лет показал, что подводящая часть канала при выбранной схеме бесплотинного водозабора работает в тяжелых условиях, особенно, во время спада паводка и в межень. Основной причиной этих затруднений является неустойчивость (блуждание) русла реки на участках, прилегающих к точке водозабора, завлекание большого количества наносов в канал, недостаточности расходов и уровней воды а реке, маловодные годы и в период межени, отход стержня потока от места водозабора и др (рисунок 1).



Рисунок 1. **Совмещенный план участка р.Амударьи в районе водозабора КМК и в прибрежной зоне п.Кызылаяк**

В условиях зарегулированного стока, особенно, после ввода в эксплуатацию Каракумского канала (Туркменистан) и Нурекского водохранилища (Таджикистан) изменился наносный режим р.Амударьи в районе бесплотинного водозабора в КМК и ощущался подъем дна, значительно увеличилась крупность влекомых наносов и их количество. На участке р.Амударьи в районе Каракумского канала, в русле реки головного водозабора, происходит также подъем дна.

При интенсивном водозаборе из рек в ирригационные каналы мутность потока р.Амударьи в подводящие каналы распределяется непропорционально водозабору, в головную часть канала забирается значительный поток воды, что влечет за собой перегрузку речного потока ниже точки водозабора и снижению транспортирующей способности потока (до 10-15 % в паводок, 40 % в межень). В результате создаются условия для осаждения наносов в русле, повышая отметку дна реки в районе КМК (0,6…0,8 м) и интенсивного блуждания потока по широкой пойме, т.е. происходит сложный русловой процесс на участке реки с переформированием русла. Часть наносов при очистке сбрасывается в пойму реки, в результате чего происходит перегрузка наносами речного потока ниже створа водозабора, что приводит к отложению их в русле, подъему дна и интенсивному блужданию потока. Устранение и

существенное ослабление этих явлений может быть достигнуто регулированием речного потока, позволяющим транзит избыточных наносов на большие расстояния, которые определяются расчетом или по проведениям натурных исследований в русле реки.

Более 90 % стока взвешенных наносов р.Амударьи проходит в вегетационный период. В створе мыса Пулизиндан наблюдается увеличение расхода взвешенных наносов до 15 % по сравнению с г/п Керки. Анализ уровенного режима реки 1998 г. на участке водозабора КМК показал, что с повышением отметки дна, повышается отметка водной поверхности на 0,6…0,8 м. При одном и том же расходе (Q_p=7000 м^3/с) 10 – 15 лет тому назад уровень водной поверхности был на 0,5 м ниже и не превышал 245,85 м, по наблюдениям 1998 г. составил 246,28 м.

На основании натурных исследований нами установлено, что на водный и наносный режимы повлияла эксплуатация бесплотинных водозаборов ККК и КМК, а также повлиял режим работы Нурекского водохранилища.

Изучение уровенного и наносного режимов в условиях зарегулированного стока, а также подъема дна и их прогнозирование подлежит дальнейшему исследованию в течение нескольких лет.

А в период паводка, когда в реке протекают большие расходы воды и уровень становится достаточным, тогда складированные наносы в пойменной части реки уносятся самим потоком за счет больших скоростей течения, и увеличивается транспортирующая способность потока.

Ниже головной части КМК и подводящего канала в пойме прибрежной территории необходимо предусмотреть зону отчуждения для складирования наносов. Складирование наносов необходимо производить в пределах зоны отчуждения. Пульпу в периоды спада паводка и в межень складировать в карты намыва.

В периоды низких уровней р.Амударьи у головной части водозабора Каршинского магистрального канала образуются водоворотные зоны, в результате чего происходит выпадение крупных частиц наносов со стороны правого берега и уменьшается пропускная способность головной части существующего водозабора.

В целях улучшения головной части водозабора и нормальной работы подводящего канала нами предложены и даны рекомендации нового головного устройства «Водозахватная стенка с донными отверстиями»,

обеспечивающая плавный водозабор с меньшим захватом донных и крупных фракций взвешенных наносов.

Для пропуска плановых расходов от створа головного водозабора до первой насосной станции (н.с. I) необходимо производить очистные работы при помощи землесосов и выполнить их по времени так, чтобы к периоду низких уровней воды в реке рабочее сечение канала соответствовало проектному. Из-за неправильной организации очистных работ нарушается режим эксплуатации подводящего канала и отстойника, в результате чего перепад уровня в отдельные периоды значительно возрастает - такой режим работы не допустим для условий КМК, т.к. нарушается режим водопадачи насосных агрегатов (н.с. I) - начинается кавитационное явление.

Такое положение приводит к полному искажению проектного сечения канала по длине подводящей части КМК и н.с. I, резкому увеличению гидроабразивного износа проточной части, что требует значительного увеличения объема очистных работ и капитального ремонта насосных агрегатов. Объемы поступления наносов в подводящую часть КМК зависят от величины водозабора и обеспеченности по мутности р.Амударьи. Между поступлением наносов в подводящую часть КМК и среднегодовой мутностью установилась прямая зависимость.

Многоводный год благоприятен с тоски зрения обеспечения КМК плановым забором воды, и неблагоприятен с точки зрения интенсивности поступления наносов в канал.

Увеличение объемов очистных работ вдоль земляного участка подводящей части КМК приводит к уменьшению транспортирующей способности потока на нем и, соответственно, переосветлению потока (патент № 1676 бюллетень № 2(8), «Однокамерный отстойник»).

В комплекс регулировочных работ по увеличению водоотбора воды из р.Амударьи необходимо включить мероприятия по борьбе с завлеканием плавающих тел в канал. Выполнение на р.Амударье выше точки водозабора в КМК запани уменьшило поступление плавника на 80 %.

В условиях водозабора в Каршинский магистральный канал более эффективно и надежно будет работать паром-мусороотражатель, разработанный лабораторией «Гидравлика рек, каналов и сооружений» НИИИВП.

Лаб.при НИИИВП совместно с Узгипромелиоводхозом разработал схему руслорегулировочных и берегозащитных сооружений «Комплекс

Чтобы из кривой напорной характеристики получить линию, соответствующую потребляемой насосом мощности, необходимо учесть: мощности, затрачиваемые на гидравлические сопротивления $N_{г.с}$, утечки $N_{у}$, механические потери $N_{мех}$ и образование вихрей при малых подачах $N_{Т}$. Зависимость этих мощностей от подачи насоса показана на рис.1.

На НС применяются отечественные насосы типа Д с улучшенными параметрами. КПД заводского насоса Д6300-80 изменяется в диапазоне до 8000 м^3/ч, до 80%, а модернизированный авторами насос до 88% (рис.3)



Рис.3. **Насосы типа Д при современной компоновке НС**

Натурными исследованиями НС «Полвон» Зарафшанского УНС определены фактические гидравлические параметры и полная энергия в трубопроводе при различных эксплуатационных вариантах (табл.1, рис.4).

Исследования струйных течений смеси вязких жидкостей позволяют раскрыть характер взаимодействия между фазами. Решение этих задач, имеет ряд практических приложений для эксплуатации напорных трубопроводов.

Таблица 1

Фактические гидравлические параметры НА и полная энергия при различных эксплуатационных параметрах напорных трубопроводов.

Напор, H, м	**Подача, Q, м^3/с**	$H_{доп}^{вак}$, м	**Скорость в напорном трубопроводе, V, м/с**	**Скоростной напор в напорном трубопроводе $V^2/2g$**	**Полная энергия в напорном трубопроводе, Э=H-$H_{доп}^{вак}$ +**

					$V^2/2g$, м
Один насос на один напорный трубопровод					
78,0	2,0	0,4	1,95	0,19	77,79
Два насоса на один напорный трубопровод					
75,8	4,0	0,5	4,06	0,84	76,14



Рис. 4. **Рабочие характеристики насоса Д6300-80**

Авторами исследованы 4 погружных насоса (два из них резервные) мощностью 490 кВт, подачей Q=4100 м^3/ч, напором Н=37м с частотным преобразователем, регулирующим работу одного из насосов. Графики совместной работы насосов и водоводов представлены на рис. 5.



Рис. 5. **График совместной работы трубопроводов и погружных насосов мощностью 490 кВт с частотным преобразователем на 1 насос**

1, 2-характеристика системы при работе двух и одного трубопроводов; 3-характеристика насоса мощностью 490 кВт, 50 Гц; 4, 5-график совместной работы двух и трёх насосов 490 кВт, 50 Гц; 6-характеристика насоса 490 кВт при частоте 35 Гц; 7-характеристика насоса 490 кВт при частоте 40 Гц; 8-характеристика насоса 490 кВт при частоте 42 Гц; 9-график совместной работы насоса 490 кВт, 50 Гц и насоса 490 кВт, 39 Гц

Исследование проводилось также для двух групп агрегатов мощностями по 490 и 125 кВт, отличающихся по величинам единичных подач (рис. 6).



Рис. 6. **График совместной работы трубопроводов и погружных насосов мощностью 490 кВт (2 шт.) и насосов 125 кВт (4 шт.)**

1, 2-характеристика системы при работе двух и одного трубопроводов; 3-характеристика насоса 125 кВт; 4, 5, 6-график совместной работы двух, трех, четырех насосов по 125 кВт; 7-характеристика насоса 490 кВт; 8-график совместной работы одного насоса 490 кВт и двух по 125 кВт; 9-график совместной работы двух насосов по 490 кВт и четырех по 125 кВт

Из графиков совместной работы насосов и водоводов видно, что, комбинируя количество работающих агрегатов, возможна подача во всем диапазоне как в нормальном, так и в аварийном режимах.

Анализ графиков рис. 5, 6 позволяет сделать выводы, что оба варианта обеспечивают аналогичную откачку, адекватную заданному притоку и насосы справятся с откачкой 100% расчетного притока по одной нитке водовода при подключении резервных агрегатов.

Выводы.

1. Явление увеличения давления в напорных трубопроводах происходит, в основном, при переходных процессах в трубопроводной сети при изменении параметров работы насосных агрегатов насосных станций. Наиболее важным фактором, влияющим на повышение давления в системе, является резкая, несвоевременная остановка обратного движения потока в трубопроводах.

2. Среди множества возможных и необходимых переходных процессов, наиболее значимые, влияющие на появление гидравлического удара, являются пуск и остановка дополнительного насосного оборудования в процессе эксплуатации, внезапная полная остановка насосной станции;

3. Проведена серия экспериментов по гидродинамике и тепломассобмену в центробежном двухфазном потоке. совместной работы трубопроводов и погружных насосов. Из графиков совместной работы насосов и водоводов видно, что, комбинируя количество работающих агрегатов, возможна подача во всем диапазоне режимов.

Литература:

1. Постановление Кабинета Министров РУз №ПП-145 от 1 марта 2022 г. «О дополнительных мерах по повышению эффективности управления водными ресурсами в низовом звене».

2. А.Азимов., Ш.Шарипов., О.Я.Гловацкий. Экологические аспекты энергосберегающих режимов крупных ирригационных насосных станций //Материалы республиканской научно-практической конференции по инновациям в сельском хозяйстве - Т. 2010 -с. 63-66

3. O.Glovatskii, R.Ergashev, J.Rashidov, M.Mirzaev, A.Sultonov, and N.Nasyrova. Experience in using methods for monitoring the energy efficiency of hydraulic systems (2023) 012004 https://doi:10.1088/1755-1315/1142/1/012004

4. О.Я.Гловацкий, Р.Р.Эргашев, Ф.А.Бекчанов, Х.Х.Холматов Динамика изменения характеристик основного оборудования систем машинного водоподъема // Материалы Республиканской научно-практической конференции «Актуальные проблемы водного хозяйства и мелиорации орошаемых земель» -Т. 2011.- с.138-141.

5. О.И.Рахнянская и др. Гидравлический расчёт эксплуатационных параметров насосной станции для подбора диаметра напорного трубопровода / Наука в инновационном развитии АПК: Материалы Всероссийской науч.-практ. конф., г.Махачкала, 2020. с.117-128.

6. O.Y.Glovatsky, N.R.Nasyrova, B.M.Shakirov Some aspects of energy-saving high-efficient technologies for operation of reclamation pumping stations // Xalqaro ilmiy-texnik anjuman maqolalar to‘plami / Andijon qishloq xojaligi va agrotexnologiyalar institute. Andijon, 2024. v.639-646

7. Akif Durdu, Seyit Alperen Çeltek, Nuri Orhan Detection of vortex cavitation with the method adaptive neural fuzzy networks in the deep well pumps //Journal of Tekirdag Agricultural Faculty 18(4), 2021 DOI:10.33462/jotaf.769037

8. Ф.Носиров, О.Гловацкий, Р.Дусматов, Г.Азизова. Инновационные методы повышения энергоэффективности насосной установки // Журнал Проблемы энерго- и ресурсосбережения. №86, 2024 с.158-164.

9. Ф.Ж.Носиров, И.У.Курбанов, О.Я.Гловацкий, Р.К.Дусматов, Г.С.Азизова Разработки нового насосного оборудования для мелиоративно-водохозяйственных комплексов // Научно-практический журнал «Пути повышения эффективности орошаемого земледелия», 2025. Т. 95, № 1. С. 358–375.

UO‘T: 621.65:621.31:62-519

NASOSLARNI SUV SATHI, HARORATI VA VIBRATSIYASI ORQALI ELEKTR ENERGIYASINI TEJASH

Komiljonov Jasurbek O‘ktamjon o‘g‘li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti
Nurmatova Mohinur Tohirjon qizi
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqola nasoslarning suv sathi, harorati va vibratsiyasini real vaqtda kuzatish orqali elektr energiyasini tejash imkoniyatlarini o‘rganadi. SCADA (Supervisory Control and Data Acquisition) va IoT (Internet of Things) texnologiyalari asosida ishlab chiqilgan monitoring tizimi taklif etiladi. Matematik modellashtirish va simulyatsiya yordamida nasoslarning ish samaradorligi tahlil qilinib, Farg‘ona viloyati va Andijon institutidagi amaliy tajribalar orqali sezilarli iqtisodiy samara isbotlandi. Tadqiqot natijalari avtomatik boshqaruv tizimlari yordamida energiya sarfini 20-30% gacha kamaytirish mumkinligini ko‘rsatdi.

Kalit so‘zlar: energiya tejash, nasos, SCADA, IoT, monitoring, harorat, vibratsiya, suv sathi, avtomatik boshqaruv.

Аннотация. В статье исследуются возможности экономии электроэнергии за счет мониторинга уровня воды, температуры и вибрации насосов в реальном времени. Предлагается система мониторинга, основанная на технологиях SCADA и Интернета вещей (IoT). Эффективность работы насосов анализируется с использованием математического моделирования и симуляции. Практические испытания, проведенные в Ферганской области и на базе Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий, подтверждают значительную экономию электроэнергии (20-30%) и финансовую эффективность.

Ключевые слова: энергосбережение, насос, SCADA, IoT, мониторинг, температура, вибрация, уровень воды, автоматическое управление.

Abstract. This study investigates energy-saving opportunities through real-time monitoring of water level, temperature, and vibration in pump systems. A monitoring system based on SCADA and IoT technologies is proposed. Pump efficiency is analyzed using mathematical modeling and simulation, with practical experiments conducted in Fergana region and Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology, demonstrating 20-30% energy savings and significant financial benefits.

Keywords: energy saving, pump, SCADA, IoT, monitoring, temperature, vibration, water level, automatic control.

Kirish. Bugungi kunda sanoat va energetika tizimlarida energiya tejash masalasi muhim ahamiyat kasb etmoqda. O‘z navbatida, energiya sarfini optimallashtirish va tizim samaradorligini oshirish uchun zamonaviy texnologiyalar va monitoring tizimlaridan foydalanish zarur. Nasoslar energiya ta’minoti tizimlarida keng qo‘llaniladi va ularning samaradorligi tizimning umumiy energiya iste’moli va samaradorligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Nasoslarning ishlashi ko‘p jihatdan uning ichki holatiga, ya’ni suv sathiga, haroratga va vibratsiyaga bog‘liq bo‘ladi. Suv sathining past yoki yuqori bo‘lishi, nasosning ortiqcha yuklanishiga yoki samaradorlikning pasayishiga olib kelishi mumkin. Shuningdek, nasosning harorati va vibratsiya darajasi uning ishlash holatini va ishlash resurslarini ko‘rsatadi. Yuqori harorat yoki vibratsiya darajasining oshishi esa nasosning ishlash muddatini va samaradorligini pasaytiradi, bu esa ortiqcha energiya sarfiga olib keladi. Nasoslarning ishlashini optimallashtirish, energiya sarfini kamaytirish va tizimni samarali ishlashini ta’minlash uchun zamonaviy texnik usuldir. Nasoslar industrial va kommunal sohalarda turli jarayonlarni (masalan, suv ta’minoti, issiqlik almashinuvchi qurilmalar, isitish-suvsozlash tizimlari) ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Buning uchun nasoslarning harakati, holati va ishlash parametrlarini doimiy ravishda monitoring qilish zarur.

Energiya tejash masalasi bugungi kunda sanoat va kommunal sohalarda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Nasoslar suv ta’minoti, issiqlik almashinuvi va isitish-sovutish tizimlarida keng qo‘llaniladi va umumiy energiya sarfining katta qismini tashkil qiladi. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, nasoslar sanoat korxonalarida iste’mol qilinadigan elektr energiyasining 20-25% ini tashkil etadi [1]. Nasoslarning ish samaradorligi suv sathi, harorat va vibratsiya kabi parametrlarga bog‘liq bo‘lib, ushbu parametrlarni noto‘g‘ri boshqarish ortiqcha energiya sarfiga va qurilmalarning muddatidan oldin eskirishiga olib keladi. Ushbu tadqiqotda SCADA va IoT texnologiyalari yordamida nasoslarning ish parametrlarini real vaqtda monitoring qilish va avtomatik boshqaruv orqali energiya tejash imkoniyatlari o‘rganiladi.

Material va uslublar. Tadqiqotda nasoslarning suv sathi, harorati va vibratsiyasini real vaqtda kuzatish orqali elektr energiyasini tejashni optimallashtirishga qaratilgan yondashuv qo‘llanildi. Quyidagi metodlar batafsil ishlab chiqildi:

1. Monitoring tizimlarini joriy qilish. Nasoslarning ish parametrlarini real vaqtda kuzatish va boshqarish uchun SCADA (Supervisory Control and Data

Acquisition) tizimi va IoT (Internet of Things) texnologiyalari integratsiyasi asosida monitoring tizimi ishlab chiqildi. SCADA tizimi sifatida Siemens SIMATIC WinCC platformasi tanlandi, chunki u sanoat jarayonlarini vizualizatsiya qilish, ma’lumotlarni yig‘ish va tahlil qilishda yuqori samaradorlikni ta’minlaydi.

IoT qurilmalari esa ma’lumotlarni yig‘ish va uzatish uchun quyidagi maxsus sensorlar va MQTT (Message Queuing Telemetry Transport) protokolidan foydalanadi:

- Sensorlar va qurilmalar. Suv sathi, harorat va vibratsiyani o‘lchash uchun HC-SR04 ultrasonik sensorlari, DS18B20 termometr sensorlari va ADXL345 akselerometrlari o‘rnatildi. Ushbu sensorlar past energiya sarfi va yuqori aniqlik bilan sanoat sharoitlarida ishlashga moslashtirilgan.
- Ma’lumotlar uzatilishi. Sensorlardan olingan ma’lumotlar ESP32 mikrokontrolleri orqali Wi-Fi tarmog‘i yordamida bulutli serverga (Node-RED platformasi) uzatildi. Bu jarayon ma’lumotlarni real vaqtda tahlil qilish va operatorga tezkor qaror qabul qilish imkonini berdi.
- Vizualizatsiya. SCADA tizimi orqali suv sathi, harorat va vibratsiya ma’lumotlari grafiklar, jadvallar va signalizatsiya shaklida taqdim etildi. Bu operatorlarga nasoslarning holatini tezda baholash va nosozliklarni aniqlash imkonini berdi.

2. Suv sathini monitoring qilish. Suv sathini aniq o‘lchash nasoslarning samaradorligini oshirish va ortiqcha energiya sarfini oldini olish uchun muhimdir. Ushbu maqsadda HC-SR04 ultrasonik sensorlari ishlatildi, ular 2 sm aniqlikda suv sathini o‘lchaydi va 4-400 sm masofada ishlashga qodir.

- Ishlash printsipi: Sensor ultratovush to‘lqinlarini yuborib, suv yuzasidan qaytgan signalni qabul qiladi va masofani hisoblaydi. Bu ma’lumotlar nasosning ish rejimini sozlash uchun ishlatiladi.
- Optimal sath chegaralari: Tadqiqotda suv sathining optimal diapazoni 0.5-2.0 m deb belgilandi. Agar suv sathi ushbu diapazondan past yoki yuqori bo‘lsa, avtomatik boshqaruv tizimi nasosning aylanish tezligini sozlaydi yoki uni to‘xtatadi.
- Amaliy qo‘llanilishi: Farg‘ona viloyatidagi nasos stansiyalarida o‘rnatilgan sensorlar suv sathining o‘zgarishini sekundiga bir marta o‘lchab, nasosning haddan tashqari ishlashini 15% ga kamaytirdi.

3. Haroratni monitoring qilish. Nasosning harorati uning ish samaradorligiga va mexanik holatiga bevosita ta’sir qiladi. Haroratni aniq

kuzatish uchun DS18B20 raqamli termometr sensorlari qo‘llanildi, ular ±0.5°C aniqlikda -55°C dan +125°C gacha haroratni o‘lchaydi.

- O‘rnatish joyi. Sensorlar nasosning dvigateli va podshipnik qismlariga o‘rnatildi, chunki bu qismlar harorat o‘zgarishiga eng sezgir hisoblanadi.
- Cheklovlar. Tadqiqotda haroratning 60°C dan oshishi nasosning samaradorligini 10-15% ga pasaytirishi va dvigatelning ishlash muddatini qisqartirishi aniqlandi. Shu sababli, harorat 60°C dan oshganda tizim avtomatik ravishda nasosni to‘xtatish yoki aylanish tezligini kamaytirish signalini yuboradi.
- Natijalar. Andijon institutidagi sinovlarda harorat monitoringi tufayli nasosning termik nosozliklari 80% ga kamaydi, bu esa energiya sarfini 5-7% ga qisqartirdi.

4. Vibratsiyani monitoring qilish. Vibratsiya nasosning mexanik holatini baholashda muhim ko‘rsatkich hisoblanadi. Vibratsiyani o‘lchash uchun ADXL345 uch o‘qli akselerometrlari ishlatildi, ular ±16g gacha tebranishni aniqlaydi va 0.01 mm/s aniqlikda ma’lumot taqdim etadi.

- Vibratsiya tahlili. Vibratsiya darajasining 5 mm/s dan oshishi podshipniklarning eskirishi, muvozanatsizlik yoki mexanik nosozliklar belgisi sifatida qabul qilindi. Bunday holatlarda tizim operatorga ogohlantirish yuboradi va profilaktik choralar ko‘rishni tavsiya qiladi.
- Avtomatik boshqaruv. Vibratsiya darajasi 7 mm/s ga yetganda, tizim nasosni avtomatik ravishda to‘xtatadi, bu esa jiddiy nosozliklarning oldini oladi.
- Amaliy natijalar. Farg‘ona viloyatidagi sinovlarda vibratsiya monitoringi tufayli mexanik nosozliklar 90% aniqlikda aniqlanib, nasoslarning ishlash muddati 1.5-2 baravar uzaytirildi.

5. Energiya tejash strategiyalari. Energiya sarfini kamaytirish uchun chastota konverterlari (VFD, Variable Frequency Drive) o‘rnatildi, bu nasoslarning aylanish tezligini suv sathi, harorat va vibratsiya ma’lumotlariga asoslanib dinamik ravishda sozlash imkonini berdi.

- Chastota konverterlari. Siemens SINAMICS V20 VFD qurilmalari ishlatildi, ular nasosning quvvatini 10-100% diapazonida sozlash imkonini beradi. Masalan, suv sathi optimal darajada bo‘lganda, nasosning aylanish tezligi 30% gacha kamaytirilib, energiya sarfi 25% ga tejaldi.
- Avtomatik regulyatorlar. PID (Proportional-Integral-Derivative) regulyatorlari yordamida nasoslarning ish rejimi suv sathiga moslashtirildi. Bu

jarayon nasosning ortiqcha yuklanishini oldini oldi va energiya sarfini optimallashtirdi.

- Tahlil va optimallashtirish. Tadqiqotda nasoslarning ish rejimini bashoratlash uchun oddiy statistik model (ARIMA) ishlatildi, bu esa energiya sarfini 20-30% ga kamaytirish imkonini berdi. Kelajakda yanada murakkab Machine Learning algoritmlari (masalan, LSTM) joriy etish tavsiya etiladi.

Tahlil va natijalar. Tadqiqot natijalari asosida, har bir nasosning ishlash samaradorligi va energiya tejashdagi katta rol o‘ynashini ko‘rsatish maqsadida tahlil amalga oshiriladi. Avtomatik boshqaruv tizimi orqali o‘zgarishlarni kiritish: Tadqiqotda avtomatik boshqaruv tizimi asosida nasoslar ishlashini nazorat qilish imkoniyati yaratiladi. Bu usul orqali nasoslarning samaradorligini oshirish va energiya sarfini kamaytirish uchun maxsus algoritmlar ishlab chiqiladi, shu bilan birga real vaqtda o‘rnatilgan cheklovlar va signalizatsiyalar orqali tizimdagi xatolarga tezkor reaksiya qilish imkoni yaratiladi.

Tadqiqot Farg‘ona viloyati Quva tumanidagi 160 ta suvga botiriladigan nasos va Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar institutidagi ECV6-10-80 va K110-160 rusumli ikkita nasos agregatlarida sinovdan o‘tkazildi. Amaliy natijalar va qo’llanilganligi:

1. Farg‘ona viloyati. 55 kVt quvvatga ega nasos stansiyasida avtomatik boshqaruv tizimi o‘rnatildi. Natijada, kunlik 400 kVtsoat elektr energiyasi tejaldi, bu yillik 80 mln so‘m iqtisodiy samaraga *teng (1 kVt*soat narxi 900 so‘m deb hisoblandi) buni quyidagi grafikda ko‘rishimiz mumkin.



1-rasm. **Nasos stansiyalarining energiya iste’mol dinamikasi**



2-rasm. **Nasoslarda energiya tejamkorligi va iqtisodiy samara grafigi**

X o‘qida Vaqt (kunlar), Y o‘qida esa Energiya iste’moli (kVt*soat) keltirilgan bo‘lib grafikda avtomatik boshqaruv tizimi o‘rnatilgandan so‘ng energiya sarfi 20-30% ga kamaygani ko‘rsatilgan. Natijada:

- Suv sathining optimal boshqaruvi nasosning haddan tashqari ishlashini 15% ga kamaytirdi.
- Harorat monitoringi nasosning termik nosozliklarini 80% gacha oldini oldi.
- Vibratsiya monitoringi mexanik nosozliklarni 90% aniqlikda aniqladi, bu esa qurilmaning ishlash muddatini 2 baravar uzaytirdi.

2. Andijon qishloq xo ‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti 2024-yil 27-sentyabrdan boshlab ECV6-10-80 nasosida 4004 kVtsoat (3 603 600 so‘m) va K110-160 nasosida 2730 kVtsoat (2 457 000 so‘m) tejaldi. Jami 26 kun ichida 6734 kVt*soat elektr energiyasi tejaldi, bu 6 060 600 so‘m iqtisodiy samarani ta’minladi. Tizim o‘rnatish xarajati (3 500 000 so‘m) bir oy ichida qoplandi. Energiya tejamkorligini quyidagi grafikdan ko’rishimiz mumkin bo‘ladi.

2-rasmda keltirilgan grafik Andijon qishloq xo‘jaligi institutida 2024-yil 27-sentyabrdan boshlab 26 kun ichida ECV6-10-80 va K110-160 nasoslarida avtomatik boshqaruv tizimi yordamida erishilgan energiya tejamkorligini ko‘rsatadi:

- ECV6-10-80: 4004 kVt*soat (ko‘k chiziq).
- K110-160: 2730 kVt*soat (yashil chiziq).
- Iqtisodiy samara: Jami 6.06 mln so‘m (qizil chiziq), 1 kVt*soat = 900 so‘m.
- O‘rnatish xarajati: 3.5 mln so‘m (kulrang chiziq), 15-kundan keyin qoplandi.

Tejamkorlik chiziqli o‘sdi, tizim samaradorligi isbotlandi.

Xulosa. Tadqiqotning asosiy maqsadi nasoslarning suv sathi, harorati va vibratsiyasini kuzatish orqali elektr energiyasini tejashning samaradorligini oshirishdir. Tadqiqot davomida nasoslarning ishlash parametrlarini monitoring qilish va avtomatik boshqaruv tizimlari yordamida ularni optimallashtirish jarayonlari tahlil qilindi. Ma’lum bo‘lishicha, nasoslarning ishlash samaradorligi to‘g‘ridan-to‘g‘ri uning ichki holati, ya’ni suv sathi, harorat va vibratsiya bilan bog‘liq. Ushbu parametrlarning monitoringi, nasoslar samaradorligini oshirish va energiya sarfini kamaytirish uchun juda muhimdir. Natijada, energiya tejashning samaradorligi faqatgina nasoslarning texnik holatini optimallashtirish bilan cheklanib qolmaydi, balki tizimni boshqarish va monitoring qilish jarayonlarini

modernizatsiya qilish orqali energiya sarfini sezilarli darajada kamaytirish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Safarov Sh.T., Rahimov A.A. Avtomatlashtirish va axborot texnologiyalari. – T.: “Fan va texnologiyalar”, 2020. – 356 b. [23-28]
2. Parkhomenko V.L. SCADA sistemi v avtomatizatsii texnologicheskix protsessov. – M.: Infra-M, 2018. – 272 s. [15-30]
3. Gusev V.E., Kudryavtsev A.A. Internet veshchey: Arxitektura, texnologii i primenenie v promyshlennosti. – SPb.: Piter, 2019. – 304 s. [4-10]
4. Hasan K., et al. “Energy Efficient Pumping System and Energy Saving Potentials in Water Supply: A Case Study.” Energy Reports, Vol. 6, 2020, pp. 2483–2492. DOI: 10.1016/j.egyr.2020.09.027. [23-25]
5. Safarov I.X. (2024). PROBLEMS OF ASSESSING THE RELIABILITY OF INPUT DATA IN INFORMATION SYSTEMS. Экономика и социум, (6-1 (121)), 582-585. https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-assessing-the-reliability-of-input-data-in-information-systems.
6. 10. Safarov I. (2023). AUTOMATION OF CLEAN DRINKING WATER SUPPLY PROCESSES IN AGRICULTURE SYSTEMS. Экономика и социум, (11 (114)-2), 390-393. https://cyberleninka.ru/article/n/automation-of-clean-drinking-water-supply-processes-in-agriculture-systems.
7. Xasanovich S.I.,&Azimjon o‘g‘li, M. X. (2025). Gidroturbinalarni dinamik kuchlarini tahlili. Izlanuvchi, 1(4),22-25. https://phoenixpublication.net/index.php/Izlanuvchi/article/download/2268/1894 .
8. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., O‘rinov I.SH., Maxmudov D., Botirova N.M., Evalution of the texnical and economic efficiency of centrifugal pumps at irrigation pumping stations// Универсум техничтские науки №10(127) октябр, 2024, c. 52-54.
9. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Абдуғоппоров И.А., Ирригация насос станцияларидаги марказдан қочма насосларнинг эскиришини бахолаш// “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил.
10. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Мирзахамдамова Н.Р., Ирригация насос станцияларининг иш фаолиятини бахолаш// “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил.

11. Yigitaliyev M.S. (2023). Providing optimum operation modes of small photoelectric plants for autonomous electricity consumers. Экономика и социум, (11 (114)-1), 452-455. https://cyberleninka.ru/article/n/providing-optimum-operation-modes-of-small-photoelectric-plants-for-autonomous-electricity consumers.

12. Komiljonov J.O. & Tojimurodov D.D. (2024). Exploring methods of adjusting the speed of an asynchronous motor. Экономика и социум, (4-1 (119)), 254-257. https://cyberleninka.ru/article/n/exploring-methods-of-adjusting-the-speed-of-an-asynchronous-motor.

13. Mamajonov X. (2023). Induksion tortish motorining termal modeli. Ekonomi va sotsium,(11 (114)-2), 222-225. https://pubs.aip.org/aip/acp/article-abstract/3244/1/060018/3322884/Modeling-the-structures-of-three-phase

14. Dadajonov M.N. (2024). Oziq-ovqat mahsulotlarini ozuqaviy imkoniyatini oshirish imkoniyatlari. Iqtisodiyot va jamiyat , (10-2 (125)),133-138. https://scholar.google.com/scholar?cluster=11117169799618820838&hl=en&oi=scholarr

15. Axmedov D. & Azimov, A. (2022). Application of demphers in inverters of solar power systems. Экономика и социум, (6-2 (97)), 29-32. https://cyberleninka.ru/article/n/application-of-demphers-in-inverters-of-solar-power-systems

16. Mannobjonov B.Z. & Azimov A.M. (2022). New innovations in greenhouse control systems & technology. Экономика и социум, (7 (98)), 95-98. https://cyberleninka.ru/article/n/new-innovations-in-greenhouse-control-systems-technology

17. Mannobjonov B. & Azimov A. (2022). Nutrients in the root residues of secondary crops. Экономика и социум, (6-2 (97)), 126-129. https://cyberleninka.ru/article/n/nutrients-in-the-root-residues-of-secondary-crops.

19. Хасанова О.А. (2023). Писта шаклларини танлаш, ўрганиш ва вегетатив кўпайтириш услублари. Science and Education, 4(11), 45-51. https://cyberleninka.ru/article/n/pista-shakllarini-tanlash-rganish-va-vegetativ-k-paytirish-uslublari

20. Maxmudov D. (2024). Meliorativ obektlarning turlari va ularda amalga oshiriladigan meliorativ tadbirlar orqali erishiladigan natijalar. Экономика и социум, (3-1 (118)), 267-270. https://cyberleninka.ru/article/n/meliorativ-obektlarning-turlari-va-ularda-amalga-oshiriladigan-meliorativ-tadbirlar-orqali-erishiladigan-natijalar

UO‘T: 631.085(072)

GIDROTEXNIKA INSHOOTIDAGI XABAR BERISH TIZIMI VA ULARNI TAKOMILLASHTIRISH

Tillayev Sherzod Amirbek o’g’li
“TDTU” universiteti “Hayot faoliyati xavfsizligi” kafedrasi doktoranti
Musayev Ma’rufjon Nabiyevich
“TDTU” universiteti “Hayot faoliyati xavfsizligi” kafedrasi mudiri, t.f.n. prof.
Sodiqov Baxodir Kengjayevich
Sirdaryo viloyati FVB xizmat boshlig’i
Xusanov Elmurod Shuhratjon o’g’li
“TDTU” universiteti “Hayot faoliyati xavfsizligi” kafedrasi doktoranti
aa.zz.a.z.19920717gmail.com.

Annotatsiya. Ushbu maqola “Sardoba” suv omborida o’rnatilgan АСОИ (Avtomatlashtirilgan suv ombori ishlashi) va СКУВ (Suvni kuzatish va ularni boshqarish) tizimi va uning ishlash prinspi xaqida qisqacha ma’lumotlar keltirib o’tilgan bo’lib, mavjut tizimdagi ayrim takomillashtirish ishlarini xududiy omillarni xisobga olgan xolda amalga oshirish borasida o’rganish ishlari olib borilgan. Tokomillashtirish ishlarini olib borish yuzaka kelishi mumkin bo’lgan xalokotli suv toshqinidan, yoki suv toshqini vaqtida xabar berish tizimining uzluksiz ishlash imkoniyatini yanada oshirish borasida nazariy tavfsiyalar keltirilgan.

Kalit so’zlar. Gidrotexnika inshootlari, ogohlantirish tizimlari, evakuatsiya, АСОИ (Avtomatlashtirilgan suv ombori ishlash), СКУВ (Suvni kuzatish va ularni boshqarish).

Abstract. В статье дается краткая информация о системах АСОИ (автоматизированная система управления водохранилищем) и СКУВ (система мониторинга и контроля воды), установленных на Сардобинском водохранилище, и принципах их работы, а также проводятся исследования по внедрению некоторых усовершенствований в существующую систему с учетом региональных факторов. Приводятся теоретические рекомендации по дальнейшему повышению способности системы оповещения работать непрерывно во время потенциально катастрофического наводнения или паводка.

Key words: Гидротехнические сооружения, системы оповещения, эвакуации, АСОИ (автоматизированная система управления водохранилищами), СКУВ (мониторинг и контроль качества воды).

Аннотация: This article provides brief information about the ASOI (Automated Reservoir Operation) and SKUV (Water Monitoring and Control) systems installed in the Sardoba reservoir and their operating principles, and

studies have been conducted to implement some improvements to the existing system, taking into account regional factors. Theoretical recommendations are provided to further increase the ability of the notification system to operate continuously during a potentially catastrophic flood or flood.

Ключевые слова: Hydraulic structures, warning systems, evacuation, ASOI (Automated Reservoir Operation), SKUV (Water Monitoring and Control).

Kirish. Suv omborlari – suv resurslarini boshqarish va taqsimlashda muhim infratuzilma hisoblanadi. Suv omborlarining samarali va ishonchli ishlashini ta’minlash uchun avtomatlashtirilgan boshqaruv va kuzatuv tizimlari zarurdir. Shu munosabat bilan, АСОИ (Avtomatlashtirilgan suv ombori ishlashi) va СКУВ (Suvni kuzatish va ularni boshqarish) tizimlari nafaqat O’zbekiston xududida balki dunyo miqiyosida xam zamonaviy suv xo‘jaligida keng qo‘llanilmoqda.

АСОИ tizimi suv omborining harakatdagi parametrlarini (masalan, suv sathi, bosim, oqim tezligi, suv sifati ko‘rsatkichlari) doimiy ravishda avtomatik tarzda o‘lchab, markazlashtirilgan boshqaruv punktiga uzatadi. Ushbu tizim real vaqtda ma’lumotlarni tahlil qilib, suv omborining optimal ishlash rejimini belgilaydi hamda favqulodda holatlarni oldini olish yoki suv toshqini xaqida “yuzaga kelgan vaziyat xaqida axoliga va yuqori tashkilotlarga” avtomatik signal beradi.

СКУВ tizimi esa suv ombori va unga ulanadigan suv tarmoqlarini doimiy nazorat qilib, suvning yo‘qotilishi, ifloslanishi yoki boshqaruvdagi nosozliklarni aniqlashga imkon beradi. Bu tizimlar yordamida suv resurslaridan oqilona foydalanish, suv taqsimotini optimallashtirish va texnik xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirish mumkin.

Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlarini joriy qilgan suv omborlarida suv yo‘qotilishi 15-25% ga kamaygan, texnik nosozliklar esa 30% ga pasaygan. Shuningdek, tizimlar suv omborlarining ishlash muddatini uzaytirishga, favqulodda vaziyatlarning oldini olishga va inson omilidan kelib chiqadigan xatolarni kamaytirishga yordam beradi.

Shu bois, АСОИ va СКУВ tizimlarining joriy etilishi suv resurslarini samarali boshqarishda muhim bosqich hisoblanadi. Mazkur maqolada ushbu tizimlarning ishlash printsipi, afzalliklari va samaradorligi batafsil tahlil qilinadi.Hozirgi kunda suv toshqinlarining salbiy oqibatlarini kamaytirish va oldini olish bo‘yicha ko‘plab yondashuvlar mavjud bo‘lsa-da, ularning samaradorligi har doim ham to‘liq baholanmagan. Shu sababli, gidrotexnika inshootlarida yuzaga keladigan suv toshqinlarining zarar va talofatlar ko‘lamini

tahlil qilish, shuningdek, aholini ogohlantirish tizimlarining samaradorligini baholash zamonaviy ilmiy-tadqiqotlarning dolzarb vazifalaridan biridir. Dunyo miqiyosidagi tadqiqotlar ko‘rsatayotganidek, samarali ogohlantirish tizimlari va to‘g‘ri profilaktik choralar aholining xavfsizligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Metodika: Ushbu maqolada O’zbekiston xududidagi suv omborlariga va suv omborlari ta’sir xududida joylashgan axoli punktlariga o’rnatilgan АСОИ va СКУВ tizimini o’rganish natijasida “Case study (Amaliy misollar)” usullari orqali tahlil qilingan.

Asosiy ma’lumotlar. Sardoba suv ombori (to‘liq quvvati - 922 mln. m^3) Mirzacho‘l dashtining janubi-sharqiy qismida, Janubiy Mirzacho‘l kanali (JMK) shimolida Guliston, Yangier shahridan 30 km g‘arbda joylashgan. Rezervuar o’lchamlari: o’rtacha, uzunligi 10 km, o’rtacha kengligi 6,0 km. Maydoni 60,0 km^2. Suv ombori janubdan shimolga cho’zilgan. Sardoba gidroelektr majmuasi Sirdaryoning ortiqcha oqimini, asosan, yilning (oktyabrdan maygacha) to‘plash uchun mo‘ljallangan bo‘lib, keyinchalik sug’orish davrida suv bilan asosan Sirdaryo va Jizzax viloyatlari ayrim xududlarining qishloq xo’jaligi yerlarini suv bilan ta’minlanishini oshirish uchun foydalaniladi.

Suv ombori to’g’oni uzunligi 28,5 km, balandligi 3 m dan 30,6 m va eni 8 m gacha bo‘lgan suv ombori to‘g‘oni, qatlam qalinligi 0,22 bo‘lgan tosh plomba (singan tosh) dan iborat. To’g’onda 65 dona tik dranajlar “nazorat va labarato’riya” dranajlari mavjud bo’li, bu dranajlar orqali to’g’on xolati va suv xajmi bo’yicha nazorat va labarato’riya ishlari maqsadida foydalaniladi. АСОИ va СКУВ tizimi xam ma’lumotlar tahlil qilish va qayta ishlash borasida oladigan ma’lumotlarning 45 % ushbu dranajlardan 25 % ga yaqini suv ombori suvlaridan qolgan m’alumotlarni suv kirish va chiqish kanallariga o’rnatilgan kuzatuv datchiklaridan olgan xolda tahlil qiladi.

Mavjud ma’lumotlarni dispetchirlik xonasida o’rnatilgan kampyuterga rial vaqt rejimi asosida uzatiladi. Favfqulodda vaziyat yuzaga kelsa yoki extimoli bo’lsa tizim besh daqiqa mobaynika xonaning dispetchirlik bo’linmasiga malumot uzatadi. Bu vaqt davomida dispetchirlar bo’linmasi razvetka va nazorat bo’linmalariga aloqaga chiqadi va mavjud xolatning aniqlik darajasini o’rganadi, tizinda yoki kuzatuv datchiklaridagi nosozlik tufayli АСОИ va СКУВ tizimi xavf sezgan bo’lsa ushbu yolg’on xavf dispetchir tomonidan bekor qilinadi. Agar besh daqiqa moboynida bekor qilinmasa suv toshqini xafi to’grisida suv boshishi mumkin bo’gan axoli xududlariga o’rnatilgan ovozli xabar berish uskunalariga,

yuqori tashkilotlar va xavfsizlik deklaratsiyasida belgilangan vazirlik, idora va tashkilotlarga avftomatik tarzxabar yuboriladi.

1-rasm. "Sardoba" suv ombori xabar berish tizimi "АСОИ va СКУВ"

Axoliga xabar berish tizini UZTELECOM bilan xamkorlikda ma’lumotlarni ishonchli yetkazish vazifasini bajarib kelmoqda. Axoliga xabar berish tizimi energiya monbai tarmoqqa ulangan bo’lib qo’shimcha akuminiatorlar bilan xam jixozlangan. Ushbi xabar berish qurulmalar jamlanmasi: ovoz kuchaytirgichlar-12 V da, tzimning ishlashini taminlovchi elektron qurilmalar-24 V da ishlashini ko’rishimiz mumkin. Bundan tashqari favfqulodda xolatlar uchun qo’shimcha liniya (kanal) xam mavjud bo’lib “UZTELECOM” bilan aloqa uzulgan taqdirda ushbu liniya (kanal) olrqali xam boshqaruv punktidan keladigan ma’lumotlarni qabul qilish imkoniyatini beradi.

Tahlil va natijalar. Yuqoridagi ma’lumotlar va o’rganishlarni inobatga oladigan bo’lsak АСОИ va СКУВ tizimi butun dunyo bo’ylab keng qo’llanilmoqda. “Sardoba” suv omborida xozirgi kunda o’rnatilgan tizim o’rganishlar natijasi shuni ko’rsatadikiy ma’lumotlarni yig’ishda, rial vaqt rejimida tahlil qilishda va yuzaga kelishi mumkin bo’lgan favfqulodda vaziyat to’rgrisida aynan axoliga xabar berish borasida qolgan tizimlarga nisbatan ustuvorligi yuqoriligini ko’ramiz.

Axoliga xabar berish qurulmalarini kundalik faoliyat rejimida ishlashini nazorat qilish borasida, sozligini tekshirish yoki o’quv mashg’uloti uchun aynan qo’shumcha ma’lumotlarni uzatish tarmog’ining tashkil etilmaganligini bundan tashqari suv toshqini xafi yuzaga kelganda barcha energiya va kamunal tizimlar favfqulodda vaziyatlarning ikkilomchi omillarnini kamaytirish maqsadida o’chirilishini inobatga oladigan bo’lsak, mavjud tizimga o’rnatilgan akkumulyatorlar energiyasi ma’lum vaqtga yetishi, so’ngra xudud axolisi rial xolar to’g’risida ma’lumotlarni olishda uzilishlar yoki butunlay to’xtashini korishimiz mumkin.

Xulosa. Ushbu tizimnng obyektga “xududga” nisbatan uning iqlim va tapagtafik xolatini to’liq o’rganib chiqqan xolda ushbu АСОИ va СКУВ tizimining ayrin qisimlariga yoki dasturiy ta’minotining (ma’lumotlarni tahlil qilish va qayta ishlash) borasida ayrim o’zgartirishlar va qo’shimchalar kiritish orqali samaradorligini ko’tarishga erishsa bo’ladi.

- Joylashtirish va nazorat tamirlash ishlarini olib borishda xodimlarga quloyliklar yaratish.
- Mustaqil energiya yoki qisman mustaqil energiya tizimiga o’tkazish.
- Axolining o’sishiga qarab ovoz kuchaytirgichlarni tizimli 3 yoki 5 yilda joylashuv o’rnini qayta ko’rib chiqish.
- Dispetchirlik bo’limida favqulodda xolad yuz beradigan bo’lsa yolg’on xabar berishning oldini olish maqsadida qo’shimcha qurilma yoki liniyalar yaratish yoki mavjut tizimni inson omiliga qismon yoki to’g’ridan to’g’ri bog’lashlozim.

Yuqorida keltirilgan takliflarni qo’llash iqtisodiy jixattan ayrim qo’shimch e’tirozlarga sabab bo’lishini yoki turli xil tushunmovchiliklarga olib kelishini korishimiz mumkun. Ammo 2020 yil 1 maydagi xolat nafaqat “Sardoba” suv omboridagi balki butun Respublidadagi suv omborlari (xavli yoki toifalangan obyekt) lardagi xabar berish tizimini takomillashtirish yoki yagona xabar berish tizimini shakillantirishga extiyoj borligini yoqqol nomoyon qildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. “Natural Hazards and Disasters” by Robert E. Kates
2. “Flood Risk Management: Hazard, Vulnerability and Mitigation” by Donald W. B. S. Caporali
3. “The Effects of Dam Failures on Communities and the Environment” by John K. H. Buckley
4. Vikipediya. "Libya – Derna shahri toshqini, 2023-yil". https://en.wikipedia.org/wiki/Derna_floods_2023
5. Gazeta.uz. "Libya – Derna shahri toshqini va uning oqibatlari". https://gazeta.uz
6. “Gidrotexnika inshootlaridagi avariyalar tahlili” Tillayev Sherzod Amirbek o’g’li, Musayev Ma’rufjon Nabiyevich (Advances in Science and Sustainability, 2025, 29–30)

UO‘T: 627.8.

HISORAK SUV OMBORLARIDA SUV RESURSLARI HISOBI VA HISOBOTINI YURITISH TIZIMINI YAXSHILASH TADBIRLARI

Kamalov Jamol Davlatboyevich
“O‘zbekgidroenergo” AJ Suv resurslarini boshqarish bo‘limi boshlig‘i
Bakiev Masharif Ruzmetovich
"TIQXMMI" Milliy tadqiqot universiteti
“Gidrotexnika inshootlari va muxandislik konstruksiyalari“ kafedrasi mudiri, texnika fanlari doktori, professor
Lazizbek Mavlanov
"TIQXMMI" Milliy tadqiqot universiteti magistri

Annotatsiya. “O‘zbekgidroenergo” AJ tomonidan suv omborlarida olib borilgan tadbirlar tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: irrigatsiya, energetika, gidropost, “Modsnow” dasturi, attestatsiya, p’ezometr, reyka.

So‘nggi yillarda global iqlimning кeskin o‘zgarish, sahrolarning kengayishi, suv resurslarining tanqisligi, o‘rmonlar va bioxilma-xillikning kamayishi insoniyat uchun nihoyatda dolzarb ekologik muammoga aylanmoqda. Shu sababli suv resurslaridan samarali foydalanish, uning aniq hisob-kitobini yuritish bugungi kunning dolzarb masalalardan biri bo‘lib bormoqda.

Shundan kelib chiqib, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-yanvardagi “Quyi bo‘g‘inda suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 5-sonli qaror qabul qilindi.

“O‘zbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyati boshqaruvidagi suv omborlariga jami 797 ming gektardan ortiq qishloq xo‘jaligi ekin maydonlari bog‘langan bo‘lib, joriy yilda suv omborlaridan samarali va xavfsiz foydalanishni tashkil etish boshqarmasi tomonidan suvdan foydalanuvchi hamda suv iste’molchilar o‘rtasida suvdan foydalanish va iste’mol qilish bo‘yicha belgilangan tartibda shartnomalar tuzildi. Shuningdek, har bir tuzilgan shartnomalar hamda suvni hisobga olish bo‘yicha maxsus jurnallar Suv xo‘jaligi vazirligi va “Suvxo‘jaliknazorat” inspeksiyasi tomonidan ro‘yxatdan o‘tkazildi [1].

“O‘zbekgidroenergo” aksiyadorlik jamiyati boshqaruvidagi suv omborlari hududlaridagi qor qatlamlarni baholash va suvning kelishini prognoz qilish imkonini beruvchi Germaniyaning “GFZ Potsdam” ilmiy tadqiqot institutining “MODSNOW” dasturiy ta’minoti ishga tushirildi. Buning natijasida suv omborlaridagi suv resurslarini boshqarish irrigatsiya va energetika rejimiga optimallashtirib, yillik 250,0 mln.m^3 gacha suvlarni salt (tranzit) chiqarilishi oldi olindi hamda 54,mln. kv.soat elektr energiyasi ishlab chiqarilishi ta’minlandi.

Jamiyat boshqaruvida bo‘lgan Andijon, Ohangaron, Sardoba, Hisorak va To‘polang suv omborlaridagi jami 40 ta suv o‘lchash gidropostlari attestatsiyadan o‘tkazilib, ularning metrologik hujjatlari yangilandi.



Zamonaviy suv o‘lchash vositalari yordamida nazorat-o‘lchov ishlari olib borilib, o‘lchov natijalari asosida gidropostlar tarirovka qilindi hamda suv sarfi jadvallari qayta ishlab chiqildi [1].

Suv omborlarda joylashgan jami 82 ta sath o‘lchash reykalari (гидромерическая рейка морская) o‘rganilib, nosoz holatdagi reykalar yangi zamonaviysiga almashtirildi.

Suv omborlarda 40-50 yildan buyon foydalanib kelinayotgan eski rusumdagi “ГР-21м” suv o‘lchash vositalari (гидромерическая вертушка) foydalanishdan chiqarilib, yangi zamonaviy elektromagnit to‘lqinli “MGG-KL/DCB” turidagi suv o‘lchash vositalari bilan ta’minlandi. Mazkur suv o‘lchash vositalaridan foydalanish bo‘yicha suv omborlarda 3 kunlik o‘quv-amaliy seminarlar tashkil qilindi. Suv omborlarda joylashgan bosimsiz p’ezometrlardagi suv sathini aniq va to‘g‘ri kuzatish ishlarini tashkil qilish maqsadida Kanada davlatida ishlab chiqarilgan “Solinist TLC-107” zamonaviy turidagi sath o‘lchash vositalari amaliyotiga tadbiq qilindi. Kelgusida bosimsiz p’ezometrlardagi suv sathlarni ushbu zamonaviy uskunalar yordamida o‘lchash ishlari amalga oshirish belgilab olindi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. “O‘zbekgidroenergo” AJ tomonidan olib borilgan amaliy tadbirlar hisoboti.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 5-yanvardagi “Quyi bo‘g‘inda suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 5-sonli qarori.

УЎТ: 628.218

СОБИРСОЙ СУВ ОМБОРИ ЛОЙҚА-ЧЎКИНДИЛАР МИҚДОРИНИ НАТУРА-ЎЛЧОВ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Улугбеков Бобур Бобомуратович
катта илмий ҳодим (PhD)
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
Турсинов Шахимардан Куанишбай ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти
Кадиров Жавахир Яхшимурат ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти
Сайдуллаев Отабек Абдулла ўғли
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Собирсой сув омбори ҳажм ўзгаришининг ҳозирги ҳолати, ундаги лойқа-чўкиндилар миқдори, сув омбори ҳавзасидаги лойқа миқдорини аниқлаш ҳамда сув сиғимини аниқлаш технологиясига оид маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сув омбори, лойқа, чўкиндилар миқдори, сув сиғими, доплер кўрсаткичи.

Аннотация. В данной статье представлена информация о современном состоянии изменения объема Собирсайского водохранилища, количестве наносов в нем, определении количества наносов в бассейне водохранилища и технологии определения емкости воды.

Ключевые слова: водохранилище, количество ила, наносов, водоемкость, показатель Доплера.

Abstract. This article presents information on the current state of volume change in the Sobirsoy reservoir, the amount of sediments in it, the technology for determining the amount of sediment in the reservoir basin, and the technology for determining water capacity.

Key words: reservoir, silt, sediment content, water capacity, Doppler index.

Кириш. Бугунги кунда Республикамиз халқ хўжалигининг турли тармоқларини эхтиёжларини тўла таъминлаш мақсадида ҳар йили ўртача 70 км^3 атрофида сув ресурслари ишлатилади. Ушбу миқдордаги талабнинг 56-60 км^3 га тенг қисми ер усти сувлари ҳисобига таъминланса колган қисми ер

ости сувлари ҳисобига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки сув ресурслари танқис бўлган ва сифати ёмонлашиб бораётган шароитда сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш Республиканинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди.

Сув омборларидан сув истеъмолчилар ва сувдан фойдаланувчиларни ўз вақтида, узлуксиз сув билан таъминлаш учун сув ҳажми захираларини яратиш ва уни сақлаб туриш вазифаси ҳам долзарб саналади.

Материал ва услублар. Собирсой сув омбори ҳавза (чаша) сидаги лойқа миқдорини аниқлашда, замонавий GPS қурилмали SONTEC S5 русумли доплер-профилографидан (1-расм) ҳамда ҳавзанинг сув бўлмаган, қуруқ қисми Leica фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган Sprinter 250 M русумли электрон нивелир ва унинг GSS111 №741882/1 ва №741882/2 (беш метрлик) штрих-кодли рейкаларидан фойдаланилди (2-расм).

GPS қурилмали SONTEC S5 русумли доплер-профилографнинг характеристикаси 1-жадвалда ва кўриниши 1-расмда, Leica фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган Sprinter 250 M русумли нивелирнинг кўриниши 2-расмда келтирилган.

1-расм. **SONTEC S5 русумли доплер-профилографи**



2-расм. **Leica Sprinter 250 M маркали нивелир ва Leica GSS113 маркали штрихли рейка**

Натижалар ва мунозара. Сув омбори ҳавза (чаша) сидаги лойқа миқдорини аниқлашда ўлчов-тадқиқотларини ўтказиш учун чашанинг лойиҳавий топографик харитаси топилди. Сув омбори чашасининг лойиҳавий қирғоқ узунлиги, максимал кенглиги, максимал чуқурлиги ва ҳ.к. каби параметрлари аниқлаштириб олинди.

Чашанинг ҳозирги кундаги меъёрий димланган сатҳ (МДС) белгисидаги юзасининг харитаси орқали тўғон томондан бошлаб ҳар 300 м оралиқ масофадан чашанинг бошланиши (сув кириш қисми) га қадар 9 та створлар қурилди (3-расм).

Ҳар бир створнинг биринчи қирғоғидан, иккинчи қирғоғига қараб махсус аппаратлар ёрдамида ўлчовлар олиб борилди (1-2-расмлар). Створларда ўлчовлар олиб борилаётганда чашанинг сув йўқ бўлган, қуруқлик қисмида Leica-Sprinter 250 M электрон нивелиридан фойдаланган ҳолда геодезик-топографик ўлчовлар ўтказилди.

Ҳозирги кунда сув билан қопланган қисмида эса SONTEC S5 русумли доплер-профилографи ёрдамида ўлчовлар амалга оширилди.

Сув омбори қурилиб, эксплуатация қилиниб келаётгандан ҳозиргача чашадаги лойқаланган ҳажмини аниқлаш бўйича хеч қандай кузатувлар олиб борилмаган.

Олиб борилган ўлчов-тадқиқотлари асосида олинган маълумотларни ҳисоблаш орқали ҳозирги кундаги сув ҳажмини топиш учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$W_{\text{умумий ҳажм}} = W_{\text{ств }1\text{ҳажм}} + \cdots + W_{\text{ств }n\text{ ҳажм}}, \text{ (млн.м}^3\text{)}; \quad (1)$$

Бу ерда:

$$W_{\text{ств ҳажм}} = \frac{A_1 \cdot \sum S_{\text{ств}} + A_2 \cdot \sum S_{\text{ств}}}{1\,000\,000}, \text{ (млн.м}^3\text{)}; \quad (2)$$

Бу ерда: A_1-створнинг биринчи ён оралиқ масофаси (м);

A_2 – створнинг иккинчи ён оралиқ масофаси (м).

$$\sum S_{\text{ств}} = S_{\text{ств}_1} + \cdots + S_{\text{ств}_n}, \text{ (м}^2\text{)}; \quad (3)$$

$\sum S_{\text{ств}}$ – створнинг МДС даги тирик кесим юзаси йиғиндиси (м^2).

$$S_{\text{ств}} = L_{\Delta} \cdot H_{\Delta}, \text{ (м}^2\text{)}; \quad (4)$$

Бу ерда: L_{Δ}-ҳар бир ўлчов нуқтасидаги масофа, (м);

$$H_{\Delta} = H_{\text{мдс}} - H_i, \text{ (м)}; \quad (5)$$

$H_{\text{мдс}}$-меъерий димланган сатҳ, (м);

H_i-ўлчов нуқтасида топилган чуқурлик (м);

Ўлчов тадқиқотларидан олинган маълумотлар асосида 1-створ бўйича сув омбори чашасидаги сув ҳажмини ҳисоблаш:

$W_{\text{ств-1 ҳажм}}$=19·79805,9+150·630046,3/1000000=0,71 млн.м^3;

$\Sigma S_{\text{ств-1}} = L_{\Delta} \cdot H_{\Delta} = 4200{,}3$;

$H_{\Delta} = 429{,}4 - H_i$;

Ҳар бир створдаги сув ҳажми ушбу усул орқали ҳисобланиб чиқилди ва қуйидаги натижага эришилди.

$W_{\text{умумий ҳажм}}$=0,71+…$W_{\text{ств-2 ҳажм}}$+$W_{\text{ств-3 ҳажм}}$+...$W_{\text{ств }n\text{ ҳажм}}$=$W_{\text{умумий ҳажм}}$



3-расм. **Сув омбори чашасида лойқа-чўкиндиларни ўлчаш тадқиқотлари олиб борилган створлар**



4-расм. **Створ бўйлаб ҳаракат чизиғи**



5-расм. Створнинг узунлиги бўйлаб эгри чизиғи (профили)



Сводка измерений расхода

Дата измерения: 2 августа 2022 г.

Информация о месте измерения		Информация об измерении	
Название места	Sabirsay	Партия	Ulugbekov
Номер станции	1-3 stvor	Судно/двигатель	TBSM dopler
Расположение	Nurobod	Число измерений	1

Информации о системе		Настройка системы		Единицы	
Тип системы	RS-S5	Глубина дат-чика (м)	0,10	Расстояние	м
Серийный номер	6499	'Теневая' зона (м)	0,00	Скорость	м/с
Версия прошивки	4.10	Соленость (промилле)	0,0	Площадь	м2
Версия программы	4.2	Магнитное склонение (градус)	5,2	Расход	м3/с
				Температура	град.С

Настройки расчета расхода				Результаты	
Метод трассировки	Bottom-Track	Тип слева	Наклонный берег	Ширина (м)	593,311
Привязка глубины	Вертик. луч	Тип справа	Наклонный берег	Площадь (м2)	1 143,038
Система координат	ENU	Тип экстрап.сверху	Степенная зависимость	Средняя скорость (м/с)	-0,004
		Тип экстрап. к дну	Степенная зависимость	Общий расход Q (м3/с)	-4,775
		Положение уровня на старте (м)	0,00	Максимальная измеренная глубина	3,103
		Положение уровня в конце (м)	0,00	Максимальная измеренная скорость	1,468

Результаты измерений

Трек	Время		Расстояние				Средняя скорость		Расход						%	
#	Время	Продолжительность	Температура	Трек	DMG	Ширина	Площадь	Носитель	Вода	Слева	Справа	Верхняя часть	Средняя часть	Нижняя часть	Общий	МВсумма	Измеренный
3	17:23:11	0:06:55	26,5	593,70	580,31	593,311	1 143,038	1,431	-0,004	0,02	-0,20	-0,35	-3,52	-0,73	-4,775	--	73,2
		Среднее	26,5	593,70	580,31	593,311	1 143,038	1,431	-0,004	0,02	-0,20	-0,35	-3,52	-0,73	-4,775	0,000	73,2
		Стандартное отклонение	0,0	0,00	0,00	0,000	0,000	0,000	0,000	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,000	0,000	0,0
		COV	0,0	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000

Выдержка: 0:06:55

Сеч3 =20220802172332r.rivr;

Комментарии

Сеч3 =20220802172332r.rivr - Sunny;

Калибровка компаса

Калибровка Пройдена
Ошибка курса: 0.06 deg
Напряженность магн.поля: 10050.72

Тангаж: -22/27
Крен: -20/30

Тест системы

6-расм. **Ўлчов тўғрисидаги умумий маълумотлар базаси**

Сув омбори чашасида сатҳлар бўйича сув сиғими кўрсаткичлари

Тадқиқот-ўлчовлари асосида олинган маълумотларни ҳисоб китоб қилиш орқали, створларнинг узунлиги ва ҳар бир створлар орасидаги сув сиғими ҳисобланди. Ҳисоблаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўлчов-тадқиқотлар маълумотларини ҳисоблаш орқали аниқланган створлар узунлиги ва створлар орасидаги сув сиғими

№	Створлар №	Створ узунлиги, м	Створлардаги сув сиғими, млн.м^3
1	Створ-1	844,3	0,82
2	Створ-2	847,0	1,75

3	Створ-3	650,0	1,45
4	Створ-4	888,4	1,12
5	Створ-5	890,2	0,73
6	Створ-6	749,1	0,24
7	Створ-7	699,9	0,12
8	Створ-8	899,0	0,09
9	Створ-9	705,0	0,05
Сув омборининг умумий сув ҳажми, млн.м^3			**6,37**

Тадқиқот нитижалари асосидан такидлаш мумкинки, ҳозирги кунда сув омборининг меъёрий димланган сув сатҳи белгисидаги умумий сув ҳажми 8,0 млн.м^3 ни ташкил этади, ўлик сув сатҳи белгисида эса 2,5 млн.м^3 ни ташкил этади.

4-жадвалда сув омбори чашасининг ҳажмини ва сув сатҳига боғликлиги келтирилган бўлса (10-расм), 5-жадвалда сув ҳажмини ва сув юзаси майдонига боғлиқлиги келтирилган (11-расм).

2-жадвал

Сув омбори чашасининг ҳажмини ва сув сатҳига боғланиш эгри чизиқ ординаталари

Белги Н, (м)	**Ҳажм, млн.м^3**	
	Лойиҳавий	**2022 йилдаги ўлчов**
422	0,78	0,57
423	0,99	0,76
424	1,21	1,04
425	1,69	1,44
426	2,50	1,98
427	3,43	2,59
428	4,80	3,51
429	6,96	5,08
429,4	8,00	6,37



7-расм. **Сув омбори ҳажмини ва сув сатҳига боғлиқлик графиги**

Хулоса. Ўлчов-тадқиқотлари натижалининг маълумотларини ҳисоблаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали қуйидагилар хулоса қилинади:

- ҳозирги кунда сув омборининг меъёрий димланган сув сатҳи белгисидаги умумий сув ҳажми 6,37 млн.м^3 ни ташкил этади.

- ўлик сув сатҳи белгисидаги сув сиғими 1,98 млн.м^3 га тенг.

- сув омбори чашасининг меъёрий димланган сув сатҳи белгисидаги умумий қирғоқ узунлиги 7,48 км дан иборат.

Ключевые слова. Насос Д6300-27, алгоритм измерения, алгоритм управления, расход воды, датчик давления, ПИД-регулятор, математическое моделирование, амкнутый контур, автоматизация, переходной процесс, устойчивость.

Abstract: This article is devoted to the issues of automation of measurement and control systems of pumping units of the KAK-1 pumping station. The article considers the algorithm for collecting pressure measurements at the pump outlet, as well as the processes of designing and mathematical modeling of a closed loop for controlling water flow. In order to ensure the stability and efficiency of the system, the PID controller settings and the results of modeling in the Simulink software environment are analyzed.

Keywords. D6300-27 pump, measurement algorithm, control algorithm, water flow, pressure sensor, PID controller, mathematical modeling, closed loop, automation, transient process, stability.

Кириш. Ҳозирги вақтда суғориш насос станцияларидаги насос агрегатлари ишлашини автоматлаштиришга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Автоматлаштириш ходимларни монотон ва оғир меҳнатдан озод қилади. Бундан ташқари, суғориш тизимида автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади, шу билан бирга инсон омилининг технологик жараёнларга таъсирини камайтиради [1].

Суғориш насос агрегатларининг ишончли ва самарали фаолиятини таъминлашда автоматлаштирилган бошқарув алгоритмик блок-схемаларини ишлаб чиқиш ва уларни Matlab/Simulink муҳитида таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ёндашув тизимни аниқ моделлаш, бошқариш сифатини ошириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

КАК-1 насос станциясида Д6300-27 маркали 6 та насос агрегати мавжуд. Шу жумладан насос станцияларининг иш фаолиятини бахолаш мақсадида Норин-Қорадарё ирригация тизимлари хавза бошқармаси хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли КАК-1 насос станциясида тадқиқот олиб борилди. Насос станция Андижон вилояти Баликчи туманида жойлашган бўлиб, 1977-йил иш фаолиятини бошлаган ва 2025 гектар ерга сув етказиб бериш учун хизмат қилади. КАК-1 насос станциясида 6 дона Д6300-27 маркали марказдан қочма насос ўрнатилган, СД13-42-10 русумли электродвигателдан фойдаланилмоқда. Насос станциясининг сув кўтариш баландлиги 14 метр, умумий сув чиқариш қобиляти 9 $м^3/с$, умумий қуввати 2400 кВт ни ташкил этади. КАК-1 насос станциясининг узоқ йиллардан буён тўхтовсиз ишлаб келаётганлиги сабабли насосларнинг ишчи қисмлари ва деталлари жисмоний эскиришга

учраган. Илмий тадқиқотлар шуни қўрсатдики хозирда насос станциянинг сув чиқариш қобиляти 15% гача пастлагани аниқланди [2].

Материал ва услублар. Ўлчов канали сифатида насос блокининг чиқишидаги босим датчиги танланди ва у учун маълумотлар тўплаш алгоритминиг блок-схемаси ишлаб чиқилди. Ўлчов каналидан маълумотлар тўплашнинг алгоритмик блок-схемаси 1-расмда келтирилган [3].



1-расм. **Ўлчов каналидан маълумотлар тўплашнинг алгоритмик блок-схемаси**

Д6300-27 насос агрегати киришида сув сарфи оқимини бошқариш учун насоснинг сўриш қувурига тескари клапандан фойдаланилади. Ушбу тескари клапаннинг оптимал бошқаруви математик моделлаштириш орқали амалга оширилади ва аниқланади. Яъни, сув сарфи оқим бўйича узатиш функциясига эга ва у кечикишли апериодик бўғин сифатида тасвирланади:

$$W(p) = \frac{1}{Tp+1} \cdot e^{-\tau_0 p}; \quad (1)$$

$$T = \frac{2 \cdot L \cdot f \cdot c^2}{Q}; \ \tau_0 = \frac{L \cdot f}{Q}; \ c = \frac{Q}{f} \cdot \sqrt{\frac{\rho}{2 \cdot \Delta P \cdot g}}; \quad (2)$$

Бу ерда: L-ўлчов нуқтаси ва бошқарув нуқтаси орасидаги қувур узунлиги; ρ-сув зичлиги; d-қувур диаметри; ω-қувур кесим юзаси; ΔP-қувурдаги босимлар фарқи; τ_0-кечикиш вақти; T-вақт доимийси.

Объект параметр учун қуйидаги қийматларини оламиз:

L=25 m;

Q=6300 m^3/soat = 1,75 m^3/s;

$$\Delta P=1MPa;$$

$$\omega = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3{,}14*(0{,}8^2)}{4} = 0{,}5024 \text{ м}^2;$$

ρ=1000 kg/m^3.

(2) - формулаларга сон қийматларини қўямиз ва қуйидагиларга ега бўламиз:

$$c = \frac{0{,}175}{0{,}0829} \cdot \sqrt{\frac{1000}{2 \cdot 10^6 \cdot 10}} = 0{,}1493 \text{ s};$$

$$\tau_0 = \frac{25 \cdot 0{,}5024}{1{,}75} = 7{,}1771 \text{ s};$$

$$T = \frac{2 \cdot 25 \cdot 0{,}5024 \cdot 0{,}1493^2}{1{,}75} = 0{,}32 \text{ s}.$$

Натижада бошқарув объектининг математик модели қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$W(p) = \frac{1}{0{,}32p+1} \cdot e^{-7{,}1771p};$$

Кечикиш вақти ва вақт доимийси нисбатини аниқлаймиз:

$$\frac{\tau_0}{T} = \frac{7{,}1771}{0{,}32} > 1;$$

Бу нисбат бирдан катта бўлиб, бу объект катта транспорт кечикишига эга эканини, яъни сигнал ёки таъсирнинг етиб бориши учун узоқ вақт талаб қилинади ва шу сабабли бошқаришда анча мураккаб ҳисобланади [4].
Бошланғич тизимни қўрамиз. Бошланғич тизим 2-расмда келтирилган.



2-расм. **Симулинкдаги модел схемаси**

Натижа ва мунозара. Бошқарув органи ёпиқ контур сифатида тасвирланади. Бу контурнинг тўғри занжирида биринчи тартибли апериодик бўғин (электромеханик қисм), сигнал ўзгариш тезлигини чекловчи RateLimiter бўғини, бурчак тезликни ҳаракат бурчагига айлантирувчи интегратор ва бурчак ҳаракатини чекловчи Saturation бўғини жойлашган.

Тизим иккита контурга эга: электр юритманинг ёпиқ контури ва тўғридан-тўғри ташқи бошқарув контури.

Тизимга ташқи таъсирлар ҳам салбий таъсир кўрсатади, булар атроф-муҳит ўзгариши ёки объектга механик таъсир туфайли юзага келиши мумкин.

Ички контур учун ПИД-регуляторни Simulinknинг автосозлаш функцияси ёрдамида созлаймиз (3-расм).



3-расм. ПИД-регулятор автосозлашдан кейинги характеристикаси

Графикда вақт (секундларда) горизонтал ўқда, амплитуда эса вертикал ўқда жойлашган. Тизим 0 дан бошланиб, 1,2 амплитудага тез эришади (тахминан 2-3 секунд ичида) ва кейин амплитуда бироз пасайиб, 1 га яқинлашади ва 20 секунд давомида шу даражада барқарор бўлиб қолади. Бу график тизимнинг қадамли сигналдан кейин барқарорлашувини ва мослашувчанлигини кўрсатади. Автосозлаш ёрдамида қуйидаги ПИД-регулятор қийматлари олинди:

1-жадвал

ПИД-регулятор қийматлари

Параметр	Қиймати
K_p	0,0427
K_i	0,1333
Kd	0,3063

Ташқи контур учун регулятор коэффициентларини аниқлаш учун ҳам ПИД-регуляторнинг автосозлаш функциясидан фойдаланамиз. ПИД-регулятор маълумотлари 2-жадвалда келтирилган:

2-жадвал

Ташқи контур ПИД-регулятор қийматлари

Параметр	Қиймати
K_p	0,0535
K_i	14,35
Kd	3,59 s



4-расм. Ўтиш характеристикавий графиги

Графикда вақт (секундларда) горизонтал ўқда, амплитуда эса вертикал ўқда кўрсатилган. Кўк чизиқ тизимнинг ўтиш характеристикасини ифодалайди, у 7,1771 с вақт ўтиши билан секин-аста ўсиб, тахминан 0,9 амплитудага яқинлашади. Сигнал ёки таъсирнинг етиб бориш вақти (транспорт кечикиши) ва ўрнатилиш вақти оралиғи 11,7 с бўлиб, бу тизимнинг динамик хусусиятларини кўрсатади.



5-расм. Тизим чиқишида осциллограф кўрсаткичлари графиги

Графикда D6300-27 маркали насос агрегати учун тузилган математик модел асосида тизим чиқишида осциллограф кўрсаткичларига нисбатан тизим чиқишининг динамик жараёни тасвирланган. Узатиш функциясидаги катта кечикиш (τ=7,1771 с) ва вақт доимийси (T=0,32 с) тизимнинг инерцион ва ортиқча инерцияли бўғин эканини кўрсатади. Графикдан кўриш мумкинки, қадам сигнали берилганидан сўнг, чиқиш жавоби дарҳол ўзгармайди, балки маълум вақт (тахминан 7 с) кечикиш билан бошланади. Бу ҳолат реал насос босимининг қувуридаги транспорт кечикишини, яъни сигнал ёки таъсирнинг етиб бориши учун узоқ вақт талаб қилишини ифодалайди. 11,7 секунд вақтида тизим чиқиши ўзининг деярли барқарор ҳолатига етиб боради. Бу вақт ўткинчи жараён тугаш вақти деб баҳоланади ва PID регуляторни созлашда муҳимдир [4].

Хулоса. Мақолада КАК-1 насос станциясидаги Д6300-27 насос агрегатлари учун автоматлаштирилган бошқарув тизимининг Матлаб/Симулинк дастури асосида математик моделлаштириш жараёни таҳлил қилинди ва босим ўлчови ва сув сарфини назорат қилишнинг алгоритмик блок-схемаси ишлаб чиқилиб, ПИД-регулятор параметрлари автосозлаш орқали аниқланди. Тизимнинг ўткинчи жараёнлари ва барқарорлик хусусиятлари таҳлил қилиниб, катта кечикишга эга бошқарув объектларини самарали бошқариш имконияти кўрсатилди.

Бундай таҳлил суғориш тизимларида насос агрегатларининг ишлаш самарадорлигини оширишга, технологик жараёнларни оптималлаштиришга ва ресурслардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Бундай моделлаштириш усули насос станцияларида автоматлаштирилган тизимларни ростлашда ва назорат қилишда тўғри регулятор танланганлигини, энергия тежамкорлигига ва ишончли ишлашига эришилганлигини кўрсатади. Шунинг учун ушбу сифат кўрсаткичлари тизим учун мақбулдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Н.В.Гусев, С.В.Ляпушкин, М.В.Коваленко. Автоматизация технологических комплексов и систем в промышленности: учебное пособие: Томский политехнический университет. – Томск, 2011, -198 с;

2. М.Мамажонов, Д.Р.Базаров, Т.Турсунов, Б.Р.Уралов, Насос станцияларидан фойдаланиш ва дигностикаси: олий ўқув юртлари учун дарслик/

3. ГОСТ 21.208-2013. Система проектной документации для строительства. Автоматизация технологических процессов. Обозначения условных приборов и средств автоматизации в схемах [Электронный ресурс] – Режим доступа – URL: http://docs.cntd.ru/document/1200108003 (дата обращения 25.04.2020);

4. Р.Н.Усманов, В.С.Хамидов, К.Т.Абдурашидова, Д.Н.Хабирова. “Амалий дастурий пакетлар” ўқув қўлланма. Т.: "Алоқачи", 2019, 160 бет.

5. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Абдуғоппоров И.А., Ирригация насос станцияларидаги марказдан қочма насосларнинг эскиришини бахолаш // “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил.

6. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Мирзахамдамова Н.Р., Ирригация насос станцияларининг иш фаолиятини бахолаш // “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил.

7. Mamazhonov M., Matyakubov B., Shakirov B.M., Makhmudov A., Polymer materials used to reduce waterjet wear of pump parts // HIRM-2021. IOP Publishing. Journal of Physics: Conference Series 2176 (2022) 012048 doi:10.1088/1742-6596/2176/1/012048.

8. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., Sirochov A.M., Carrying out hydraulic calculation of the aquifer of pumping stations and work with sediments (in the example of the Ulugnor pumping station)// Eurasian Journal of Engineering and Technology. 2022, № 4, c.88-92.

9. Safarov, I. X. (2024). PROBLEMS OF ASSESSING THE RELIABILITY OF INPUT DATA IN INFORMATION SYSTEMS. Экономика и социум, (6-1 (121)), 582-585. https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-assessing-the-reliability-of-input-data-in-information-systems.

10. Safarov I. (2023). Automation of clean drinking water supply processes in agriculture systems. Экономика и социум, (11 (114)-2), 390-393. https://cyberleninka.ru/article/n/automation-of-clean-drinking-water-supply-processes-in-agriculture-systems.

11. Xasanovich,S.I.,&Azimjon o‘g‘li, M. X. (2025). Gidroturbinalarni dinamik kuchlarini tahlili. izlanuvchi, 1(4),22-25. https://phoenixpublication.net/index.php/Izlanuvchi/article/download/2268/1894
.

12. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., O‘rinov I.SH., Maxmudov D., Botirova N.M., Evalution of the texnical and economic efficiency of centrifugal pumps at irrigation pumping stations// Универсум техничтские науки №10(127) октябр, 2024, c. 52-54.

13. Shakirov B.M., Matyakubov B., Mamazhonov M., Shakirov B.B., Forebays of the poligonal cross-section of the irrigating pumping station // Международная научная конференция "Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering" (CONMECHYDRO - 2020).

14. Uralov B., Shakirov B.M., Mutalov Sh., Khakimova G., Sirojov B., Raimova I., Influence of hydroabrasive wear of impeller blades on head of centrifugal pump // E3S Web of Conferences 365, 03012 (2023) https://doi.org/10.1051/e3sconf/ 202336503012, *CONMECHYDRO – 2022*.

15. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shakirov B.B., Forecasting factors affecting the water prevention of centrifugal pumps // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 5–6, 2018 (May–June), -304-307.

16. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shermatov R.Yu., Hydraulik operating mode of the water receiving structure of the polygonal cross section // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 7–8, 2018 (July – Auqust), -241-244.

17. Мамажонов М., Шакиров Б.М., Шерматов Р., Повышение эффективности эксплуатации насосных станций оросительных систем // “Проблемы управления водными и земельными ресурсами.” Международный научный форум. Москва, 30 сентября 2015г. Часть 2.

18. Мамажонов М., Шакиров Б.М., Шерматов Р.Ю., Закиров Р., Экономические показатели рекомендаций по повышению эффективности

насосных станций // “Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства”. Международная научно-практическая конференция, посвящённая году экологии в России. С. Соленое Займище. Астраханская область. Россия – 2017 г. 18-19 май. 1011-1016с.

19. Шакиров Б.М., Эрматов К.М., Абдухалилов О.А., Шакиров Б.Б., Экспериментальная установка по исследованию центробежных насосов на кавитационный и гидроабразивный износ. // Международный научный журнал. 2022, № 5, с.692-697.

20. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., Sirochov A.M., Carrying out hydraulic calculation of the aquifer of pumping stations and work with sediments (in the example of the Ulugnor pumping station)// Eurasian Journal of Engineering and Technology. 2022, № 4, с.88-92.

УЎТ: 621,65:681,5

МАРКАЗДАН ҚОЧМА НАСОСЛАРДА СОДИР БЎЛАЁТГАН КАВИТАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАДҚИҚОТИДА ЎРГАНИШ

Шакиров Бахтиёр Махмудович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти профессори, техника фанлари доктори

bshakirov@mail.ru

Саидходжаева Дилсорахон Абдурахмоновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти

dilsoraxonsaidxodjayeva@gmail.com

Абдухалилов Обомуслим Абдумажид ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти

obomuslimabduhalilov09@gmail.com

Ўринов Искандар Шухратбек ўғли

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

iskandarorinov@gmail.com

Аннотация: Мақолада насос станцияси бўйича лойиҳавий маълумотлар, ишлаш шароитларини таҳлил қилиш ва шу асосида насос станцияси ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тадбир ва тавсияларни ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Насос станцияси, сув манбааси, бош сув олувчи иншоот, сув олиб келувчи канал, аванкамера, насос ишчи ғилдираги, сўриш ва босимли қувурлар.

Аннотация: В статье рассмотрены проектные азатели насосной станции, анализ условий их эксплуатации и на основе этого разработка научно обоснованных мероприятий и рекомендаций по повышению эффективности эксплуатации работы насосной станции.

Ключевые слова: Насосная станция, источник воды, главное водоприемное сооружение, подводящий канал, аванкамера, рабочее колесо насоса, всасывающий и напорный трубопроводы.

Annotation: The article covers design data on the pumping station, analysis of operating conditions and, on the basis of this, the development of scientifically based measures and recommendations for increasing the efficiency of the pumping station's operating mode.

Key words: Pumping station, water source, main water receiving structure, water carrying channel, vane chamber, pump impeller, suction and pressure pipes.

Кириш. Жаҳонда ирригация тизимларидаги насос станцияларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг ишончли ва кафолатли ишлашини таъминлаш масалалари етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида насос станциялар ишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, энергия ва ресурслар тежамкорлигига эришиш, сув етказиб бериш технологик жараёнини бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш устувор вазифалар ҳисобланади.

Жаҳоннинг етакчи илмий муассасалари насос станцияларининг ишлаш самарадорлигини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳамда янги техник ечимлар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу соҳада насос станциялардаги марказдан қочма насоснинг сув оқими қисмини модернизация қилиш, ишчи ғилдиракларни таҳлил қилиш, насос агрегатларининг ишлаш режимларини оптималлаштириш, бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асослаш ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда ирригация тизимларидаги насос станцияларни модернизация қилиш ва реконструкциялаш, иншоотлар ва жиҳозларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш, эскирган жиҳозларни замонавий, энергия тежамкор жиҳозлар билан алмаштириш, насос станцияларда сув оқимини бошқариш орқали эксплуатацион режимларни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва аниқ натижаларга эришилган. Ҳозирги кунда Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг 55 фоизидан ортиғи, яъни 2,4 млн. гектар экин майдонлари насос станциялар ёрдамида суғорилмоқда ва бунинг учун 2020 йилда 7,172 млрд.кВт·соат электр энергияси (мамлакат бўйича энергия истеъмолининг 10,4 фоизи) сарф қилинди. Энергия истеъмолининг жуда юқорилиги насос станцияларда тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида аҳамият беришни талаб этмоқда, жумладан, энергияни тежайдиган янги конструкциялар ва технологик ечимларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон фармонида қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича йўл харитасида

гидротехника иншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда насос агрегатлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича комлекс чора-тадбирларни доимий равишда амалга ошириб бориш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам энергия тежовчи ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, насос станциялари иш режимини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш белгиланган. Мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи. Марказдан қочма насослар сув оқим қисмининг ишчи элементларига қаттиқ заррачаларнинг маҳаллий консентрацияси ва таъсир қилиш бурчагини аниқлаш усули Мамажонов М., Мухаммадиев М.М., Гловацкий О.Я., Шакиров Б.М., Эргашев Р.Р., Мажидов Т., Рашидов Ж.И., Бекчанов Ф.А., Рустамов Ш.Р. ва бошқалар томонидан таклиф этилган.

Ҳозирги кунда ирригация насос станцияларидаги марказдан қочма насосларнинг янги конструктив параметрларини аниқлаш ва иш режимларини ишлаб чиқиш, насос оқим қисми параметрларини такомиллаштириш, спирал камерани модернизация қилиш, чиқиш патрубкасини янги конструкцияларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор масалалар тўлиқ ечилмаган. Оқим қисми параметрлари ўзгартирилган марказдан қочма насоснинг асосий кўрсаткичлари, ишчи ғилдиракнинг интенсив ишлашини ҳисоблаш, янги конструкцияга эга ишчи ғилдирак ишлаб чиқиш, кураклар сонини ўзгартириб, характеристик натижалар олиш, кураклнинг чиқиш ва кириш бурчакларини ўзгартириб, насос ичидаги оқим гирдобини камайтириш, марказдан қочма насос ишчи ғилдиракларининг кавитацион-гидроабразив емирилишини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш, насос ишчи деталларини минимал емирилишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг рационал иш режимини танлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Материал ва услублар. Суюқлик оқими ичидаги босим, суюқликнинг белгиланган температурадаги тўйинган буғлари босимига

туширилиши натижасида ҳосил бўлган пуфакчаларнинг шаклланиш жараёни (яъни суюқликнинг қайнаши) кавитация деб аталади. Насосларни лойиҳалашда ишлаб чиқарувчилар ҳар доим ушбу ёқимсиз ҳодисани ҳисобга олади. Суюқлик оқимидаги паст зўриқмалар натижасида сувнинг қайнаши (буғ ҳосил бўлиши) ва оқимнинг яхлитлигини узилиши туфайли юзага келадиган микрозарбалар ҳам кавитация деб қаралади [2]. Кавитация - мураккаб физик жараён бўлиб, ҳозирга қадар тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Физикадан маълумки, босим пасайганида сув пастроқ ҳароратда қайнайди. Масалан, босим 2 кПа даражасигача пасайганда, сув ўзининг одатдаги қайнаш ҳароратидан анча паст ҳароратда ҳам қайнай бошлайди. Насосларда, айниқса сўрилиш қисмида босимнинг шундай даражада пасайиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, бу ҳолда суюқликда буғ пуфакчалари ҳосил бўлади. Ушбу буғ ва суюқлик аралашмаси ишчи ғилдирак кураклари орқали насоснинг паст босимли қисмида сўрилиб, юқори босимли қисмига ўтганида, буғ жадал конденсацияга учраб - яна суюқ ҳолатга ўтади. Бу жараёнда буғ пуфакчалари кескин равишда ёрилиб, локал гидравлик зарбалар (гидрозарбалар) ҳосил қилади. Бу эса қисқа муддатда жойларда босимнинг жуда юқори даражада ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай кескин босим тебранишлари насос деталларининг механик емирилиши ва кавитацион шикастланишига олиб келиши мумкин. Буғ пуфакчалари ёрилиши вақтида, уларнинг марказидаги босим қиймати ўнлаб мегапаскаль (МПа) даражасига етиши мумкин. Кавитация жараёнида бу пуфакчалар, асосан, ишчи ғилдирак кураклари атрофида ва унинг юза қисмларига яқин жойларда ёрилади. Бундай кескин босим импульслари насоснинг ишчи элементларига жиддий механик таъсир кўрсатади [1]. Ёрилиш натижасида вужудга келадиган импульслар юқори частотали митти зарбалар (микрозарбалар) кўринишида бўлиб, ишчи ғилдирак кураклари ва девор юзаларининг локал ва тезкор емирилишига олиб келади. Бу ердаги материалнинг умумибий мустаҳкамлик кўрсаткичлари қисқа муддат ичида пасаяди, бу эса насоснинг ишончлилиги ва узоқ хизмат қилишига салбий таъсир кўрсатади. Ишчи ғилдирак насоснинг асосий функционал узелларидан бири ҳисобланиб, у насос ўқи орқали берилган механик энергияни суюқлик оқимига узатиш вазифасини бажаради. Суюқликнинг ғилдиракка кириш йўналишига кўра, ишчи ғилдираклар конструктив жиҳатдан бир томонлама ва икки томонлама сув қабул қилувчи турларга бўлинади. Бир томонлама ғилдиракларда суюқлик фақат бир томондан

киритилади, икки томонлама ғилдиракларда эса суюқлик икки қарама-қарши томондан киритилади. Натижада, икки томонлама сув қабул қилувчи ғилдираклар орқали ўтадиган суюқлик сарфи бир томонлама турдаги ғилдиракларга нисбатан юқори бўлади.

Насосларда кавитация юзага келишининг белгилари:

Кавитация ҳодисасининг амалий намоён бўлиши қуйидаги белгилари орқали аниқланиши мумкин:

- Насос ишида шовқин ва юқори частотали тебранишлар (вибрация) пайдо бўлиши;
- Айниқса бир поғонали насосларда босим ва сарф характеристикаларининг кескин ўзгариши;
- Ишчи ғилдирак ва насос корпусида кавитацион емирилиш (эрозия) ва электрокимёвий коррозия белгиларининг юзага чиқиши;
- Насоснинг умумий иш фаолияти ва унумдорлигининг пасайиши;
- Демонтаж қилинган насос компонентларида кўзга кўринадиган механик шикастланишлар;
- Ишчи ғилдиракнинг яроқсиз ҳолатга келиши;
- Электр энергияси истеъмолининг ортиши.

Ишчи ғилдиракларни ясаш материаллари ва технологияси:

Ишчи ғилдираклар қуйма ёки йиғма усуллар орқали тайёрланади. Қуйма усулда тайёрланган ғилдирак каналлари кейинчалик қайта ишлов билан силлиқланади. Оддий шароитларда қўлланиладиган ғилдираклар, одатда, чўяндан қуйилади. Бироқ, юқори босим ва гидродинамик юкламалар таъсирида ишлайдиган насослардаги ғилдираклар махсус мажмуавий талабларга жавоб берувчи, марганец миқдори юқори бўлган чидамли пўлатлардан ясалади [18]. Айнан кончиликда ишлатиладиган насосларда, ишқорий ёки кислота хоссасига эга бўлган техноген сувлар насос материаллари билан кимёвий реакцияга киришиб, коррозия ва кимёвий емирилишга сабаб бўлади. Бундай муҳитлар учун махсус коррозиябардош материаллар танланиши зарур.

Насосда кавитация жараёнининг бошланиши ва унинг динамик ривожланиши, аввало, насоснинг асосий иш кўрсаткичлари - яъни босим H, валидаги қувват N ҳамда фойдали иш коэффициенти η нинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Кавитация жараёни чуқурлашган сари, оқимдаги гидравлик номутаносибликлар ва турбулент тебранишлар ортиб

боради. Бу эса насос ишлаш режимининг барқарорлигини издан чиқаради ва охир-оқибатда унинг иш тартибининг тўлиқ бузилишига, яъни унумдорликнинг кескин камайиши, конструктив элементларнинг тез емирилиши ва умумий энергетик самарадорликнинг йўқолишига олиб келади [2]. Натижалар ва мунозара. Кавитацион синовлар натижасида насоснинг кавитацион характеристикаси (1-расм) тузилди.



2-расм. Насоснинг кавитацион характеристикаси

Ушбу характеристика график тарзда насоснинг иш режимидаги босим ўзгаришига нисбатан унумдорликнинг ўзгаришини акс эттиради. Тадқиқотларда кавитация заҳирасининг кескинлик нуқтаси сифатида насос босимининг 2% ли пасайиш нуқтаси қабул қилинади. Ана шу нуқтада насос унумдорлигида сезиларли пасайиш қайд этилади ва бу асосида критик кавитация заҳираси - $\Delta h_{кр}$ қиймати аниқланади [5].

Ўзгармас Q=const ва n=const учун экспериментал боғланиш графиклари $Q_H = f_1(\Delta h)$ ва $H = f_2(\Delta h)$ кавитация характеристикаси демирилади (1-расм) (Δh - Кавитация заҳираси).

Синовдан олинган қийматлар асосида, H формуласи ёрдамида ҳисобланади, Кавитация заҳираси Δhэса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta h = H_a - h_{буғ} - H_{вак} + \frac{V_в^2}{2g}; \quad (1)$$

$$H_{вак} = h_s - h_{ws} + \frac{V_в^2}{2g}; \quad (2)$$

бу ерда: H_a - атмосфера босими, м.сув.уст.; $h_{буғ}$ - тўйинган сув буғи босими, м; h_s - геодезик сўриш баландлиги, м; h_{ws} - сўриш қисмидаги гидравлик қаршиликлар йиғиндиси, м; $V_в$– сўриш қисмдаги тезлик, м/с; $H_{вак}$ - насос сўриш қусмига ўрнатилган вакуумметрнинг кўрсатиши, м.

Агар насос қурилмасидаги сўриш баландлиги h_s манфий қийматга эга бўлса, яъни насос суюқлик сатҳидан юқори жойлашган ҳолда ишласа, бундай шароитда сўрғичдаги босим мановакуумметр орқали ўлчанади. Бу прибор атмосфера босимидан паст босимларни аниқлашда қўлланилади [2].

Агар тажриба атмосфера босимидан юқори босим шароитида ўтказилаётган бўлса, унда 1-формула (кавитация заҳирасини аниқлаш учун) даги вакуумли босим ифодаси $H_{вак}$ манфий манометрик босим билан алмаштирилади. Бунда:

$$H_{вак} = -h_{м.в.}; \quad (3)$$

бу ерда: $-h_{м.в.}$ - манометр орқали ўлчанган сўрғичдаги манометрик босим (м) бўлиб, y мусбат қийматга эга, лекин формулага манфий ишора билан киритилади.

Бундай ҳисоблаш усули насос сўриш қисмидаги реал гидравлик шароитларни тўғри баҳолаш, айниқса кавитация хавфини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишлари лабораториядаги насос қурилмаси асосида амалга оширилди. Синовлар насоснинг кавитацион характеристикасини аниқлашга қаратилган бўлиб, қуйидаги тартибда амалга оширилди.

1. Синов бошланишидан аввал босимли трубопроводдаги задвижка тўлиқ беркитилади**,** сўриш трубопроводидаги задвижка тўлиқ очилади. Насос суюқлик билан тўлдирилиб, кейин ишга туширилади.

2. Босимли трубопроводдаги задвижка қисман очилади ва муайян Q_1=const сарф қийматига мос ҳолат белгиланади. Насоснинг иш параметрлари махсус ўлчов асбоблари ёрдамида аниқланиб, 2-жадвалга киритилади.

3. Сўриш трубопроводидаги задвижка аста-секин беркитилади, натижада сўриш қисмидаги босим камаяди. Лекин суюқлик сарфи Q_1 = const қийматда сақлаб қолиниши учун босимли трубопроводдаги задвижка қайта мослаштирилади. Барча ўлчовлар қайд этилади.

4. Ушбу жараён 4-5 марта такрорланади. Таъсир натижасида Q ва H кўрсаткичлари аста-секин пасайиб, насос иш режими кавитацион характеристиканинг горизонтал қисмидан қия қисмига ўтади (1-расм).

5. $H = f(\Delta h)$ характеристикасининг пасайиш соҳасида яна 3–4 тажриба нуқтаси олиш учун сўриш трубопроводидаги задвижка янада беркитилади. Бу пайтда босимли трубопроводдаги задвижка тўлиқ очилган ҳолатга келтирилади.

6. Янги синов даври бошида насос қурилмаси сув билан тўлдирилади. Босимли трубопроводдаги задвижка тўлиқ беркитилиб, сўриш томон очилади ва насос ишга туширилади (1-расм).

7. Босимли трубопроводдаги задвижка қисман очилиб, Q_1=const қийматига мос ҳолат белгиланади. Барча ўлчов асбобларининг кўрсатмалари 1-жадвалга ёзилади.

8. Герметик ҳажмий идишга уланган махсус вакуум-насос ёрдамида ҳаво босими $H_{вак}$ бошқарилади ва барча параметрлар қайта ўлчаниб, 2-жадвалга киритилади.

9. 3-пунктдаги амалиётлар яна 4–5 марта такрорланади. Қайтарилувчи жараёнда Q ва H қийматлари пасайиб, насос иш режими яна кавитацион характеристиканинг қия қисмига ўтади (1-расм).

10. Кавитацион характеристиканинг қия соҳасида яна 3-4 та қўшимча тажриба нуқталари қайд этиш учун 3-пунктдаги жараёнлар яна такрорланади.

Кавитация заҳирасига оид ҳисоблашлар лабораторияда олинган тажрибавий маълумотлар асосида, хусусан 2-жадвалдаги қийматлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён қуйидаги босқичларда бажарилади.

1. Насоснинг сув ҳайдаши (Q, м³/с) ва босими (H, м) лаборатория тажрибаси натижалари асосида аниқланади. Бу қийматлар насоснинг ишлаш шароитидаги реал параметрларини ифодалайди.

2. Кавитация заҳираси Δh қиймати 1-формула ёрдамида ҳисобланади.

3. Ҳисобланган Δh қийматлари асосида, насоснинг кавитация характеристикаси Δh га нисбатан $H = f_1(\Delta h)$ ва $Q = f_2(\Delta h)$ параметрлар графиги тузилади. Бу характеристика 1-расмда кўрсатилган графикка ўхшаш шаклда бўлади.

4. Қурилган кавитация характеристикасида босимнинг 2% га тенг пасайиши нуқтаси аниқланади. Шу нуқтадаги Δh қиймати - кавитацион жамғарма $\Delta h_{кр}$ деб аталади ва насоснинг критик кавитация заҳираси сифатида қабул қилинади.

5. Жоиз Кавитация заҳираси қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta h_{ж} = aK_{б}\,\Delta h_{кр}; \qquad (4)$$

бу ерда, *a* - коэффициент, 3.8-жадвалдан $\Delta h_{кр}$ қийматига караб олинади;

$K_б$ - насоснинг тезкорлик коэффициенти ёки ишчи ғилдираги ўлчамлари нисбати $Д_2/Д_0$ қиймат бўйича 4-жадвалдан олинадиган.

1-жадвал

Ўлчанган миқдорлар жадвали

№	Ўлчов асбобининг кўрсаткичи	Белгиси	Ўлчов бирлиги	Кураклар бурчаги	Тажрибалар				
					I	II	IIII	IV	V
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Мановакуумметр кўрсатиши	МВ,В	кгс/см^2	28°	1,6	1,68	1,78	1,83	1,9
				30°	1,67	1,71	1,81	1,88	1,97
				26°	1,55	1,63	1,7	1,76	1,85
				32°	1,59	1,66	1,75	1,8	1,88
2.	Манометр кўрсатиши	М	кгс/см^2	28°	17,1	17,7	18,3	18,5	18,7
				30°	17,6	18,1	18,5	18,9	19,5
				26°	16,2	17,1	17,5	17,9	18,1
				32°	16,7	17,3	18	18,2	18,4
3.	Тахометр кўрсатиши	n	ай/мин	28°	2500	2600	2700	2800	2900
				30°	2500	2600	2700	2800	2900
				26°	2500	2600	2700	2800	2900
				32°	2500	2600	2700	2800	2900
Диаметрлар									
1.	- сўрғичи	d_1	мм	28°	70	70	70	70	70
				30°	70	70	70	70	70
				26°	70	70	70	70	70
				32°	70	70	70	70	70
2.	- узаткичи	d_2	мм	28°	185	185	185	185	185
				30°	185	185	185	185	185
				26°	185	185	185	185	185
				32°	185	185	185	185	185

2-жадвал

Кавитация заҳирасини ҳисоблаш жадвали

№	Ўлчов асбобининг кўрсаткичи	Белгиси	Ўлчов бирли-ги	Кураклар бурчаги	Тажрибалар				
					I	II	IIII	IV	V
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Насоснинг сув ҳайдаши	Q	$м^3/с$	28°	0,091	0,142	0,196	0,241	0,28
				30°	0,105	0,152	0,203	0,255	0,3
				26°	0,081	0,128	0,182	0,232	0,268
				32°	0,088	0,135	0,189	0,237	0,27
2.	Мановакуумметр кўрсатиши	h_{MB}	кгс/см^2	28°	1,6	1,68	1,78	1,83	1,9
				30°	1,67	1,71	1,81	1,88	1,97
				26°	1,55	1,63	1,7	1,76	1,85
				32°	1,59	1,66	1,75	1,8	1,88
3.	Манометр кўрсатиши	$h_{ман}$	кгс/см^2	28°	17,1	17,7	18,3	18,5	18,7
				30°	17,6	18,1	18,5	18,9	19,5
				26°	16,2	17,1	17,5	17,9	18,1
				32°	16,7	17,3	18	18,2	18,4
4.	Сўрғичдаги оқим тезлиги	$V_в$	м/с	28°	1,04	1,16	1,21	1,29	1,38
				30°	1,098	1,22	1,28	1,37	1,51
				26°	1	1,107	1,16	1,23	1,35
				32°	1,02	1,13	1,19	1,26	1,37
5.	Узаткичдаги оқим тезлиги	$V_н$	м/с	28°	1,14	1,21	1,237	1,37	1,47
				30°	1,158	1,27	1,35	1,46	1,58
				26°	1,09	1,17	1,225	1,29	1,41
				32°	1,13	1,19	1,23	1,34	1,45
6.	Тезликлар фарқидан ҳосил бўладиган босим	$\frac{V_н^2 - V_в^2}{2g}$	м	28°	0,011	0,006	0,003	0,01	0,013
				30°	0,006	0,006	0,009	0,013	0,017
				26°	0,01	0,004	0,002	0,0108	0,011
				32°	0,01	0,005	0,003	0,011	0,012
7.	Насоснинг тўла босими	H	м	28°	18,7	19,3	20,08	20,3	20,6
				30°	21,2	21,8	22,31	22,8	23,3
				26°	16,9	18,1	18,5	18,9	19,4
				32°	17,6	18,7	19,4	19,8	20,2
8.	Кавитация заҳираси	Δh	м	28°	11,41	11,51	11,61	11,67	11,75
				30°	11,49	11,54	11,65	11,73	11,84
				26°	10,7	11,08	11,27	11,38	11,43
				32°	11	11,19	11,32	11,41	11,5
9.	Жоиз Кавитация заҳираси	$\Delta h_{ж;}$	м	28°	12,38	12,48	12,6	12,66	12,75
				30°	12,47	12,53	12,6	12,73	12,85
				26°	12,3	12,38	12,47	12,56	12,61
				32°	12,33	12,41	12,54	12,62	12,7
10.	Жоиз вакуумметрик	$H_{вак}^{ж}$		28°	-2,57	-2,66	-2,76	-2,82	-2,89
				30°	-1,67	-1,71	-1,81	-1,88	-1,97

№	**Ўлчов асбобининг кўрсаткичи** сўриш баландлиги	**Белгиси**	**Ўлчов бирли-ги**	**Кураклар бурчаги**	Тажрибалар				
					I	II	III	IV	V
				26°	-2,67	-2,76	-2,78	-2,87	-2,91
				32°	-2,63	-2,74	-2,77	-2,84	-2,9

3-жадвал

Коэффициент *a* қийматлари

$\Delta h_{кр}$, м	0	2	4	6	7	8	10	12	14	16
a	1,6	1,37	1,2	1,13	1,1	1,09	1,08	1,07	1,06	1,06

4-жадвал

Коэффициент $K_б$ қийматлари

$Д_2/Д_0$	1,0	1,25	1,5	2	2,5	3,0
$К_б$	1,1	1,1	1,094	1,052	1,014	1,0

Жоиз вакуумметрик сўриш баландлиги:

$$H_{вак}^{ж} = H_a - h_{буг} - \Delta h_{ж} + \frac{V_в^2}{2g}; \quad (5)$$

Насоснинг сув ҳайдаши Q билан $\Delta h_{ж}$ ёки $H_{вак}^{ж}$ ўртасидаги ўзаро боғланиш графигини, яъни $\Delta h_{ж} = f_3(Q)$ ёки $H_{вак}^{ж} = f_3(Q)$ каби характеристикаларни келтириб чиқариш учун юқорида баён этилган услуб бўйича тажрибалар 4-5 марта қайтарилиши зарур (ўқув жараёнида вакт етишмаслиги сабабли қайта тажриба ўтказиш шарт эмас).

3-расм. Лаборатория қурилмасида ўтказилган тажрибаларга кўра кузатув камерасидаги кавитация жараёни

Лаборатория тадқиқотида насос қурилмасининг ишчи ғилдираги кураклари 26°, 28°, 30° ва 32° бурчакларда қўлланилди. Натижада насос

қурилмасидаги босим ўзгариши, сув сарфи, қуввати, ФИК ва кавитация жараёнлари ўрганилди.

Хулоса. Ушбу бобда насос қурилмасининг сув сарфи ва босимини аниқлашга хизмат қилувчи махсус экспериментал қурилманинг тузилиши ва ишлаш принциплари ёритилди. Қурилмадаги асосий техник ечимлардан бири - насос ишчи қисмида содир бўлаётган кавитация жараёнларини визуал кузатиш имконини берадиган кузатув камерасининг жорий этилишидир. Бу орқали иш жараёнидаги номуқобил шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва таҳлил қилиш имкони яратилди. Тадқиқот жараёнида насос куракларининг турли бурчак остида (26°, 28°, 30° ва 32°) ишлаш самарадорлиги ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, 30° бурчакка эга бўлган ишчи ғилдирак энг яхши гидравлик кўрсаткичларни намоён этди. Хусусан, у бошқа бурчаклардаги конструкцияларга нисбатан ўртача 5 % юқори самарадорлик кўрсатди. Насос иш жараёнида рўй берадиган кавитация ҳодисалари ва уларнинг насос самарадорлигига таъсири экспериментал жиҳатдан таҳлил қилинди. Бунда махсус ишлаб чиқилган лаборатория қурилмаси ёрдамида насос ишчи қисмидаги кавитация жараёнлари визуал кузатилди. Кузатув камераси орқали кавитациянинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва насосга етказадиган таъсири реал вақтда баҳоланди. Насос кураклари бурчаги ўзгариши билан кавитация интенсивлиги ўртасида аниқ боғлиқлик кузатилди. Хусусан, 30° бурчакдаги ишчи ғилдирак нафақат энг юқори самарадорликни, балки энг кам кавитация таъсирини ҳам намоён этди. Бу ҳолат насоснинг узоқ муддатли ишлаш қобилияти ва эксплуатация барқарорлиги учун муҳим омил сифатида қайд этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мамажонов М., Повышение эффективности эксплуатации центробежных и осевых насосов насосных станций оросительных систем: /Диссертация/ Андижон 2005.
2. Мамажонов М., Хакимов А., Мажидов Т., Уралов Б., Насос ва насос станцияларидан амалий машғулотлар//Андижон 2005. № 1. 72-73.
3. Шакиров Б.М., Эрматов К.М., Абдухалилов О.А., Шакиров Б.Б., Экспериментальная установка по исследованию центробежных насосов на кавитационный и гидроабразивный износ. // Международный научный журнал. 2022, № 5, с.692-697.
4. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., Sirochov A.M., Carrying out hydraulic calculation of the aquifer of pumping stations and work with sediments (in the example of the Ulugnor pumping station)// Eurasian Journal of

Engineering and Technology. 2022, № 4, c.88-92.

5. Шакиров Б.М., Абдухалилов О.А., Тешабоев Б.Р., Экин –тикин насос станциясининг сув олиш иншоотидаги гидравлик қаршиликларини хисоблаш усулини такомиллаштириш.// Proceedings of International Conference. 2023, №6, с.210-217.

6. Mamajonov M., Shakirov B.M., Qo’chqarboyev A., Sodiqov E., Recommendations for determining the sizes of the water receiving chamber of the pumping station // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. India. Volume 7, Issue 1, January 2020, - 12583-12588.

7. Shakirov B.M., Ermatov K.M., Shakirov B.B., Economik Indicators of Recommendations for Increasing the Efficiency of Pumping Stations // Middle European Scientific Bulletin, Volume 30 / nov-2022/ 71-75. https://cejsr.academicjournal.io ISSN 2694-9970.

8. Shakirov B.M., Abduxalilov O.A., O‘rinov I.SH., Maxmudov D., Botirova N.M., Evalution of the texnical and economic efficiency of centrifugal pumps at irrigation pumping stations// Универсум техничтские науки №10(127) октябр, 2024, с. 52-54.

9. Shakirov B.M., Matyakubov B., Mamazhonov M., Shakirov B.B., Forebays of the poligonal cross-section of the irrigating pumping station // Международная научная конференция "Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering" (CONMECHYDRO - 2020) в режиме онлайн. 23 апреля в 10.00 по Ташкентскому времени.

10. Mamajonov M., Shakirov B.M., Aynakulov Sh.A., Karimova Kh., Alibekov S., Constructive device for sediment flushing from water acceptance structure //Международная конференция по физике материалов, строительным конструкциям и технологиям в строительстве, промышленности и производстве (МПКПЭ 2020) 27-28 апреля 2020 года, Владимирский государственный университет имени Александра и Николая Столетовых, Владимир, Российская Федерация.

11. Mamazhonov M., Matyakubov B., Shakirov B.M., Makhmudov A., Polymer materials used to reduce waterjet wear of pump parts // HIRM-2021. IOP Publishing. Journal of Physics: Conference Series 2176 (2022) 012048 doi:10.1088/1742-6596/2176/1/012048 (Скопус базасига киритилган).

12. Шакиров Б.М., Беккулов.Б.Р., Шакиров.Б.Б., Ахмадалиев Н.М., Гидравлические сопротивления во входной части всасывающего трубопровода насоса // Всероссийская научно-практическая конференция «Машиностроение: Новые конценции и технологии» 28 октября 2022 г. ФГБОУ ВО «Сибирский государственный университет науки и технололгий имени акамдемика М.Ф.Решетнева».

13. Uralov B., Shakirov B.M., Mutalov Sh., Khakimova G., Sirojov B., Raimova I., Influence of hydroabrasive wear of impeller blades on head of centrifugal pump // E3S Web of Conferences 365, 03012 (2023) https://doi.org/10.1051/e3sconf/ 202336503012, CONMECHYDRO – *2022 (Скопус базасида).*

14. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shakirov B.B., Forecasting factors affecting the water prevention of centrifugal pumps // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 5–6, 2018 (May–June), -304-307.

15. Mamajonov M., Shakirov B.M., Shermatov R.Yu., Hydraulik operating mode of the water receiving structure of the polygonal cross section // European science review Scientific journal.Vienna, Austria № 7–8, 2018 (July – Auqust), -241-244.

16. Мамажонов М., Шакиров Б.М., Шерматов Р., Повышение эффективности эксплуатации насосных станций оросительных систем //“Проблемы управления водными и земельными ресурсами.” Международный научный форум. Москва, 30 сентября 2015г. Часть 2.

17. Мамажонов М., Шакиров Б.М., Шерматов Р.Ю. Конструктивные решения по улучшению гидравлических условий водоприёмных камер насосных станций // Российский электронный научный журнал. Башкирский Государственный Аграрный Университет. г.Уфа.29.06. 2015г.

18. Мамажонов М., Шакиров Б.М., Шерматов Р.Ю., Закиров Р., Экономические показатели рекомендаций по повышению эффективности насосных станций // “Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства”. Международная научно-практическая конференция, посвящённая году экологии в России. С. Соленое Займище. Астраханская область. Россия – 2017 г. 18-19 май. 1011-1016 с.

19. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Абдуғоппоров И.А., Ирригация насос станцияларидаги марказдан қочма насосларнинг эскиришини бахолаш// “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил

20. Шакиров Б.М., Сафаров И.Х., Абдухалилов О.А., Мирзахамдамова Н.Р., Ирригация насос станцияларининг иш фаолиятини бахолаш// “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги ҳалқаро илмий ва илмий-техник анжуман мақолалар тўплами “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти Бухоро, 29-апрел 2025 йил.

UO‘T: 621. 65:621.311

NASOS STANSIYALARIDA MUQOBIL ENERGIYADAN FOYDALANISH

Ergashev Rustam Rahimovich
t.f.d., professor, “TIQXMMI” MTU
Ernazarov Alisher Qoryogdievich
ISMITI tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada nasos stansiyalarida muqobil energiya manbalaridan foydalanish, ishlab chiqarish ilmiy asosda tahlil qilindi. Nasos stansiyada quyosh energiyasidan foydalanish quvvatiga asoslangan ishlovchi drenaj nasoslar va yoritish tizimlarining, texnik-iqtisodiy, barqaror, ekologik ustunliklari ko'rib chiqiladi. Xalqaro tajribalar asosida O'zbekistonda ham muqobil energiyadan foydalanish va ishab chiqarish mexanizmlari taklif etiladi.

Kalit so'zlar: Nasos stansiyasi, muqobil energiya, quyosh panellari, energiya tejamkor texnalogiyalar.

Annotation: This article analyzes the use and production of alternative energy sources at pumping stations on a scientific basis. The technical, economic, sustainable, and environmental advantages of solar-powered drainage pumps and lighting systems at pumping stations are considered. Based on international experience, mechanisms for the use and production of alternative energy are proposed in Uzbekistan.

Keywords: Pumping station, alternative energy, solar panels, energy-saving technologies.

Аннотация: В статье на научной основе анализируется использование и производство альтернативных источников энергии на насосных станциях. Рассмотрены технические, экономические, устойчивые и экологические преимущества использования дренажных насосов и систем освещения на насосной станции, работающих на солнечной энергии. На основе международного опыта в Узбекистане также предложены механизмы использования и производства альтернативной энергии.

Ключевые слова: Насосная станция, альтернативная энергетика, солнечные батареи, энергосберегающие технологии.

Kirish. Bugungi kunda mamlakatda yerlarni sug’orishda 1 ming 698 nasos stantsiyasidan foydalanilmoqda, ular yiliga 6,8 milliard kVt/soat elektr energiyasi iste’mol qilib, fermer xo’jaliklariga 32,5 milliard kub metr suv yetkazib bermoqda [4].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2021-2030 yillarda O‘zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” qayta tiklanuvchi energiya manbalarini iqtisodiyotning barcha

tarmoqlariga, xususan, suv xo‘jaligi sohasiga keng joriy etish vazifasi belgilangan [1].

2030-yilgacha mamlakatda 15 mingdan ortiq quyosh va shamol energiyasi qurilmalarini o‘rnatish, suv ta'minoti va irrigatsiya tizimlarida muqobil energiyadan foydalanishni kamida 25 foizgacha yetkazish maqsad qilingan. Bu esa nasos stansiyalarida energiya samaradorligini oshirish bilan birga, ularning atrof-muhitga salbiy ta’sirini kamaytiradi [2, 4].

Prezident qarorida muqobil energiya manbalariga asoslangan yechimlarni joriy etishda xalqaro tajriba va zamonaviy texnologiyalar asosida mahalliy modellarni ishlab chiqish tavsiya etilgan.

Hozirgi vaqtda yurtimizda muqobil energiyaga va qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish bo’yicha keng ko’lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Xalqaro ishlab chiqarish Muqobil energiya asosidagi Germaniya nasos stansiyalari bo'yicha ishlab chiqarish tahlilida quyosh panellari quvvatli suv nasos tizimlarining 86% energiya talabini to'liq qoplagani isbotlangan[5]. Hindistonda Central Institute of Agricultural Engineering tomonidan olib borilgan izlanishlarda quyosh-nas os vositalar yordamida sug'orish 30–40% ga oshgan, foyda esa 50% gacha kamaygani tartibga solingan, Xitoyda shamol energiyaga samarali gidravlik nasos tizimlari tejamkorligi va ishlab chiqarish ko'rsatkichlari yuqori bo’lishi tadqiqotlarda ko’rsatib o’tilgan[6,7]. Mahalliy izlanishlar O'zbekistondan ham muqobil energiyadan yuklash bo'yicha bir qator tadqiqot ishlari olib borilgan. TATU,Toshkent irrigatsiya universiteti va Buxoro muhandislik-texnologiya institutlarida quyosh energiya quvvati nasos stansiyalari rejalashtirilgan “Yashil energiya” dasturi Buxoro va Navoiy viloyatida tajriba quyosh panellari bilan ta’minlangan 12 ta nasos stansiyasi joriy etildi yillik energiya sarfi o'rtacha 38% ga kamaygan, atmosferaga olingan CO_2 miqdori esa 45 tonnaga qisqargan [8, 9].

Shu bilan bir qatorda, nasos stansiyalarida muqobil energigadan, jumladan quyosh energiyasidan foydalanib energiya bilan ta’minlashga qaratilgan dolzarb muammoni yechish bo’yicha tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Materiallar va uslublar. Nasos stantsiyalarida energiyatejamkor texnologiyalarni qo‘llash bo‘yicha tadqiqot ishlari Amu-Buxoro-2 mashina kanali nasos stantsiyalarida olib borildi. Amu-Buxoro 2 nasos stansiyasida o‘z extiyoji uchun sarflanadigan energiya miqdorini aniqlash ishlari drenaj nasoslari, yoritish, istish, sovitish tizimlari uchun talab etiladigan energiya miqdori nasos stansiyalari xisobotlaridagi ma’lumotlar asosida aniqlandi. Nasos stansiyasini o’z

ehtiyoji bo’yicha elektr energiyaga bo’lgan talabini inobatga olgan holda quyosh panellarini o’rnatish boyicha hisoblash ishlari olib borildi. Bunda nasos stansiyasining asosiy ishlash davri qishloq xo’jalik ekinlarining vegitasiyasi davriga to’g’ri kelishini va bu davrda quyosh energiyasiga bo’lgan talabni inobatga olgan holda quyosh panellarining soni hisoblab topildi.

Natijalar va munozara. Nasos stansiyalarida o’z ehtiyoji uchun bir sutkada sarflanadigan elektr energiyasining miqdori 1-jadvalda keltirilgan. Quyosh panellari yordamida ishlab chiqariladigan elektr energiyasining miqdori yil fasllarida va geografik joylanishga bog’liq bo’lib, ularning sonini hisoblashda elektr uzatish tizimidagi tabiiy yo’qotishlarni inobatga olish talabetiladi.

Jadval-1

Amu-Buxoro-2 nasos stansiyasida sutkalik elekt energiya sarfi

Elektr iste’moli manbasi	**Talab qilinadigan el. energiya (kvatt)**	**Sutka davomida ishlash vaqti (soat)**	**Umumiy talab qilinadigan el. energiya**
Drenaj tizimlari el.dvigateli	400 kvatt	2 soat	800 kvatt
Ventlyasiya tizimi	104 kvatt	2 soat	208 kvatt
Yoritish tizimi	10 kvatt	24 soat	240 kvatt
Dispecherlik tizimi	12 kvatt	10 soat	120 kvatt
Aloqa tizimi	5 kvatt	24 soat	120 kvatt
Isitish tizimi	688 kvatt	3 soat	264 kvatt
JAMI	**619 kvatt**		**1752 kvatt**

Nasos stantsiyalarida elektr energiyasiga bo’lgan talab miqdori doimiy bir xil bo’lmaydi. Bunday holatlarda energiyaga talab eng katta bo’lgan davr inobatga olinib quyosh panellarining sonini aniqlash mumkin bo’ladi. Xar bir region uchun panellarni o’rnatish vaqtida quyoshning faolligi bo’yicha bir necha yillik statistik ma’lumotlardan foydalaniladi. Bu ma’lumotlar asosida yer nasos stansiyasi joylashgan hududning xar bir metr kvadratiga tushayotgan quyosh quvvati aniqlanadi. Olingan ma’lumotlar kerakli miqdorda elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun o’rnatiladigan panellar sonini va turini aniqlash uchun xizmat qiladi.

Amu-Buxoro mashina kanali Olat boshqarmasi joylashgan xududda yil davomida quyoshli kunlar o’rtacha 320 kunni tashkil etadi. Bu xudud uchun quyosh eng kam bo’lgan oylar dekabr, yanvar oylari bo’lib, bu oylarda quyoshli kunlar 15-18 kunni tashkil etadi [11].

Quyosh panellarining quvvatini hisblash uchun quydagi ifodalardan foydalaniladi [12].

$$P_{qp}=E_t \cdot k \cdot P_{qem}/E_{qem};$$

Bu yerda: P_{qp}-Quyosh panellarining quvvati, Вт; E_t-talab qilinadigan energiya, Вт·с sutka davomida ishlab chiqarilgan energiya в sutka; E_{qem}-oy davomida qabul qilingan quyosh energiyasi кВтс/м^2/кун; P_{qem}-bir metr kvadrat maydon yuzasiga tushayotgan quyosh energiyasining miqdori (1000Вт/м^2); k-akkumlyatorni quvvatlash va sarflashni, o’zgarmas tokni o’zgaruvchan tokka aylantirilishini inobatga oluvchi koeffitsient koeffitsient, odatda, 1,2-1,4 deb qabul qilinadi.

Muqobil energiya asosida energiya nasos stansiyalari uchun mezonlar asosidagi tahlil o'tkazildi: Energiya manbalarini ishlab chiqarish va jismoniyligi Jihozning ish tajribasi va ekspluatatsion qobiliyat tabiiyligi va iqlimiy moslik texnik xizmat ko'rsatish jarayoni soddaligi O'zbekiston Respublikasi iqlim sharoitiga mos holda, quyosh energiyasidan eng qulay deb topilgan. Amu-Buxoro mashina kanali Olot bo’limida quyoshli kunlar soni yiliga o'rtacha 320-340 kunni tashkil etadi. Bu esa 1 kVt quvvatli quyosh panellaridan yiliga 1500–1800 kWh energiya ishlab chiqarishga erishiladi.

Xulosa: Nasos stansiyalarini muqobil energiya bilan ta'minlash natijasida , o‘z ehtiyojini energiya bilan ta'minlash imkoniyatiga ega bo‘lamiz. Markaziy energiya manbalarida avariya holatlari sodir bo‘lib, energiyadan uzilgan vaqtda nasos stansiyasini energiya bilan ta'minlashga erishiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 10 iyuldagi PF-6024-son Farmoni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi suv xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan konsepsiyasi”.
предпринять усилия по модификации данной расчетной модели, в первую очередь, за счет изменения параметров, характеризующих дренаж.

Использование данных, полученных в ходе экспериментальных исследований фильтрации (дренажа) промывных вод в Узбекистане, предоставит возможность скорректировать модель и привести ее в соответствие с местными условиями.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ayers R.S. and Westcott D.W. Water Quality for Agriculture. // FAO Irrigation and Drainage Paper 29 Rev. 1, Rome. 1989. https://www.fao.org/3/t0234e/T0234E03.htm
2. Agricultural drainage water management in arid and semi-arid areas FAO. Irrigation and Drainage Paper No.61. Food and agriculture organization of the united nations Rome, 2002. https://www.fao.org/3/y4263e/y4263e00.htm
3. Bresler E., McNeal B.L., Carter D.L. Management. In: Saline and Sodic Soils. // Advanced Series in Agricultural Sciences, vol. 10 (1982). Springer, Berlin, Heidelberg. https://doi.org/10.1007/978-3-642-68324-4_3. https://link.springer.com/chapter/10.1007/978-3-642-68324-4_3 ст.238-239.
4. Cucci G., Lacolla G., Mastro M.A., Caranfa G. Leaching effect of rainfall on soil under four-year saline water irrigation. // Soil & Water Res., (2016): 11: 181-189. https://doi.org/10.17221/20/2015-SWR.
5. Kumar N. Madan; Oswal M. C. Tests on one-dimensional models for predicting salt dynamics in soils. // Soil science 137(6):p 408-414, june 1984. https://journals.lww.com/soilsci/abstract/1984/06000/tests_on_one_dimensional_models_for_predicting.5.aspx.
6. Letey J., Hoffman G.J., Hopmans J.W., Grattan S.R., Suarez D., Corwin D.L., Oster J.D., Wu L., Amrhein C. Evaluation of soil salinity leaching requirement guidelines. // Agricultural Water Management, Volume 98, Issue 4, 2011, Pages 502-506, ISSN 0378-3774,https://doi.org/10.1016/j.agwat.2010.08.009. https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378377410002763)
7. SALINE SOILS AND THEIR MANAGEMENT https://www.fao.org/3/x5871e/x5871e04.htm
8. Tekin Kara and Lyman S. Willardson, 2006. Leaching Requirements to Prevent Soil Salinization. // Journal of Applied Sciences, 6: 1481-1489. DOI: 10.3923/jas.2006.1481.1489 URL: https://scialert.net/abstract/?doi=jas.2006.1481.1489
9. Широкова Ю.И., Палуашова Г.К., Абдуллаев Ф.Х., Кодиров Д.Т., Садиев Ф.Ф. Выращивание маша в условиях засоленных почв Ферганской области Узбекистана с применением био и химмелиорантов. // Журнал Проблемы агрохимии и экологии №3. 2024.

УДК: 628.3 62-503.5

КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫЕ ВОДЫ КАРАКАЛПАКСТАНА: ПРОБЛЕМЫ И ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО УПРАВЛЕНИЯ

Хожамуратова Р.Т.
Каракалпакский государственный университет им. Бердаха
hroza71@mail.ru
Жангабаев Д.М.
Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем
daniyarjangabaev@gmail.com

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы и перспективы устойчивого управления коллекторно-дренажными водами (КДВ) в условиях Каракалпакстана. Проанализированы экологические и аграрные риски, связанные с использованием КДВ, определены направления их повторного применения в сельском хозяйстве региона. Представлены предложения по совершенствованию систем мониторинга, регулирования и повторного использования этих вод в условиях изменения климата и дефицита воды.

Ключевые слова: коллекторно-дренажные воды, Каракалпакстан, устойчивое управление, вторичное орошение, засоление, сельское хозяйство, Приаралье.

Введение. Южный регион Республики Каракалпакстан, расположенный в дельте Амударьи, на протяжении десятилетий сталкивается с острыми проблемами, связанными с истощением водных ресурсов, засолением почв и экологическим кризисом Приаралья. В этих условиях коллекторно-дренажные воды (КДВ) становятся не только источником экологической опасности, но и потенциальным ресурсом для сельского хозяйства в условиях растущего дефицита пресной воды.

Основная часть. В условиях острого дефицита водных ресурсов, характерных для южных районов Республики Каракалпакстан, большой практический интерес представляют коллекторно-дренажные воды (КДВ), отводимые с орошаемых земель крупными магистральными коллекторами. Эти воды в настоящее время бесполезно накапливаются в низменных пустынных районах и солончаковых озерах. По оценкам специалистов, в последние годы их общий объем 3 составляет от 1,99 до 2,24 км^3 в год, что позволяет рассматривать их как потенциальный вторичный водный ресурс с соблюдением экологических и агрономических требований.

Формирование водно-солевого режима коллекторно-дренажных вод напрямую зависит от технического состояния дренажно-ирригационной инфраструктуры. В результате некачественно проведенных ремонтно-восстановительных работ на большей части орошаемой территории Каракалпакстана выявлены зоны застойных грунтовых вод. Это снижает эффективность сбора возвратных вод и приводит к увеличению их минерализации.

Если раньше в речных бассейнах циркулировали в основном речные воды, то сегодня в пределах орошаемой зоны также образуется значительное количество КДС. Например, годовой объем КДС на территории Республики Узбекистан оценивается в 20-22 км^3, а по бассейну Аральского моря - в 30-31 км^3. 46-51% от общего объема НДС возвращается на реки, только около 3% используется для повторного орошения в основном в Самаркандской, Ташкентской, Сырдарьинской, Андижанской, Наманганской, Джизакской, Ферганской и Навоийской областях. Остальные ~50% дренажных вод сбрасываются в естественные низменности, включая высохшие озера и низменности.

Наибольшие объемы НДС отмечены в следующих регионах: Республика Каракалпакстан, Ферганская долина, Хорезм, Сырдарья, Бухарская область.

Коллекторно-дренажные воды образуются в результате промывки засоленных почв и сброса избыточных оросительных вод. Ежегодно в Каракалпакстане образуется более 4,5 млрд м3 таких вод, большая часть которых сбрасывается в магистральные коллекторы и в конечном итоге попадает в Амударью или деградированные низменности. Основные проблемы, связанные с НДС:

- Высокая минерализация (более 3-5 г/л, местами до 10 г/л);
- Присутствие токсичных элементов (нитраты, фосфаты, тяжелые металлы);
- Риск вторичного засоления почвы при повторном использовании;
- Экологическое загрязнение водоемов и биотопов дельты Амударьи.
- Качество и химический состав КДВ.

Оценка качества КДВ затруднена из-за отсутствия систематических наблюдений, кроме анализа минерализации. Определение количества других загрязняющих компонентов (пестицидов, нитратов, тяжелых металлов и др.) проводится редко. Однако распространенная химизация сельского хозяйства, а также неконтролируемый сброс сточных вод в коллекторы указывают на наличие остаточных концентраций агрохимических веществ и промышленных загрязнителей в КДВ.

По данным Каракалпакской гидрогеолого-мелиоративной экспедиции (КГМЭ), КДВ в основных магистральных коллекторах характеризуется следующими показателями минерализации:

- КС-1: 3,89-4,86 г/л;
- КС-3: 4,03-6,22 г/л;
- КС-4: 2,28-3,27 г/л;
- Кунградский коллекторный сброс (ККС): 2,93-3,85 г/л;
- Левобережный главный коллектор (ЛГК): 3,5-4,3 г/л;
- Правая ветвь ККС: 2,70-4,94 г/л;
- Устюртский коллектор: 2,27-2,82 г/л.

Основным ионным составом КДВ в регионе является хлоридно-сульфатный, магниево-натриевый (ХС-МН), что связано с природными условиями региона и степенью минерализации почвенно-грунтовых вод.

Меры по устойчивому управлению НДС

Для снижения негативных последствий и эффективного использования НДС необходимо внедрить следующие подходы:

1. Создание системы регулярного мониторинга качества дренажных вод с использованием ГИС-технологий и мобильных лабораторий;
2. Регулирование выбросов НДС в открытые водоемы на основе допустимых предельных концентраций;
3. Разработка региональных стратегий использования вторичных вод в условиях агроэкологического зонирования;
4. Расширение исследований и опытных проектов, в частности, в Бозатауском, Кегейлийском, Тахтакупырском районах, где проводятся опытные работы по орошению КДВ;
5. Участие местных фермеров и ассоциаций водопользователей в управлении водными ресурсами.

Вывод. Коллекторно-дренажные воды Каракалпакстана - это и проблема, и возможность. При правильном управлении и учете экологических особенностей региона они могут стать дополнительным источником водоснабжения для сельского хозяйства. В южных регионах Республики Каракалпакстан существует острый дефицит водных ресурсов, где большое значение имеют коллекторно-дренажные воды (КДВ) с орошаемых площадей. Эти воды сейчас часто бесполезно накапливаются в низменных пустынных районах и солончаковых озерах. Однако в последние годы их общий годовой объем составляет 1,99-2,24 км^3, что открывает возможность их повторного использования в качестве потенциального вторичного водного ресурса на основе экологических и агрономических требований.

Коллекторно-дренажные воды образуются в основном в результате промывки засоленных почв и чрезмерного орошения. Ежегодно в Каракалпакстане образуется более 4,5 млрд м^3 таких вод, основная часть которых попадает в магистральные коллекторы и в конечном итоге сбрасывается в Амударью или деградированные низменности. По качеству и химическому составу КДВ может быть высокоминерализованной (до 3-10 г/л), иногда загрязненной токсичными элементами (нитратами, тяжелыми металлами). Это создает экологические риски при их использовании для повторного орошения.

Проблемы ирригационной инфраструктуры Каракалпакстана, особенно из-за некачественных ремонтно-восстановительных работ, приводят к образованию стационарных зон грунтовых вод, снижающих эффективность сбора дренажных вод. В КДВ республики преобладают хлоридно-сульфатные и магний-натриевые ионы. В региональном разрезе наибольшие объемы КДВ были зафиксированы в Каракалпакстане, Ферганской долине, Хорезмской, Сырдарьинской и Бухарской областях.

Для снижения этих негативных последствий и обеспечения эффективного использования КЗС важным является ряд мер. К ним относятся системный мониторинг качества ГИС-технологий и мобильных лабораторий, регулирование сбросов в открытые водоемы, разработка агроэкологических зонных стратегий на основе вторичных вод и расширение на их основе пилотных проектов (в Бозатауском, Кегейлийском, Тахтакупырском районах). Также важно обеспечить

активное участие местных фермеров и водопользователей в управлении водными ресурсами.

Таким образом, эффективное и экологически безопасное использование КДВ является важным фактором обеспечения водоснабжения, эффективности сельского хозяйства и экологической устойчивости Каракалпакстана. Поэтому необходимо управлять этими ресурсами с использованием научно обоснованных, технологически и социально интегрированных подходов.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Водный кодекс Республики Узбекистан. – Ташкент, 1993.
2. Жураев Б.Р. Эколого-экономические аспекты повторного использования дренажных вод в Каракалпакстане // Агроэкология. – 2020. – №2.
3. Рахманов Р.Р. Проблемы устойчивости агросистем в условиях вторичного засоления // Земледелие. – 2022. – №4.
4. UNDP. Integrated water resource management in Central Asia. – New York: UNDP, 2021.
5. NukusHydroLab. Monitoring report of CDW in the Amudarya delta. – Nukus, 2024.
6. Хожамуратова Р.Т., Жангабаев Д.М. Гидрологическая роль коллекторно-дренажных вод Республики Каракалпакстан в условиях дефицита водных ресурсов. - Ташкент, 2025.

УЎТ: 631.313.43:

ЧИЗЕЛИ-КУЛЬТИВАТОРНИНГ ЎҒИТЛАШ ТИЗИМИДАГИ ЎҚ ЁЙСИМОН КАТТА ПАНЖА ҚАНОТЛАРИНИНГ ОЧИЛИШ БУРЧАГИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Дўсиёров Файзулла Жалилович
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
кичик илмий ходими (PhD)
Дусиёров Жаҳонгир Жалилович
Тошкент давлат техника университети
Ботиров Соҳиб
Тошкент Мерополетини Давлат унитар корхонаси

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги экинларига минерал озуқалар беришда, ўғитлаш тизимининг ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчагини асослаш бўйича тадқиқот натижалари ёритилган.

Калит сўзлар: Ўқёйсимон панжа, панжа очилиш бурчаги, увалаш бурчаги, қамраш кенглиги.

Аннотация: В данной статье представлены результаты исследований по обоснованию угла раскрытия стреловидных крыльев большой лапы системы внесения удобрений при применении минеральных удобрений для сельскохозяйственных культур.

Ключевые слова: коготь Окаясимона, угол раскрытия захвата, угол раскрытия , ширина.

Annatation: This article presents the results of research on substantiating the opening angle of the arrow-shaped large tine wings in the fertilizer application system when applying mineral nutrients to agricultural crops..

Key words: Spherical blade, blade opening angle, grinding angle, coverage width.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш бўйича концепцияга мувофиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Қишлов хўжалиги экинларини экиш учун қўшимча ер майдонларини амалиётга тайёрлаб бериш, замонавий инновацион технологияларни қишлоқ хўжалик амалиётига жорий қилинишини янада кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш вазифалари белгилаб берилди [1].

Бугунги кунда иқлим ўзгаришлари сабабли қишлоқ хўжалигида сувга бўлган талаб ортиб бораётган бўлса-да, сув танқислиги кузатилмоқда. Сувни тежаш ва уни оқилона сарфлаш зарурияти пайдо бўлди. Шўр ва гипссиз ерларни мелиоратив яхшилаш учун минерал озуқалар қўшилиши керак, бироқ улар ўсимлик илдиз қатламига етиб бормайди. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида, ўғитлаш тизимининг ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчагини аниқлаш бўйича тадқиқот олиб борилди.

Гипсли тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида чизель-культиватор-ўғитлагичнинг технологик схемасини такомиллаштиришдан иборат. Шундай экан ушбу ишимизда чизель-культиваторнинг ўғитлаш тизимининг ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчагини уваланиш бурчагини ҳамда қамров кенглигини, ушбу параметрлар бўйича тенглама ва схемаларни келтирилди. Ушбу ишлар бўйича Т.С.Худойбердиев, А.Т.Тўхтақўзиев, А.Н.Худоёров, З.Л.Ботиров, Б.У.Тошпўлатов ва бошқалар шуғулланганлар [1, 2, 3].

Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди: Чизели-культиваторнинг ўғитлаш тизимидаги ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчагини математик моделлаштириш. Олинган назарий натижаларни таҳлил қилиш. Тупроқнинг ички ва ташқи ишқаланиш бурчакларини ҳисобга олиб, оптимал очилиш бурчагини аниқлаш[3]. Бундай усуллар ёрдамида ўқёйсимон катта панжанинг оптимал очилиш бурчаги аниқланди, бу еса тупроқ билан ўзаро таъсир жараёнларини яхшилашга ёрдам беради.

Ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчаги. Бу бурчакни аниқлаш учун ўқёйсимон катта панжа ўнг қанотини тупроқ билан горизонтал текисликда таъсирлашиш жараёни ва шу текисликда унга таъсир этувчи кучлар очиқ кесиш шароитида таъсирлашяпти, парчаланиш текислиги эса горизонтал йўналган деб қараймиз ва қуйидаги ифода орқали аниқланди [4].

$$\gamma_{\text{ў}} = arctg\frac{\sqrt{9tg^2\varphi_1 + 8} - 3tg\varphi_1}{2}; \qquad (1)$$

1-расмда (1) ифода бўйича $\gamma_{\text{ў}}$ ни φ_1 га боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилди. Ундан кўриниб турибдики, φ_1 ошиши билан $\gamma_{\text{ў}}$ нинг қиймати камайган.



1-расм. Ўқёйсимон катта панжа қанотларининг очилиш бурчаги $\gamma_{ў}$ ни ишқаланиш бурчаги φ_1 га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

(1) ифодага φ_1 нинг маълум қийматларини (30-35°) қўйиб, ўқёйсимон панжанинг тортишга қаршилиги минимал бўлиши учун у қанотларининг очилиш бурчаги 35°42′-38°23′ оралиғида бўлиши лозимлигини аниқланди [5, 4].

Ўқёйсимон катта панжаларнинг увалаш бурчаги параметрларини қуйидаги ифодадан фойдаланиб:

$$\alpha_{ю} = \alpha_{ў} = \arcsin\left\{\left\{-\sin(\varphi_1+\varphi_2)+\sqrt{\sin^2(\varphi_1+\varphi_2)+\left[2+\frac{1}{2}\cos(\varphi_1+\varphi_2)\right]\left[1+\cos(\varphi_1+\varphi_2)\right]}\right\}:\left[2+\frac{1}{2}\cos(\varphi_1+\varphi_2)\right]\right\}: \quad (2)$$

бунда φ_1, φ_2 – мос равишда тупроқнинг ички ва ташқи ишқаланиш бурчаклари, (2) шарт бажарилганда тупроқнинг парчаланиш қадами минимал қийматга эга бўлиши натижасида тупроқнинг кам қувват сарфлаган ҳолда сифатли уваланишига эришилади[6,7].

φ_1=30-35º ва φ_2=35-45º қабул қилиниб, (2) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблашлар ўқёйсимон катта панжанинг увалаш бурчаклари 24°28′-29°24′ оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ўқёйсимон катта панжанинг қамраш кенглиги параметр қуйидаги ифода орқали аниқланди (1), (3) дан кўриниб турибдики, берилган иш шароити (φ_1 ,φ_2) ва белгиланган ишлов бериш чуқурлиги (h) учун ҳамда $\alpha_{ў}$ ва $\gamma_{ў}$ ларни юқорида аниқланган маълум қийматларида тупроқни ўқёйсимон катта панжа қанотлари таъсири остида горизонтал йўналишда парчаланишига унинг қамраш кенглигини тўғри танлаш ҳисобига эришиш мумкин экан.

$$\left\{0{,}5b_{ў} - \frac{\left[\sqrt{[\tau_к]^2 + 2q_o[\tau_к]b_{ў}\dfrac{tg\alpha_{ў}\sin(\alpha_{ў}+\varphi_1)}{\cos\varphi_1\cos(\gamma_{ў}+\varphi_1)}} - [\tau_к]\right]}{2q_o\sin(\alpha_{ў}+\varphi_1)} ctg\alpha_{ў}\cos\varphi_1\cos(\gamma_{ў}+\varphi_1)\right\} \times$$

$$\times \frac{\left[\sqrt{[\tau_к]^2 + 2q_o[\tau_к]b_{ў}\dfrac{tg\alpha_{ў}\sin(\alpha_{ў}+\varphi_1)}{\cos\varphi_1\cos(\gamma_{ў}+\varphi_1)}} - [\tau_к]\right]}{q_o\sin\gamma_{ў}\sin(\alpha_{ў}+\varphi_1)} ctg\alpha_{ў}\cos^2\varphi_1 <$$

$$< \frac{1}{2\sin\gamma_{ў}}\left[0{,}5b_{ў} - \frac{htg\dfrac{1}{2}(\alpha_{ў}+\varphi_1+\varphi_2)\cos(\gamma_{ў}+\delta)}{\cos\delta}\right]\frac{h}{\cos(\alpha_{ў}+\varphi_1+\varphi_2)};$$

(3)

$[\tau_к] = 2\cdot10^4$ Pa, $q_0 = 1\cdot10^7$ N/m^3, h = 20 cm, $\varphi_1 = 30°$ ва $\varphi_2 = 40°$ қабул қилиниб ҳамда $\alpha_{ў}$ ва $\gamma_{ў}$ ларни юқорида аниқланган қийматларини ҳисобга олган ҳолда (3) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар тупроқ горизонтал йўналишда парчаланиши ва энергия ҳажмдорлик камайишига эришиш учун ўқёйсимон панжанинг қамраш кенглиги кўпи билан 36 см бўлиши лозимлигини кўрсатди[7,8].



2-расм. Такомиллаштирилган чизель-культиваторга ўрнатиладиган ерга ўғит аралашмаси солиш сошники конструктив схемаси.

1-панжа, 2-устун (стойка), 3-конуссимон тешик, 4-тор тешик, 5- клапан ўқи, 6-клапан, 7-диффузор.

Олинган натижалар қишлоқ хўжалиги техникаси самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ўғитни ўсимлик илдиз қатламига тўғри етказиб бериш орқали ҳосилдорликни ошириш мумкин. Тупроқнинг минимал қувват сарфи билан увланишини таъминлаш экинлар учун қулай муҳит яратади. Панжанинг оптимал қамров кенглигини белгилаш орқали техника самарадорлиги ошади [8, 9].

Натижалар олдинги тадқиқотлар билан таққосланганда мос келувчи қийматларни кўрсатди. Келгусида, тажрибавий синовлар ўтказилиб, амалиётга жорий етиш бўйича тавсиялар берилиши мумкин.

Хулоса. Чизел-култиваторнинг ўғитлаш тизимининг ўқёйсимон катта панжа қанотлари учун оптимал бурчак, уваланиш бурчаги ва қамров кенглиги аниқланди. Тадқиқот натижалари қишлоқ хўжалиги техникасини такомиллаштиришга ёрдам беради ва сув ҳамда ўғит ресурсларидан самарали фойдаланишга имкон яратади. Ўғитлаш тизимини ва унинг параметрларини такомиллаштириш бўйича бажарилган ишларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар қилиш мумкин:

Ўсимлик илдиз тизимининг ривожланиши нафақат пушта кенглиги бўйича балки пушта бўйламаси бўйича ҳам кенгайтирилган тасмасимон солинган ўғитли қатламга мос равишда ривожланади.

Ўғитларни тупроққа икки қаватга 50 см чуқурликка ва уч қаватга 50 см чуқурликка соладиган ўғитлагич-тақсимлагич-сошник тизимини фақат гипс қатлами 30 см дан юқори бўлган ерларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга бу илдиз тизими чуқур ривожланган техника экинларида қўллаш юқори самара берди.

Республикамизда гипс қатлами 30 см гача бўлган ер майдонлари ҳажми кўплигини ҳисобга олиб, бу ерларда экиладиган экинлар илдиз тизими 30 см атрофида ривожланишини эътиборга олиб, белгиланган қатламга ёппасига ўғит солувчи икки қаватли комбинациялашган пушта олгич тизимини мақсадга мувофиқ.

Юмшатгичлар сонини камайтириш ва пушта олгични функциясини кенгайтириш орқали энергия ва ресурс тежамкорлик таъминлаш мақсадида чизель-культиватор-ўғитлагич ишчи қисмларини мукобил жойдаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдимоминов И.И. “Ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган Тошкент Комбинацсиялашган машина юмшаткичларининг

турини танлаш ва параметрларини асослаш”. Дисс PhD. -Тошкент, 2022 114-бет

2. Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Болтабоев Б.Р., Раззақов Б.А. Пушта олгич-ўғитлагич қурилмасининг тузилиши ва ишлаши. //“Агросаноат мажмуаси учун фан, таълим ва инновация, муаммолар ва истиқболлар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман”. I-Тўплам.- Т., 2019. 81-85 б.

3. Худойбердиев Т.С, Раззақов Б., Адхамов М. Комбинациялашган пушта олгич-ўғитлагичнинг технологик иш жараёни./”Agroilm” ж., 2021, № 3.Т., 2021.-94-95 б.

4. Пахтачилик ва ғаллачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш //Қўлланма / - Т., “Фан” нашриёти, 2012.-214 б.

5. Пахтачилик маълумотномаси / таҳрир ҳайъати. -Тошкент:Фан ва технологиялар, 2016. - 540 б.

6. Ражабов А., Тошболтаев М., Тўхтақўзиев А. “Ерларни экин экишга тайёрлаш бўйича тавсиялар”. 6 март 2017 йил. https://www.agro.uz/uz/.

7. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины./Листопад Г.Е. умумий таҳрири остида.-М.: Колос, 1976. -752 б.

8. Способы внесения удобрений//“Агровестник” (Россия), № 7, 2017.

9. Соколов Ф.А. Агрономические основы комплексной механизации хлопководства.-Т.: Фан, 1977.-223 б.

УЎТ: 631.6/504.4

ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖ СУВЛАРИНИНГ ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Абдиева Матлуба Шукуровна
г.ф.ф.д. (PhD) катта илмий ходим
ORCID ID: 0000-0002-1292-5217
Садиев Фарҳод Фатуллоевич
т.ф.ф.д. (PhD) катта илмий ходим
ORCID ID: 0009-0007-8916-5088
Махмадалиев Иброҳим Махамад ўғли
таянч докторант

Аннотация. Мақолада Ўрта Зарафшон ҳавзасининг коллектор-дренаж сувлари сифати ҳамда сарфининг ўзгаришлари ёритилган. Охирги 2018-2023 йиллардаги Самарқанд вилоятида 13 та туманнинг 128 та хўжаликлараро коллектор-дренаж сувларининг сув сарфи ҳамда минерализация миқдори ерларни суғоришда иккиламчи шўрланишни вужудга келиши нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, Зарафшон ҳавзаси коллектор-дренаж сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш орқали уларнинг суғоришда қайта фойдаланиш имкониятлари баҳоланган.

Калит сўзлар. Ўрта Зарафшон ҳавзаси, сув сифати, коллектор-дренаж сувлари, сув сарфи, минерализация, хлоридлар.

Аннотация: В статье освещены изменения качества и расхода коллекторно-дренажных вод бассейна Среднего Зеравшана. В Самаркандской области за последние 2018-2023 годы были исследованы расход воды и минерализация 128 межхозяйственных коллекторно-дренажных вод 13 районов с точки зрения образования вторичного засоления при орошении земель. Вместе с тем, путем анализа гидрологических и гидрохимических свойств коллекторно-дренажных вод бассейна Зеравшана была оценена возможность их повторного использования в орошении.

Ключевые слова. Среднезарафшанский бассейн, качество воды, коллекторно-дренажные воды, расход воды, минерализация, хлориды.

Annotation. The article covers changes in the quality and discharge of collector-drainage waters in the Middle Zeravshan basin. In the Samarkand region, water consumption and mineralization of 128 inter-farm collector-drainage waters in 13 districts were studied in terms of secondary salinization during irrigation in the last 2018-2023 years. At the same time, by analyzing the

hydrological and hydrochemical properties of the collector-drainage waters of the Zeravshan basin, the possibility of their reuse in irrigation was assessed.

Key words. Middle Zeravshan basin, water quality, collector-drainage waters, water discharge, mineralization, chlorides.

Кириш. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларининг камайиши ва иқлим ўзгаришлари шароитида сувдан оқилона фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида суғориладиган ерлар майдонининг кенгайиши ва сув танқислиги шароитида коллектор-дренаж тизимларининг аҳамияти ортмоқда. Бу тизимлар орқали йиғиладиган сувларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ўрганиш, уларнинг қайта фойдаланиш имкониятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб етади.

Ушбу тадқиқотда 2018–2023 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг туманларида жойлашган хўжаликлараро коллектор-дренаж тизимларига тушган сувларнинг сарфи, минерализацияси ва хлоридлар миқдори ўрганилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади - коллектор-дренаж сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш орқали уларнинг суғоришда қайта фойдаланиш имкониятларини баҳолашдир.

Статистик маълумотларга кўра, суғориладиган шўрланган ерлар майдони дунёнинг турли мамлакатларида турлича, жумладан, Эрон, Миср ва Аргентинада 30-34 %, АҚШ ва Покистонда 24-26 %, Хитой ва Ҳиндистонда 15-17 %, Тайланд, Австралия ва бошқа мамлакатларда 10-12 % гача иккиламчи шўрланишга учраган [1, 2]. Марказий Осиё ҳудуди суғориладиган ерларининг 2/3 қисми, республикамиз жами суғориладиган ерларининг 55 % га яқини турли даражада шўрланган [3].

Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғридан-тўғри коллектор-дренаж тармоқларининг ҳолатига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида тупроқ ўзанли коллектор-дренаж тармоқларининг умумий узунлиги қуйидагича: хўжаликлараро коллекторлар - 34800 км, очиқ дренажлар - қарийб 70000 км. [4].

Асосий қисм. Суғориш суви стандарт бўйича тузларнинг максимал миқдори 1 г/л гача бўлиши назарда тутилади. Бироқ, суғориш суви танқислиги шароитида деҳқонлар минерализацияси 2-3 г/л гача бўлган сувдан фойдаланадилар. Суғоришга бериладиган сувнинг минерализацияси 0,5 дан 1 г/л гача ўзгариб турганда тупроқнинг илдиз озиқланадиган бир

метрли қатламида 360 дан 850 граммгача туз тўпланади, минерализацияси 3 г/л бўлган сувдан фойдаланилганда эса 2500 грамм туз тўпланади. Яъни, ҳар йили суғориш суви минерализациясининг танланган чегараларида тупроқда 0,027% дан 0,063% гача тузлар тўпланади, юқори минераллашган коллектор сувларидан фойдаланилганда (2-3 г/л) тузларнинг тўпланиши йилига 0,13 - 0,19% ни ташкил этиши мумкин [5].

Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг 2018–2023 йиллар давомида олиб борилган гидрокимёвий мониторинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, коллектор сувлари таркибида минерализация миқдори ўртача 0,56–3,33 г/л оралиғида ўзгаради. Минерализациянинг энг юқори миқдори Пахтачи туманидаги Зиёвуддин (3,33 г/л), Қизил байроқ (3,19 г/л) коллекторларида кузатилади. Энг кам минерализация миқдори Булунғур, Жомбой, Оқдарё, Самарқанд, Тайлоқ ва Ургут туманларида (0,62-0,79 г/л оралиғида) кузатилади. Ҳавзанинг Каттақўрғон, Нарпай, Пайариқ ва Пахтачи туманларидаги коллекторларда минерализация миқдори 1 г/л дан ортади

(1-расм). Минерализациянинг меъёрий қийматлардан ошиш ҳолатлари ўз навбатида, сув ресурсларининг экологик ҳолатига ва тупроқларнинг шўрланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг 2018-2023 йиллардаги сувларининг сарфи ўртача 0,017-4,63 $м^3/с$ оралиғида бўлиб, сув сарфининг катта миқдори Нарпай туманидаги Зарафшон (2,88 $м^3/с$), Пайариқ туманидаги Карасув (3,34 $м^3/с$), Самарқанд туманидаги Сиёб (4,63 $м^3/с$) ҳамда Тайлоқ туманидаги Корасув бирлашма (3,27 $м^3/с$) коллекторларида кузатилади (1-расм). Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача кўп йиллик (2018-2023 йй.) сув сарфи ва минерализация миқдори ўртасида боғлиқлик кузатилмайди. Сабаби, коллекторлардаги сувлар - суғориш ҳисобидан шаклланадиган коллектор-дренаж сувлари, грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган дренаж оқимлари, атмосфера ёғинларининг инфилтрацияси ҳамда антропоген келиб чиқишга ега техник оқава сувлар ҳисобидан вужудга келади.

Баратов П., Алимқулов Н.Р. тадқиқотларига кўра, Зарафшон сув хўжалик ҳудудида (Самарқанд, Навоий вилоятлари) суғоришга олинган сувнинг 1,72 $км^3$ қайтарма сувлар Зарафшон дарёсига оқизилиб, ундан Бухоро вилоятида фойдаланилади [6].



1-расм. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача кўп йиллик (2018-2023 йй.) сув сарфи ва минерализация миқдори

Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача ойлик (2018-2023 йй.) сув сарфи, минерализация ва хлоридлар миқдори тадқиқ қилинганда, барча ойларда минерализация даражаси **0,82-0,85 г/л оралиғида** кузатилади. Энг кам минерализация миқдори май–август ойларида **ўртача 0,82–0,83 г/л** оралиғида кузатилади. Юқоридагилардан кўринадики, минерализация миқдори ўртача ойлик (2018-2023 йй.) мавсумий ўзгарувчанлик кузатилмайди (2-расм).

Хлоридлар ҳар ойда 0,07-**0,08 г/л атрофида** бўлиб, мавсумий ўзгаришлар жуда кам. Бу шўр сувлардаги хлоридлар концентрацияси **ўта барқарор** эканлигини кўрсатади. Вегетация даврида (май-август) хлоридлар миқдорида **деярли ўзгариш йўқ,** бу уларнинг манбаи ва тузилиш жараёнида барқарор ҳолат мавжудлигидан далолат беради (2-расм).

Сув сарфи ёз ойларида (июн–август) ортади: июлда энг юқори кўрсаткич - 0,59 м³/с ташкил қилса, январь–февраль ойларида сув сарфи энг паст 0,46 м³/с ни ташкил қилади, бу вегетация мавсумигача бўлган даврда коллектор сувлари камлигини кўрсатади. Сентябрдан бошлаб сув сарфи босқичма-босқич камаяди ва декабрга келиб яна 0,47 м³/с атрофига тушади (2-расм).

Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача ойлик (2018-2023 йй.) минерализация ва хлоридлар миқдорининг **барқарор**

сақланиши, уларнинг асосий манбаи ер шўрланиши ва сув-туз баланси муайян режимда эканлигини тасдиқлайди. **Сув сарфининг ёзда ортиши** суғориш фаолиятининг кучайиши ва шўрланиш жараёнларининг фаоллашиши билан боғлиқ.



2-расм. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача ойлик (2018-2023 йй.) сув сарфи, минерализация ва хлоридлар миқдори

Рахматов Ю.Б., Уринова М.У. [7] тадқиқотларига кўра, Ўрта Зарафшон ҳавзасида фойдаланиб келинаётган сув заҳираларини тармоқлар ўртасида тақсимланган ҳолати бўйича 2016-йилда ишлаб чиқаришга 889785,5 минг м^3, ичимлик суви сифатида 85221,4 минг м^3, суғоришга 1335926,8 минг м^3 сув сарфланган.

Зарафшон ҳавзаси коллектор-дренаж сувлари бўйича йил ичидаги (2023 й.) жами хлоридларнинг энг кам миқдори феврал-март ойларида **40,1 т** кузатилади. **Июлда** энг юқори кўрсаткич – **51,5 т** ни ташкил қилади, бу сув танқислиги даврида шўрланган ерлардан тузларнинг интенсив ювилиши ва уларнинг коллектор сувларига тушиши натижаси бўлиши мумкин. **Сентябрдан декабргача миқдор барқарор ҳолда камаяди,** йил охирида 42,1 т ни ташкил этади. **Йиллик жами хлоридлар миқдори – 547,3 т**, яъни тахминан **1,5 т** атрофидаги кунлик ўртача ҳисса билан йил давомида ўртача даражада шўрланиш кузатилган (1-жадвал).

Зарафшон ҳавзаси коллектор-дренаж сувлари бўйича йил ичидаги (2023 й.) жами минерализация энг кам миқдори февралда **454,5 т** бўлиб. **Май ойидан бошлаб минерализация даражаси ошади, июль ойида энг**

юқори миқдори – 588,05 т га етади. **Йил охирига келиб минерализация камаяди,** декабрда 479,7 т ни ташкил этади. **Йиллик жами минерализация миқдори – 6142,9 т** бўлиб, кунлик ўртача **16,8 т** ни ташкил этади.

1-жадвал

Зарафшон ҳавзаси Самарқанд вилоятида коллектор-дренаж сувлари бўйича йил ичидаги (2023 й.) жами хлоридлар ва минерализация миқдори

Ойлар	Хлоридлар, т	Минерализация, т
I	42,96	476,2
II	40,12	454,5
III	40,49	470,7
IV	45,81	464,2
V	43,40	498,1
VI	48,13	547,04
VII	51,51	588,05
VIII	49,68	568,7
IX	49,45	565,3
X	49,42	523,6
XI	44,17	506,3
XII	42,16	479,7
Йиллик	**547,3**	**6142,9**

ФАО мезонлари бўйича экинларнинг тузга чидамлилиги бўйича тупроқ эритмасининг электр ўтказувчанлиги (концентрацияси) орқали ҳисобга олинади. Шундай қилиб, 2 dS/m дан юқори шўрланишда сезгирроқ экинлар (помидор, қалампир, пиёз ва бошқалар) ҳосили камаяди, шўрга чидамли экинлар (буғдой, арпа, пахта) учун эса 7 dS/m дан юқори шўрланишда ҳосил йўқотилади [8].

Хулоса ва тавсиялар:

1. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг ўртача кўп йиллик (2018-2023 йй.) минерализация миқдори 0,56 г/л дан 3,33 г/л гача ўзгаради. Пахтачи туманидаги Зиёвуддин ва Қизил байроқ коллекторларида энг юқори кўрсаткич кузатилади. Бу юқори даражадаги шўрланиш хавфини кўрсатади.

2. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг 2018–2023 йилларда минерализация ва хлоридлар миқдори ойлар кесимида деярли барқарор бўлиб, мавсумий ўзгаришлар сезилмайди. Сув сарфи эса

июль ойида энг юқори (0,59 м³/с), февралда энг паст (0,46 м³/с) кўрсаткични кўрсатади. Бу эса вегетация мавсумида сув сарфи ортиши билан боғлиқ.

3. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг минерализация миқдори 2-3 г/л бўлган сув билан суғоришда ҳар йили тупроқда туз йиғилади. Бу иккиламчи шўрланиш хавфини оширади ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

4. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг жами йил ичида (2023 й.) хлорид ва минерализациянинг йиллик умумий миқдори мос равишда 547,3 т ва 6142,9 т ни ташкил этиб, барқарор сув-туз баланси мавжуд эканлигини кўрсатади, лекин унинг даражаси маълум лимитдан ошиб кетса, экологик хавф кучайиши мумкин.

5. Самарқанд вилояти хўжаликлараро коллекторларнинг минерализация миқдори юқори бўлган сувларни суғоришда тўғридан-тўғри қўлламаслик, яъни, 2 г/л дан юқори минерализацияга эга сувлар шўрланиш хавфини кучайтиради. Бу сувларни ёки қайта ишлаш, ёки тузга чидамли экинлар билан чекланган майдонларда қўллаш тавсия этилади.

6. Минерализация ва хлоридлар мониторингини мунтазам олиб бориш, суғоришда фойдаланиш учун сув сифатининг мунтазам назорати орқали тупроқда туз тўпланишининг олдини олиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ковда В.А. Проблемы борьбы с опустыниванием и засолением орошаемых почв. - Москва: Изд-во “Колос”, 1984. - 303 с.

2. Ковда В.А. Проблемы опустынивания и засоления почв аридных регионов мира. - Москва: Изд-во “Наука”, 2008. - 415 с.

3. Рубинова Ф.Э. Влияние водных мелиораций на сток и гидрохимический режим рек бассейна Аральского моря //М.: Гидрометеоиздат. – 1987. – №. 120. – С. 205.

4. Муратов А.Р., Усманова С.Н., Муратов О.А. “Установления процесса перерезания стеблей грубо- стебельной растительности ковш косилками подпорного действия”. Материалы Республиканской научно-практической конференции по теме “Актуальные проблемы водного хозяйства и мелиора ции орошаемых земель”. Т. САНИИРИ. 2011 г. 233-236. С.

5. Ю.И.Широкова, А.К.Чернышев, Н.Ш.Шарафутдинова Опыт, задачи и перспективы улучшения мелиоративного контроля орошаемых земель. //Мелиорация: этапы и перспективы развития. Материалы международной научно-производственной конференции. – М., 2006. - 35-46 стр.

6. Баратов П., Алимқулов Н.Р. Орол ҳавзасидаги дарё сувларидан фойдаланишнинг баъзи муаммолари // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 14-15 июнь, 2019 йил, Тошкент, 2019. – 39-44 бет.

7. Рахматов Ю.Б., Уринова М.У. Сувдан самарали фойдаланишнинг геоэкологик муаммолари // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 14-15 июнь, 2019 йил, Тошкент, 2019. – 266-270 бет.

8. Хиллел, Д. (2000) Управление соленостью для устойчивого орошения: интеграция науки, окружающей среды и экономики. Всемирный банк, Вашингтон, округ Колумбия. https://doi.org/10.1596/0-8213-4773-X

UDC: 612.2 629.4.051.2

MAIN PROBLEMS OF THE WATER RESPIRATORY SYSTEM OF NUKUS CITY OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN AND MODERNIZATION OF PROGRAMS TO IMPROVE THE CONDITION OF THE COMPLEX

Turlibaev Zakir Temirkhanovich
Karakalpak State University
email: zakir_18_89@mail.ru
Tangatarova Gu’lziraMirzabekovna
Doctoral student of the Scientific Research Institute of
Irrigation and Water Problems.
email: gulzira141414@gmail.com

Annotation. The work analyzes the problematic state of the sewer network of the city of Nukus from 1970 to the current period. The sharply continental climate of the Republic of Karakalpakstan was studied and taken into account, as well as the main cause of the problem is the aging of pipelines, due to the aggressive effects of soil consisting of small particles, which creates an environmental disaster. Various programs have been developed to improve the city's sewer systems and specific examples have been proposed for modernizing the sewerage system: i.e. rebuild and redirect certain sections of drainage networks in Nukus and use more modern pumping stations for pumping water. Various options have been identified to prevent environmental disasters, that is, from flooding with sewage that is formed due to various frequent accidents. Program documents on the development and modernization of water disposal and wastewater treatment facilities, improvement, reliability, design, drainage and life support systems were proposed for consideration.

Key words: state program, drainage system, pipes for pressure modes, pumping station, sewerage, treatment facilities, excess consumption of water and wastewater.

INTRODUCTION. The territory of the Republic of Karakalpakstan has a sharply changing continental climate. The summer months are characterized by long periods of drought, and the winter months by cold winds from the north. The average air temperature ranges from 10.7-12^{0}C. In summer, the average temperature is more than 20^{0}C, the daily maximum temperature reaches 42-45^{0}C, and the minimum temperature in winter drops to -25...30^{0}C. The season is not cold throughout the year and lasts 200-300 days. Average precipitation ranges from 80 to 110 mm throughout the year, with larger amounts observed in spring and autumn. The winter months are cold and there is little snow. The coldest

month is January. The snow layer is unstable, reaches 5-15 cm and lasts 20-30 days.

The main water source of the republic is the Amu-Darya, which emerged from the mountains as a result of many years of snow and glaciers, passing through the Tuyamuyun reservoir and the Takhiyatash hydroelectric station and reaching the Kyzyljar post of the central delta. Nukus is located in the rear part of the Republic of Karakalpakstan, on the border of the irrigated zone of the Amu Darya River, in the valley of the city with the Kyzylkum desert.

The city of Nukus is the administrative, cultural, scientific, political central capital of the Republic of Karakalpakstan and one of the largest cities in Karakalpakstan.

The sewer network of the city of Nukus has served its purpose for more than 40 years. In the early 1970s, the first sewer network and spillway station (SW) were put into operation. Currently, in the city of Nukus there are 5 joint ventures (SP-1A, SP-2, SP-4, SP-10A, SP-11A), 1 GNS (Main pumping station), 31 Sewage pumping station (sewage pumping station) and WWTP (sewage pumping station) wastewater treatment). The population of the city of Nukus, provided with sewerage, is 98.4 thousand people, or 31.1% of the total population. 38.9% of the entire sewer network requires clean replacement.

The underground soils of construction sites for mobile sewerage structures: treatment plants (WTP), main pumping station (MPS) and utility routes are composed of soils of varying density, granulometric composition and physical and mechanical properties, with an admixture of sand, carbon deposits, silt, and light layers of soil.

The city's sewer network is in disrepair, which creates an environmental disaster. The main cause of the accident was the aging of pipelines, mainly due to the aggressive effects of soil consisting of small particles. During the operation of the network, the upper part of the pipelines... was damaged and became unusable, causing water to flow into the collectors, and some areas of the city were flooded with sewage.

Various programs have been developed to improve the city's sewer systems. The main goal of the work is to review program documents on the development and modernization of water disposal and wastewater treatment facilities, improvement, reliability, design, drainage systems, and life support. The current state and problems of wastewater discharge systems, the main ways to solve

problems are described, and examples of the reconstruction of wastewater discharge systems in the city of Nukus are given.

Methods. In 2022, a Decree of the President of the Republic of Uzbekistan was adopted on the development strategy of the new Uzbekistan for 2022 - 2026.

As part of the new development strategy of Uzbekistan for 2022-2026, including “Goal 34: Development of wastewater disposal systems, engineering, communication and social infrastructure, territories, as well as services”, the creation of technically and technologically modernized local and individual wastewater treatment facilities is especially important , which will ensure the reuse of treated water and reduce excess costs, including for the treatment of wastewater generated in areas that do not have a sewer system. [1, 11].

The current state of the sewer systems of the city of Nukus. Under the jurisdiction of the Nukus Vodokanala, there are 150.1 kilometers of water supply. Pipes, for gravity mode, 82.9 km and pressure mode, 67.2 km. (Figure 1, 2).



Figure 1. Nukus sewerage system

When selecting the necessary wastewater treatment methods and facilities, the special sanitary and economic importance of local lands must be taken into account. Moreover, in the conditions of Uzbekistan, wastewater treatment is limited not to mechanical treatment, but to complete, biological treatment of wastewater.

The main treatment facility of the city of Nukus is a biological treatment of wastewater, followed by chlorination and discharge of treated wastewater to natural wetlands (filtration and evaporation fields 15 km from the city of Nukus).

1. Wastewater from the city territory (from the left bank of the Dustlik canals) enters directly into the reservoirs of the district's sewerage pumping stations through flow-through collector systems and flows sequentially in the direction of SP-1A. From here, water is supplied to the right bank of the canal by the SP-4 flow-through collector. This gravity collector receives wastewater from the KNS Olympic Reserve College, Vodokanal and the KNS Infectious Diseases Hospital, after which it is pumped to the treatment plant using SP-1A.

2. Wastewater from the city territory (from the right bank of the Dustlik canals) enters the reservoirs of the pumping station of the ponds corresponding to the flow-collector system, and is sequentially transferred to KNS-22, KNS-23, KNS-24, KNS-25, then the driver’s pool SP-10A station itself enters the flow collector and pumping basin, after which it is transferred to fill the ponds.

3. Wastewater from KNS-Agostroy, KNS-ARZ-16 is transferred to the ponds of the SP-1A drive station through gravity collectors.

4. SPS array “Sarbinaz”, wastewater is supplied to the SP-1A pool through a flow-through collector.

The main pumping stations SP-1A and SP-10A are the pumping stations to which all wastewater from the remaining 4 SPs and 14 SPS are collected. Wastewater from SP-1A and SP-10A is supplied to treatment facilities through a pressure manifold with a diameter of D=1000 mm.

The treatment plant consists of complete biological wastewater treatment and is located 22 km from the city of Tuslikkun in Nukus. The design capacity of the treatment facilities is 65,000 m^3/day.

On the territory of the wastewater treatment plant there are mechanical structures and complex biological treatment plants, wastewater treatment plants, utility and auxiliary buildings and structures.

The treatment facilities have been in operation since 1992. The area of treatment facilities is 45 hectares. Treated wastewater is discharged through the Ozerny collector.

Currently, treatment facilities cannot provide adequate wastewater treatment. Due to the lack of appropriate costs, work on the reconstruction and repair of treatment facilities has not yet been completed. All equipment is broken, worn out, and not fully functional. Biological treatment facilities and mechanical

treatment facilities are in operation. The treatment facilities of the city of Nukus are also in disrepair. Reconstruction of all structures and buildings is required.

The main, pumping, station, GNS, (main, pumping, stations), belonging to the Akaba Suu branch of the city of Nukus, is located 3.0 km from the city of Nukus and was put into operation in 1988 by the state design institute "Uzgipromkommuninzhproekt". Wastewater from the city of Nukus is supplied to the main pumping station, and through this pumping station through an iron pipe with a diameter of D = 1000 mm and a length of 15 km, it is pumped to the WWTP facility located in the Karauzyak region of the Republic of Karakalpakstan, where biological treatment takes place.

Results and Discussion

The sewerage system of the city of Nukus is arranged as follows:

The main current problems (reliability, quality, consumer convenience, environmental impact) of water disposal and wastewater treatment systems include: The wear and tear of sewer networks currently exceeds 50%, which leads to a significant level of accidents. Accidents in sewerage systems occur mainly for two reasons: clogging of gravity pipes with a diameter of up to 400 mm; soil and electrochemical corrosion in wastewater pressure pipes of sewage pumping stations.



Figure 2. **Sewage scheme of the city of Nukus**

The length of the central sewerage networks in the city of Nukus is 150.1 km, of which there are 67.2 km of high-pressure pipes (pressure) and 82.0 km of gravity pipes (self-flowing). Of these, 73.7 km of water supply networks are outdated and today they require replacement. According to the statistical department, 326.1 thousand people live in Nukus, of which 101.417 settlements use sewerage services, which is 31.1 percent.

The site of the GNS facility is divided into two sections, in the first there is a technological facility, and in the second there are secondary technological facilities - tanks and a pumping station, which is in working condition, but requires reconstruction and replacement of equipment.

At the moment, the 15 km long pressure collector from the GNS to the WWTP is in disrepair due to high corrosion of wastewater.

Sewerage diagram. Domestic wastewater from the left bank of the city canals enters the reservoirs of the sewage pumping station through a flow-collector network and is supplied to SP-1A in sequence according to the designated areas. After this, wastewater from the territory of the right bank of the canal is pumped through the flow-through collector network by the SP-4 station, and the wastewater from the college, water utility, and KNS hospital enters the flow-through collector and is collected in SP-4. 1A and is pumped to treatment facilities. The diagram of the currently operating sewer networks of the city of Nukus is presented in Fig.2.

The main pumping stations are SP-1A and SP-10A. Wastewater collected in the joint venture and 14 pumping stations of the remaining 4 drive stations enters the gas pumping station through a pressure manifold with a diameter of d=1000 mm, and then is transferred to treatment facilities.



Figure 3. **Block diagram of the treatment plant**

Operating treatment plant. Evaporation conditions and filtration fields. The treatment plant is located 18 km from the city of Nukus, in the Kyzylkum desert in its eastern part. Its total area is 147 hectares. The project recommends the use of natural wetlands for wastewater treatment based on biological treatment plants (two-stage clarifiers, catchment clarifiers, cultivation clarifiers, fermentation clarifiers, aquatic plant clarifiers). The design of the treatment facilities indicates 65 thousand m^3/day.

On the territory of the treatment plant (45 hectares) there are mechanical structures and facilities for complete biological treatment of wastewater, utility auxiliary buildings and premises under the decontamination structure.

They are currently not fully functional. The treatment facilities have been in operation since 1992. The wastewater treatment plant is not capable of providing complete wastewater treatment; due to the lack of individual measures, work on the reconstruction and repair of treatment facilities was not carried out. Also, many equipment in the operating system of the city of Nukus are in disrepair. All their buildings and structures require reconstruction.

Bunday murakkab sharoitda tuproq unumdorligini barqaror saqlash va hosildorlikni oshirish uchun organik modda va azotni oshiruvchi usullar muhimdir. Siderat ekinlari - ya’ni asosiy ekindan so‘ng yoki bo‘sh maydonga ekiladigan dukkaklilar kabi bir yillik o‘simliklar - o‘simliklar yerni ekilgancha ko‘rib chiqib, barqaror bog‘don (biologik azot fiksatsiyasi) va organik moddalar bilan boyitish xususiyatiga ega. Albatta, no‘xat (Pisum sativum) kabi loviya ekini ildizlarida va o‘simlik qoldiqlarida azot fiksatsiyalanadi va hosilgacha kiritilganda tuproqdagi organik moddalar miqdorini oshiradi. Shuningdek, loviya o‘simliklari tuproqning aeratsiyasini yaxshilab, er yuzasidagi sho‘rlanishni ham biroz kamaytirishi mumkin. Shu nuqtai nazardan, Buxoro viloyatining sho‘rlangan tuproqlarida no‘xatni siderat ekini sifatida qo‘llash hosil va tuproq sifatiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkinligi taxmin qilinadi.

Uslublar. Ushbu ish nazariy-analitik metodlarga asoslangan bo‘lib, mavjud ilmiy manbalar va tajriba ma’lumotlari tahlili orqali amalga oshirildi. Avvalo O‘zbekiston, MDH va xalqaro nashrlarda no‘xat, loviya, bedana kabi dukkaklilarni siderat ekini sifatida qo‘llash bo‘yicha e’lon qilingan maqolalar, dissertatsiyalar hamda amaliy tajribalar natijalari qidirildi. Shu bilan bir qatorda g‘allaga oldindan ekilgan loviya ekini yetishtirish tajribalari, tuproq sho‘rlanishi

sharoitida ularning ta’siri bo‘yicha empirik ma’lumotlar yig‘ildi. Tadqiqotda quyidagilar ko‘rib chiqildi:

Tuproq va iqlim sharoitlari: Jondor tumanida keng tarqalgan qumloq-cho‘l tuproqlari xususiyatlari, yil davomida yog‘ingarchilik, harorat rejimi va sho‘rlanish darajasi to‘g‘risidagi ma’lumotlar.

Siderat ekinlari foydasi: No‘xat va boshqa loviyalarning biologik azot fiksatsiyasi (BAF) va organik moddalar kiritish salohiyatini baholovchi manbalar. Qishloq xo‘jaligidagi tajribalar, xususan qo‘ng‘iz oqgen va o‘zbek sharoitida amalga oshirilgan eksperiment natijalari asosida loviya qoldiqlarining N tengligi va hosildagi ta’siri qiyoslandi [1].

G‘alla hosili va nitrojen: G‘alladan keyin loviya qoldiqni biriktirish yoki tashlab ketish strategiyalari hamda qo‘shimcha azot o‘g‘itlari bilan birgalikdagi tadqiqotlar tahlil qilindi. Siderat ekinidan keyin g‘allaning o‘sishiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillar – tuproqdagi organik modda miqdori, total va mavjud azot miqdori, tuproq sho‘rlanish ko‘rsatkichi – olingan ma’lumotlar asosida modellashtirildi.

Bu uslublar yordamida maqola mualliflari mavjud literaturaga bog‘liq holda «nazariy-analitik» tasvirni beradi va O‘zbekistonga mos xulosalar chiqaradi.

Natijala. Tahlillarimiz ko‘rsatdiki, no‘xat kabi loviya siderat ekini tuproq unumdorligini yaxshilaydi va izchil qazigan keyingi ekin – g‘allaning hosildorligiga sezilarli ta’sir o‘tkazadi. Olingan natijalarni quyidagi yo‘nalishlarda jamlash mumkin:

Tuproq organik modda va azot miqdori: Meta-tahlil natijalariga ko‘ra, sho‘rlangan tuproqlarda yillik siderat ekini qo‘llash tuproq organik uglerodini (SOC) va umumiy azot miqdorini sezilarli oshiradi. Masalan, Xitoyning sho‘rlangan yerlari bo‘yicha o‘tkazilgan ko‘p-tadqiqotli tahlil shuni ko‘rsatdiki: no‘xat kabi loviya siderat ekini qo‘llash natijasida o‘rtacha SOC ~34,8% ga, to‘liq azot ~32,2% ga, mavjud fosfor ~34,3% ga ko‘payadi, tuproq sho‘rlanishi esa ~47,8% ga pasayadi (boshqa almashtirish shartlari baribir olingan). Ayniqsa tuproq sho‘rlanishi yuqori bo‘lgan sharoitlarda, yuqoridagi ko‘rsatkichlar sezilarli darajada yaxshilanadi. Bunda loviya turiga qarab farq bor: legume (dakkakli) sideratlar umumiy azot miqdorini boshqa o‘simliklardan ko‘proq oshiradi (taxminan +38,5%), va tuproq tuz miqdorini ham namlik bilan olib chiqib ketish orqali kamaytiradi [2].

No‘xatdan kiritiladigan azot massasi: O‘simlikdan olingan ma’lumotlar shuni ko‘rsatadiki, no‘xat kabi loviya ekini azot fiksatsiya qilish qobiliyatiga ega. Masalan, AQSh paxtachilik zona tadqiqotida qishloq sharoitida yetishtirilgan Avstriya qora no‘xatida birinchi yil 96 funt (~44 kg) N, ikkinchi yil esa 207 funt (~94 kg) N fiksatsiya qilingan. Umumiy holda loviya ekinlari bahador N manbai bo‘lib, 90-150 funt/akre (100-160 kg/ha) oraliqda azot taqdim etishi kuzatilgan. Shu bilan birga, noyob eksperimentlarda no‘xat va alfalfa qoldiqlari aralashtirib berilganda no‘xat qoldig‘ining minerallashtirilishi tezligi alfalfa qoldiqlaridan ikki barobar yuqori ekani aniqlangan. Umuman olganda, no‘xatdan olingan azotning taxminan 77% qismi keyingi g‘alla ekiniga o‘tgan (58%) yoki tuproqda qolgan (19%) deb bildirilgan.

G‘alla hosildorligi: Asosiy eksperimental natijalar no‘xat sideratining g‘alla hosiliga ijobiy ta’sirini ko‘rsatadi. Masalan, jahon tajribalarida qishloq xo‘jalik ma’lumotlari tahlili shuni ko‘rsatdiki, loviya siderat ekini keyingi yilda bug‘doy hosilini qariyb 1,4–1,6 barobar oshirishi mumkin. Xususan, yirtqich tuproqlarda o‘tkazilgan tadqiqotlarda yer sifatining yomonlashish darajasi yuqori bo‘lgan maydonlarda qishki no‘xat sideratidan keyin g‘alla hosili 39–112% ga oshgani qayd etilgan. Agar mineral azotli o‘g‘itlar berilmasa ham, no‘xat siderat ekini qo‘llash natijasida bug‘doy hosili o‘rtacha 1,6 barobar ko‘payganligi kuzatilgan.

Mahalliy sharoitga yaqin misol sifatida Pokistonning shamolli va kam yog‘ingarchilikli sharoitida o‘tkazilgan eksperimentni keltirish mumkin. Unda nazorat maydonda (no‘xat sideratsiz, N ta’minoti yo‘q) bug‘doy hosili 2590 kg/ha bo‘lgan. 90 kunlik qishki no‘xat sideratini dalaga ekib, unga 90 kg/ha azotli o‘g‘it berilganda bug‘doy hosili 4161 kg/ha ga yetgan (ya’ni nazoratga nisbatan qariyb 60% ortish). Bu tajribada boshqa sharoitlar solishtirib ko‘rilmagan bo‘lsa-da, kelgusi ekinga azot miqdorini kamaytirib yetkazish mumkinligini ko‘rsatadi.[3] Shuningdek, turli sideratlarni solishtirishda, no‘xatning o‘zi hamda uni kolza, yulovcha kabi boshqa sideratlar bilan aralashtirgan holatlarda hosil yanada oshgani ma’lum qilingan. Masalan, Samarqand viloyatining Payariq tumanida o‘tkazilgan tajribada no‘xat sideratini NPK bilan qo‘llash orqali makkajo‘xori doni hosildorligi nazorat variantga nisbatan 8,9% ga (66,3→75,2 s/ga) oshgan, boshqa aralash sideratlar bilan bu oshish 25-28% gacha bo‘lgan. Bu yerda g‘alladan farqli o‘laroq makkajo‘xori tajribada ko‘rib chiqilgani bilan, umumiy tamoyil birdek ishlaydi: loviya siderati + mineral o‘g‘itlar kombinatsiyasi hosildorlikni sezilarli oshiradi [4].

Tuproq sho‘rlanishi ta’siri: O‘rganilgan ma’lumotlarga ko‘ra, tuproq sho‘rlanishi no‘xat o‘sishiga va keyingi g‘alla hosiliga ham ta’sir qiladi. Umuman, bug‘doy sho‘rlangan tuproqlarida hosil past bo‘lishi ma’lum. No‘xat o‘zi sho‘rlanishga chidamli o‘simlik emas, shuning uchun yuqori sho‘rlangan tuproqlarda uning o‘sishi pasayadi (boshqa manbalarda masalan 100 mM NaCl sharoitida no‘xat hosili yarimigacha kamayishi qayd etilgan). Shu munosabat bilan bizning modelga ko‘ra, tuproqdan hosilga o‘tayotgan salt miqdori keng ko‘lamda sezilsa, hosil pasayadi – masalan, modelda bir birlik dS/m oshishi bo‘yicha hosil 150–200 kg/ha atrofida kamayishi taxmin qilinadi. Biroq, zarur urug‘ variantlari va gidrotizim bilan birga ishlansa, loviya sideratining ta’siri umuman ijobiy bo‘ladi. Yuqorida tilga olingan natijalar shuni ko‘rsatadiki, quruq va sho‘rlangan hududlarda ham loviya sideratlar birgalikda kam dozali mineral o‘g‘itlar bilan ishlatilsa, yer unumdorligi oshadi va natijada hosildorlik sezilarli yaxshilanadi.

Quyidagi 1-jadvalda Pokistondagi taniqli tajribadan olingan natijalarni keltirish bilan bug‘doy hosilining siderat holatiga bog‘liqligi namoyon qilingan: Jadval 1. Bug‘doy hosili no‘xat siderati va azot o‘g‘itlari turlicha qo‘llanilganda (Pokiston tajribasi, boshlandi). Nazorat – sideratsiz va minimal o‘g‘itlantirilgan; ikkinchi qator esa qishki no‘xat siderati va qo‘shimcha 90 kg/ha azot bilan.

1-jadval

Davr / O‘g‘it	Don hosili (kg/ha)
Nazorat (no‘xat, NPK yo‘q)	2590
No‘xat (90 kunlik) + 90 kg N/ha	4161

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, no‘xat sideratini qo‘llash va unga mo‘’tadil azotli o‘g‘it berish natijasida bug‘doy hosili sezilarli darajada oshgan (2590→4161 kg/ha). Ushbu natija Buxoro hududida ham shunga o‘xshash foyda berishi mumkinligini ko‘rsatadi. Bundan tashqari, sotiladigan boshqa dukkaklilar – masalan, loviya yoki osimlik sideratlari – ham o‘xshash ijobiy trend ko‘rsatgani sir emas.

Muhokama. Olingan natijalar va adabiyot ma’lumotlari asosida chiqarishimiz mumkin bo‘lgan munozarali xulosalar:

No‘xat siderati tuproq salomatligini yaxshilaydi. Xalqaro tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, loviya sideratlari tuproq organik moddasini ko‘paytiradi va tuproq tuzilishini yaxshilaydi. Bu xususiyat Jondor kabidagi organik moddasi past, sho‘rlangan tuproqlarda ayniqsa dolzarbdir. Bizning model va misol natijalarimiz ham ko‘rsatadi: no‘xat katta miqdorda biomass hosil qilib erga qaytadi (ayrim manbalarga ko‘ra 0,45-1,34 t/akr gacha quruq biomass), bu esa

barvaqt rusum boshoq holida yoki boshoq paytida dalada maydalansa, keyingi g‘alla uchun azot va organik modda rezervini yaratadi. Shu tarzda qo‘shilgan organik modda keyingi yil tuproqdagi O‘N va S zarralariga bir marotaba azot berib, mineralizatsiyalanadi. Shuning uchun no‘xat siderat qo‘llash tuproqdagi barqaror azot zahirasini “to‘yintirish”da muhim rol o‘ynaydi.

Azot ta’minoti va o‘g‘itlarni tejash. No‘xat siderati yordamida tuproqqa qo‘shilgan azot miqdori keyingi g‘alla ekinini oziqlantirishda kimyoviy o‘g‘itlarga bo‘lgan ehtiyojni kamaytiradi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, loviya sideratini qo‘llab, to‘liq sintetik azot berilmagan holda ham hosil yuqorilanishi mumkin. Pokiston tajribasida no‘xat + azot bilan bog‘liq hosil o‘rtacha 4161 kg/ha ni tashkil etsa, faqat yer nazorat holatida 2590 kg/ha bo‘lib, oradagi farq 60% ni tashkil etgan. Bu degani sideratdan olinadigan azot qisman g‘allani oziqlantirib, qo‘shimcha mineral o‘g‘it berish kamaytirilsa ham yuqori hosil olish imkonini beradi. Buni o‘zimizning kontekstga tatbiq etsak, meliorativ emas qishloq xo‘jaligida azotli o‘g‘itlar cheklanib ketgan hududlarda no‘xat siderati g‘allaning ozuqa zahirasini mustahkamlaydi.[5, 6] Masalan, yuqori azot berilgan nazoratga nisbatan oz miqdordagi mineral o‘g‘it bilan siderat ta’minlangan holda hosil barqaror yuksalishi bilan kelajakda ishlab chiqilayotgan takliflarda sintetik o‘g‘itlar hajmini kamaytirish imkoniyati ham ko‘rsatilgan. Demak, loviya siderati orqali yo‘naluvchilararo o‘simlik birikmasi qo‘llanilganda o‘simlikning azot ta’minoti uyg‘unlashadi, tuproq unumdorligi yaxshilanadi va keyingi g‘alladan ko‘proq hosil olinganligi qayd etilgan.

G‘alla hosiliga salbiy omillar va chegaralar. Siderat ekinini joriy qilishda ayrim kamchiliklar ham bo‘lishi mumkin. Masalan, no‘xat o‘simligi tuproqni namlikdan nisbatan sezgir; agar qishda yoki bahorda suv yetishmasa, uni qo‘llashdan hosilni kamaytirish xavfi yuzaga keladi. Bundan tashqari, qumli-cho‘l tuproqdagi yuqori sho‘rlanishga chidamli navlar tanlanmasa, no‘xat begona o‘simlik bo‘lib qolishi mumkin. Shuningdek, loviya sideratini qo‘llash g‘alla o‘simliklari uchun tuproq namini tezroq yutib yuborishi mumkin, bu hol ayrim klimatik sharoitlarda g‘alla uchun ziyon keltirishi mumkinligi qayd etilgan. Shuning uchun no‘xat siderati g‘alla bilan almash-shaklda ekiladigan bo‘lsa, suv rejasi va tuproq namligiga e’tibor berish lozim. Tajribalarda loviya hosildorligi yuqori bo‘lgan holatlarda, agar yer hali quruq bo‘lsa, keyingi ekin boshlanishida nam bilan bog‘liq muammolar kuzatilgan (masalan, Colorado misolida loviya g‘alla oldiga etarli nam bermay talafotga uchragani qayd etilgan). Shunday ekan, siderat sifatida no‘xatning ijobiy samaralarini olish uchun urug‘ ekish va yechish

muddatlarini, tuproqni ekishdan oldin va keyin suv bilan ta’minlashni aniq rejalashtirish zarur [7].

Mahalliy sharoitga mos takliflar. O‘zbekiston, xususan Buxoro sohillari uchun yuqoridagi natijalar shuni anglatadi: no‘xat siderati joriy etish g‘alla agrotexnikasini yanada barqarorlashtiradi. Eng muhimi, loviya sideratini asosiy ikki yillik ekin (bug‘doy) bilan almashtirib qo‘yish orqali ikki muammo – tuproq sho‘rlanishi va organik modda yetishmasligini bir yoqda hal qilish mumkin. Xalqaro tajribalarga ko‘ra, loviya sideratini qo‘llash tuproq sho‘rlanishini kamaytirish (masalan, ko‘p-tadqiqotli tahlilda sho‘rlanish miqdori 30–50% ga kamaygani ko‘rsatilgan) va barqaror hosil beruvchi tuproq ekotizimini yaratish imkonini beradi [8, 9].

Xulosa va takliflar. Jondor tumani va unga o‘xshash sharoitdagi yerlar uchun olib borilgan nazariy-analitik tahlillar shuni ko‘rsatdiki, no‘xat (Pisum sativum) siderat ekini g‘alla hosildorligini sezilarli darajada oshirishga yordam beradi. Uning asosiy foydasi - tuproqdagi organik modda va azotni oshirib, hosildan oldingi tuproqni “bo‘stonga aylantirish” xususiyati orqali namoyon bo‘ladi. Ijobiy amaliy ta’siri quyidagi nuqtalarda ko‘rinadi:

- No‘xat siderati qo‘llash tuproq organik va azot zaxiralarini to‘ldiradi, keyingi g‘allaga kerakli oziq moddalar beriladi. Bu esa g‘alla hosilini nazoratga nisbatan qariyb 40-100% gacha oshirishga imkon beradi.
- Yechilgan no‘xat qoldiqlari tuproqdagi salin miqdorini chetga chiqarish va evaporatsiyani kamaytirish orqali sho‘rlanish ta’sirini susaytiradi. Bundan tashqari, tuproq strukturasini yaxshilash tuproqning suv ushlab turishini oshiradi [10].
- Keyingi ekinga kiritilishi kerakli azot hajmini kamaytirish imkoni paydo bo‘ladi: no‘xat ekini orqali 30-100+ kg/ha azot fiksatsiya qilinib, u g‘allaga beriladi. Bu gidrogeologik jihatdan suv va o‘g‘itlar qoplanmagan markazlarda agrotexnik xarajatni kamaytiradi.
- Siderat ekini va mineral o‘g‘itlarni kompleks qo‘llash natijasida nafaqat hosil oshadi, balki hosil sifati (donning oqsilligi, kleykovinasi) ham yaxshilanadi. Ilmiy tadqiqotlarda yaxshi boshqarilgan siderat va mineral o‘g‘it aralashmasi don sifati bo‘yicha ijobiy o‘zgarishlar berishi qayd etilgan [11].

Bundan kelib chiqib, tavsiyalar quyidagicha:

1. **No‘xat sideratini navli ekin daraxtiga qo‘shish.** Jondor tumanida qishki bug‘doydan keyin yoki bo‘sh maydonga iyuniy ob-havo mos kelganda qishki no‘xat yoki uni uyg‘unlaydigan boshqa loviya navlarini ekish tavsiya

qilinadi. No‘xat yerda 60–90 kun o‘sishini kutib, bokiralik boshi paytida yoki boshoqlash boshlanishida ekin yerni aralashtirilishi mumkin. Bu davrda loviya biomassasi yuqori bo‘lib, organik modda kiritilishi maksimal bo‘ladi.

2. **Azot-ta’minot bilan uyg‘unlashtirish.** Siderat ekini – faqat organik manba emas, balki qo‘shimcha azot manbai hamdir. Lekin Jondor sharoitida to‘liq sintetik o‘g‘itsiz ekin olib borish xavfli bo‘lishi mumkin. Shuning uchun no‘xat siderati bilan qo‘shimcha kam dozali NPK o‘g‘itlarining zarur miqdori birgalikda qo‘llanilishi lozim. Masalan, yuqoridagi Pokiston tajribasiga asosan qishki no‘xat plandagi boshoq davrida olib tashlangach, bug‘doy ekishdan oldin maydonga 60–90 kg/ha azotli o‘g‘it berib, mavsumiy qo‘shimcha tarqatishni rejalashtirish mumkin. Minerallar bilan birgalikda organikazot ta’minoti sog‘lom hosil hosil bo‘lishini ta’minlaydi.[12]

3. **Sug‘orish.** Buxoro iqlimida kam yog‘ingarchilik tufayli yaxshi sug‘orish tizimi zarur. No‘xat sideratidan maksimal foyda olish uchun, ayniqsa qishning oxiri bahordagi sug‘orish rejimiga e’tibor qaratish muhim. Yozda loviya tuproqdagi namlikni haddan tashqari yutmasligi uchun sug‘orish hajmini boshqarish lozim. Quruq va yirik maydonlarda braun bo‘ston tizimi yordamida haroratni pasaytirish usullari qidirilsa, no‘xat begona o‘simlik bo‘lib qolish xavfi ham kamayadi.[13]

4. **Kelgusida mahalliy tajribalar.** Nazariy tahlil asosida olingan xulosalarni tasdiqlash uchun Buxoro (shu jumladan Jondor) sharoitida tajribalar o‘tkazish lozim. Masalan, turli sho‘rlik darajalarida no‘xat siderati va g‘alla navlari taqqoslab ko‘rilishi, paxtazor algoritmlarini boshlash, azot miqdorini oshirish kamaytirish usullari sinovdan o‘tkazilishi zarur. Bunday tadqiqotlarda gulzor, no‘xat, lobiya yoki mixek kabi turli sideratlar, turli g‘alla navlari kombinatsiyalari sinovdan o‘tkazilib, hududga mos texnologiya ishlab chiqilishi tavsiya etiladi [14].

Xulosa qilib aytganda, loviya sideratlari – xususan no‘xat – O‘zbekistonning sho‘rlangan ekin yerlarida barqaror boshqarish usullaridan biri hisoblanadi. U organik moddani boyitadi, tuproq strukturasini yaxshilaydi va keyingi g‘alla hosilini orttirishda muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Jondor sharoitida no‘xat sideratini aqlli tarzda, to‘g‘ri nav va agrotexnika bilan qo‘llash orqali g‘alla hosildorligini sezilarli darajada oshirish va yer unumdorligini qayta tiklash mumkin.[15] Bu tavsiyalar nafaqat ilmiy, balki amaliy jihatdan ham foydali bo‘lib, mahalliy fermer va fermer xo‘jaliklariga sho‘rlangan yerlarda g‘alla yetishtirishda o‘z ijobiy natijasini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:

1. Bhardwaj, K. K. (2016). *Salinity stress and its impact on legume crop productivity: A review*. Agricultural Reviews, 37(3), 228–234. https://doi.org/10.18805/ar.v37i3.7755
2. Chen, H., Li, X., Hu, F., & Shi, W. (2013). Soil organic carbon and total nitrogen stocks as affected by different land uses in saline soil in North China. *Catena*, 101, 62–69. https://doi.org/10.1016/j.catena.2012.09.007
3. Cherr, C. M., Scholberg, J. M. S., & McSorley, R. (2006). Green manure approaches to crop production: A synthesis. *Agronomy Journal*, 98(2), 302–319. https://doi.org/10.2134/agronj2005.0035
4. Cook, R. J., & Veseth, R. J. (1991). *Wheat health management*. APS Press.
5. Daryanto, S., Wang, L., & Jacinthe, P. A. (2017). Meta-analysis of phosphorus loss from no-till soils. *Journal of Environmental Quality*, 46(5), 1028–1037. https://doi.org/10.2134/jeq2017.03.0122
6. Farooq, M., Wahid, A., & Siddique, K. H. M. (2012). *Plant drought stress: Effects, mechanisms and management*. Springer.
7. Food and Agriculture Organization (FAO). (2020). *Saline soils and their management in arid regions*. FAO Soils Bulletin No. 59.
8. Giller, K. E. (2001). *Nitrogen fixation in tropical cropping systems* (2nd ed.). CABI Publishing.
9. Jiang, Y., Zhang, Y., Li, H., & Wang, Y. (2021). Effects of green manure crops on soil properties and crop yield in saline soils: A global meta-analysis. *Agricultural Systems*, 188, 103051. https://doi.org/10.1016/j.agsy.2020.103051
10. Kassam, A., Friedrich, T., Derpsch, R., & Kienzle, J. (2015). Overview of the worldwide spread of conservation agriculture. *Field Actions Science Reports*, (8), 1–11.
11. Khan, M. I., Ahmad, F., Iqbal, M., & Shahid, M. (2020). Integration of green manure legumes and nitrogen fertilizer improves wheat productivity and soil health under semi-arid conditions. *Archives of Agronomy and Soil Science*, 66(6), 757–770. https://doi.org/10.1080/03650340.2019.1636227
12. Lal, R. (2015). Restoring soil quality to mitigate soil degradation. *Sustainability*, 7(5), 5875–5895. https://doi.org/10.3390/su7055875
13. Marschner, H. (2012). *Marschner’s Mineral Nutrition of Higher Plants* (3rd ed.). Academic Press.
14. McKenzie, R. H. (2005). *Agronomic practices for improving cereal production on saline soils*. Alberta Agriculture and Forestry Publications.
15. Zahran, H. H. (1999). Rhizobium-legume symbiosis and nitrogen fixation under severe conditions and in an arid climate. *Microbiology and Molecular Biology Reviews*, 63(4), 968-989.

UO‘K: 633.11:631.52

BUG‘DOYNING NODIR NAVINI YETISHTIRISH

Maxmudov Dostonbek Rustambek o‘g‘li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti o‘qituvchisi
E-mail: mahmudovdostonbek4@gmail.com

Annotatsiya: Bug‘doy-jahon miqyosida eng muhim qishloq xo‘jaligi ekinlaridan biridir. U insoniyatning asosiy oziq-ovqat manbai bo‘lib, dunyoning ko‘plab mintaqalarida yetishtiriladi. Bug‘doyning turli navlari bo‘lib, har biri o‘ziga xos agrotexnik xususiyatlarga ega. Ushbu maqolada O‘zbekistonning yetakchi navlaridan biri bo‘lgan Nodir navining ekish texnologiyasi, agrotexnik talablari va iqtisodiy samaradorligi o‘rganiladi.

Kalit so‘zlar: Bug‘doy, oziq-ovqat, agrotexnik, shudgor, sug‘orish rejasi, o‘g‘itlash, suv sarfi, yomg‘irlatib sug‘orish tizimi, sug‘orish texnologiyasi.

Аннотация: пшеница-одна из важнейших сельскохозяйственных культур во всем мире. Он являеця основным источником пищи для человечества и выращиваеця во многих регионах мира. Это разные сорта пшеницы, каждый со своими агротехническими характеристиками. В данной статье будут рассмотрены технология посадки, агротехнические требования и экономическая эффективность одного из ведущих сортов Узбекистана-редкого сорта.

Ключевые слова: пшеница, продукты питания, агротехника, плуг, план полива, удобрение, расход воды, система дождевого орошения, технология орошения.

Annotation: wheat is one of the most important agricultural crops on a global scale. It is the main food source of humanity and is cultivated in many regions of the world. There are different varieties of wheat, each with its own agrotechnical properties. This article will study the planting technology, agrotechnical requirements and economic efficiency of one of the leading varieties of Uzbekistan, the nadir variety.

Keywords: wheat, food, agrotechnician, plow, irrigation plan, fertilizing, water consumption, rain irrigation system, irrigation technology.

Kirish. Iqlim o‘zgarishi global muammoga aylangan hozirgi davrda suv resurslaridan tejamkorlik bilan samarali foydalanish kun tartibiga chiqdi. Buning ustiga bashariyatning cheklangan zahira lari tugab qolishi mumkin bo‘lgan tabiiy suvdan isrofgarchilik bilan foydalanishi, nufus qonunlariga binoan aholi sonining va iste’molining to‘xtovsiz ortishi, yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlari tufayli O‘zbekistonda suvga bo‘lgan talab oshib bormoqda. Dunyo, shu jumladan, O‘zbekiston aholisi sonining ortib borishi oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan

talabni yildan-yilga ortishiga sabab bo‘lmoqda. Oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishning asosiy manbai bo‘lgan suv resurslarining mavjud miqdorlari esa kamayib borayotgan bir sharoitda, ulardan foyda lanishning samarali usullarini ishlab chiqish, mavjud suv resurs laridan tejamli ravishda foydalanish masalasi kundan-kunga dolzarb bo‘lib bormoqda. Bunday sharoitda, dunyoning aksariyat mamlakatlarida suvni eng ko‘p ishlatuvchi qishloq xo‘jaligi sohasida suvni behudaga isrof qilmasdan, tejab-tergab ishlatish maqsadida ekinlarni sug‘orishning suv tejovchi texnologiyalaridan foydalanish keng joriy qilinmoqda. Bu borada Isroil, Yaponiya, Iordaniya, Xitoy, AQSh, Italiya, Turkiya, Yunoniston (Gretsiya), Avstraliya va Hindiston kabi davlatlar katta natijalarga erishgan. Osiyo qitasining markazida, okean va dengizlardan minglab kilometr uzoqda joylashgan, davlatimiz Dunyo okeaniga chiqish uchun yana kamida 2 ta davlat sarhadlarini kesib o‘tish talab etiladigan dunyodagi bori-yo‘g‘i 2 davlatning biri bo‘lgan serquyosh vatanimiz qurg‘oq va issiq mintaqada joylashgan.

Adabiyotlar sharxi. Respublikamizda kuzgi bug’doy navlaridan yuqori va barqaror, sifatli hosil yetishtirish uchun viloyatlarning turli tuproq iqlim sharoitilarida ularning ekish muddatlari, sug’orish tartiblari, ma’dan o’g’itlarni qo’llash me’yorlari va muddatlarini o’rganish bo’yicha qator olimlar, jumladan, V.Egorov, N.Minashina, A.Nerozin, N.Bespalov, V.Legostaev, N.Reshitkina, Q.Mirzajonov, B.Axmedov, A.Ramazonov, A.Avliyoqulov, M.Xamidov, B.Xoliqov, V.Nasonov, M.Yaqubov, A.Isashev, R.Siddiqov, N.O’razmatov, S.Isaev, S.Abduraxmanov va boshqalar, xorijda esa Sh.Asgar, M.S.Baloch, R.Costa, M.Fazal, A.Hossain kabi olimlar tomonidan keng qamrovli tadqiqotlar olib borilgan.

Lekin Andijon viloyatining o’tloqi bo’z tuproqlari sharoitida kuzgi bug’doyning yangi navlarida yomg’irlatib sug’orish usulida sug’orish tartiblari va texnika elementlari ularning o’sishi, rivojlanishi, don hosildorligi va sifat ko’rsatkichlariga bog’liq holda o’rganish yuzasidan ilmiy tadqiqot ishlari yetarlicha olib borilmagan.

Nodir navining yuqori hosildorligi, tez pishishi va issiqlikka chidamliligi kabi afzalliklari uni qishloq xo‘jaligida keng qo‘llaniladigan ekinlardan biriga aylantirgan. Mazkur maqolada 2 gektar maydonga Nodir navini yetishtirishning agrotexnikasi, ekish jarayoni, sug‘orish, o‘g‘itlash, hosilni hisoblash bo‘yicha tavsiyalar keltiriladi.

Material va uslublar. Tadqiqotlarda tuproq va o’simlik namunalari, laboratoriya tahlillari, fenologik kuzatuvlar va o’lchovlar «Dala tajribalarini

o’tkazish uslublari», « Методика полевого опыта », tuproqning agrofizik va agrokimyoviy tahlillari « Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых раёнах полевых и вегетатсионных опытов с хлопчатником» uslubnomalari asosida amalga oshirilgan. Olingan ma’lumotlar B.A.Dospexovning ko’p omilli uslubi yordamida matematik ishlovdan o’tkazilgan va SAS dasturi orqali statistik tahlil qilingan.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida»gi farmoni va mazkur faoliyatga tegishli me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda ushbu dissertatsiya tadqiqoti muayyan darajada hizmat qiladi.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi.

Ilk bor Andijon viloyatining o’tloqi bo’z, mexanik tarkibiga ko’ra o’rta-og’ir qumoq, sizot suvlari sathi 1,5-2,0 metr chuqurlikda joylashgan tuproqlar sharoitida bug’doyning yangi navidan yuqori va sifatli don hosili yetishtirishda suv tejamkor yomg’irlatib sug’orish texnologiyasini aniqlash;

suvtejamkor yomg’irlatib sug’orish texnologiyasining bug’doyning yangi navining o’sishi, rivojlanishi, hosildorligi sifat ko’rsatgichlariga ta’siri aniqlash.

Kuzgi bug’doyni yangi navlarinit maqbul sug’orish me’yorlarini 1 ts bug’doy hosili uchun sarflangan suv sarfi va suv iste’molni aniqlash.

Natija va munozaralar.

Yomg’irlatib sug’orish tizimi sxemasini belgilash va gidravlik hisoblash.

Qurilajak yomg’irlatib sug’orish tizimining plan-sxemasi tuzilib yomg’irlatib sug’orish rejalashtirilgan dalaning xaritasiga tushirib chiqiladi. Sxema asosida suv yetkazib beruvchi va suv tarqatuvchi quvurlarning masofalari, quvurlar yordamida yetkazib beriladigan suvning har bir tarqatuvchi quvurdagi va tizimdagi umumiy sarflari aniqlanadi. Ekin dalasiga o’rnatish mo’ljallangan yomg’irlatib sug’orish tizimining plan**.**

Buning uchun tizimning gidravlik hisobi bajariladi. Yomg’irlatib sug’orish tizimining gidravlik hisobi ekin dalasidagi yomg’irlatib sug’orish tizimini ishlashi uchun yetarli bosim yaratish va yetarli miqdorda suv yetkazib berishga imkoniyat yaratadigan quvurlarning eng avfzal diametrini belgilash uchun bajariladi.

Gidravlik hisob natijasida tizim quvurlaridagi suv sarflarining umumiy yig’indisi va eng uzoqdagi nuqtagacha bo’lgan bosim isroflari yig’indisi asosida tizimning ruxsat etiladigan suv sarfi va bosimi aniqlanadi. Bunda har bir yomg’irlatgichning (0,5-0,7 l/s), har bir tarqatuvchi quvurning suv sarflari (3-3,5

l/s) va butun yomg’irlatib sug’orish tizimining umumiy suv sarfi (12-15 l/s) alohida aniqlab chiqiladi. Bu ko’rsatkich yomg’irlatib sug’orish tizimi nasos qurilmasining hisobiy suv sarfi sifatida qabul qilinadi. Yomg’irlatib sug’orish tizimining hisobiy suv sarfini aniqlash sxemasi 32 100 kitob to’plami Yomg’irlatib sug’orish tizimi nasos qurilmasini bosimini aniqlash uchun tizimning nasos qurilmasiga ulanadigan nuqta bilan tizimning eng uzoqdagi yomg’irlatgichi joylashgan nuqta oralig’ida tizim bosh va tarqatuvchi quvurlarida yo’qotiladigan bosim isroflari ko’rsatkichlarining yig’indisi aniqlanadi.

Quvurlardagi bosim isroflari polietilen quvurlar uchun SHevelev jadvallari asosida bajarilgan gidravlik hisob asosida aniqlandi. Yomg’irlatib sug’orish tizimi sxemasining eng oxirgi qatoridagi tarqatuvchi quvur va suv yetkazib beruvchi quvurda (nasos qurilmasidan eng uzoqdagi tarqatuvchi quvurgacha bo’lgan masofada) yo’qotiladigan bosim isroflari ko’rsatkichlarining yig’indisi tizimdagi umumiy bosim yo’qotilishini ko’rsatadi.

Bunda yomg’irlatib sug’orish tizimining ishlashi uchun zarur bo’ladigan bosim tizimda qo’llanilgan yomg’irlatgichning ishlashi uchun zarur bo’ladigan bosim (odatda 25-30 metr), suv yetkazib beruvchi va tarqatuvchi quvurlarda (nasos qurilmasidan eng uzoqda joylashgan tarqatuvchi quvur) yo’qotiladigan va mahalliy qarshiliklar uchun yo’qotiladigan bosimlarning (bosim yo’qotilishining 10% iga teng) jami yig’indisi sifatida aniqlanadi.

Aniqlangan yig’indi bosim yomg’irlatib sug’orish tizimining hisobiy bosimi sifatida qabul qilinadi. 33 Qishloq xo’jalik ekinlarini sug’orish usullari 89-kitob va suv tejamkor sug’orish texnologiyalari Yomg’irlatib sug’orish tizimining gidravlik hisobi natijasida aniqlangan hisobiy suv sarfi (keltirilgan misolda Q = 50,4 m^3 /soat) va hisobiy bosim isrofi (H=38,0 m) asosida yomg’irlatib sug’orish tizimini ishlashi uchun imkoniyat yarata oladigan nasos qurilmasi tanlanadi (keltirilgan misolda suv sarfi - Q=60 m^3 /soat va umumiy bosimi H=60 m). Suv yetkazib beruvchi quvur (bosh quvur) suvni nasos tizimining bosimli quvuridan olib tarqatuvchi quvurlargacha yetkazib beradi. Suv yetkazib beruvchi quvur (bosh quvur) odatda katta bosimga chidaydigan polietilendan tayyorlanadi va uning diametri 75 mm, devorining qalinligi 4,5 mm kattalikda tanlanadi.

Tadqiqot uslubiyati va tajriba tizimi.

Dala, laboratoriya tadqiqotlari va fenologik kuzatuvlar Paxta selektsiyasi, urug’chiligini yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy-tadqiqot institutining “Dala tajribalarni o’tkazish uslublari” (O’zPITI, 2007 yil), “Метод агрохимических и

агрофизических исследований в поливных хлопковых раёнах” uslubiy qo’llanmalari asosida bajarildi.

Olingan ma’lumotlar aniqligi va ishonchliligi umumqabul qilingan B.A.Dospexovning ko’p omilli uslubi hamda SPSS (Statistical Package for Social Science) компьyuter dasturi yordamida matematik-statistik tahlil qilindi.

Tajriba variantlari bir yarusda 4 qaytariqda joylashtirilgan. 1 chi variant maydoni-608 m^2, uzunligi 100 m va eni 6.08 m. 1 qaytariq maydoni-608 m^2 x 4=2432 m^2. Tajriba dalasining umumiy maydoni 2432 m^2 x4=9728 m^2 yoki 0.97 getarni tashkil etadi va quyidagi tartib larda sug‘orish bajariladi.

Agrofizikaviy izlanishlar. Tajriba qo’yishdan oldin (kuzda) tuproq kesmasi ochilib, tuproqning morfologik tuzilishi genetik qatlamlar bo’yicha tavsiflandi, bir vaqtning o’zida tuproqning tabiiy namligi va undan suv zahirasi termostat torozi va neytron nam o’lchagich “Hydroprobe-503 DR” , hajm og’irligi esa N.A.Kachinskiy usuli bilan kesuv tsilindrlar yordamida har 10 sm qatlam bo’yicha aniqlandi. Mazkur genetik qatlamlarda 2-3 kg miqdorda tuproq namunalari olinib, ularda tuproqning mexanik tarkibi N.A.Kachinskiy usulida, umumiy g’ovakligi maxsus formula yordamida aniqlandi. Bu ko’rsatkichlar yilma-yil mavsumning oxirida barcha variantlarda takrorlandi. Agrotexnikaviy dala tajribalari olib borishda tuproqning suv fizik xususiyatlarini bilish taqazo etiladi. Bu yo’nalishda quyidagi tadqiqotlar o’tkazildi;

Tuproqning cheklangan dala nam sig’imi (CHDNS) - 1x1 m lik chegaralangan maydonchalarda, suv o’tkazuvchanlik 6 soat davomida Dolgov doiralari yordamida tajribaning boshida va amal davri ohirida aniqlanadi. Alohida-alohida (ildiz, poya va boshqa) bo’laklarga bo’linib soyada quritilib o’simlikning quruq massasi aniqlandi, keyinchalik tegirmonda yaxshilab maydalanib kimyoviy tahlillarga tayyorlandi.

1-jadval

Tajriba tizimi

Variantlar	**Sug’orish usuli va tuproqning sug’orishdan oldingi namlikCHDNSga nisbatan %**	**Hisobiy namlik qalinligi, sm**		
		ekish-to’plash davrida	**gullash boshoqlash davrida**	**pishish davrida**
Kuzgi bug’doyning yangi navlari				
1	Egatlab sug’orish (nazorat) 70-70-60	0-50	0-70	0-100
2	Yomg’irlatib sug’orish 70-70-60	0-50	0-70	0-100

3	Egatlab sug’orish 65-65-60 (nazorat)	0-50	0-70	0-100
4	Yomg’irlatib sug’orish 65-65-60	0-50	0-70	0-100

O’simliklar to’la boshoq hosil qilgandan keyin 1ta o’simlikdagi hosil bo’lgan boshoqlar soni aniqlandi. Buning uchun bo’linmada (ikki takrorlanishning hamma variantlarida) oldingi belgilangan yuz dona o’simlikning har bittasidagi hosil poyalari sanalib, 1ta o’simlikda o’rtacha chiqarildi. Kuzgi bug’doyning sut – mum pishish davrida $1m^2$ dagi maxsuldor poyalar soni hisoblandi. Bu ish ikki takrorlanishining hamma variantlarida 1-bo’linmaning hududida esa 3 fizik maydonchada bajarildi. Mahsuldor poyalar deb o’simlikdagi eng baland poyaning 1/3 qismidan baland bo’lgan poyaga aytiladi. Kuzgi bug’doyning sut-mum pishish davrida tajribaning 2 qaytariqning hamma variantlarida belgilab qo’yilgan o’simliklarda (100 dona) boshoqning uzunligi o’lchandi va boshoqchalar soni topildi.

Sug’orishlar ustidagi kuzatuvlar. Sug’orishlar tajriba tizimiga binoan belgilangan tartibda kuzgi bug’doyning rivojlanish davrlarini inobatga olgan holda o’tkazildi. Bunda urug’ ekilishi bilan nam suvi berildi. Keyingi mavsumiy sug’orishlar bug’doyning unib chiqishi, tuplash, naychalash, boshoqlash va sut-mum pishish davrlariga to’g’ri keldi. Ob-havo quruq kelgan yillari esa to’liq va boshoq don hosili olish uchun mum-pishish va to’la pishish davrlarida ham yengil sug’orish o’tkazish maqsadga muvofiq bo’ldi. Sug’orishni belgilashda naychalash davrigacha 0-50 sm, keyingi davrlarida esa 0-70 sm li tuproq qatlami hisobga olindi.

Sug’orish ishlari tuproq namigi nisbatan (CHDNS) 65-65-60, 70-70-60, 70-70-70, 70-80-70,% tartibda amalga oshirildi.

Beriladigan suvlar “Tomson” 90^0 li suv o’lchagichi yordamida hisoblandi. Ekinlarni yaxshi o’sishi va rivojlanishida tuproqning fizik xossalari muhim o’rin tutadi. CHunki, tuproqdagi kimyoviy va biokimyoviy jarayonlar, ayniqsa suv, havo va issiqlik rejimi tuproqning fizik xossalariga, ya’ni hajm massasi, zichligi va g’ovakligiga bog’liq. Agar tuproqni fizik xossalari yaxshi bo’lsa, uning unumdorligi hamda hosil bera olish qobiliyati ortadi. SHuningdek, tuproqning fizik xossalariga turli omillar va agrotexnik tadbirlar bevosita o’z ta’sirini ko’rsatadi.

Tuproqning hajm massasi asosiy fizik ko’rsatkichlardan biri hisoblanib, uning ortishi yoki kamayishi avvalo almashlab ekish tizimiga bog’liq. Almashlab ekish tizimi deganda barcha ekinlar orasida tuproqni fizik, agrokimyoviy xossalarini yaxshilovchi ekin beda ekanligini ta’kidlaydi. Olib borilgan izlanish

natijalariga ko’ra, bedapoya haydalgan daladagi tuproqning hajm massasi, eskidan haydalib kelinayotgan yerlarga nisbatan kamroq bo’lgan. Ma’lumotlar shuni ko’rsatadiki, tuproq hajm massasi o’simlikning maqbul o’sib va rivojlanishi uchun katta ahamiyatga ega. CHunki tuproq hajm massasi yaxshi bo’lgandagina ekinlardan yuqori hosil olish mumkin.

Muhokamalar. Tajriba qo’yishdan oldin tuproqqa dastlabki agrokimyoviy tavsif berish maqsadida dala maydonidan konvert usulida tuproq namunalari 0-30, 30-50 sm li qatlamlardan olindi. Bu tuproq namunalaridan umumiy chirindi (I.V.Tyurin usulida). Yalpi NRK (И.М.Мальтсева), nitratli azot (ionometrik asbobda), harakatchan fosfor va almashinuvchi kaliy (P.V.Protasov usulida) miqdorlari aniqlandi.

Biometrik o’lchov va kuzatuvlar. Urug’ unib chiqqandan keyin va bug’doy yetilib pishgan davrda tajriba variantlari bo’ylab hamma qaytariqlarda haqiqiy ko’chat qalinligi aniqlandi. Kuzgi bug’doyning naychalash, boshoqlash, sut-mum pishish va pishish davrlarida o’simlikning bo’yi o’lchandi.

Bu o’lchovlar tajribani hamma variant va qaytariqlarda bajarildi. Buning uchun bug’doyning naychalash davrida har bir varianda 100 tadan o’simlik belgilab qo’yildi. Keyingi o’lchovlar ham shu belgilangan o’simliklarda bajarildi. O’simlik namunalari quyidagi miqdorda olindi: to’plashda 50 dona, naychalashda 25 dona, boshoqlashda 10 dona, sut-mum pishish va yetilib pishish davrida 5 donadan. Olingan o’simlik namunalari tuplash, naychalash, boshoqlash, sut-mum pishish davrlarida (to’la butunligicha), yetilib pishish davrida. Sug’orishda berilgan suv miqdori egatlab sug’orilgan nazorat variantida “Tomson” 90^0 li suv o’lchash moslamasi yordamida o’lchanib dalaning boshida har bir qaytarilishiga suv kirishi va oqavaga chiqish joylarida tovoni 90^0 li Tomson suv o’lchagichi yordamida o’lchandi.

Yomg’irlatib sug’orilgan variantlarda o’simlikning evapotranspiratsiya koeffitsienti miqdoriga qarab belgilanadi. Shu bilan birgalikda tuproq zarrachalarini donadorlik darajasi kesmadan olingan namunalarda va mavsum davomida o’simliklarni asosiy rivojlanish davrlari bo’yicha quyidagicha 0-50 sm chuqurlikkacha har 10 sm qatlamlarda, keyinchalik esa har bir genetik qatlamlar bo’yicha aniqlanadi.

Xulosa. Tajriba 2 gektar maydonda kuzgi bug’doyning “**Nodir” navida yomg’irlatib sug’orish usulini ilmiy asoslash** mavzusida ilmiy ish davom etdirilmoqda. Tajriba 15.10.2024 yilda xaydov oldidan gektariga 200 kg fosfor, 50 kg kaliy o’g’iti berildi 16.10.2024 yilda yer xaydaldi. 18.10.2024 yilda yer

tekislandi. 22.10.2024 ylida kuzgi bug’doynig “Nodir” navining urug’i gektariga 200 kg dan ekildi. 2.03.2025 yilda gektariga 150 kg karbamid o’g’iti berildi.

Yomg’irlatib sug’orilgan variantlarda 6 marta sug’orildi. 1 chi sug’orish 23.10.2024 yilda yomg’irlatib 300 m^3/ga miqdorda sug’orildi. Keyingi sug’orishlar 03.03.2025 yilda, 25.03.2025 yilda, 05.04.2025 yilda, 25.04.2025 yilda va keyingisi 01.05.2025 yilda amalga oshirildi.

Egatlab sug’orish (nazorat) cheklangan dala nam sig’imiga nisbatan 70-70-60% varianta bug’doy ekilgandan so’ng 23.10.2024 yilda 800 m^3/ga miqdorda sug’orildi. Keyingi sug’orishlar 03.03.2025 yilda, 25.03 2025 yilda amalga oshirildi.

Tajribada kuzgi bug’doyning biometrik o’lchov va kuzatuvlar olib borildi. Urug’ unib chiqqandan keyin va bug’doy yetilib pishgan davrda tajriba variantlari bo’ylab hamma qaytariqlarda haqiqiy ko’chat qalinligi 1 m^2 da o’rtacha 540 dona ekanligi aniqlandi. Kuzgi bug’doyning naychalash, boshoqlash, sut-mum pishish va pishish davrlarida o’simlikning bo’yi o’lchandi. Bu o’lchovlar tajribani hamma variant va qaytariqlarda bajarildi. Buning uchun bug’doyning naychalash davrida har bir varianda 100 tadan o’simlik belgilab qo’yildi. Keyingi o’lchovlar ham shu belgilangan o’simliklarda bajarildi. Tajribalar yakunlangach ma’lumotlar qaytadan olinib tahlil qilinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida”gi farmoni.
2. Mamatov S.A., Zaks I.A, Burxonjonov B.Sh. Toshkent 2022 yil. “Suv tejovchi sug‘orish texnologiyalari”.
3. Safarov, I.X. (2024). PROBLEMS OF ASSESSING THE RELIABILITY OF INPUT DATA IN INFORMATION SYSTEMS. Экономика и социум, (6-1 (121)), 582-585. https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-assessing-the-reliability-of-input-data-in-information-systems.
4. 10. Safarov, I. (2023). AUTOMATION OF CLEAN DRINKING WATER SUPPLY PROCESSES IN AGRICULTURE SYSTEMS. Экономика и социум, (11 (114)-2), 390-393. https://cyberleninka.ru/article/n/automation-of-clean-drinking-water-supply-processes-in-agriculture-systems.
5. Xasanovich,S.I.,&Azimjon o‘g‘li, M. X. (2025). Gidroturbinalarni dinamik kuchlarini tahlili. Izlanuvchi, 1(4),22-25. https://phoenixpublication.net/index.php/Izlanuvchi/article/download/2268/1894
6. Yigitaliyev, M. S. (2023). Providing optimum operation modes of small photoelectric plants for autonomous electricity consumers. Экономика и

социум, (11 (114)-1), 452-455. https://cyberleninka.ru/article/n/providing-optimum-operation-modes-of-small-photoelectric-plants-for-autonomous-electricity-consumers.

7. Komiljonov, J. O., & Tojimurodov, D. D. (2024). Exploring methods of adjusting the speed of an asynchronous motor. Экономика и социум, (4-1 (119)), 254-257. https://cyberleninka.ru/article/n/exploring-methods-of-adjusting-the-speed-of-an-asynchronous-motor.

8. Mamajonov, X. (2023). Induksion tortish motorining termal modeli. Ekonomi va sotsium,(11 (114)-2), 222-225. https://pubs.aip.org/aip/acp/article-abstract/3244/1/060018/3322884/Modeling-the-structures-of-three-phase

9. Dadajonov, M. N. (2024). Oziq-ovqat mahsulotlarini ozuqaviy imkoniyatini oshirish imkoniyatlari. Iqtisodiyot va jamiyat , (10-2 (125)),133-138. https://scholar.google.com/scholar?cluster=11117169799618820838&hl=en&oi=scholarr

10. Axmedov, D., & Azimov, A. (2022). Application of demphers in inverters of solar power systems. Экономика и социум, (6-2 (97)), 29-32. https://cyberleninka.ru/article/n/application-of-demphers-in-inverters-of-solar-power-systems

11. Mannobjonov, B. Z., & Azimov, A. M. (2022). New innovations in greenhouse control systems & technology. Экономика и социум, (7 (98)), 95-98. https://cyberleninka.ru/article/n/new-innovations-in-greenhouse-control-systems-technology

12. Mannobjonov, B., & Azimov, A. (2022). Nutrients in the root residues of secondary crops. Экономика и социум, (6-2 (97)), 126-129. https://cyberleninka.ru/article/n/nutrients-in-the-root-residues-of-secondary-crops.

13. Исашов, А., Махмудов, Д., & Қамбаров, Ш. (2022). Хайдовдан кейинги чуқур юмшатиш агротехникаси билан томчилатиб суғориш усулини қўллашнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири. International scientific journal of Biruni, 1(1), 22-27. https://cyberleninka.ru/article/n/haydovdan-keyingi-chu-ur-yumshatish-agrotehnikasi-bilan-tomchilatib-su-orish-usulini-llashning-tupro-azhm-massasiga-tasiri

14. Хасанова, О. А. (2023). Писта шаклларини танлаш, ўрганиш ва вегетатив кўпайтириш услублари. Science and Education, 4(11), 45-51. https://cyberleninka.ru/article/n/pista-shakllarini-tanlash-rganish-va-vegetativ-k-paytirish-uslublari

15. Maxmudov, D. (2024). Meliorativ obektlarning turlari va ularda amalga oshiriladigan meliorativ tadbirlar orqali erishiladigan natijalar. Экономика и социум, (3-1 (118)), 267-270.

https://cyberleninka.ru/article/n/meliorativ-obektlarning-turlari-va-ularda-amalga-oshiriladigan-meliorativ-tadbirlar-orqali-erishiladigan-natijalar

16. Baxtiyorov A. (2019). Nodir navining agrotexnik xususiyatlari. Qishloq xo‘jaligi ilmiy-tadqiqot instituti, Toshkent.

17. Teshaboyev Z. (2021). Nodir navining sifat va hosildorlikka ta’siri. O‘zbekistan qishloq xo‘jaligi ilmiy jamiyati, Toshkent.

18. Ruziev Q. (2020). Bug‘doy yetishtirishda suv tejamkor texnologiyalarni qo‘llash. O‘zbekiston ilmiy axborot markazi, Toshkent.

19. Karimov M., Tursunov A. (2022). Yomg‘irlatib sug‘orish tizimlari va ularning samaradorligi. “Agrotexnika” jurnali.

20. Isakov R. (2021). “Bug‘doy yetishtirishning zamonaviy texnologiyalari”. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi ilmiy-tadqiqot instituti, Toshkent.

UO‘T: 681.5 628.292

OQOVA SUVLARNI AVTOMATLASHTIRISH: TEXNOLOGIYALAR VA AFZALLIKLARI

Dadajanov Muzaffar Navruz o’g’li
Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti stajor o’qituvchisi
Turg̀unova Moxlaroy Òtkirbek qizi
Andijon qishloq xo‘jaligi agrotexnologiyalar instituti talabasi

Annotatsiya: So‘nggi yillarda o‘qova suvlarni boshqarishda avtomatlashtirish texnologiyalari keng qo‘llanilib, jarayonlarni samarali va tejamkor qilmoqda. Ushbu maqolada o‘qova suvlarni avtomatlashtirishning asosiy jihatlari, texnologiyalari va afzalliklari haqida so‘z yuritamiz.
Kalit so’zi: ishlatilgan suvlar ularni tozalash SCADA(Supervisory Control and Data Acquisition) sun’iy intellect DO (Dissolved Oxygen).

Аннотация:В последние годы технологии автоматизации широко применяются в управлении сточными водами, делая процессы более эффективными и экономичными. В этой статье мы рассмотрим основные аспекты, технологии и преимущества автоматизации очистки сточных вод.
Ключевые слова: использованная вода, ее очистка, SCADA (диспетчерский контроль и сбор данных), искусственный интеллект, РК (растворенный кислород).

Annotation: In recent years, automation technologies have been widely used in wastewater management, making processes more efficient and cost-effective. In this article, we will discuss the main aspects, technologies, and advantages of wastewater automation
Keywords: used water, its purification, SCADA (Supervisory Control and Data Acquisition), artificial intelligence, DO (Dissolved Oxygen).

Kirish. Oqova suvlar – bu uy-joy, sanoat va qishloq xo‘jaligi faoliyatidan kelib chiqadigan ishlatilgan suvlar bo‘lib, ularni tozalash va qayta ishlash ekologik muvozanatni saqlash va suv resurslarini tejash uchun muhim ahamiyatga ega. So‘nggi yillarda o‘qova suvlarni boshqarishda avtomatlashtirish texnologiyalari keng qo‘llanilib, jarayonlarni samarali va tejamkor qilmoqda. Ushbu maqolada o‘qova suvlarni avtomatlashtirishning asosiy jihatlari, texnologiyalari va afzalliklari haqida so‘z yuritamiz.

Oqova suvlarni avtomatlashtirish nima? O‘qova suvlarni avtomatlashtirish – bu o‘qova suvlarni yig‘ish, tozalash va qayta ishlash jarayonlarini avtomatik boshqaruv tizimlari yordamida optimallashtirishni anglatadi. Bu jarayonlarda sensorlar, datchiklar, avtomatik nasoslar, SCADA

(Supervisory Control and Data Acquisition) tizimlari va sun’iy intellekt kabi zamonaviy texnologiyalar qo‘llaniladi. Avtomatlashtirishning maqsadi – inson aralashuvini minimallashtirish, xarajatlarni kamaytirish va tozalash jarayonlarining samaradorligini oshirishdir.

Asosiy texnologiyalar. Oqova suvlarni avtomatlashtirishda quyidagi texnologiyalar muhim rol o‘ynaydi:

1. Sensorlar va Datchiklar Suv sifatini (pH, o‘tkazuvchanlik, ifloslantiruvchi moddalar miqdori) o‘lchash uchun sensorlar ishlatiladi. Oqim o‘lchagichlari va bosim datchiklari suv oqimini monitoring qilishda yordam beradi. Masalan, DO (Dissolved Oxygen) sensorlari biologik tozalash jarayonlarida kislorod darajasini nazorat qiladi.

2. Avtomatik Nasoslar va Klapanlar - O‘qova suvlarni tashish va tozalash bosqichlarida avtomatik nasoslar ishlatiladi.Klapanlar suv oqimini yo‘naltirish va jarayonlarni boshqarish uchun avtomatlashtirilgan.

3. SCADA Tizimlari - SCADA tizimlari real vaqt rejimida ma’lumotlarni yig‘ish, tahlil qilish va jarayonlarni vizualizatsiya qilish imkonini beradi.Operatorlar ushbu tizim yordamida tozalash inshootlarini masofadan boshqarishi mumkin.

4. Sun’iy Intellekt va Mashinaviy O‘qitish - AI algoritmlari o‘qova suvlar tarkibini tahlil qilib, tozalash jarayonlarini optimallashtiradi. Masalan, mashinaviy o‘qitish modellari ifloslantiruvchi moddalar miqdorini bashorat qilish va energiya sarfini kamaytirishda yordam beradi.

5. IoT (Internet of Things) - IoT qurilmalari o‘qova suv inshootlaridagi barcha qurilmalarni bir tarmoqqa ulaydi. Bu tiz Tell tizimlar ma’lumotlarni bulutli platformalarda saqlash va tahlil qilish imkonini beradi.

Avtomatlashtirishning Afzalliklari. O‘qova suvlarni avtomatlashtirish quyidagi afzalliklarni taqdim etadi:

1. Samaradorlikni Oshirish - Avtomatik tizimlar jarayonlarni real vaqt rejimida monitoring qilib, tezkor qarorlar qabul qilish imkonini beradi. Bu tozalash jarayonlarining sifati va tezligini oshiradi.

2. Xarajatlarni Kamaytirish - Energiya va kimyoviy moddalar sarfini optimallashtirish orqali operatsion xarajatlar kamayadi. Inson resurslariga bo‘lgan ehtiyojning kamayishi mehnat xarajatlarini tejaydi.

3. Ekologik Foyda - Tozalash jarayonlarining aniqligi o‘qova suvlarning atrof-muhitga salbiy ta’sirini kamaytiradi. Qayta ishlangan suvni qishloq xo‘jaligi yoki sanoatda ishlatish suv resurslarini tejashga yordam beradi.

4. Xavfsizlikni Ta’minlash - Avtomatlashtirilgan tizimlar xodimlarning xavfli muhitlarda ishlashini minimallashtiradi. Favqulodda holatlarni avtomatik aniqlash va ularga javob berish imkoniyati xavfsizlikni oshiradi.

O‘zbekistonda Avtomatlashtirishning Hozirgi Holati.

O‘zbekistonda o‘qova suvlarni tozalash sohasida avtomatlashtirish hali rivojlanish bosqichida. Toshkent, Samarqand va boshqa yirik shaharlarda zamonaviy tozalash inshootlari qurilmoqda, ammo ko‘plab hududlarda eski tizimlar ishlatilmoqda. Davlat tomonidan suv resurslarini boshqarishga qaratilgan loyihalar doirasida xalqaro tashkilotlar (masalan, Jahon banki) bilan hamkorlikda avtomatlashtirish texnologiyalari joriy etilmoqda. Masalan, Toshkentdagi “Salar” va “Bozsu” tozalash inshootlarida SCADA tizimlari qisman qo‘llanilmoqda.

Kelajakdagi Imkoniyatlar.

- Smart shaharlar: O‘zbekistonning “Yangi O‘zbekiston” strategiyasi doirasida smart shaharlar qurilishi o‘qova suvlarni avtomatlashtirishga yangi imkoniyatlar ochadi.

- Energiya tejamkor texnologiyalar: Quyosh energiyasi bilan ishlaydigan tozalash tizimlari xarajatlarni yanada kamaytiradi.

- Xalqaro tajriba: Germaniya, Yaponiya va Singapur kabi davlatlarda qo‘llaniladigan ilg‘or texnologiyalarni O‘zbekistonda joriy etish mumkin.

Xulosa. O‘qova suvlarni avtomatlashtirish zamonaviy dunyoda suv resurslarini boshqarishning ajralmas qismiga aylandi. Sensorlar, SCADA tizimlari, sun’iy intellekt va IoT kabi texnologiyalar jarayonlarni samarali, tejamkor va ekologik jihatdan xavfsiz qilmoqda. O‘zbekistonda bu sohada katta imkoniyatlar mavjud bo‘lib, davlat va xalqaro tashkilotlarning qo‘llab-quvvatlashi bilan avtomatlashtirish texnologiyalari yanada kengayadi. Bu nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balki iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishga ham hissa qo‘shadi.

ADABIYOTLAR:

1. Tchobanoglous G., Burton F.L., Stensel H.D. (2014). Wastewater Engineering: Treatment and Resource Recovery. McGraw-Hill Education.

2. World Bank. (2020). Uzbekistan: Water Services and Institutional Support Project. Retrieved from https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan/project

3. Asano T., Burton F., Leverenz H., Tsuchihashi R., & Tchobanoglous G. (2007). Water Reuse: Issues, Technologies, and Applications. McGraw-Hill.

4. United Nations Environment Programme (UNEP). (2015). Wastewater Management: A UN-Water Analytical Brief. Retrieved from https://www.unwater.org/publications

5. Qadir M., Wichelns D., Raschid-Sally, L., McCornick P.G., Drechsel P., Bahri A., & Minhas, P. S. (2010). The challenges of wastewater irrigation in developing countries. Agricultural Water Management, 97(4), 561-568.

6. Dadajonov, M. N. (2024). OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARINI OZUQAVIY IMKONIYATINI OSHIRISH IMKONIYATLARI. Iqtisodiyot va jamiyat, (10-2 (125)), 133-138. https://cyberleninka.ru/article/n/oziq-ovqat-mahsulotlarini-ozuqaviy-imkoniyatini-oshirish-imkoniyatlari

UO’T: 631.6

TURLI SUG’ORISH USULLARIDA DALA TUZ REJIMINI ANIQLASH

Yusupov Hamid Xasan o’g’li
doktorant
Sadiyev Farhod Fatulloyevich
t.f.f.d. (PhD) katta ilmiy xodim
ORCID ID: 0009-0007-8916-5088
Maxmadaliyev Ibrohim Maxamad o‘g‘li
tayanch doktorant

Annotatsiya: Mazkur tadqiqotda turli sug’orish usullarining dala sharoitida tuproqning sho’rlanish (tuz rejimi) darajasiga ko’rsatadigan ta’siri tahlil qilindi. Buxoro viloyatining sho’rlanishga moyil allüvial-tuproqlarida an’anaviy, yomg’irlatib va tomchilatib sug’orish usullari qo’llanilib, tuproqning turli qatlamlarida (0-30 sm, 30-60 sm, 60-90 sm) elektr o’tkazuvchanlik (EC), pH va asosiy ionlar (Cl^-, Na^+, SO_4^{2-}) bo’yicha tahlillar olib borildi. GIS texnologiyalari yordamida sho’rlanish darajasi fazoviy tahlil qilindi. Natijalar tomchilatib sug’orish eng samarali usul bo’lib, sho’rlanishni kamaytirishda katta ustunlikka ega ekanligini ko’rsatdi.

Kalit so’zlar: sug’orish usullari, sho’rlanish, tuproq tuz rejimi, elektr o’tkazuvchanlik, tomchilatib sug’orish, GIS, ion tahlili.

Аннотация: В данном исследовании проанализировано влияние различных способов орошения на степень засоления (солевой режим) почвы в полевых условиях. В аллювиальных почвах Бухарской области, склонных к засолению, применялись традиционные, дождевальные и капельные методы орошения, проводились анализы электропроводности (EC), pH и основных ионов (Cl−, Na+, SO42−) в различных слоях почвы (0-30 см, 30-60 см, 60-90 см). С помощью ГИС-технологий был проведен пространственный анализ уровня засоления. Результаты показали, что капельное орошение является наиболее эффективным методом и имеет большое преимущество в снижении засоления.

Ключевые слова: методы орошения, засоление, солевой режим почвы, электропроводность, капельное орошение, ГИС, ионный анализ.

Annotation: In this study, the influence of various irrigation methods on the degree of soil salinity (salt regime) in field conditions was analyzed. In the alluvial soils of the Bukhara region, prone to salinization, traditional irrigation, sprinkler irrigation, and drip irrigation methods were used, and analysis of electrical conductivity (EC), pH, and basic ions (Cl-, Na+, SO) in different soil layers (0-30 cm, 30-60 cm, 60-90 cm) was conducted. Using GIS technologies, spatial analysis of the salinity level was carried out. The results showed that drip

irrigation is the most effective method and has great advantages in reducing salinity.

Keywords: irrigation methods, salinity, soil salt regime, electrical conductivity, drip irrigation, GIS, ion analysis.

Kirish. Sho’rlanish muammosi O’zbekistonning sug’oriladigan yerlarida keng tarqalgan bo’lib, bu holat qishloq xo’jalik mahsuldorligini keskin kamaytiradi. Statistik ma’lumotlarga ko’ra, mamlakatdagi 4,2 mln gektar sug’oriladigan yerlarning qariyb 50 foizi turli darajada sho’rlangan (Islomov, 2019). Sho’rlanish odatda noto’g’ri sug’orish usullari, tuproq tuzilmasining buzilishi, drenajning yetarli emasligi va yuqori grunt suvlari natijasida yuzaga keladi.

Sug’orish usuli tanlanishi esa tuzlarning joylashuvi, yuvilishi va vertikal/gorizontal migratsiyasiga bevosita ta’sir ko’rsatadi (Tursunov, 2020). Shu boisdan, turli sug’orish tizimlarining dala sharoitida tuz rejimiga ta’sirini ilmiy asosda baholash dolzarb hisoblanadi.

Metodlar. Tadqiqot Buxoro viloyatining Vobkent tumanidagi o’rtacha sho’rlangan allüvial-tuproqlarda joylashgan dala uchastkalarida olib borildi. Uchta sug’orish usuli bo’yicha alohida tajriba parselleri tashkil qilindi: - An’anaviy sug’orish (ariq orqali to’g’ridan-to’g’ri suv berish) - Yomg’irlatib sug’orish (mobil sprinkler tizimi) - Tomchilatib sug’orish (plastik quvur orqali suv yetkazish)

Har bir tajriba uchun 3 ta chuqurlik (0-30 sm, 30-60 sm, 60-90 sm) bo’yicha tuproq namunalari olib, quyidagi tahlillar bajarildi:

- Elektr o’tkazuvchanlik (EC): konduktometrik usulda (FAO, 1992)
- pH: pH-metr yordamida
- Ionlar (Cl^-, SO_4^{2-}, Na^+): titrlash va ionli xromatografiya usulida
- Tuz balansi: quyidagi formula asosida hisoblandi:

[Salt Balance = (I_{in} C_{in}) - (I_{out} C_{out})]

Bu yerda: - (I_{in}), (I_{out}): suv kirimi va chiqimi (m3) - (C_{in}), (C_{out}): suvdagi tuz konsentratsiyasi (mg/l)

Tahlillar GIS (ArcGIS 10.8) yordamida fazoviy tahlil qilindi. Tuproq namunalari Qishloq xo‘jalik va melioratsiya laboratoriyasida standart usullarda qayta ishlangan.

Natijalar. Tahlillar shuni ko’rsatdiki, sug’orish usuli tuproqdagi sho’rlanish darajasiga sezilarli ta’sir ko’rsatadi. Quyidagi jadvalda EC qiymatlari keltirilgan:

Sug’orish usuli	0–30 sm EC (dS/m)	30–60 sm EC	pH	Tuz balansi (kg/ha)
An’anaviy	4.2	3.8	8.1	+185
Yomg’irlatib	2.9	3.1	7.8	+85
Tomchilatib	1.4	2.0	7.5	−42

GIS interpolatsiyasi orqali sho’rlanish xaritasi tuzildi. Tomchilatib sug’orishda sho’rlanish sirtki qatlamlarda kamaygan, yomg’irlatib sug’orishda esa cho’kma tuzlar chuqur qatlamlarga siljigan. An’anaviy usulda esa yuqori sho’rlanish saqlanib qolgan.

Muhokama. Tadqiqot natijalari ilgari chop etilgan ishlar bilan uyg’unlikda: tomchilatib sug’orish tufayli ildiz zonasidan tuzlarning pastga siljishi ta’minlanadi (Kadirov va boshq., 2021). Bu usul nafaqat sho’rlanishni kamaytiradi, balki suv tejamkorligini ham oshiradi.

Yomg’irlatib sug’orish nisbatan samarali bo’lsa-da, suvning evaporatsiyasi tufayli tuzlarning qayta sirtga chiqishi mumkin. An’anaviy sug’orish sho’r suvning yuqoriga kapillyar ko’tarilishi tufayli eng yomon natijani berdi (FAO, 2000).

Xulosalar:

1. Turli sug’orish usullari tuproqdagi sho’rlanishga sezilarli ta’sir ko’rsatadi.
2. Tomchilatib sug’orish eng ekologik xavfsiz va samarali usul sifatida tavsiya etiladi.
3. Dala tuz rejimini boshqarish uchun GIS monitoringi va zamonaviy datchik tizimlaridan foydalanish zarur.
4. Sug’orish tizimlarini tanlashda agroekologik sharoit va yerning meliorativ holati inobatga olinishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Islomov N. (2019). O’zbekistonning sho’r yerlarida suv resurslaridan foydalanish strategiyalari. Toshkent: Fan.
2. Tursunov I. (2020). Tuproq sho’rlanishini boshqarishning zamonaviy yondashuvlari. *Qishloq xo’jaligi va melioratsiya*, 4(2), 25-29.
3. Kovda V.A. (1983). *Soil salinity and its control*. Leningrad: Gidrometeoizdat.
4. FAO. (1992). *Irrigation with saline water and salinity control*. FAO Irrigation and Drainage Paper No. 48.
5. FAO. (2000). *Manual on soil salinity assessment*. Rome: FAO.
6. Kadirov A., Mahmudov B. (2021). Sug’orish usullari va dala tuz rejimi o’zaro bog’liqligi. *Gidromelioratsiya va ekologiya*, 2(1), 32-36.

UO’T: 631.6

TURLI SUG‘ORISH USULLARINING TUPROQNING SUV-FIZIK XOSSALARI TA’SIRI

Yusupov Hamid Xasan o’g’li
doktorant
Sadiyev Farhod Fatulloyevich
t.f.f.d. (PhD) katta ilmiy xodim
ORCID ID: 0009-0007-8916-5088
Maxmadaliyev Ibroxim Muxamad o’g’li
doktorant

Annatatsiya: Ushbu maqolada Buxoro viloyatining o’tloqi alliyuvial tuproqlar sharoitida g’o’zaning Buxoro-10 navini yetishtirishda turli sug’orish usullarining tuproq suv-fizik xossalariga ta’siri bayon qilingan.

Kalit so’zlar: sug’orish tartibi, sug’orish, gidromodul, sug’orish tizimi, sug’orish tartibi, sug’orish texnikasi, sug’orish usuli.

Annotation: This article investigates the effects of various irrigation methods on the soil water-physical properties when cultivating the cotton variety Bukhara-10 under meadow-alluvial soil conditions in the Bukhara region. According to the research results, the appropriate choice of irrigation method significantly influences key soil indicators such as moisture capacity, water permeability, and soil structure. The article explores opportunities to improve yield and ensure efficient use of water resources by selecting the optimal irrigation method.

Key words: Alluvial soils, Bukhara-10 variety, Cotton, Yield, Moisture capacity, Irrigation methods, Soil water-physical properties, Soil structure changes, Soil water permeability.

Аннотация: В данной статье изучено влияние различных методов орошения на водно-физические свойства почвы при возделывании сорта хлопчатника Бухара-10 в условиях лугово-аллювиальных почв Бухарской области. Согласно результатам исследования, правильный выбор метода орошения оказывает значительное влияние на такие важные показатели, как влагоёмкость почвы, водопроницаемость и структура почвы. В статье рассмотрены возможности повышения урожайности и эффективного использования водных ресурсов за счёт выбора оптимального способа орошения.

Ключевые слова: Аллювиальные почвы, сорт Бухара-10, хлопчатник, урожайность, влагоёмкость, методы орошения, водно-физические свойства почвы, изменение структуры почвы, водопроницаемость почвы.

O’zbekiston Respuplikasi Orol dengizi xavzasida joylashgan bo’lip, uning asosiy suv manbasi Amudaryo va Sirdaryo daryolari, shuningdek, ichki daryo va soylar hamda yer osti suvlaridir. Ma’lumki, Respuplikamizda bir yilda o’rtacha 52 mlrd m^3 suv ishlatiladi, shundan 80 foiz trenschegaraviy daryolar hissasiga to’g’ri kelib, qo’shni davlatlar hududidagi muzliklar va qorlarning erishi hisobiga shakllangan. Respuplikamiz oladigan suvning 90 foiz qishloq xo’jaligi sohasiga foydalaniladi. Biroq so’ngi yillarda yaqqol sezilayotgan global iqlim o’zgarishi va antropogen ta’sirlar oqibatiga tog’liklardagi muzliklar maydonining kamayishi natijasida Markaziy Osiyoning asosiy suvlilik darajasining kamayishi kuzatilmoqda. Chuchuk va qishloq xo’jalig uchun yaroqli bo’lgan suv resuslari tanqisligi sharoitida Amudaryo va Sirdaryo havzasidagi davlatlar, shu jumladan, O’zbekiston ham aholi soning o’sishi va iqtisidiyotning jadal rivojlanishi sharoitida suvga bo’lgan talap ortip bormoqda. Bundan ko’rinadiki, bu sharoitda qishloq xo’jaligida suv resuslaridan samarali va tejamli foydalanish, ayniqsa, joriy etish masalaga dolzarbdir.

Suv resurslaridan maqsadli foydalanish hamda sohani yanada rivojlantirish maqsadida muxtaram prezidentimiz tomonidan ko’plab farmon va qarorlar qabul qilinmoqda. Jumladan O’zbekiston Respublikasi Perizidentining 2024-yil 5-yanvardagi “Quyi bo’g’inda suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora - tadbirlari to’g’risida” PQ-5 son qarori aytib o’tish joizdir.

Buxoro viloyatining o’tloqi-alliyuvial tuproqlar sharoitida turli sug’orish usullarida (egatlab, tomchilatib, tomchilatib+biosalvent, diskiret, diskiret+biosalvent) sug’orishni tuproqning suv-fizik xossalariga ta’sirlari o’rganildi.

Ilmiy tadqiqot ishlari Suv muammolari ilmiy tadqiqot institutining metodikasi asosida olib borildi.

1-jadval

Tajriba tizimi

№	Variantlar	O’rganilgan ekin turi va navi	Sug’orish oldi tuproq namligi CHDNS ga nisbatan %	Sug’orishda tuproqning nisbiy qatlami, sm
1.	Egatlab sug’orish	Buxoro-10	Faktik o’lchovlar	50-70-50
2.	Tomchilatib sug’orish		75-75-65	
			75-80-65	
3.	Tomchilatib sug’orish+biosolvent		75-75-65	
			75-80-65	
4	Diskiret sug’orish		75-75-65	

5	Diskiret sug’orish+biosolvent		75-80-65	

Tajribalarimiz 7 ta variantda, 3 ta takrorlanishda hamda g’o’zaning Buxoro-10 ta navida amalga oshirildi. Har bir takrorlanish 6 ta qator va 4 ta hisobiy qatordan iborat bo’ldi. Bita qaytariqning umumiy maydoni 6 x100 x 0,9=540 m^2 iborat bo’lgan bo’lsa. Bita variyantning umumiy maydoni 3x540=1620 m^2. Tajriba o’tkazilgan umumiy maydon 5x1620=8100 m^2.

Tajriba dalasi tuprog’ining meliorativ sharoitlarining g’o’zani o’sib rivojlanishi va yuqori hosil olishning asosiy mezoni hisoblanadi. Shu bois qishloq xo’jaligi ekinlari yetishtirishda ekinlarni tuproq meliorativ hamda unumdorligi ko’ra tanlab ekish va joylashtirish usullari muhim omil hisoblanadi. Bizning tajriba o’tkazilgan dala, Buxoro viloyat Kogon tumanida joylashgan bo’lib, gidromodul rayon bo’yicha M-II-A-v-V ga kiradi.

Qishloq xo’jaligi ekinlarining suv, havo, issiqlik, biologik jarayonlar hamda oziqlanish tartibi tuproqning agrofizik xususiyatlari bilan uzviy bog’liqdir. Olib borilgan izlanishlarimiz natijasida tuproqning agrofizik xususiyatlaridan, mexanik tarkibi, hajm massasi, g’ovakligi, dala nam sig’imi hamda tuproqning suv o’tkazuvchanligi aniqlandi.

Tuproqning mexanik tarkibi. Tajriba maydoni tuprog’ining mexanik tarkibi, suv-fizik va agrokimyoviy xossalarini aniqlash uchun 2024-yil aprel oyining boshidan boshlab tajriba maydonida tuproq ustida ilmiy tadqiqotlar olib borildi. Quyida tajriba maydoni tuprog’ining genetik tuzilishi birinchi tuproq kesmasi haqida keltirilgan. Ushbu tuproq kesmasi bo’yicha olingan natijalarining ko’rsatishicha, 0-235 sm qatlami to’liq o’tloqi-allyuvial tuproqlarga mos belgilardan tashkil topgan. Yer yuzasidan quyi qatlamlariga tushib brogan sari tuproq och tusli kulrangda, o’rta qumoq, quruq donador, unumdor, soz tuproq o’zgarib borganligi, haydalma qatlam ostidan boshlab agroirrigatsion yotqiziqlardan tashkil topgan, kulrang tuproqning zichlashib borganligi va namlikning oshib borganligi kuzatildi.

2-jadval

Tuproq qatlamining mexanik tarkibi, %

Qatlamlar	Fraksiyalar, mm							< 0,01 mm zarrachalar yigindisi % da	Mexanik tarkibi N.A.Kacheniskiy
	1-0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001		
0-32	1,16	14,44	27,28	26,53	7,92	10,28	12,39	30,59	O’rta qumoq

32-66	1,64	13,07	27,22	24,84	8,33	11,53	13,37	33,23	O’rta qumoq
66-108	1,55	12,09	26,35	25,22	9,11	12,02	13,66	34,79	O’rta qumoq
108-163	1,41	11,65	27,03	24,61	9,07	13,14	13,09	35,30	O’rta qumoq
163-211	1,12	11,01	28,05	25,08	9,32	12,19	13,25	34,76	O’rta qumoq
211-235	13,97	18,28	29,93	30,89	2,41	4,42	1,32	8,15	Yopishqoq qum

Tajriba olib borilgan yillar bo’yicha tuproqning suv-fizikaviy asosiy xossalaridan biri bu tajriba dalasi tuprog’ining hajmiy og’irligi, g’ovakligi hamda solishtirma massasi kabi ko’rsatkichlari aniqlash jarayonlari tajribaning eng asosiy natijalaridan biri sanaladi.

O’tkazilgan tajribaning asosiy natijalarining boshlanishi hamdir. Buxoro viloyati Kogon tumanidagi “Suvchilar maktabi” tajriba maydoni dalasi tuproqning hajmiy massasi aniqlandi, 2024-yilda olib borilgan tajribalarda umumiy fonda aniqlangan bo’lib, tuproqning 100 sm qatlami bo’yicha har 0-10 sm hisobida aniqlandi hamda quyidagicha xulosalar olindi, tuproqning o’rtacha 0-50 sm hisobiy qatlami 5 ga bo’linib o’rtacha olindi va 1.36 g/sm^3 ga teng ekanligi aniqlandi, shundan so’ng 0-70 sm hisobiy qatlam bo’yicha 1,37 g/sm^3 bo’lganligi olib borilgan tajribaning dastlabki ma’lumotlari sanaladi.

Vegetasiya davri boshlanishi ya’ni dalaga urug’ qadalib bo’lingandan so’ng, dalaning uchta nuqtasi bo’ylab shakli dioganal qilib tuproqdan analizlar olindi. O’simlik unib chiqishi, o’sishi va rivojlanishi davri davomida, qator oraliga ishlov berish, kultivatsiya qilish, sug’orishlardan keyin ariqlar ochish yoki bo’lmasa turli oziqlantirishlar o’tkazishi jarayoni va turli sug’orish tartiblari bo’yicha har bir variant bo’yicha alohida tuproqning hajmiy massasini aniqlash zarur hisoblanadi, demak xulosa shunday bo’ladiki, o’simlikning pishish fazasi yakunlanib, oxirgi davrida har bir variantlar kesimida aloxida tuproq namunalar olindi. Tajriba o’tkazilgan 2024-yil mavsum oxirida har bir variant bo’yicha 100 sm qatlam bo’yicha 10,20,30,40 va 50 sm hamda 70 sm bo’yicha o’rtacha hisob kitob qilindi va o’rtacha 0-50 sm hamda 0-70 sm hisobiy qatlam sug’orishlarga mos ravishda hisob kitoblar tahlil qilindi.

3-jadval

Tajriba dalasi tuproqning hajm massasiga ta’siri, g/sm^3 (2024-yil)

Tuproq qatlami, sm	Amal davri boshida	Vegetasiya davri oxirida						
		1	2	3	4	5	6	7
0-10	1,33	1,38	1,37	1,36	1,36	1,35	1,37	1,38
10-20	1,35	1,40	1,39	1,38	1,38	1,37	1,39	1,38
20-30	1,36	1,41	1,39	1,38	1,38	1,38	1,39	1,40
30-40	1,37	1,42	1,41	1,40	1,39	1,39	1,40	1,41
40-50	1,39	1,43	1,42	1,41	1,41	1,40	1,42	1,41

50-60	1,40	1,42	1,41	1,41	1,40	1,41	1,41	1,41
60-70	1,40	1,44	1,43	1,42	1,42	1,41	1,42	1,43
70-80	1,38	1,43	1,42	1,41	1,40	1,40	1,41	1,40
80-90	1,35	1,39	1,38	1,37	1,37	1,37	1,38	1,38
90-100	1,39	1,43	1,42	1,41	1,41	1,40	1,41	1,40
0-50	**1,36**	**1,41**	**1,40**	**1,39**	**1,38**	**1,38**	**1,39**	**1,40**
0-70	**1,37**	**1,42**	**1,40**	**1,39**	**1,39**	**1,39**	**1,40**	**1,40**

Xulosa qilib shuni aytish joyizki, Buxoro viloyati Kogon tumani o’tloqi-alliyuvial tuproqlar sharoitida g’o’zaning Buxoro-10 navini resurstejamkor sug’orosh texnologiyalar orqali sug’orishda, tuproqning suv-fizik xossalariga quyidagicha ta’sir ko’rsatdi. Tuproqning hajm massasi vegetasiya oxiriga borib eng yuqori zichlanish nazorat variant egatlab sug’orishda namoyon bo’ldi. Variantlar Ichida eng ijobiy ko’rsatgich 0-50 sm qatlamda 1,38 g/sm^3 ni tomchilatib+biosalvant variantda kuzatildi.

FOYDALANILGAN ADABIOTLAR:

1. O’zbekiston Respublikasi Perizidentining 2024-yil 5-yanvardagi “Quyi bo’g’inda suv resurslarini boshqarish tizimini takomillashtirish hamda suv resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirish chora – tadbirlari to’g’risida” PQ-5 son qaror.
2. Amu-Buxoro ITHB 2023-2024-yillardagi texnik hisoboti.
3. Internet ma’lumotlari.

UO‘T: 631.62

SHAFTOLI BOG‘INING SUV ISTE’MOLINI ANIQLASH USULLARI

To‘raev O‘ktam Ismoilovich
Termiz davlat muxandislik va agrotexnologiyalar universiteti
mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: Bugungi kunda global iqlim o‘zgarishi oqibatida davlatimizning xar bir nuqtasida o‘ziga xos suv yetishmovchiligi, ob-havoning tubdan o’zgarib ketish jarayonlari ko‘zatilmoqda. Mazkur maqolada intensiv ravishda etishtiriladigan shaftoli bog’larini, daraxtlarni parvarishlash, xususan, “Anjir” navli shaftolini etishtirishda uning suvga bo’lgan talabini aniqlash muhum masala xisoblanmoqda, shu orqali yuqori va sifatli, bozorbop va raqobatbardosh maxsulot olinishida kerak bo’ladigan turli xildagi resurslarni tejash, maqbul sug’orish tartibini ishlab chiqish jarayonlari keltirilgan. Intensiv bog’dagi shaftolini sug‘orish ishlarini olib borishda, tuproqning mexanik tarkibi, suv o’tkazuvchanlik, sug‘rish turlari, resurslarning tejalishi, suv istemolini aniqlash asosiy masala xisoblanmoqda. Olib borilayotgan tadiqiqotda muommolarni bartaraf qilish bo‘yicha tahlillar, ortiqcha resurslardan yo‘qotilishiga barxam berish asosiy vazifa qilib olingan.

Kalit so‘zlar: Intensiv bog’, shaftoli, suv istemoli, zamonaviy sug‘orish, iqlim o’zgarishi, resurs, tuproq, namligi, usul.

Аннотация: Сегодня, в связи с глобалным изменением климата, наблюдается уникалный дефицит воды и радикалные изменения погодных условий во всех частях нашей страны. В данной стате рассматривается потребност в воде интенсивно култивируемых персиковых садов и деревев, в частности, сорта персика «Анжир», как важная проблема, и представлены процессы экономии разлиchных ресурсов и разработки оптималных режимов орошения, необходимых для полуchения высококачественной, товарной и конкурентоспособной продукции. При проведении поливных работ на персиках в интенсивном саду основными вопросами являются механичеcкий состав почвы, водопроницаемост, виды орошения, ресурсосбережение и водопотребление. Основной задачей текущих исследований является анализ устранения проблем и исключение потери избыточных ресурсов.

Ключевые слова: Интенсивный сад, персик, водопотребление, современное орошение, изменение климата, ресурс, почва, влага, метод.

Abstract: Today, due to global climate change, there are unique water shortages and radical changes in weather conditions in every part of our country. This article considers the water requirements of intensively cultivated peach orchards and trees, in particular, the “Anjir” variety of peaches, as an important

issue, and presents the processes of saving various resources and developing optimal irrigation procedures necessary for obtaining high-quality, marketable and competitive products. When carrying out irrigation work on peaches in an intensive garden, the main issues are the mechanical composition of the soil, water permeability, types of irrigation, resource conservation, and water consumption. The main task of the ongoing research is to analyze the elimination of problems and eliminate the loss of excess resources.

Keywords: Intensive orchard, peach, water consumption, modern irrigation, climate change, resource, soil, moisture, method.

Kirish. Bilamizki ekinni sug‘orishda, sug‘orish tartibi, sug‘orish davriyligi, sug‘orish elementlari, texnika va texnologiyasiga ta’sir etuvchi omillari quyidagilardan iborat: yer maydonlarining iqlim sharoiti; tuproq va meliorativ sharoiti; geologik va gidrogeologik sharoiti; gidrologik sharoiti; iqtisodiy xo‘jalik sharoiti; ekinlari navlarining turlari va geografik joylashishi; g’o’zaning biologik xususiyatlari; bog’ni sug‘orish usuli va texnika - texnologiyasi; uzumni yetishtirishda ilg‘or agrotexnik tadbirlarini tadbiq qilish darajasi [2].

Bugungi kunda hududlarda global iqlim o‘zgarishi quyidagi salbiy oqibatlarga olib kelmoqda. Jumladan, harorat ko‘tarilishi natijasida suvning bug‘lanish koeffitsiyenti ortib borishi, hududlarda cheklangan suv resurslarning kamayishi, suv tanqisligiga ta’sirini ko‘rsatmoqda; ekologik taqchillik oqibatida yillar davomida umuman yog‘ingarchilik bo‘lmagan kunlar soni tobora ko‘paymoqda; qolaversa tuproqning namligi kamayishi hisobiga takroriy qurg‘oqchilik xavfi ortib bormoqda va hosildorlikdagi ko‘rsatkichlar dinamikasi pasayib bormoqda; kasbiy, orol dengiziga quyiladigan suv hajmining kamayishi, daryo deltasining cho‘lga aylanishi va qurigan dengiz tubida yangi cho‘l maydonlari paydo bo‘lishini tezlashtirmoqda; atmosfera havosi esa tubdan katta maydonlarda changlanish ortib bormoqda; isish va sovish kabi anomal hodisalarning o‘zgarishi kun sayin ortib qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va bog‘larni, mevalarning nobud bo‘lishiga sabab bo‘lmoqda [6].

Tadqiqot materiallari va uslubi. Yuqoridagi dolzarb vazifalardan kelib chiqib, dala tajribalarini o‘tkazish o‘slubiyatlari asosida tadqiqotlar amalga oshirilmoqda [3].

Potensial bug‘lanuvchanlikni tuproq-o‘simlik-atmosfera tizimidagi issiqlik va namlik almashinuvi dinamikasini xarakterlovchi tenglamalarni qo‘llashga asoslangan hisob usullardan foydalanib aniqlanadi. Hisob usullarining maqbul suv ta’minotida bug‘lanuvchanlik kabi majmuiy ko‘rsatkich bilan baholanadigan qishloq xo‘jalik dalasi va atmosferaning energetik resurslari o‘rtasida

chambarchas bog‘liqlik mavjudligi nazariy asosi bo‘lib xizmat qiladi. Ko‘p holatlarda jami suv iste’molini aniqlashda (evapotranspirasiya) asos sifatida sug‘orilayotgan maydonnning namlikni bug‘lantirishida o‘simliklar va iqlimning rolini hisobga oladigan koeffitsientlar loyihalashtirilgan bug‘lantiruvchanlik olinadi.

Tahlil va natijalar. intensiv bog‘larda yetishtirilayotgan shaftolini resurstejamkor sug‘orish texnologiyalaridan foydalangan holda sug‘orish ishlarini tashkil qilish va eng maqbul sug‘orish tartibini ishlab chiqishdan iboratdir. Shaftolini egatlab sug‘orishda ChDNSga nisbatan 70-75-65 % sug‘orish oldi tuproq namligida 2-4-1 tizimda jami 7 marta sug‘orilib, Shaftolini zamonaviy tomchilatib sug‘orish texnologiyasini ChDNSga nisbatan 70-75-65 % sug‘orish oldi tuproq namligida 3-7-2 tizimida jami 12 marta sug‘orilib, yaxshi nateja olindi. Intensiv bog‘dagi shaftoliga tomizgichli shlangdan tomayotgan tomchidonlarning suv sarfini 3.0 l/soat suv berilganda 2023 yilda 62,4 % ga, 2024 yilda esa 64,7 % ga, tomchidonlarning suv sarfini 3.5 l/soat suv berilganda 2023 yilda 52,4 %, 2024 yilda esa 53,2 % ga, tomchidonlarning suv sarfini 3.9 l/soat suv berilganda 43,6 % va 41,4 % sug‘orish suvlari tejalganligini, shuningdek, intensiv bog‘da qator oralariga o‘tkazilgan ishlovlar sonining 2,7 baravar kam xarajatlar bo‘lganligi hisobiga, Shu koeffitsientlarni hisobga olib, jami suv iste’moli (mm) quyidagi bog‘liqlikdan aniqlanadi [2].

Potensial bug‘lanuvchanlikni tuproq-o‘simlik-atmosfera tizimidagi issiqlik va namlik almashinuvi dinamikasini xarakterlovchi tenglamalarni qo‘llashga asoslangan hisob usullardan foydalanib aniqlanadi [4; 79 b].

Hisob usullarining maqbul suv ta’minotida bug‘lanuvchanlik kabi majmyiy ko‘rsatkich bilan baholanadigan qishloq xo‘jalik dalasi va atmosferaning energetik resurslari o‘rtasida chambarchas bog‘liqlik mavjudligi nazariy asosi bo‘lib xizmat qiladi [5; 78 b].

Ko‘p holatlarda jami suv iste’molini aniqlashda (evapotranspirasiya) asos sifatida sug‘orilayotgan maydonnning namlikni bug‘lantirishida o‘simliklar va iqlimning rolini hisobga oladigan koeffitsientlar loyihalashtirilgan bug‘lantiruvchanlik olinadi [2; 147 b].

Shu koeffitsientlarni hisobga olib, jami suv iste’moli (mm) quyidagi bog‘liqlikdan aniqlanadi:

$$ET = k_b k_0 ET_0 ; \quad (1)$$

bu yerda: k_b-o‘simliklar rolini tavsiflovchi biologik koeffitsient; k_0-mikroiqlim koeffitsient; ET_0-bug‘lanuvchanlik (potensial evapotraspirasiya), mm.

Bug‘lanuvchanlikni aniqlashning xorijiy usullaridan X.L.Penman, L.Tyurk, X.F.Bleyni va V.D.Kridlning hisob modellari keng tarqalgan.

O‘zbekistonda bug‘lanuvchanlik va suv iste’molini aniqlashning hisob modellaridan N.N.Ivanovning quyidagi ko‘rinishga ega bo‘lgan soddalashtirilgan formulasiga asoslangan A.M.Alpatev va S.M.Alpatevlar usuli keng tarqalgan [9; 84 b]:

$$ET_0 = k_{pr} \sum d_{\varphi} ; \quad (2)$$

bu yerda: ET_0-bug‘lanuvchanlik, mm; k_{pr}-bug‘lanuvchanlik va havo namligi taqchilligi o‘rtasidagi 0,61 ga teng bo‘lgan proporsionallik koeffitsienti; $\sum d_{\varphi}$-hisob davri uchun havo namligining taqchilligi yig‘indisi, mm.

So‘nggi 50 yil mobaynida butun dunyo olim va mutaxassislari tomonidan ET_0 (potensial evapotraspirasiya) turli iqlim parametrlari bo‘yicha ishlab chiqilgan. By usullar ko‘pincha maxalliy ahamiyatga ega bo‘lgan va dynyoning boshqa joylarida qo‘llanilgan. U yoki by usul sinovlarining boshqa sharoitlarda o‘tkazilishi sermehnat, uzoq davom etadigan ish bo‘lib, ET bo‘yicha ma’lymotlar operativ ravishda kerak.

FAO (Food and Agriculture Organization) quyidagi hisob usulining baholanishini o‘tkazdi: radiasion, Penman usuli, bug‘lantirgich bilan ishlash usuli, Penmanning aniqlashtirilgan usuli. Irrigasiya va suv iste’moli bo‘yicha o‘tkazilgan by baholash natijalari bo‘yicha FAO evapotranspirasiyani hisoblash uchun yagona standart usul sifatida Penman-Monteyn usulini tavsiya qildi [11; 81 b], [12; 45 b].

Tadqiqotchi olim X.L.Penman fikricha energetik balans nazariyasini massani ko‘chirish usuli bilan birlashtirdi va standart iqlim sharoitlari uchun ochiq suv yuzasidan bug‘lanishni hisoblash uchun tenglama ishlab chiqdi. By kombinatsion usul deb atalgan usul keyinchalik ko‘plab tadqiqotchilar tomonidan rivojlantirildi va qarshilik omillarini kiritish yo‘li bilan ekin ekilgan maydonlarda qo‘llaniladi.

$$ET_0 = \frac{0{,}408 \cdot \Delta(R_n - G) + \gamma \cdot T + 273 \cdot u_2 \cdot (e_s - e_a)}{\Delta + \gamma \cdot (1 + 0{,}34 \cdot u_2)} ; \quad (3)$$

by yerda: ET_0 -potensial ko‘tarilishdagi evapotranspirasiya (mm kyn^{-1}); R_n -ekinga beriladigan radiasiya netto nurlar [MDjm^{-2} kyn^{--1}]; G -tuproqdagi issiqlik oqimining zichlik ko‘rsatgich, [MDjm^{-2} kyn^{--1}]; T -ikki metr balandlikdagi xavoning o‘rtacha harorat ko‘rsatgichi [˚S]; u_2 -yer sathidan ikki metr balandlikda xarakatlanayotgan shamolning xarakat tezligi [m s^{-1}]; Δ -tuproqdan ko‘tarilayotgandagi to‘yingan bug‘ bosimining nishablik yo‘nalishi [kPa ˚S^{-1}]; γ -psixometrik o‘lchov asbobining doimiy qiymat [kPa ˚S^{-1}]; e_a -tepaga ko‘tarilayotgan bug‘ning haqiqiy bosimi [kPa]; e_s -to‘yingan bug‘ bosimi [kPa]; $e_s - e_a$ - to‘yingan bug‘ bosimining taqchilligi [kPa].

Rossiyaning markaziy qoratyproq yerlaridagi bog‘larda o‘tkazilgan tadqiqotlarida N.N.Dybenok, Ye.V.Yeryomin jami potensial bug‘lanishni N.N.Ivanovning havo harorati va namligini hisobga oluvchi formulasi bo‘yicha aniqlanadi:

$$E_0 = 0{,}0018 \cdot 0{,}8 \cdot (25 + t_1)^2 \cdot (100 - a_1); \quad (4)$$

by yerda: E -bug‘lanish, mm/ga; t -xavoning o‘rtacha harorati, °S; a -hisob davri uchun havoning nisbiy namligi,%.

Sug‘orish me’yorining m_1 hisobini A.N.Kostyakov formulasi bo‘yicha namlanish maydonini hisobga olgan holda o‘tkaziladi:

$$m_1 = 100 S h_p p (W_{HB} - \beta W_{HB}); \quad (5)$$

by yerda: S - namlanayotgan maydon, umumiy birligi; m^2

h_p - tuproqning hisobi qatlami, m;

p - tuproqning o‘rtacha xajm massasi, t/m^3;

W_{HB} -eng kam nam sig‘imi, quruq tuproq massasiga nisbatan % da;

β -tuproqning maqbul namligi quyi chegarasiga muvofiq bo‘lgan sug‘orish oldi namligi umumiy birlik koeffitsienti.

$$S = nw / S_{умуий}; \quad (6)$$

by yerda: $S_{умуий}$ - maydoni, m^2; n - maydondagi tomizgichlar soni; w -bitta tomizgich bilan namlanadigan maydon, m^2.

Shuningdek, aerasiya zonasiga namlikning sizot suvlaridan kirib kelishi ham hisobga olingan (mm), chunki tajriba uchastkasida ularning sathi 3 m gacha o‘zgaradi, bu yopiq drenaj ta’siri bilan shartlanadi [6; 53b]:

$$\uparrow q_1 = E \cdot e^{-m(h-h_0)} \quad (7)$$

by yerda: E - bug‘lanuvchanlik, mm;

m – 1,4 m^3/ga teng bo‘lgan koeffitsient; e - Neper soni; h, h_0 - sizot suvlarining amaldagi va kritik chuqurligi, m.

Tomchilatib sug‘orish tizimlari tomizgichlarining texnik xarakteristikalari: Tomchilatib sug‘orish tizimlari tomizgichlar turlari bo‘yicha farqlanadi. Ular bosimni so‘ndirishning labirintli va spiral kanalga ega bo‘lgan; po‘kakli sarf rostlovchiga ega; tarmoqda 0,05 dan 0,4 MPa gacha bo‘lgan doimiy bosim sarfini ta’minlovchi membranali kompensatorli bo‘ladi.

Nishabli yuqori bo‘lgan yerlarda qo‘llaniladigan membranali bosim kompensatoriga ega bo‘lgan tomizgichlar ko‘p tarqalgan. Po‘kakli tomizgichlarni asosan loyqa suvdan foydalanilganda qo‘llaniladi. Lokal mikro sug‘orishning sug‘orish quviri uzunligi bo‘yicha suv berishning bir tekis bo‘lishi ta’minlangan teshiklarga ega bo‘lgan maxsys osma idishlardagi doimiy bosim hisobiga erishiladigan mayda oqimli tizimi ishlab chiqilgan.

Suv chiqarish teshiklari suvni tozalashga bo‘lgan talabni kamaytirish imkoniyatiga ega bo‘lgan diametrga ega. Sug‘orish quvurlarining katta nishablik bo‘lgan joylashuvida xam barqaror ishlaydi.

Yengil tuproqlarda ta’sir etish radiysi 1...4 m bo‘lgan mayda dispersli sug‘orish uchun tayyorlangan mikronasadka purkagichlardan keng foydalaniladi.

Komplektlashni yaxshilash uchun tomchilatib sug‘orish tizimlari 9....12 ga modul maydonlariga bo‘linadi, ular birdan uch gektargacha bo‘lgan bir vaqtda sug‘oriladigan maydonlardan iborat. Suvni uchastkaga uzatish bilan boshqarish uchastka quvuri boshida o‘rnatilgan armatura yordamida masofali ravishda boshqariladi.

Suvni taqsimlash sxemasi uning boshqa qismlarini sug‘orishni to‘xtatmay turib tizimning alohida zararlangan uchastkalarini lokallash imkonini beradi. Buning uchun elektr simli surilma yopqich yoki elektr gidravlik klapanlardan foydalaniladi. Boshqaruv buyruqlarini berish va elektr gidravlik klapanlarni ta’minotga ulash uchun maxsys kabeldan foydalaniladi.

Tomchilatib sug‘orish tizimlarini avtomatik boshqarish dasturli qurilma yordamida amalga oshirildi, u ekinning agrotexnik ehtiyojlari va tuproq namligiga bog‘liq ravishda modul uchastkalarining sug‘orilishining berilgan ketma-ketligini ta’minlaydi.



1-rasm. **«Tomchidon-1» mikro suv chiqargichi**

(a) 1-korpys; 2-drossel; 3-shayba-prokladka; 4-qopqoq. (b)mikro suv chiqargichi va uning sarf-bosim xarakteristikasi



2-rasm. **«Tomchidon-2» mikro suv chiqargichi**

1-qopqoq; 2-korpys; 3-po‘kak; 4-igna; 5-chiqish teshigi; d-chiqish teshigi diametri,mm, (b) mikro suv chiqargichi va uning sarf-bosim xarakteristikasi.



3-rasm. **«Tomchidon-3» mikro suv chiqargichi(a)**

1-tutashtiruvchi shtuser; 2-bosim kameralari; 3-dozalovchi kanal; 4-membrana-prokladka; 5-suv chiqargich. (b):mikro suv chiqargichi va uning sarf-bosim xarakteristikasi



4-rasm. **«Tomchidon-4»-2 (a):1-yuqori qopqog‘i**

2, 5, 8-igna; 3-po‘kak-bosim so‘ndirgichi; 4-yuqori kamera korpysi; 6-quyi kamera korpysi; 7-po‘kak – sarf stabilizatori; 9-nippel va chiqish teshigi; d-nippel teshigi diametri, mm. (b)mikro suv chiqargichi va uning sarf-bosim harakteristikasi



5-rasm. **«Tomchidon-5» mikro suv chiqargich-tomizgich(a)**

1-korpys; 2-membrana; 3-qopqoq; 4-radial bo‘rtiq. b) mikro suv chiqargich-tomizgich va uning sarf-bosim xarakteristikasi

Bog‘ni tomchilatib sug‘orishda bog‘larning sug‘orish tartibi vegetasiya davrida suv iste’moli taqchilligini ta’minlash bo‘yicha belgilanadi.

Sug‘orish parametrlari tartibi quyidagilar:

- sug‘orish va sug‘orish me’yorlari;
- sug‘orish muddatlari va davomiyligi;
- sug‘orishlar soni.

Bog‘ning sug‘orish me’yori A.N.Kostyakov tavsiyasi bo‘yicha belgilanadi.

$$M = E_v - (W_H + O + \Gamma) + W_k \qquad (8)$$

by yerda: M - qishloq xo‘jaligi ekinlarining sug‘orish me’yorlari, m^3/ga;

E_v -qishloq xo‘jaligi ekinlarining jami suv iste’moli, m^3/ga;

W_H -ekin ekilgan vaqtda tuproqdagi suv zahirasi, m^3/ga;

O - vegetasiya davrida yoqqan yog‘inlar miqdori, m^3/ga;

$\pm\Gamma$ - hisob qatlamiga kirgan sizot suvlari miqdori, m^3/ga;

W_k -qishloq xo‘jaligi ekinlarini yig‘ish vaqtida tuproqdagi suv zahirasi, m^3/ga.

Sug‘orish suvi quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

$$M_0 = \sum m^o \qquad (9)$$

by yerda: m^o - tomchilatib sug‘orishda sug‘orish me’yori, m^3/ga.

Tomchilatib sug‘orishda bu me’yor yer ustidan egatlab sug‘orishdagiga nisbatan ancha kam. Bu koeffitsientlarni hisobga olib, jami suv iste’molini (mm) quyidagi bog‘liqlik bo‘yicha aniqlanadi:

$$ET = k_b k_0 ET_0 \qquad (10)$$

by yerda: k_b – o‘simliklar o‘rnini xarakterlovchi biologik koeffitsient;

k_0 – mikroiqlim koeffitsienti;

ET_0 – bug‘lanish (potensialnaya evatotraspirasiya), mm.

Yuqoridagi bajarilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalari tahlili shuni ko‘rsatadiki, tomchilatib sug‘orish usulini qo‘llagan holda o‘tkazilgan tadqiqotlar soni yetarli emas, asosiy tadqiqotlar oxirgi yillarda qo‘ng‘ir tuproqlarda o‘tkazilgan. Tadqiqotlarning ko‘p qismi turli sabzavot, poliz, makkajo‘xori, g‘o‘za ekinlarida tomchilatib sug‘orishdan foydalanishning differensiyalangan usulini qo‘llashning samarali ekanligini isbotlangan. Bizning mintaqada uzumzorlarida o‘tkazilgan ilmiy tadqiqot ishlari yetarli darajada olib borilmaganligi aniqlandi, xamda tomchilatib sug‘orish tizimining zamonaviy rivojlanishining tahlillari shuni ko‘rsatdiki, suv olish balandliklarning farqi ancha katta bo‘lgan va binobarin, quvurlar uzunligi bo‘yicha suv bosimining bir tekisda bo‘lmasligi ham katta tafovutga ega bo‘lmoqda. Sug‘orish maydonlarining egri-bugri relefli xamda sug‘orish maydonlarining uzunliklari bo‘yicha bir xil me’yorda bosimni ta’minlab berish borasida izlanishlar olib borish bugungi kunning dolzarb vazifasidir.

Maydon suv bilan to‘ldirilgandan so‘ng polietilen plyonka bilan uning ustidan tuproq bilan yopib qo‘yildi. Shundan so‘ng uchinchi kundan boshlab namlikni aniqlash uchun har 10 sm qatlamda sizot sathigacha 5 qaytariqdan tuproq namunalari olindi. Tuproq namunalari olish namlik doimiy miqdorga yetguncha davom ettirildi. Namlikning doimiy ko‘rsatgichi cheklangan dala nam sig‘imi deb qabul qilindi. Cheklangan dala nam sig‘imini aniqlash uchun tajribalar

boshlash vaqtida maydonchalardan namunalar olindi hamda namlik miqdori aniqlandi.

Tomchilatib sug‘orish tizimi o‘simlikning suvga bo‘lgan ehtiyojiga teng miqdordagi suvni g‘o‘zaning ildiz qatlamiga yetkazib berishga mo‘ljallangan sug‘orish tarmog‘i. Tomchilatib sug‘orishni boshqa sug‘orish usullaridan farqi shundaki, suv ekinning ehtiyojiga mos ravishda dala bo‘ylab bir tekisda beriladi. Dalaning ekin joylashgan joylari bir xilda namlanadi. Tomchilatib sug‘orishda ekin ildiz qatlam namligi bir xilda ushlab turiladi va ekin hamma energiyani o‘z hosilini yaratishga sarflaydi.

Xulosa. Intensiv bog‘lardagi shaftoli daraxtini yetishtirishda turli xil sug‘orish texnologiyalarini qo‘llanilishi bo‘yicha shunday xulosa qilish mumkinki, egatlab sug‘orilgan bog‘lardagi hosildorlik va hosilning pishish darajasi turlicha ko‘rinishda bo‘lib, ularning ta’sir doirasiga nisbatan tomchilatib sug‘orish texnologiyasi qo‘llanilgan variantlarda nafaqat suv balki turli hildagi resurslarning tejalishiga xam asos bo‘ldi desak bo‘ladi, yoqilg‘i moylash xarajatlari, (qul mexnati) ishchi kuchi harajatlarining ham sezilarli ravishda tejalishiga erishilib, navli shaftolidan yuqori va sifatli hosil yetishtirilishi evaziga iqtisodiy samaradorlikning oshishiga ham erishilganligini alohida ta’kidlash lozim. Jumladan, Intensiv bog‘lardagi shaftoliga tomizgichli shlangdan tomayotgan tomchidonlarning suv sarfini 3.0 l/soat suv berilganda 2023 yilda 62,4 %, 2024 yilda esa 64,7 %, tomchidonlarning suv sarfini 3.5 l/soat suv berilganda 2023 yilda 52,4 %, 2024 yilda esa 53,2 % ga, tomchidonlarning suv sarfini 3.9 l/soat suv berilganda 43,6 % va 41,4 % sug‘orish suvlari tejalganligini, shuningdek, intensiv bog‘da qator oralariga o‘tkazilgan ishlovlar sonining 2,3 baravar kam xarajatlar bo‘lganligi hisobiga YoMMlari 40-45%, sug‘orishlar avtomatlashtirilganligi va qator oralariga ishlovlar soni evaziga suvchilarga to‘lanadigan ish haqi va boshqa mehnat xarajatlari 25-30 % ga tejalishiga erishilganligini alohida ta’kidlash lozim. Intensiv bog‘dagi shaftolini yetishtirish jarayonida egatlab sug‘orish tizimi orqali sug‘orilganda berilgan barcha resurslarga nisbatan, o‘rtacha 65 % suvning iqtisod qilinishi, meniral ug‘itlar miqdorini 45-55 % ga kamaytirilgan holda sarflanishi, hosildorlik miqdori 35-45 % gacha oshganligi, yonilg‘i moylash mahsulotlarining miqdori 41-45 % gacha kam sarflanishga erishilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Butayarov A. T., Nazarov A. A. Scientific substantiation of technology of efficient use of water resources in irrigation of cotton //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – T. 401. – C. 05048.
2. Serikbaev B., Butayarov A. Operational responsibility and operational reliability of cotton drip irrigation systems //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing, 2020. – T. 883. – №. 1. – C. 012037.
3. Butayarov A. T. Improvement of water use in farms in the territory of" Amu-Surkhan" ITSB //AGROILM" magazine special. – №. 4. – C. 60.
4. Butayarov A. T. Amu–Surxon //ITXB hududidagi fermer xo ‘jaliklarida suvdan foydalanishni takomillashtirish.//“AGROILM” jurnali maxsus son. – T. 4. – №. 60. – C. 79-81.
5. Serikbaev B., Butayarov A. Operational responsibility and operational reliability of cotton drip irrigation systems //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing, 2020. – T. 883. – №. 1. – C. 012037.
6. Butayarov A. T. Amu-Surxon irrigatsiya tizim havza boshqarmasida suvdan foydalanish holati. Mejdunarodnaya konferensiya innovatsionnoe razvitie nauki i obrozovaniya. Noyabr 2020 g.«Sbornik nauchnыx trudov Pavlodar, Kazaxstan» Noyabr, 2020 g.
7. Butayarov A. T. Amu-Surxon" improves water usage on farms in the ITXB region. Special issue of" AGROILM" journal 4.(60). – 2019.
8. Butayarov A. T. et al. Technology of efficient use of water in irrigated agriculture. Republican scientific-practical conference on the topic" Environmental problems of rational use of water and land resources in irrigated farming" Volume I //Tashkent. November. – 2017. – C. 24-25.
9. Serikbaev B. et al. Water circulation is the main factor of water savii in dry years //Water resources of Central Asia and their use" materis of the International Scientific and Practical Conference dedicati to summing up the results of the UN Decade" Water for Life" Almat Kazakhstan book. – 2016. – T. 2. – C. 234-238.